



ХОРАЗМ  
МАЪНАВИЯТИ  
ДАРФАМАРУ

Солижон Ҳасанов

10-4  
K-34  
18/16

NAZORAT NUSXA

NAZORAT NUSXA

Ў-31 ББК 63.3(5У)+60.56. Ҳасанов Солижон. Хоразм маънавияти даргалари Ҳ.Бобоевнинг умумий таҳрири остида. Масъул муҳаррир: Ж.Ф.Йулдошев. - Т.: "Адолат", 2001. - 224 б.

Мазкур асар муаллифи тадқиқотини узи туғилиб усган буюк Хоразм маданияти ва мутафаккирларининг маънавият тарбиясидаги қарашларига бағишлаган. У жасорат билан археологик, этнографик, манбашунослик, ҳуқуқшунослик, тарих, фалсафий материалларни педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилиб, Хоразм мутафаккирларининг маърифий-тарбиявий ва дидактик қарашларини тадқиқ қилган. Шу уринда муаллиф узининг Ватан ва миллат олдидаги бурчини олий даражада бажарган. Бу муболагасиз, олим этиқодининг бутунлигидан нишонадир.

*Масъул муҳаррир:*

**Ж.Ф.ЙУЛДОШЕВ** –

Халқаро педагогика фанлари академияси академиги, педагогика фанлари доктори, профессор.

*Тақризчилар:*

**О.МУСУРМОНОВА** – педагогика фанлари доктори, профессор.


**Б.О.ҚОДИРОВ** –

Халқаро педагогика фанлари академияси академиги, педагогика фанлари доктори, профессор.

**С.Р.ҲАСАНОВ** – филология фанлари доктори, профессор.

х 2001 0504020000-004 \_ 2001  
( 04 ) - 2001

© "Адолат", 2001.



## СУЗБОШИ УРНИДА

Дарҳақиқат, ҳар бир халқнинг тарихи унинг маданияти, маънавий қудрати, инсониятга нима яратиб қолдирганини кўрсата билиш орқали намоён булади. Шу боис ҳам маънавият, мафкурага, тарихни урганишга булган эътиборнинг кучайиши — мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажagini яратишга қаратилган давлатимиз умумий сиёсатининг муҳим ва ажралмас қисми “Мустақиллик йиллари, - деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислоҳ Каримов, - уз утмишимизни, уз маданиятимизни ҳолисона билиш давридир. Бу - жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир”. Ҳақиқатан ҳам миллий истиқлол берган имконият туфайли биз қадимий утмишимизни, динимиз, она тилимиз, урф-одатларимиз ва тарихий анъаналаримизни аслидагидек, мафкуравий ақидаларсиз ҳолисона урганиш ва ёритиш бахтига муяссар бўлдик.

Таниқли олим Солижон Ҳасановнинг “Хоразм маънавияти даргалари” деб номланган асари Президентимизнинг юқоридаги даъватига жавоб тариқасида ҳаракатлардан бири сифатида майдонга келганлиги, ҳозирги куннинг жуда долзарб ва асосий мавзуларидан бирига бағишланганлиги ҳамда бу муаммони чуқур ва атрофлича тадқиқ қилиш борасидаги дастлабки йирик ишлардан булганлиги учун ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Шу билан бирга ушбу асар ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, истеъдодли олимнинг сермаҳсул ижоди ва кўп йиллик тинимсиз илмий изланишларининг ёрқин самарасидир.

Энг муҳими шундаки, олим уз асарини ёзишда ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган нодир қўлёзмаларни синчковлик билан урганиб, шунингдек, йирик кўзга кўринган хорижий шарқшунос олимлар ва таниқли қадимшунос, ҳуқуқшуносларнинг рус ва ўзбек тилларида ёзилган асарларидаги бой фактик материалларга таянган ҳолда исломгача булган даврда қадимги Хоразмда маърифий-тарбиявий қарашлар тараққиётини, Марказий Осиё Уйғониш даври (IX-XII ва XIV-XVI асрлар) да Хоразм мутафаккирларининг маърифий-тарбиявий қарашларини, XVII-XIX асрларда Хоразмда маърифий-

тарбиявий фикрлар тараққиётининг асосий муаммоларини, XIX аср охири XX аср бошларида Хоразм маърифат-парварларининг умумпедагогик ва дидактик қарашларини ҳолисона чуқур илмий таҳлил қилиб, умумий хулосалар чиқарган.

Айниқса, шу уринда китобнинг кириш қисмида шу пайтгача илмий адабиётларда илм-фаннинг бошлангич пойдеворини юнонлар яратган дейиш одат тусига кириб қолган фикрнинг нотўғри ва асоссиз эканлиги олим томонидан аниқ далиллар асосида инкор этилиб, зероки, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да келтирилган диний, дунёвий, фалсафий, табиий илмлар Юнонистонда илм-фаннинг ривожланишига туртки булганлигини қизиқарли маълумотлар орқали илмий-назарий жиҳатдан исботланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Мен қадимшунос-тарихчи эмасман, лекин китобнинг ҳар бир саҳифасини синчковлик билан ўқирканман, иш Хоразм заминидан етишиб чиққан ва бутун оламга довруғ таратган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Абдуллоҳ, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ, ал-Хоразмий, Умар ал-Чағминий, Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарий, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Бурҳонуддин Рабғузий, Ҳайдар Хоразмий, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммадниёз Нишотий, Роқим, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Комил Хоразмий, Суфи, Табибий, Аваз Утар ўғли, Фақирий, Чокар ва бошқа эҳтиром билан ёдга олинган буюк алломаларимизнинг ақл заковатига тан бераман. Шундай бахтдан қувониб, агар муғул босқинчилари булмаганида, Хоразмга ҳужум қилмаганида дунё уз цивилизацияси андозасини шу буюк давлатчилик бошқаруви, юксак маънавият ва маданият тараққиётига қараб белгилаб олган булармиди, деган хаёлларга бораман... Олимнинг мазкур асаридаги қадимий Хоразм давлатчилиги, маънавияти ва маданияти дунёга машҳур булган Юнонистон, Ҳиндистон, Хитой, Рим, Эрон, Миср цивилизацияси билан қарийб тенгқурдир, деган фикрларга тулик қушиламан. Акс ҳолда немис олими К.Броккельман “Дунё фани IX-XII асрлар Хоразм фани асосида уз ривож йулини топди”, деб ёзмаган

буларди. Ёки қадимшунос С.П.Толстов “Қадимги Хоразм маданиятини излаб” китобида “XII асрда Хоразм феодал тарқоқлик давридан чиқиб, Шарқнинг энг дастлабки қудратли монархияларидан бири - Хоразмшоҳлар империясига айланиши учун қулай шарт-шароит вужудга келди. Чингизхон галаларининг биринчи зарбасига учраган бу давлатнинг ҳар қанча тақдирласа арзийдиган хизмати шундаки, у ўз қони эвазига Оврупо цивилизациясини ҳалокатдан сақлаб қолди”, деб эътироф этиши бежиз эмас.

Муаллиф ана шундай эътирофларга сазовор булган қадим Хоразм заминида туғилиб ўсган забардаст олимлардан. Шу боис ҳам мазкур асар муаллифи тадқиқотни ўзи туғилиб ўсган буюк Хоразм маданияти ва маънавиятига бағишлаганлиги, шу вақтгача тулик ва атрофлича тадқиқ этилмай келинган Хоразм мутафаккирларининг маърифий-тарбиявий ва дидактик меросини халқимизга етказишининг ўзи ҳеч муболагасиз, олим эътиқодининг бутунлигидан, ватанпарварлиги ва фидойилигидан, ўзининг Ватан ва ўзбек миллати олдидаги фуқаролик бурчини шараф билан ўтаганлигидан нишонадир.

**Ҳалимбой БОБОЕВ,**  
**Халқаро педагогика фанлари академияси**  
**академиги, Ўзбекистон Республикаси фан**  
**арбоби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори,**  
**профессор**

## КИРИШ

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги ҳамда “Авесто”нинг 2700 йиллигига бағишлайман.**

**Муаллиф**

Ҳар қандай жамиятнинг равнақ топишида унда меҳнат қилаётган кишиларнинг маънавий маданияти, малакали миллий кадрлар етказиб берадиган таълим-тарбия тизимининг аҳволи муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси истиқлол ва порлоқ истиқбол сари босқичма-босқич дадил қадам ташлаб бораётган бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, уларни маданиятли ва сиёсий онгли шахс этиб тарбиялаш жуда ҳам муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Юртбошимиз И.Каримовнинг шахсан ташаббуси билан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида таълим-тарбиянинг истиқболлари, мактабларни миллийлаштириш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва маънавият тарбияси масалаларида кўплаб чора-тадбирлар курилди.

Табийки, жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун зарур бўлган маънавий-ахлоқий фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Зеро, маънавият тарбиясининг заминида Куръони карим, Ҳадиси шариф ва қомусий олимлар сифатида шуҳрат қозонган буюк мутафаккирларнинг маънавий мероси ётади.

Яқин вақтларгача, ҳатто ҳозиргача ҳам фанларнинг пойдеворини юнонлар яратган дейиш илмий адабиётларда одат тусига кирган. Аслида юнонлар яратган илм-фаннинг пойдеворини, инсоннинг ҳар жиҳатдан комил бўлиб етишишини таъминлашда маърифат етакчи ғоялардан бири эканлигини бизнинг аждодларимиз зардуштийларнинг диний “Авесто” китобида яратганлиги тарихан далилланган. Маърифат сўзи кишиларнинг онги, билими, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия маъноларини билдиради. Дарҳақиқат, энг қадимги давр ва урта аср Шарқ маърифий-тарбиявий фикр тараққиётида маърифат етакчи ғоялардан бири бўлиб, узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бунда, таъбир жоиз бўлса маърифат

гояси маънавий-руҳий жараён сифатида ислом дини ақидалари билан уйғунлашиб, инсонни маънавий-ахлоқий баркамолликка ундади.

Айниқса, шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълими стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори республикамиздаги таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга, таълим-тарбия тизимини анъанавий эски усулдан, яъни шахснинг тор ихтисослик вазифалари ва бурчларини бажаришга мўлжалланган мутахассис сифатида шаклланишини асосий мақсад қилиб қўйган андоза ва қолиплардан воз кечган ҳолда таълим билан тарбиявий ишларнинг қўшиб олиб борилишига, маънавий-маърифий қадриятларимиздан самарали фойдаланишга, ўқувчилар қобилиятларини ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган таълимни ривожлантиришга, юксак касб малакасига, миллий тафаккурга эга бўлган мутахассислар, тайёрлашга, Давлат таълим стандарти меъёрлари талабларига жавоб берадиган дастур, дарслик ва бошқа дидактик воситалар ярагишга қаратилгандир. Дарвоқе, Президентимиз И. Каримов “...буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва куникмалари даражасига чиқариш...” (22.5) га даъват этади.

Масаланинг бу тарзда қўйилишининг узи ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган узлуксиз таълим-тарбия тизимини ислоҳ этишнинг асосий вазифаларидан бўлиб, ёшларда инсоний сифатларни қарор топгиришда миллий маънавий заминга таянишни тақозо этмоқда. Республикамиз Президентининг 1997 йил 11 ноябрда чиқарган “Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони бундан роса минг йил

олдин узилган илм-маърифат риштасини бугунги илм-фан тараққиёти ёрдамида боғлашга қаратилгандир.

Фармонда Хоразмда “илм-фан соҳасидаги қадимги улуг миллий мерос асосларида юқори интеллектуал муҳитни яратишдаги бой анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш” (28.1) га доир вазифалар аниқ белгилаб берилган. Шу маънода Хоразмда қадимги илм-фан соҳасидаги бой меросни, яъни яқин вақтларгача “Араб фани” деб аталиб келинган фанларнинг асосларини яратган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Ибн Ироқ, Абу Бакр ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Умар ал-Чағминий, Умар аз-Замашарий, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Бурҳонуддин Рабғузий асарларида илгари сурилган инсонпарварлик ва маърифатпарварлик қарашлари инсонни маънавий-ахлоқий баркамолликка ундаган бўлса, XX аср бошларигача булган даврдаги Ҳайдар Хоразмий, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммаднийёз Нишотий, Роқим, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Комил Хоразмий, Суфи, Табибий, Аваз Утар угли, Фақирий, Чокар каби забардаст маърифат даргаларининг асарларида маърифий-тарбиявий ва дидактик қарашларидаги энг асосий масала — узида маънавий ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлантирган, маърифатли, ирфоний ва дунёвий билимларни мукамал эгаллаган, ақлан етук ва пок, жисмонан соғлом баркамол инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Шунга кўра мутафаккирлар уз таълимотларида баркамол инсонни шаклантириш мезони сифатида: ақлий ва маънавий-ахлоқий ҳолда жисмоний етуклик гояларини илгари сурганлар.

Туғри, собиқ шўро тарбияшунослигида ҳам шахсни ҳар томонлама гармоник ривожлантириш тарбиянинг асосий мақсади саналган. Аммо инсонни камолга етказишда ҳар бир шахсга ўзига хос муносабатда бўлиш таълим-тарбиянинг асосий тамойилларидан бўлса ҳам, аслида шахсни шаклантиришда:

- барчага бир хил умумий муносабат, бир хил талаб, таълим ва тарбияда умумий усул ва услубларни қўллаш;

- хулқ-одоб қоидаларининг миллий қадриятларга ва бой педагогик меросимизга асосланмаганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, узбек халқининг миллий хусусиятлари, узига хос бой таълим-тарбия анъаналарининг ҳисобга олинмаслиги салбий оқибатларга олиб келди.

Ҳозир жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар даврида, миллий қадриятларимиз тикланаётган шароитда мутафаккирларимизнинг маърифий-тарбиявий меросини урганиш энг долзарб муаммо сифатида қаралмоқда. Зеро, масаланинг бу тарзда, қўйилишининг узи ёшларни бой маънавий-ахлоқий меросимиз, таълим-тарбия анъаналаримизга ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган узлуксиз таълим-тарбия тизимини ислоҳ этишнинг асосий вазифаларидан булиб, ёшларда инсоний сифатларни қарор топтиришда миллий маънавий заминга таянишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Хоразм мутафаккирларининг илмий мероси сунгги икки аср давомида кўп тадқиқотчиларнинг эътиборини узига жалб қилиб келди ва уни тадқиқ этиш билан В.Альхайм, Ж.Бернал, Р.Браун, Э.Видеман, В.Хинц, А.Вамбери, Э.Захау, Т.Рейкс, Э.С.Кеннеди, В.Альвардит, К.Брокальман, Х.Гибб, Б.Флотен, В.Мюллер, Э.Зайдел, Г.Формер, М.Унвела, Ф.Хомер, Г.Сартон, Муҳаммад Маҳди ал-Басирий, Қурд Али Муҳаммад, Ханна ал-Фахурий, Мустафо ал-Жуваний, Хужа Исҳоқ Афанди, Фозил Солиҳ ас-Сомарий, Муртазо ал-Шерозий, Ҳинд Хусайн Тоҳа каби кўпгина хорижий олимлар шуғулландилар. Шунини айтиш жоизки, бу хорижлик олимларнинг кўпчилиги уз илмий тадқиқотларида айрим хоразмлик мутафаккирларнинг табиий-илмий, адабий-фалсафий қарашларини таҳлил этиш асосида уша буюк ватандошларимиз яратган маънавий мерос, хусусан, шахс камолотига доир беқиёс таълимотлар инсон маънавий ва тафаккур дунёсини бойитишда, инсоният онгини, маданий-маърифий қарашларини устиришда уз даврида ва кейинчалик ҳам муҳим аҳамият касб этганлигини курсатишга, ё булмаса у ёки бу мутафаккирнинг дунёқарашини, табиий-илмий ва фалсафий-ахлоқий таълимотларини бир тизимга солишга уринишади. Айтиш мумкинки, бу илмий тадқиқотлар биз тадқиқ этаётган муаммоларни урганиш нуқтаи назаридан катта илмий-назарий аҳамиятга эгадир.

Биз мазкур тадқиқотлардан ташқари жуда кўп табиий-илмий, умумфалсафий, тарихий-адабий, умумпедагогик ва дидактик манбалар билан танишиб чиқдикки, буларсиз ушбу тадқиқотимизни яратиш қийин булур эди. Тарихий-адабий, табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий, умумпедагогик йўналишдаги тадқиқотлардан, энг аввало, С.П.Толстов, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, И.С.Брагинский, Б.Ф.Гофуров, А.Ю.Якубовский, Я.Г.Гуломов, Н.И.Конрад, И.М.Муминов, С.Н.Григорян, Ш.Ф.Мамедов, А.М.Баҳоудинов, М.М.Хайруллаев, М.Н.Болтаев, А.К.Закуев, Н.М.Маллаев, А.О.Маковальский, В.Абдуллаев, С.Долимов, З.М.Буниятов, И.Жабборов, А.П.Қаюмов, Х.Сулаймднов, Ф.Сулаймонова, У.Каримов, А.Х.Саидов, Х.Бобоев, Ҳ.Ҳасанов, Й.Жумабоев, А.Шарипов, У.Уватов, Г.П.Матвиевская, В.Зоҳидов, И.О.Обидов, Ш.Каримов, Ю.Юсупов, С.Раҳимов, С.Ражабов, Э.Туракулов, З.Нуриддинова, Р.Баҳодиров, А.Абдуллаев, Г.М.Билялов, Б.Романова, У.Олеуов, Ҳ.Ҳамидов, Н.Қобулов, Сафо Очил, С.Нишонова, О.Мусурмонова, М.Сафарбоев, А.Зуннунов, Ҳ.Тиллашев, Р.Ҳасанов, К.Ҳошимов, Ж.Ҳасанбоев, О.Ҳасанбоева, А.Мунавваров, Ф.Ш.Расулова, Ж.Раҳимов, М.Солаева ва бошқа олимларнинг асарлари ҳақида алоҳида гапириб ўтиш зарурки, бу олимларнинг асарларида Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Умар Чағминий, Умар аз-Замахшарий, Исмоил Журжоний, Паҳлавон Маҳмуд, Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Оғаҳий, Баёний, Аваз Утар ўғли ва бошқа хоразмлик мутафаккирларнинг табиий-илмий, тарихий-адабий, ижтимоий-фалсафий, умумпедагогик ва умумдидактик қарашларига хос баъзи муаммоларни илмий-назарий ва оммабоп тарзда ёритишга улкан ҳисса қўшдилар.

Юқоридаги тадқиқотларнинг муҳимлигини эътироф этиш билан бирга шунини алоҳида қайд қилиш керакки, муаллифларнинг бирортаси ҳам ўз олдларига Хоразм мутафаккирларининг маърифий-тарбиявий ва умумдидактик қарашларини яхлит ва чуқур умумлаштириш вазифасини қўймайдилар. Бунинг устига ушбу асарларда Хоразм мутафаккирларининг таълим-тарбия тўғрисидаги қарашлари тарих, фалсафа, адабиёт, педагогика фанлари негизида умумий тарзда қараб чиқилади, ҳолос.

Шунга кура, китобда тарихий, ҳуқуқшунослик, фалсафий, адабиётшунослик, педагогикага доир адабиётларга таянган ҳолда Хоразмда маърифий-тарбиявий фикрлар шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий асослари, Хоразмнинг энг қадимги ёзма ёдгорликларидаги баркамол шахсни тарбиялаш гоялари, Хоразм мутафаккирларининг таълим-тарбияга доир қарашларида халқ педагогикаси анъаналарининг акс этиши шу билан бирга Хоразм мутафаккирларининг маърифий-тарбиявий ва умумдидактик қарашлари таҳлил этилган.

Ушбу китобнинг юзага келишида фойдали маслаҳатлари ва тақризлари билан қўлланманинг такомиллашувига кумаклашган Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиклари А.Рустамов, А.Валиев, Э.Юсупов, А.Қаюмов, М.Қушжонов, А.Саъдуллаев, Тожикистонда хизмат курсатган фан арбоби, академик И.Обидов, Ўзбекистон Республикаси халқ академиги, ёзувчи А.Иброҳимовга, педагогика фанлари докторлари Ж.Йулдошев, А.Зуннунов, М.Очилов, О.Мусурмонова, Н.Ғайбуллаев, Э.Турдиқулов, Д.Шодиев, Б.О.Қодиров, К.Зарипов, М.Х.Тухтахужаева, С.К.Аннамуратова, Х.Тиллашев, К.Иброҳимов, М.Қуръонов, Т.Усмонхужаев, У.Алеуов, Ж.Ҳасанбоев, Сафо Очил, С.Матчонов, Ю.Маҳмудов, филология фанлари докторлари Н.Комилов С.Ҳасанов, К.Назаров, Н.Т.Шодиев, Б.Норбоев, Қ.Йулдошев, З.Дусимов, Ҳ.Қудратиллаев, Ҳ.Ҳомидов, М.Имомназаров, фалсафа фанлари докторлари М.Холматова, З.Ғафуров, И.Жабборов, А.Қодиров, психология фанлари докторлари З.Ғайнутдинов, Ғ.Шоумаров, Ш.Р.Баротов, иқтисод фанлари докторлари Т.Резметов, Н.Хужаев, ҳуқуқшунослик фанлари докторлари А.Саидов, Ҳ.Бобоев, З.Исломов, Ж.Холмуминов, А.Тулаганов, М.Усмонов, тарих фанлари доктори А.Чориев, ҳуқуқшунослик фанлари номзодлари Э.Эгамбердиев, У.Бозоров, С.Т.Аҳмедова, И.Собиров, Я.Олламов, педагогика фанлари номзодлари З.Баубекова, В.Алимасов, М.Жуманиёзов, Б.Р.Азизов, Ж.Раҳимов, Ф.Расулова, М.Солаева, филология фандари номзодлари К.Рафиқов, У.Долимов, Г.Эшжонова, И.Диванова, тарих фанлари номзодлари Н.Норқулов, профессор Шоди Каримов ва бошқа уртоқларга уз самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

## **1 БОБ. ИСЛОМГАЧА БУЛГАН ДАВРДАГИ ХОРАЗМДА МАЪРИФИЙ-ТАРБИЯВИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ**

### **1-§. Қадим Хоразмда маърифий-тарбиявий фикрлар шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий иқтисодий ва маънавий-маърифий асослари**

Қадимги Хоразм ҳудудида яшаган халқларнинг таълим-тарбия ҳақидаги ёдгорликлари бизгача бевосита тулиқ етиб келмаган. Шу боис энг қадимги даврлардан VIII асргача яъни ислом дини ёйилгунча булган даврдаги Хоразмда маърифий-тарбиявий фикрлар шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий асослари қандай манбалар асосида урганилади, деган савол туғилиши табиийдир. Бу саволга жавоб сифатида шуни таъкидлаш жоизки, энг қадимги Хоразм ҳудудида яшаган қабила ва элатларнинг таълим-тарбия ҳақидаги мероси асосан учта: халқ оғзаки ижоди материаллари, археологик қазилмалар натижасида топилган моддий ашёлар ва турли хил ёзма манбалар асосида урганилади.

Маълумки, эрамиздан аввалги биринчи мингйилликда қадимги Хоразм ҳудудида хоразмийлар, дербиклар. Сугдиёнлар, осийлар, тохарлар, дахлар, парфянлар, бахтарлар, амюргия саклари, массагетлар азалдан бир қабила ва элатлар булиб яшаганлар ва ўзига хос маданий анъаналар таркиб топа борган. Қадимги Хоразм ҳудудида яшаган халқларнинг маънавий маданияти ва таълим-тарбияга оид бой мероси ҳақидаги дастлабки маълумотлар халқ оғзаки ижоди намуналари - афсоналар, қаҳрамонлик эпослари, қушиқлар, мақол, топишмоқ, эртак ва дostonлар; Эрон аҳамонийларининг подшоҳи Доро I нинг Карманшоҳдан Ҳамадонга кетадиган йул ёқасидаги Бихистун тоғи қоясига биттирган ёзуви, зардушгийлик динининг "Авесто" китобининг "Яшт" китобини учинчи ва "Вандидод" нинг биринчи боби; қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг "Тарих", Страбоннинг "География" асарлари орқали бизгача етиб келган. Шунингдек, таниқли хоразмшунос олим С.П.Толстовнинг Амударёнинг қуйи ҳавзаси ҳудудларида энг қадимги даврларда яшаган қабилаларнинг ҳаёти, ҳужалик машғулотлари ва турмуш тарзи,

узига хос моддий ва маънавий маданият учоқларига бағишланган Калтаминор маданияти, Тозабог маданияти, Амиробод ёдгорликлари (191, 48) қадимги хоразмликлар ҳам узларининг куп асрлик мураккаб тарихи мобайнида ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маданий ривожланишнинг узига хос босқичларини босиб утганлиги ҳақида тула тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Тадқиқотлар шуни курсатадики, Жонбосқалъа яқинидаги қадимги Калтаминор манзилгоҳида милоддан аввалги 3 мингйилликнинг охири ва 2 мингйилликнинг бошларида қурилган (ертула шаклидаги кулбада) чайлада 100-120 кишилиқ уруғ жамоаси яшаган. Бу уйда яшовчилар бир неча жуфт оилага бўлинганлар. Уруғчилик жамиятида ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиб бориши билан жамоа аъзолари тирикчилик учун зарур воситаларни ўтқир тош қуролларни ясашга киришганлар, узларига доимий яшаш учун лойдан, гуваладан уйлар қуриб олганлар, тошларга расмлар солганлар, тош, суякларга ҳайвонлар, балиқлар ва одамларнинг қиёфаларини уйиб ишлаганлар. Тош ва суяқдан ясалган ҳайкалчаларда уруғ жамоасининг таркиб топишига асос солган она уруғи-матриархат уруғчилик жамоаси тартибларига эътиқод қилинганлиги тасвирланади.

Матриархат уруғчилик жамоаси босқичида якка эр-хотин бўлиб яшаш, яъни моногам оила вужудга келди. Энг муҳими, бу даврда жамиятдаги муносабатлар қон-қариндошликка асослансада, қариндош - уруғлар бир - бирларига уйланиш таъқиқланган, яъни экзогамия пайдо бўлган. Бу эса одамларнинг биологик жиҳатдан такомиллашиб бориш жараёнини ва инсон онгининг шаклланиб боришини таъминлаган.

Матриархат уруғчилик жамоаси даврида аёллар етакчи мавқега эга бўлса-да, эркаклар овдан олиб келган ов ўлжасини тежаб-тергаб сарфлаш, озиқ-овқатларни сақлаш, овқат тайёрлаш, оилани зарур ёқилги билан таъминлаш, болани боқиш ва тарбиялаш ишлари билан машғул бўлганлар.

Шу нарса диққатга сазоворки, бу даврда даставвал янги туғилган болани онаси, кейинроқ эса шу жамоадаги кексайиб қолган кишилар боқардилар ва ўстирардилар. Бола тегишли биологик ёшга тулиб, баъзи бир ижтимоий тажриба, меҳнат қилишни урганиб, ҳаётий билим ва малакаларни эгаллагандан

кейин ҳаёт ва меҳнатда тула иштирок этувчилар қаторига киритилар эди. Болани ҳаёт ва меҳнатда тула иштирок этувчилар гуруҳига утказиш чоғида “бағишлов” диний удуми бажариларди. Бу удумни бажариш чоғида ёшларнинг турмуш қийинчиликларига қанчалик тайёрланганликлари: азоб - уқубатларга бардош бера олишлари, ботирлик ва чидамлилик кўрсата билишлари синаб кўрилар эди. Демак, шу зайдда болалар ва усмирлар меҳнат жараёни ҳамда катталар билан кундалик алоқалар мобайнида турмуш учун зарур кўникмалар, малакаларни узлаштириб оладилар, урф-одатлар билан танишадилар, жамоа ҳаётида ҳар доим булиб турадиган расм - русумларни бажаришга урганадилар.

Ўғил болалар катта ёшдаги эркаклар билан овға кетиш олдидан ва қайтганда “Чағалоқ уйини”, “Зимлик уйини”, “Чорлоқ уйини”, “Дев уйини”, “Юмронқозик уйини”, “Айиқ уйини”, “Пишак уйини” каби кўшиқ ва овчиллик уйинларини ижро этганлар. Бу уйинлар, рақслар, ашула ва кўшиқлар болаларнинг хулқини, хатти-ҳаракатларини, характернинг муайян белгиларини тарбиялашда жуда катта роль уйнади.

Матриархат тараққиётининг охириги босқичларида ёш авлоднинг яшаш ва тарбияланиши учун ўғил болаларга алоҳида, қиз болалар учун алоҳида-биринчи тарбия муассасалари, яъни **ёшлар уйлари** пайдо бўлди. **Ёшлар уйларида** болалар уруғ оқсоқолларининг мураббийлари ва раҳнамолигида яшашга ўргатилар, меҳнатда тула иштирок этувчилар гуруҳида утказиладиган синовларга тайёрланар эдилар. Қизлар эса оилада аёллар раҳбарлигида экин экиб, ҳосил йиғиштириб олиш, овқат қилиш, идиш ясаш, кийим кечаклар тикиш, тўқиш ва бошқа ишларни ҳам бажаришга ўргатилар эдилар.

Хусусий мулк, қуллик ва якка эр-хотин булиб яшайдиган (моногам) оиланинг пайдо бўлиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар заминида катта оилали жамоаларда эркакларнинг мавқеи оша борган сари матриархат емирилиб, ота ҳуқуқи патриархат қарор топди. Бу даврда оила энг муҳим ижтимоий ҳодисаларнинг бири булиб қолди ва мустақил ҳужалик юрита бошлади, болаларни тарбиялаш оила ихтиёрига ўтди. Лекин, юқорида эслатиб утилган илк тарбия муассасаси “Ёшлар уйи” фаолияти ҳам давом этаверди.

Патриархал уруғчилик жамоаси босқичларида ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиб, одамларнинг меҳнат тарбияси кенгайиб борганлиги сабабли тарбия тизими ҳам мураккаблашди. Болаларга ҳайвонларни боқиш, деҳқончилик қилиш, касб-хунар ургатиладиган бўлди. Бирмунча ташкилий равишда тарбия қилиш зарурияти туғилиши билан уруғчилик жамоаси ёш авлодни уруғ бошлиғи оқсоқолга ёки махсус тайинлаб қўйилган тажрибалироқ муътабар кишиларга, хусусан, коҳинларнинг қўлига топшириб қўядиган бўлди. Улар болаларга меҳнат кўникмаларини ургатиш билан бир қаторда, пайдо бўлаётган урф-одатларни бажариш қоидалари билан болаларни таништирар эдилар.

Уруғчилик жамоасининг ривожланиб бориши натижасида ҳарбий-жанговарлик ва ватанпарварлик тарбиясининг бошланғич турлари пайдо бўлди: болалар ўқ-ёй отишни, қилич ва найзадан фойдаланишни, отда юришни, сувда сузиш каби-ларни урганадаган бўлиб қолдилар. Одамлар ҳаёти ва меҳнатда иштирок этиш ёшларига қараб гуруҳларга ажратиладиган бўлди, уруғ жамоаси оқсоқоллари, яъни “вис”лар ва махсус тайинлаб қўйилган коҳинлар раҳбарлигида вояга етган йигит ва қизларни уруғ жамоасининг тўла ҳуқуқли аъзолари қаторига қўшиш учун тантанали синовлар ўтказиш дастури анча мураккаблашди. Бу даврда болалар жамоа мактабларида дастлаб бошланғич билимларни ўқиб олишга, пиктографик хат (тасвирий ёзув)нинг пайдо бўлиши билан эса ёзувга ургатила бошлаган.

Куринадики, ёш авлодни тарбиялаш уруғ-жамоаси оқсоқоли ва алоҳида тайинлаб қўйилган коҳинларга топширилганлиги, тарбия мазмуни ҳамда синовлар дастури кенгайганлиги ва мураккаблашганлиги мана шуларнинг ҳаммаси жамоа уруғчилик тузуми шароитида таълим-тарбия иши ижтимоий фаолиятининг алоҳида шаклига айлана бошланганлигидан далолат беради.

Зардуштийлик дини қадимги Хоразм заминидаги халқларнинг диний ва дуневий мафкураси бўлиб, одамлар ҳаётининг маънавий асосига айлана борди. Коҳинлар, ҳокимлар, оқсоқоллар ва бошқа муътабар шахслар узларининг мураббийлик фаолиятида болаларни жисмоний меҳнат талаб қиладиган ишларга ургатишни ақлий билим беришдан

ажратиб қуйишга ҳаракат қилдилар. Жамиятдаги бу ҳукмрон шахслар жамоа мактаблари ва ибодатхоналар ҳузуридаги мактаблардаги болаларга бериладиган майдонларнинг сатҳини улчаш дарёларда сув тошқинларининг олдини олиш, одамларни даволаш усулларига оид бошланғич билимларни қулларига олдилар ва уз имтиёзларига айлантирдилар. Масалан, Қуйқирилган қалъадан топилган милоддан аввалги III асрга оид ноёб топилмалар ва ёзув намуналари ҳамда сопол ёки мум тахтачаларига ёзадиган ўткир суяк қалам қадимги хоразмликларнинг уз ёзуви ва ёзадиган узига хос қаламига эга булганликларидан далолат беради. Археологик маълумотларга кўра милоддан аввалги 3,4-асрларда пайдо булган Хоразм ёзуви 20та ҳарфдан иборат булган бу таълим-тарбиянинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади(191,17).

Қуйқирилган қалъа марказида осмон жисмларини кузатувчи расадхона булиб, бу расадхона ҳузурида эса зодагонларнинг болалари учун алоҳида мунажжимлик мактаби булган. Тадқиқотчилардан М.Воробьева, М.Рожанская, И.Веселовскаяларнинг аниқлашича, Қуйқирилган қалъадаги олти - етти метрли деворлар орасидан кукка қараб қия қурилган деразалар бинонинг биринчи қавагидан туриб осмон гумбазининг фақат маълум йуналишдаги ёритқичларни кузатишга имкон яратишини аниқладилар. Тадқиқотчилар бинони қурган кишилар расадхона сифатида фойдаланишни мулжаллаганлар, деб тахмин қиладилар.

Масалан, қалъанинг асосий ўқи ғарб йуналишидан шарқда 21° шимолга, ғарбда шунча жанубга бурилган булиб, уқда жойлашган деразалар қуёшни унинг оғиш бурчаги муайян бир катталиқка эга булган кунларда кузатишга имкон беради. Қуйқирилган қалъани тадқиқ этиш натижасида у ерда фақат қуёш эмас, балки бошқа самовий жисмлар ҳам кузатилгани аниқланди. Қалъа харобаларидан сопол гардиш ва ораси йўниланган халқаларнинг парчалари топилган. Бу гардиш халқалар орасига урнатилган булиб, меридианда ёритқичнинг баландлик улчов асбоб ташқи қурилиши, ишлаши жиҳатидан Берунийнинг “Қонуни Масъудий” китобида таърифланган сопол астролябияга ўхшаб кетади(89, 35). Демак, Қуйқирилган қалъа марказида расадхонанинг ва бу ерда мунажжимлик мактабининг булиши ва шу даврдаёқ қадимги хоразмликлар

узларининг фалакиётга оид билимлари асосида дастлабки календарнамо тақвимини тузганликлари, Хоразмда илм - фан ва педагогик тафаккур қадимий илдишларга эга эканлиги фикримизнинг ёрқин далили була олади. Шунингдек, Қуйқирилганқалъа ва Марвдаги Гаур қалъаси харобаларидан топилган сопол идишлардаги: “Сабр - шодлик калитидир”, “Айтадиларки, барака манбаи илмдир”, “Таълим олишнинг ниҳояси шириндир”, “Олийҳимматлик калити илмдир” каби ҳикматлар ҳам ўз навбатида қадимги Хоразм ҳудудида яшаган халқларнинг маърифий - педагогик қарашларини урганиш ва уларда илгари сурилган илгор ғоялар, умуминсоний аҳамиятта эга бўлган қадриятларни билиб олишда илк манбалар бўлиб хизмат қилади.

Шуро тарихчилари Хоразмнинг дастлабки пойтахти Тупроққалъа, дейишади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Австралия - Қорақалпоғистон халқаро археологик экспедиция аъзолари профессор В.Н.Ягоден, Сидней университети профессорлари Алесон Бетте ва Свенд Хелмслар ҳамкорликда олиб борган илмий тадқиқотлар натижаси Тупроққалъа шохларнинг дам олиш қароргоҳи бўлганлигини курсатди. Эрамининг III-IV асрларида бунёд этилган Тупроққалъадан топилган тери ва тахтачаларга Хоразм ёзувида битилган юздан ортиқ моддий ашёлар қадимги аجدодларимиз жаҳон маданияти, санъати хазинасини ва педагогик тафаккурини бойитишга салмоқли ҳисса қўшганлигидан далолат беради.

Хуллас, Тупроққалъа биноларининг пухта, тартибли қурилганлиги, унинг деворларидаги турли хил тасвирий суратлар, сарой залларига қўйилган ҳайкаллар қадимги Хоразмда меъморчилик, тасвирий санъат, нақш ва уймакорлик, ҳайкалтарошлик махсус мактаблари бўлганлигини курсатиб ва исботлаб турибди. Энг муҳими шундаки, ўша даврдаги ранг - баранг расм-композицияларида инсоннинг жуда мураккаб руҳияти ички маънавий дунёси, унинг табиатидаги жиддийлик, донолик, бошқасиникидаги хушчақчақлик, ҳазил - мутойиба юксак маҳорат билан очиб берилган. Ўша суратларда инсонга бўлган меҳр - муҳаббат, ҳурмат, инсондаги илмга чанқоқлик, ақл ва заковат яққол сезилиб туради.

Қадимги Хоразмнинг дастлабки пойтахти ҳақидаги илмий шов - шувлар асоси энди ойдинлашмоқда. Урта асрларда



яшаб утган араб географи ибн Хавқал “Йуллар ва мамлакатлар китоби”да қайд этишича, Хоразмнинг дастлабки пойтахти Даржаш булган, кейин унинг ёнидан одамлар бошқа шаҳар бунёд этишган, уни Кат (Қиёт -С-Х.) деб аташган...” (255.36).

Бургутқалъадан топилган эрамиздан аввалги I асрга оид ҳайкалчалар, бошига қалпоқ кийган, қўлига найза ушлаб отда кетаётган уша давр Хоразм аскарлари кўриниши, қанотли отнинг учиб кетаётган тасвири, найза санчилган кийикнинг қочган ҳолати, чопиб кетаётган от устида ёнбошга қараб утирганча мусиқа чалаётган аёл кўриниши акс этган тош муҳрлардаги расм-композициялар исломгача булган даврда Хоразмда санъат ва маданий-маърифий қарашлар тараққий қилиб келганлигига ашъвий далил була олади. Бу ҳолат Бургутқалъанинг бозор майдони атрофида хунармандчилик устахоналари ва темир рудасини эритадиган учоқлар мавжуд булганлиги, ёшларга устозлар темирчилик касб -хунарларини ургатганлиги ва уй - рузгор ишлари учун асбоб - ускуналар ясалганлиги мисолида яққол кўзга ташланади.

Шунингдек, Қирққизқалъадан топилган сопол идишлар, Хоразм ёзувида сўзлар битилган тангалар, шлак уюми, темир рудаси эритиладиган учоқ ва эритилган темирдан турли асбоб -ускуналар ишлаб чиқарадиган устахоналарнинг фаолият кўрсатиши эрамизнинг V - VI асрларида Хоразмда феодал муносабатларнинг ва илм - фан ҳамда маърифий - педагогик тафаккурнинг юксак тараққиёт босқичига кўтарилганидан далолат беради.

Эрамизнинг I-II асрларига доир Аёзқалъадан топилган аёлларнинг ҳайкалчалари кўпроқ яланғоч кўринишда, ҳиндча биллагузук таққан ҳолда тасвирланган. Ҳайкалчаларнинг яна бир қисми Кушон - Гадҳар ҳайкалтарошлигидаги кенг кийимли услубда ясалган, яланғоч утирган киши тасвиридаги ҳайкалчалар ҳам Будда қаҳрамонларига ўхшатиб ишланган. Жажжи маймунчалар тасвирланган ҳайкалчалар ҳинд - будда санъати таъсирида булганлигини кўрсатади. Айниқса, бу таъсир эрамизнинг бошларида Эллин маданияти унсурларига қушилиб, Хоразм - Қангюй давлати(милоддан аввалги II-I асрларда) ва Хоразм - Кушон давлати(милоддан аввалги IV асрларда) таркибида булган даврларда яратилган ҳайкалтарошлик, тасвирий ва амалий санъат асарларида кўзга ташланади.

Норинжонқалъадан топилган милоддан аввалги II - IV асрларга оид билагузукка ухшаш халқасимон, турт жойдан тугаштирилган қорамтир ва кук рангли шиша кузмунчоқларда ва олтин суви берилган шиша мунчоқларда қадимги Хоразм халқининг маънавият ва маърифатга оид ютуқларини узида акс эттирган амалий санъати яққол кузга ташланади. Мунчоқларнинг бундай тури уша даврда Ҳиндистонда кушлаб ишлаб чиқарилган(255, 32). Шунингдек, Аёзқалъа ва Амударё буйида қад кутарган Айритомдан топилган бадиий санъат асарлари ва будда диний ибодатхонаси шуни курсатадики, бу ерда уқув мактаби булган ва болалар будда таълимоти буйича таълим олганлар(255, 31). Бу эса қадимги Хоразм давлати билан Ҳиндистон халқлари орасидаги маданий-иқтисодий алоқаларнинг мавжуд булганлигини курсатади(255, 45).

Эрамиздан олдинги II-I асрларда гуллаб-яшнаган Гулдурсунқалъа ва эрамизнинг 305 йили бунёд этилган Филқалъа Марказий Осиё, Хитой, Ҳиндистон ва Европа шаҳарлари орасидаги карвонлар утадиган “Буюк ипак йули”га жойлашганлиги учун ҳам қадимги Хоразм давлати халқлари иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта роль уйнади. Шунингдек, “Буюк ипак йули” биргина иқтисодий аҳамият касб этмай, балки у диний амаллар ва маданий ютуқларни тарқатувчи, мамлакатлараро дипломатик алоқаларни таъминловчи йул ҳам эди. Масалан, худди шу даврда Ҳиндистонда ёйилган будда дини ва бу мамлакатда ишлаб чиқарилган моллар шу йул билан қадимги Хоразмнинг моддий ҳамда маънавий қадриятларига кенг куламда таъсир этган.

Биз мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий - сиёсий ва маданий алоқаларга назар ташлар эканмиз, бунда савдогарлар жамиятда энг нуфузли, обрули, муътабар инсонлар булганлигини алоҳида таъкидлашимиз керак. Чунки савдогарлар жамиятнинг фақат мол олиб, мол сотувчи ва ундан фойда олувчи бой қатлами ҳисобланмай, балки узоқ сафарларга катта савдо карвони билан кетувчи дипломатлар, зиё тарқатувчилар, у ёки бу ҳудуддан янги жойларга илғор маърифий ғояларни ва хужалик ихтироларини олиб борувчи нуфузли кишилар ҳисобланарди. Шу боис ҳам III асрда Хоразм Кушон давлатидан ажраб мустақил давлатга айлангач, Хоразмшоҳ Африг “Буюк ипак йули” да уз пойтахти Кат(Киёт) қалъасини

бино қилар экан, хоразмлик савдогарлар Ғарб ва Шарқ дунёси билан савдо - маданий алоқа қилишлари учун пойтахтнинг тўрт томонига қараб кетадиган текис тош йўллар, карвонсаройлар қурдирган ва савдогарларнинг ўғил болалари учун алоҳида савдо мактаблари очиб қўйилган. Бу мактабни тугатган савдогарларнинг болалари саводли бўлиш ва ҳисоблашдан ташқари мижозлар билан муомала қилиш маданиятини, солиқ ундириш ва маъмурий ёзишмаларни битишни урганар эдилар. Шунингдек, савдогарлар сафарга жунаганларида доимо ўғил болаларни ёнида олиб юрганлари учун ҳам уларни жасур, саботли ҳамда ҳар қандай мушкул аҳволдан тўғри йўл топиб чиқишга қобилиятли қилиб тарбиялаш мақсадида қўйидаги хислатларни ҳосил қилишга алоҳида эътибор берганлар: от миниб юриш маҳорати, сувда сузиш, найза отиш, қилич ва қалқонни ишлага билиш, қиличбозлик қилиш, камондан бехато отиш, шатранж (шахмат) уйнаш, шеър ёзиш, мусиқа чалиш ва ҳ.к. (53, 181.)

Юқорида баён қилинганлар шундан далолат берадики, биринчидан, Ватанимизнинг ажралмас гўшаси ҳисобланган Хоразмда маърифий педагогик фикрлар тасодифий равишда шаклланган ва ривожланган эмас. Унга қадимий улкамизда маърифий-тарбиявий фикрлар, уғитлар, қарашларга булган муҳим ва ҳаётий эҳтиёж, зарурият сабаб булган.

Иккинчидан, утмиш даврлардан бошлаб сугориш иншоотлари, канал, чигир ва кориз усуллари билан сувсиз ерларга сув чиқариш кемалар яшаш, қалъалар, кўп қаватли сарой-қаср бинолари бунёд қилиш, ҳисоблаш ва улчаш техникасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш борасида эришилган ютуқлар қадим Хоразмда риёзиёт, геодезия, фалакиёт, кимё фанларининг, шу жумладан, маърифий-педагогик фикрларнинг шаклланиши ва ривожланишида моддий асос, илмий замин бўлиб хизмат қилган.

Учинчидан, Хоразмнинг энг қадимги даврлардан ривожлана бошланган илм-фани, адабиёти, санъати, умуман, моддий ва маънавий маданиятида, кишиларнинг турмуш тарзида, урф-одатлари ва анъаналарида қадимги хоразмликларнинг маърифий-тарбиявий фикрлари ўз ифодасини топган.

Тўртинчидан, қадимги Хоразм жаҳон цивилизациясининг, жумладан, унинг таркибий қисми булган маърифий-педагогик фикрларнинг ҳам азалий бешикларидан биридир.

Бунга Хоразмнинг энг қадимги даврларидан исломга қадар бўлган, яъни антик ва афригийлар ҳукмронлиги даврларидаги ва улардан кейинги маърифий-тарбиявий фикрлар соҳасидаги ютуқлари мисол бўлади.

## 2-§. Хоразмнинг энг қадимги ёзма ёдгорликларида таълим-тарбия масалалари

Маълумки, VIII асргача, яъни араблар истилосигача Марказий Осиёда зардуштийлик, иуда, христиан ва монийлик динлари мавжуд бўлиб, улар орасида кенг тарқалган зардуштийлик дини эди. “Зардуштийлик, - деб ёзади академик С.Ю.Ольденбург, - уз даврида инсоннинг ер юзида фаровон яшашига катта аҳамият берган, энг оқилона диндир” (2264, 47). Ю.А. Рапопортнинг фикрича, “... зардуштийлик утмиш динларнинг энг кучлиларидандир. Унинг будда, христиан ва исломга маълум даражада таъсири бор” (254, 47).

Зардуштийлик динининг илк макони ва унинг муқаддас китоби “Авесто”нинг яратилиши масалалари ҳақида олимлар уртасида икки хил қараш бор. “Авесто”нинг энг қадимги қисмлари ва зардуштийлик Мидиядан тарқалган деган “Ғарб назарияси” ва унинг акси ўлароқ юзага келган “Шарқ назарияси”га биноан эса Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна ва Паркана мазкур диннинг ватани ҳисобланади. Лекин утмиш ва ҳозирги шарқшунослар орасида “Авесто” ва унинг асосини ташкил этган зардуштийлик ватани Марказий Осиёнинг энг қадимги давлатларидан Хоразмдир, деган “Шарқ назарияси” тарафдорлари кўпчиликини ташкил этади. Тарихий ва археологик изланишлар ҳамда лингвистик маълумотлар “Шарқ назарияси” тўғрилигини тасдиқлайди. Жумладан, немис шарқшунос олими В.Альтхайм “Зардуштийлик дини бешиги Оксус соҳилларида бўлган, унинг “Авесто” китоби ҳам уша ерда яратилган” (264, 48), деб таъкидлайди. Машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертельс эса С.П.Толстов, В.Хеннинг ва И.Гершовичларнинг қадимги Хоразм давлати ҳақидаги археологик изланишлари ва тарихий - жуғрофик маълумотларини солиштириб, “Авесто”нинг Хоразмда ёзилиши учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд эди. Бу китобнинг илк қисми “Гоҳлар” пайгамбар Зардушт томонидан Хоразмда ёзилган (76, 19), деган хулосага келади.

Академик Б.Ф. Гафуровнинг фикрича, “Авесто” нинг энг кўхна қисми “Тоҳлар”, яъни гимнлари (қушиқлари) Амударёнинг урта ва қуйи оқимида жойлашган Хоразмда яратилган. “Авесто” да тасвирланган Ийрон-Виж улкаси бу Хоразм давлатидир “(90. 62). Буни Қанқалъа, Жонбасқалъа, Тупроққалъа, Аёзқалъадан топилган буюмлар, доимий гулхан ёниб турадиган оташхона, ибодатхона эрамиздан аввалги IV - V асрларда қадимги Хоразмда зардуштийлик дини кенг тарқалганлигидан дарак беради(90. 45 - 46).

Юқорида зикр этилган барча мулоҳазаларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, “Авесто”нинг яратилиши ва шаклланиши фақат қадимги Хоразм халқлари ижоди билан боғлиқ бўлибгина колмай, у узбек, тожик, туркман, озарбайжон, форс, афғон, ҳинд ва бошқа халқларнинг қайта - қайта ишланган ижоди маҳсули, дейиш мумкин”(101. 31).

“Авесто” сўзининг маъноси “урнатилган қонун қоидалар” демақдир. “Авесто”да акс этган асосий қонун - қоидалар, диний эътиқоднинг етакчи тушунчалари, маърифий-педагогик қарашлар тарихий шахс Спийтмон Зардушт (тахминан милоддан аввалги 630 - 553 йиллар) номи билан боғлиқдир. Зардуштнинг бошқалардан фарқи шундаки, у ута истеъдодли шоир, илоҳиёт билимдони, файласуф олим эди. Якка Тангрига эътиқодгина жамиятни янги тараққиёт босқичига кутара олади, деб ҳисобларди. Шу йулда Зардушт уз қавмларига яккахудолик таълимотини тарғиб қила бошлайди. Бунинг учун “Тоҳлар” деб аталган, қушиқ қилиб айтишга мулжалланган шеърлар яратади. Зардушт “Тоҳлар”идан 17 таси “Авесто”нинг “Ясна” деб аталган қисмига кирган ва бизгача сақланган.

Қадимги Юнон тарихчиси Плиний (эрамиздан олдинги III аср) зардуштийлик динининг “Авесто” китоби миллион шеърий байтдан иборатлигини таъкидлайди (117,24). Е.Э. Бертельснинг ёзишича, “Авесто”нинг илк кўлёмаси 8300000 сўздан иборат булган, олим Э. Вест эса қайта ишланган нашрида 348 боб булиб, унда 345700 сўз булган, дейди (102, 21). Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, “Подшоҳ Дорю ибн Дорю хазинасида “Абисто”нинг ун икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нухаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни улдирган вақтида уни куйдириб юборди. Шунинг учун уша

вақтдан бери “Абисто”нинг бешдан уч, яъни ун сақкиз наски йўқолиб кетди. “Абисто” утгиз наск эди, мажусийлар қўлида ун икки наск чамаси қолди. Биз Қуръон булаklarини ҳафти-яклар деганимиздек наск ҳар бир булакнинг номидир” (117, 24).

Эрамиздан аввалги 334-329 йилларда македониялик Искандар (Александр Македонский) Эронни забт этганидан сунг Истаҳр шаҳрида сақланаётган “Авесто”нинг нужум илми, фалсафа ва тиббиётга доир қисмларини юнон тилига таржима қилдиради, қолган қисмини эса оловда ёндириб ташлайди. Лекин тарихий манбаларда ёзилишича, орадан 200-300 йил ўтмаёқ Парфия мамлакатаида эрамизнинг 51,73-йиллари шоҳ, Вологес I нинг фармонига биноан “Авесто”нинг ёзма ва оғзаки қолдиқлари жамланди, шунингдек, эрамизнинг 226-651 йилларида ҳукмронлик қилган сосонийлар сулоласи Ардашир I (226-242 йиллар), Ардаширнинг ўғли Шопур I (242-272 йиллар) ва Шопур II (303-379 йиллар) даврида эса зардуштийлик расмий дин деб эълон қилинади ва унинг “Авесто” китоби якка бир китоб ҳолида қайта тикланади. Хисрав I (531-579 йиллар) подшолик қилган даврда “Авесто” матни паҳлавий тилига таржима этилиб, бу изоҳли таржима, “Занд” деб (шарҳ, маъносида) ном олган. Шу сабабдан ҳам бизгача етиб келган “Авесто”нинг иккинчи нусхаси аввалгисидан фарқлироқ “Авесто” ва “Занд - Авесто” деб аталган (72, 58). Бу таржима Ҳиндистоннинг Бомбейдаги Кома номли зардуштийлик маданий марказида ва “Авесто”нинг 1288 - 1324 йилларда кучирилган энг қадимий нусхаси Даниянинг Копенгаген шаҳрида кутубхонада сақланади. Олимларнинг таъкидлашича, “Авесто” суғд ва бақтрия тилига яқин, юнон ёзуви билан парфия ёзувининг ислоҳ қилинган шаклида ёзилган бўлиб, бу “Авесто” ёзуви деб маданиятимиз тарихига кирган.

“Авесто” қадимий аждодларимизнинг ижтимоий - фалсафий ва маърифий - тарбиявий фикрлар ёдгорлиги сифатида ўтмиш тарихимиз, маданий ва маънавий қадриятларимизни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Узига хос қомусий мажмуа бўлган “Авесто”нинг 21 та китобидан бизгача фақат 4 та: “Ясна”, “Яшт”, “Виспарад”, “Вандидод” каби китоблари етиб келган.

“Авесто” тадқиқотчиларидан Е.Э.Бертельс, Б.Ф. Гафуров, Н.Маллаев, И.Жабборов, Р.Раҳимов, И.Расулов, А.Асқаров, М.Исоқов ва бошқа олимларнинг таъкидлашича, Ўйима, яъни Жамшид қадимги Хоразмнинг биринчи подшоларидан эди. Ўйима подшоҳ бўлган даврларда одамлар азалий - абадий, бахт - саодат маконида касаллик ва ўлим кўрмай, “олтин аср”ни бошдан кечирганлар. “Авесто”нинг “Яшт” қисмидаги ушбу мисралар фикримизнинг ёрқин далилидир:

Қудратли ҳукмрон Ўйима даврида бўлмади,  
На изгирин, на жазирама иссиқ, офат,  
Унда на қаримоқ бор эди-ю, на улмоқ,  
Ва на девлар туғдирган рашку, ҳасад (52.19).

“Авесто” да ёзилишича, Ўйима жамиятдаги кишиларга деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик касб - ҳунарларини ургатиб, қобилиятли ёшларга эса илми ҳикмат орқали гиёҳлардан мушк - анбар, сабур олиб, инсонни соғлом қилиш ва касалликлардан қутқариш учун табиблик ҳунарини эгаллашга шароитлар яратиб беради.

Бу давр халқлари дунёқарашини, мафқурасини ва ёшларнинг таълим - тарбияси ҳақида гап кетганида шуни айтиш керакки, Турон, Эрон, Сугд, Паркана, Хоразм ҳудудларида яшаган форсийлар, амюргия саклари, дербиклар, осийлар, тохарлар, дахлар, массагетлар, бақтрияликлар, парканаликлар, хоразмликлар асосан зардуштийлик диний таълимотига мувофиқ уз фарзандларини ибратли ахлоқ - одоб қоидаларини асосида тарбиялаганлар.

Зардуштийлик диний таълимотининг манбаси “Авесто” китоби купгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бошқа диний китоблар: “Инжил”, “Таврот”, “Қуръон” ва қадимги Ҳиндистон халқларининг махсус диний китоблари - “Ригведа”, “Шастра” сингари узоқ асрлар мобайнида болаларга илму маърифат ургатишда ва одоб - ахлоқ фазилатларини шакллантиришда дастуриламал вазифасини утаган.

Қуриниб турибдики, бу умуминсоний қадриятлар мажмуасининг маърифий - тарбиявий ва дидактик аҳамияти шундаки, унда фақат диний таълимот тарғиб этилмасдан, балки табиий - илмий ва маърифий - тарбиявий қарашлар ҳам уз аксини топган.

“Авесто” да уша даврда бола таълим - тарбиясига алоҳида эътибор берилганлигини кураимиз: “Тарбия ҳаётнинг энг муҳим таянчи булиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқиши ва сўнгра эса ёзишни урганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин” (255.43).

“Авесто” да болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қоидалари эса қуйидаги тартибда тавсия этилган:

а) диний ва ахлоқий тарбия: б) жисмоний тарбия: в) ўқиш ва ёзишга ургатиш. Болаларга диний-ахлоқий тарбия бериш асосан 7 ёшдан бошланган. Ўғил болалар 7 ёшга етганда, уларга ипақдан тикилган махсус “муқаддас кўйлак” кийдириш маросими ўтказиш расм бўлган. Ўғил болалар бундай маросим пайтида мураббий қоҳин билан бир қаторда қуёшга қараб туришган ва улар қоҳин муаллимга қушилиб “Авесто” дан эзгулик ва яхшилик маъбудасига мадакдор кучларни улуғловчи қуйидаги дуоларни такрорлашган: “Мен зардуштийлик динига содиқ булишга ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши ишларга ишонаман...” (255.43). Зардуштийлик диний маросими машғулотларидан сўнг эса болаларга совғалар улашилган. Бундай машғулотлар ўтказишдан қўзланган асосий мақсад-болалар қалбида дунёдаги барча яхшилик ва эзгуликларнинг бунёдкори, илоҳий Ахура-Маздага эътиқодни мустаҳкамлаш, инсонлар бошига бутун ёвузликлар ва ёмонликларни олиб келадиган Анхро-Манё (Ахриман) дан эса нафратланиш ҳиссини тарбиялашдан иборат эди. Зардуштийлик диний таълимотига кура 15 ёш балоғат ёши ҳисобланган. Балоғат ёшига етган болалар зардуштийликка эътиқоди рамзи сифатида белига юнг ипақдан тўқилган камар боғлаб юриши ва “оташпарастлар ибодатхонасида ўтказиладиган диний маросимларда қатнашиши шарт бўлган” (255.43). Болаларни қоҳин муаллимлар зардуштийлик расм-русумларини бажаришга одатлантиришган. Фалсафа ва бошқа фанларни ҳамда одоб-ахлоққа ургатишган.

Зардуштийлик диний таълимотида илм - маърифатнинг кучига қаттиқ эътиқод қилинган ва жамият ҳаётида ҳам оқибат натижада илму ҳикмат ютиб чиқади, деб ҳисобланган. Уша даврда болаларнинг фақат сиҳат - саломат ва жисмонан бақувват бўлиши ҳақидагина қайғуришган эмас, балки илму

ҳикмат урганиши ва маънавий софлиги, яхшилик - эзгулик хислатларини эгаллашлари туғрисида ҳам ғамхўрлик қилишган. Асосан болаларда ахлоқий, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, саховатлилик фазилатларини тарбиялашга катта аҳамият берилган (255,44). Жисмоний тарбиядан назарда тутилган асосий мақсад: - болаларни ҳарбий-жанговарликка тайёрлаш ва уларни жисмонан чиниқтиришдан иборат эди. Дарвоқе, ҳарбий - жанговарликка тайёрлаш жараёнида болалар отда чопиш, ов қилиш, қиличбозлик ва қалқонда рақибидан узини ҳимоя қила билиш, сувда сузиш, узоққа югуриш, найза иргитиш малакасини эгаллаши мажбурий бўлган. Бироқ тарбиянинг синфий хусусиятга эга бўлганлиги сабабли, диний - ахлоқий ва ҳарбий - жисмоний тарбияни эгаллаш барча табақадаги кишиларнинг фарзандлари учун шарт бўлса - да, аммо ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш (санаш) ни урганиш эса фақат юқори табақадаги зодагонларнинг болалари учун эди, холос. Юқори табақадаги зодагонларнинг болалари учун сарой ва ибодатхоналар қошида махсус мактаблар мавжуд бўлиб, бу ерда уларга тажрибали устозлар сабоқ бериши билан бирга, машҳур лашкарбошилар ҳарбий санъат сир-асрорларини пухта ургатишарди.

Муаллимлар, уламо - қоҳинлар бўлиб, улар жамият маънавий ҳаётида муҳим мавқега эга эдилар. Мактабда кичик ёшдаги болаларни ўқитиш жараёнида курсатмали қурооллардан, ҳикоя қилиш ва суҳбат - мулоқот услубларидан кенг фойдаланардилар. Дарсда ўқувчилардан ўтилган мавзунини шовқинсиз такрорлаш талаб қилинар эди. Болаларда ёшлиқдан меҳнат-севарлик ва касб - ҳунар эгаллаш малакаси ҳамда кўникмасини шакллантиришга катта эътибор берилган. Улар ёш пайтиданок дарахт кучати ўтқозиш, уй - рузғор қурооллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шугулланишга ургатилган” (255,44).

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, уша давр кишиларининг орзуси ҳаётда фаровон турмуш кечириш учун фақат меҳнат қилишдан иборат бўлган. Зеро, инсон меҳнатсиз тирикчилик қила олмайди. Шунинг учун меҳнат инсон маънавий камолоти ва ахлоқий соғломлигининг манбаи сифатида улуғланади. Албатта, бу илғор фикрлар илдиизи “Авесто”даги яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши меҳнат

қилиши, уз қули билан моддий ноз-неъматлар яратиши зарурлиги тўғрисидаги гоёлардан изламоқ лозим. Бу жиҳатдан қараганимизда, Зардуштнинг, инсон чорванинг кўпайишига ва ҳайвон боласини парвариш қилиб ёки боқиб, яйловларни гуллаб-яшнаиб, деҳқончилик ва суғориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилган тақдирда эзгуликка сазовор бўлади, деган фикри эътиборга моликдир. Зардушт оддий меҳнаткаш инсонни улуғлаб, ҳукмдор-ҳокимлар табақасига тенглаштирди ва ҳатто муқаддас “Авесто”да уларга атаб “Деҳқончиликнинг фойдаси ҳақида” деган махсус боб ҳам ажратди. Бу бобда шундай дейилади: “О моддий дунёни, ҳақиқатни яратувчи! Заминдаги энг гузал манзил қайси гушадир? Бу саволга Ахура-Мазда шундай дейди:

· Порсо инсон уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотини ва фарзандларига, подаларига урин ажратиб берса, ем - хашаги кўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса, уйда ноз - неъматлар муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйда эътиқоди собит, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мулк-кул бўлса, уша манзил муҳтарамдир. Кимда - ким, О, Сипийтмон Зардушт унг қули ва сул қули билан, сул қули ва унг қули билан ерга ишлов берса, меҳнат қилса - у замин раҳматига мушарраф бўлажак.

Замин инсонга шундай дейди:

- О, Сен, инсон, унг қули ва сул қули билан, сул қули ва унг қули билан менга ишлов берувчи, меҳнат қилувчи зот! Мен ҳақиқатан ҳам ҳар хил ноз - неъмат, зироатларимни, мулк-кул ҳосилимни сендан аямайман. Унг қули ва сул қули билан, сул қули ва унг қули билан ерга ишлов бермайдиган, меҳнат қилмайдиган кимсаларга эса, Эй, Сипийтмон Зардушт, Заминнинг жавоби шундайдир: “Эй сен, одам, менга топинмайдиган, меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул - абад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб утадилар, бу ноз - неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадул-абад шундай бўлажак” (102.79).

Бу ерда ҳаёт ва меҳнат фалсафаси уз ифодасини топган, меҳнатдан буйин товлаган одам охир-оқибатда хору-зор бўлишини таъкидлаб, кишиларни инсон учун хос бўлган

улуғворлик меҳнатсеварликка чақирган. Бинобарин, Зардушт таълимотига кўра, деҳқончилик меҳнати эзгулик намоён булишининг асосий шакли булиб, Ахура-Мазда шахсиятида мужассамлашган қонун-қоидаларга буйсунишдир: “Ким галла экса олийжанобдир. Галла эккан киши эзгулик уругини сочади. Маздага эътиқодни кучайтиради, эътиқодни мустаҳкамлайди. Бу қонуннинг бажарилиши уз аҳамиятига кўра 10 минг дуо ўқиш, юзлаб қурбонлик қилишдан аълодир. Экин экмoқ ёвузликни ер юзидан тугатмоқ демакдир, чунки “Бўғдой устирила бошланса, девларни қора тер босади, совурилган бўғдой тайёр булса, девлар заифлашиб қолади, ун тайёр булгач эса девлар нола-фигон чекишади. Девларни маглуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат булиши лозим - бу овқатни егандан сунг улар жуда қизишиб кетишади ва қоча бошлашади.” (102. 52).

Шундай қилиб, “Авесто”да меҳнатнинг моддий ва маънавий томонларига катта эътибор берилибгина қолмасдан, балки меҳнат асосан шахсни ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш асослари сифатида назарда тутилади. “Зеро, зардуштийлик дини ахлоқий нуқтаи назардан саховатли булиши учун инсонга биринчи галда меҳнат қилиш, уз қўли билан ноз-неъмат яратиш зарур, шу боисдан ишёқмаслик ҳамма нуқсонларнинг кони деб қораланиши тасодифий эмас” (102. 30). Демак, меҳнат инсоннинг инсонийлик фазилатларини ва маънавий хулқ-атворини баҳолашда ўлчов мезони булиб хизмат қилади. Инсон меҳнати туфайли барча ёмонликлардан, ёвузликлардан қутулиши мумкин деган гоё ётади.

Зардуштийлик ахлоқий таълимотида имон ва диёнат уч таянчга асосланади: 1) “эзгу фикрат”, яъни фикрлар софлиги, 2) “эзгу калом”, яъни сўзнинг собитлиги, 3) “эзгу амал”, яъни амалларнинг инсонийлиги (102. 24). Зардуштийлик динига эътиқод қилган ҳар бир киши бутун ҳаёти давомида ана шу учликни қалбига жо қилмоғи зарур. Шундагина унинг қалби ҳаддан зиёда покиза бўлади.

“Авесто”нинг тадқиқотчиларидан бири - А.О. Маковельскийнинг ёзишича, “эзгу фикрат” - ниятнинг яхшилиги илоҳий қонун руҳидаги, яқинларига нисбатан яхшилик қилиш, зарур булганида мадад беришга тайёрлик, кишилар бахт - саодати учун ёвузликка қарши курашга ҳозирлик руҳидаги

уй - фикр, барча билан тинч ва тотув яшашга интилиш ва шу кабилардир. Инсон бошқаларга нисбатан бахиллик қилмаслиги лозим. Эзгу фикрлар эгаси жаҳолатга тушмайди, чунки жаҳолатда киши эзгу ниятларини йўқотади, бурч ва адолатни унутади, уйламай иш қилади..." (142, 100).

Демак, зардуштийлик таълимотига қура, яхши тушунча, яхши фикр, эзгу ният, латиф сўз, яхши ишнинг бирлиги дейилганида, фақирларга меҳрибонлик, инсонпарварлик, кишига иснод келтирадиган ишлардан - бировга ҳасад қилишдан, уғирлик, талончилик, узгалар молини узлаштиришдан, зинога берилишдан, бировнинг дилини оғритишдан, ҳайвонларни, айниқса, яхши, наслдор итларни улдиришдан узини тийиш ва берган сўзининг уддасидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо - сотиқ ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тулаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш ва ҳоказолар тушунилган. Шунингдек, "Авесто"да имон ва диёнатли бўлиш, бунинг учун доимо тоза, пок юриш, ёвузликни қоралаётган пайтда тананинг тоза бўлиши, шайтон иблисларга қарши ҳаракатлар қилиш, гуноҳ қилмаслик, Ахура-Маздадан илтижо қилишга доир дуолар келтирилади. Масалан, гуноҳдан холис ва имонли бўлиш учун шундай дуо уқилиши керак: "Эй, оламнинг ҳукмдори Ахура-Мазда! Мен барча гуноҳларимга иқрорман, уларни такрорламаслик учун сенга сўз бераман; ҳар қандай ёмон ниятлардан, ҳар қандай ёмон сўзлардан, ҳар қандай ёмон амаллардан кечаман; мен фикрлаган ва гапирган ёки қилмоқчи бўлган ва қила бошлаган ва қилган ҳамма ноҳўя ишларимдан воз кечаман; ниятларим, сўзларим ва амалий ишларим орқали бундан бўён ишончингни оқлайман, қилган гуноҳларимни кенг караминг ила кечиргил, танам ва жонимни у дунё-ю, бу дунёда мунаввар этгил, эй парвардигорим!" (102, 108).

Зардуштийлик ахлоқий таълимотга қура, оламдаги ёвузлик ва ёмонликлар одамларнинг имонсиз ва диёнатсизлигидан келиб чиқади, уларни бартараф этиш, бу истиқболдаги вазифа бўлиб, имонли ва диёнатли кишилар буларни бартараф этишда фаоллик кўрсатишлари керак.

"Авесто"да жамиятнинг биринчи куртаги оила ва никоҳ муносабатлари ҳақида ҳам фикр юритилади. Эрақак киши аввало уйланиши учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва

жисмонан бақувват булиши лозим, бунинг учун ўз вақтида овқатланиши зарур, акс ҳолда эркак киши меҳнат қилиш ва эркаклик бурчларини бажара олмайди: “Еб ичмайдиган инсоннинг тоат - ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр - хотинлик вазифаларини адо этишга қуввати етмайди, бола тугдира олмайди” (“Ясна”, 33, 3-боб). Шунингдек, оч қолиш ва яхши овқат емаслик кишиларнинг ахлоқ - одобиға ҳам салбий таъсир курсатади деб ҳисоблашган: “Озиқ-овқат яхшиланиши билан халқнинг ахлоқ-одоби ҳам кучаяди. Овқат мулкўл бўлса, илоҳий сузлар яхшироқ идрок этилади” (“Ясна”, 33, 3-боб).

“Авесто”да курсатиб утилганидек, оилавий хушчақчақлик ва бахтиёрлик манбаи “Яхши кун куриш учун даркор булган нарсалар мул - қулчиликдадир” (“Ясна”, 30).

Умунан, зардуштийлик ахлоқий таълимотида оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида урин тутати. “Авесто” тадқиқотчиси Ҳ.Ҳомидовнинг фикрича: “Эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжирли камол боғлаб юришга мажбур қилишарди. Баъзан бундай эркакни қопга солишиб калтаклашган.” “Авесто”да яқин қариндошларнинг ўзаро оила қуриши қатъий ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлюдни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Куп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла 2-3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовар, деб уқтирилади”(234, 93-94).

“Авесто”да гигиена тарбияси масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Масалан, “Вандидод”нинг 3-, 9-, 10-, 16-, 17-бобларида кишилар руҳий поклиги билан бир қаторда тана поклигига, яъни ҳар куни юз-қўлни бир неча марта ювиши, сочини тоза тутиб, тирноқларини тез - тез олиб туриши, эрхотин ва болалар ўртасидаги умумий гигиеник қоидалар, доимий бадан тарбияси билан шуғулланиш уқтирилади ва “поклик кишининг буюк бахт-саодатидир”, деб курсатилади.

“Ҳар бир зардушт, деб ёзади таниқли олима Фозиля Сулаймонова, - купинча беш марта ювиниб, покланиб, қуёшни олқишлаб сигиниши шарт булган. Бу анъана исломга зардуштийликдан утган. Зардуштийлар табиатни ер, сув, дарахт, усимлик, жониворларни эъзозлаши, ерни ишлатиб, сугориб,

боғ-роғ, экинзор қилиши, чорвани, айниқса, йилқичиликни йулга қуйиш, сувни муқаддас тутиши шарт эди. Бу таълимотга Марказий Осиё халқлари ҳозиргача амал қилиб келади” (255, 43-44).

Табиийки, “Авесто”да мамлакат ободончилиги масалаларига, яъни аҳолини тоза сув билан таъминлаш, озиқ-овқатни мул қилиш, боғларга мевали дарахтлар экиш, деҳқончилик қилишга эътибор бериш зарурлиги таъкидланади: “...ут-уланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон булган замин энг яхши ердир. Қаровсиз қолган ер, гуё турмуш қурмаган қиздай, ерга ўғит ташлаган ва экин эккан деҳқон эса аёлни фарзандли қила олган эрқақдай. Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган, ризо тополмайдиган ер энг ёмон заминдир” (255, 49). “Авесто”да ер, сув, олов ва ҳаво муқаддас деб эълон қилиниб, атроф-муҳитни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахслар жазоланганлар. Чунончи, кўча эшиги ёнига ахлат тўплаб қўйган хонадон соҳибига жамоа оқсоқолининг ҳукми билан 25 қамчин, ҳовуз ёки чашмадан нопок кўза ёки челақда сув олган шахсга 5 қамчин урилган. Ерни ифлос қилган, уни асраш қоидаларини бузган шахслар 400 қамчи уриш жазосига маҳкум этилган.

Зикр этилганидек, зардуштийлик таълимоти ёшларга “Инсон бутун умри давомида сув, ер, олов, ҳаво, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир” (225.49) деб таълим беради. Бу таълимот мазмунидан эса, инсон ўзи усиб улғайган заминни, яъни Ватанни севса, атроф - муҳитни тоза сақлашни узининг ватанпарварлик бурчи деб тушунмоғи керак, деган хулоса чиқади. “Авесто”да ана шундагина “ҳар бир инсон ўзи усиб улғайган мамлакатни энг яхши ва гузал мамлакат деб ҳисоблайди” (255. 49), дейилади.

Шундай қилиб, биринчидан, “Авесто”да асослаб берилган, уз вақтида минтақамизда ва қўшни мамлакатлардаги халқлар ҳаётига жорий этилган қонун-қоидалар айна пайтда маърифий-педагогик фикрлар ривожини учун ҳам асос бўлиб хизмат қилган.

Иккинчидан, табиатни эъзозлаш, тупроқ, сув, ҳаво ва оловни муқаддас деб билиш, меҳнат қилиб ризқ-руз яратиш, катталарни ҳурматлаш, кичикларга меҳр-мурувват қурсатиш

ҳақидаги “Авесто” да илгари сурилган уғитлар, йул-йуриқлар фақат утмиш даврлар учунгина эмас, балки ҳозирги давр таълим-тарбияси, маърифий- тарбиявий фикрлар ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

### **3-§. Хоразм мутафаккирларининг таълим-тарбияга доир қарашларида халқ педагогикаси анъаналарининг акс этиши**

Хоразм ҳудудида яшаган узбек, қозоқ, туркман, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг аجدодлари узининг маърифий - педагогик қарашларини, анъанавий таълим-тарбия тизимини ва услубини мифлар, ривоятлар, нақллар, топишмоқлар, мақоллар, эртақлар ва дostonлар, қушиқларда ифода этиб, инсониятнинг минг-минглаб авлодларини инсонпарварлик илмпарварлик, саҳоватлилиқ, меҳнатсеварлик, мардлик ва ватанпарварлик каби инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб келганлар. Бинобарин, узоқ тарихий даврлар давомида шаклланган куп қиррали маданиятимиз пойдевори ва халқ педагогикаси асосларини ташкил этган халқ оғзаки ижоди билан унлаб олиму, фузалолар ижоди муштаракдир. Алломалар бевосита ёки билвосита халқ оғзаки ижодидан фойдаланишган. Чунончи, қомусий олим Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини яратишда халқ оғзаки ижоди материалларига суянганлигини алоҳида таъкидлайди. Бундай ҳолатни ҳозир ҳам кузатиш мумкин. Хоразмшунос олим С.П.Толстов қадимги хоразмликларнинг афсоналари, гаройиб ривоятлари, эртақ ва дostonларини туплаб, тарихий ёдгорликларни тадқиқ этишда қиёсий манба сифатида урганди. Олим ёзиб олган афсоналар ва ривоятлар халқимизнинг бадиий тафаккури муъжизаси сифатида нечоғлик қадрли булса, улардаги ҳақиқат учқунлари, зукколик, Хоразмда мавжуд булган анъанавий халқ педагогикасини урганиш учун ҳам шунчалик қимматлидир. Академик Я.Ф.Гуломовнинг зур мамнуният билан қайд қилишича, Хоразм сугориш тарихини урганишда халқ оғзаки ижоди материаллари унга қушимча манба сифатида хизмат қилган.

Инсон дунёга келибдики, фарзандлик булиш, уз фарзандини баркамол инсон, ботир, кучли ва билимдон қилиб

тарбиялашни орзу - ҳавас қилган. Масалан, “Олтин бешик”, “Илимхон”, “Олмос ботир” эртақларида фарзанд куриш бахтига муяссар бўлишлик энг юксак инсоний орзу-ҳавас эканлиги, у кишига катта умид, бахт-саодат, қувонч ва маънавий - руҳий куч - қувват бағишлаши баён этилади.

Дарвоқе, бола куриш, устириш бахтига муяссар булган оналарнинг “алла” айтмаганлигини тасаввур қилиш мумкин эмас. Қомусий олим Абу Али ибн Сино она алласининг тарбиявий аҳамиятига тўхталиб: “Боланинг талабини қондирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири - болани секин-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа-аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб болаларнинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага булган истеъдоди ҳосил қилинади” (156. 19). Хоразмда боланинг феъл-атвори, баднафс ёки бераҳм булиши, инсофли ёки диёнатли булиши уни туғдиришга ёрдамлашган энага (доя) га ва онанинг сеҳрли ҳамда меҳрли алласига боғлиқ деган нақл борлиги бежиз эмас. Бу нақл замиридаги маъно соғлом авлод камолатида доялар ва оналарнинг масъулияти катта эканлигини курсатишдир. Хусусан, Хоразмда қадимдан чақалоқ туғилганининг бешинчи куни бавак-бавак, яъни гудак маросими ўтказиш урф-одати расм булган. Бунда қариндош-қўшни хотинлар йиғилишиб, чақалоқни навбатма-навбат қўлга олиб, “бавак-бавак” айтишади. Ёши улуг ували-жували аёл янги меҳмон шаънига илиқ байтлар айтишни бошлаб беради:

Бавак-бавак жони бавак,  
Отасининг жони бавак.  
Онасининг жони бавак,  
Худонинг ёрони бавак.

Иккинчи аёл чақалоқни тавоб қилиб, эҳтиёткорлик билан қўлга оларкан, унинг узоқ умр куриши, боши тошдан булишини тилаб айтишувни давом эттиради:

Бешдан утдинг, тошдан утдинг,  
Пайгамбар ёшига етгин.  
Бак-бавак дур бавак, жон бавак...

Бавакнинг қутлуг қадам келиши ота-онасининг ишлари юришиб мартабаси улуг , ризқи- рўзи мул-кул бўлиши ҳақидаги эзгу тилаклари мужассамлашган байтларни учинчи аёл овоз чиқариб айтади. Бу билан йиғилганларга ҳам яхши кунлар ёр бўлиши тиланади фарзанд кишининг ёлғизликда овунчоғи, қариганида таянчи, эртанги куни ва дунёда ёқиб қолдирган чироғи эканлиги аниқ, бир хил майин, чўзиқ оҳангда айтилади:

Бедовланган отлар мингай,  
Бу бавакнинг отаси.  
Говмишланган сигир соққай,  
Бу бавакнинг онаси....

Шу тариқа меҳр самимий сўзлар орқали чақалоққа сингдириларди, “Бавак” айтган аёллар учун бу бола уз боласидай азиз бўлади. У улғайгач, онаси: шу холанг сенга жуда (дим) хушрўй “бавак-бавак” айтган, угиллари билан жура, қизлари билан опа-ука булиб юр, яхшими, дея ёш қалбига меҳр-муҳаббат ва қариндошлик уруғларини сочади. Бола ҳам уларга нисбатан меҳрли бўлиб усар, аёллар боланинг хуш қилиқларини аниқлаб, чакки қадамига дакки бериб туғри йулга солишарди. Улар учун “Бегонанинг боласи билан на ишим бор” тушунчаси йўқ эди. “Бир қизга қирқ уйдан тиг” деган халқимиз яратган мақол шулардан” қолган.

Хоразмда халқ орасида бешик қушиқлари машҳур булган.

Қайноналар эса ёш онага халқимиз томонидан азалий айтиб келинган аллаларни ургатишган. Боланинг бешигини тебратиш жараёнида, оналик гурури жуш уриб, дил туридан фақат болани ардоқлаган сўз тугилади. Шу тариқа онанинг муқаддас орзулари фарзанд қалбини ром этади:

Ётақуй, хуйё, хуйё, жоним-ей, олло,  
Оғримагай қузим, ҳеч ёнинг-ей, олло.  
Оғриганда бир ёнинг-ей,  
Э-э уртанади-ку, мани жоним-ей, олло.  
Қизил гул экиб хирмон этсак-ей, олло,  
Эй, эрка болам, санга туйлар этсак-ай, олло.  
Туйинг туйларга улашқай-ай,  
Эй, давлат бошингда, қузим, урнашқай-ей, олло.  
Оллолар айтсам оғзимнан-ай, олло,

Эй, Булбуллар сайрар ёнимнан-ай, олло.  
Ҳеч бандасин айирмагай-ай,  
Эй, эркагина қузисин-ай, олло.  
Олло, олло, ойишқинам-ай, олло,  
Эй оллога етқай нолишқинам-ай, олло.  
Қизил гул экиб хирмон этсам-ай, олло,  
Эй сани жонима дармон этсам-ай, олло.  
Беринглар дармон дурусиз-ай,  
Умр кун бергай, қузим санг қайгусиз-ай олло.(103, 3)

Боланинг камолатида алладан кейинги тарбия воситаси овутмачоқдир. Овутмачоқнинг алладан фарқи шуки, алла чақалоқни тинчлантиришга, ухлатишга ёрдам берса, овутмачоқлар, аксинча, болани бирон нарса билан машғул қилиш, ҳаракатлантириш, унинг фикрини нимагадир сафарбар қилишдек вазифаларни утайли. Масалан, она болани бешиқдан очиб олар экан, унғ билагидан ғоз кутариб: “Ус-ус!” дейди, яна чап билагидан кутариб: “Ус-ус!” дейди. Бу уринда оғзаки айтилган одатий сўзлар чақалоқни бир қулида кутариб туриш метёрини белгилаб беради. Яна бир ҳаракат бор: она болани юзи билан ерга ётқизиб, чақалоқнинг унғ қулини чап оёғига, чап қулини унғ оёғига текизади ва шу ҳаракат пайтида “Етгими, етгими” деб икки марта айтади.

Болага тиш чиқиши билан боғлиқ урф-одатларда эса халқ оғзидаги ривоят, афсоналар айтилади-да, баъзи одатий тарбиявий анъаналар қилинади:

- Оналар қозонда бугдой қовуриб, чақалоқнинг устидан сочадилар. “Чақалоқнинг тиши худди бугдойга ухшаб чиройли чиқсин” дейишади. Тутланган болаларни бугдой қувурмочи билан меҳмон қилишади. Баъзан бу одатни, яъни бугдой сочилиши “насибалик булсин” деган маънода тушунтирадилар.

Бола буйинини тутиб, тиззага утирадиган булганида боланинг фикрини бир нуқтага тутлашга одатлантирадиган машғулотлар қилинади. Бу иш биринчи навбатда болага узининг тана аъзоларини таништиришдан бошланади. Ота боласини тиззасига ўтқазиб олиб, унинг жажжи... бармоқчаларини бир чеккадан санай кетади:

- бош бодам бармоқ (қорамалдоқ), урта тарак, ҳожими-жик (ҳожимерак), мижиқлижик (кичкина бубак). Ота охириги бармоқнинг номини айтганда “тугади” маъносини англаптиш учун оҳангни узгартириб, бирданига тухтайди.

Чақалоқ уз аъзоларини “таний” бошлайди. Ота-она у билан машгулотни давом эттиради: “буниси - бурниси. Буниси нима?” Яна узи жавоб беради: “қулоқиси қулоғи эмас”. “Буниси-қошлари”. “Буниси кузлари” алоҳида-алоҳида қул тегизиб туриб таъкидланади. Шу йусинда сочи, қуллари, оёқлари санаб чиқилади ва вазифалари ҳам содда қилиб айтиб утилади.

Навбатдаги таништириш оила аъзолари бўлади. Бунда одатда отадан бошланади: “Отанинг вазифаси ишлаб, бизга нанна (нон) олиб келиш” билан изоҳланади. Она чақалоқнинг қорнини туйдирувчи, она уни кутариб юрувчи, ака утин териб келувчи ва шу сингарилар. Бола улгайган сари оилада, кишилар орасида, жамиятдаги меҳнат тақсимотини шу тариқа чуқурроқ тушуна бошлайди.

Болаларга айтиладиган оутмачоқлар ичида турмушдаги ва кишилар ўртасидаги муносабатлар ҳам кўриниб туради. Дейлик, ота боласи гапга тушуна бошлаган пайтда, ҳу, уша бармоқ санашни яна такрорлайди: - Бош бармоқ айтаркан: ”Бозор бораман, бодом бармоқ қорамалдоқ айтаркан: “Бирга бораман”, ўрта терак айтаркан: “Том тешаман”, ҳожи мижиқ (ҳожитерак) айтаркан: “Худодан қўрқмайсанми?” мижиқлижиқ (кичкина бубак) айтаркан: “Оламанда, қочаман”.

Шу кичкинагина оутмачоқ сўзларда бир қанча маънолар мавжуд: “Биринчидан, уша даврдаги кишиларнинг дунёқараши, маданий савияси, тирикчилик йусинлари, жамиятнинг сиёсий тузуми, диний эътиқодлар, мақсад ва интилишлари кўзга ташланади. Учинчидан, кичкинтойлигидан қўрқмаслик, дадиллик ва мардликка чорловчи асослар уз ифодасини топган” (104, 22-23).

Ота - оналар болаларига оутмачоқлар айтиб соғлом устириш билан бирга, бола тилга кириши биланоқ ахлоқий тарбиянинг алифбоси бўлган саломлашишни ҳам ўргатишган. Чунки халқимиз узининг анъанавий тарбиявий услубларида болалардан ҳар доим катталарга биринчи булиб салом беришни талаб қилган. Болаларни уйга киришда, узидан катта киши билан учрашганда, йўлда кетаётганда ун қулини куксига қўйган ҳолда “Ассалому алайкум” деб омонлашишга ўргатганлар. Бу халқ тарбияшунослигининг азалий ўлмас сабоғи ҳозирги кунимизда ҳам уз аҳамиятини йўқотмаган.

Халқимиз болаларда” маданий хулқ куникмаларининг қарор топишида тарбиявий ишнинг энг таъсирчан услуби - болалар уйинларидан жуда ҳам оқилона ва мақсадли фойдаланишган. Хоразмда угил болаларни уддабурон, чаққон, топқир қилиб, қизларни эса озода, эпчил, меҳр-шафқатли уй ишларига киришимли қилиб тарбиялайдиган “Ёшлом-ёшлом”, “Гизланмажак”, “Бекинмачоқ”, “Саринчақ”, “Ҳалинчақ”, “Чумурди-қочди”, “Олма менда”, “Оқ теракми, кук терак?” каби юзлаб уйин шакллари мавжуд булган. Масалан, “Оқ теракми, кук терак?” уйинида оралиги 10-12 метрли масофада 7-8 нафардан бола саф бўлиб, икки томонда қул ушлашиб, занжирсимон шаклда туришади. Бир томоннинг болалари бараварига қушиқ қилиб, айтадилар:

Оқ теракми, кук терак.

Биздан сизга ким керак?

Жавоб:

Оладиган жон керак!

Яна жавоб: - Ол-о оладиган жонингни!

Нариги томоннинг болаларидан биттаси уз тудасидан ажралиб чиқиб, тугри бирон боланинг қулига уради. Занжирни заади ёки узолмайди, ё асир олади ёки узи асирликда қолади “Чумурди-қочди” уйинида 4-5 бола қатнашади. Болалар ариқ (ёп) буйига келадилар. Шунда кимдир “Чумурди-қочди” уйнаймиз деб таклиф қилади. Қоида буйича сувга ким кечикиб тушса, шу чумурилади (шўнгитилади). Уч-тўрт бола кейин тушган болани сув тагига шўнгитиб кейин қочиб-сузиб кетадилар. Чумурилан бола бошқаларни қувади. Кимни тутиб олса, энди уша чумурилади.

“Олма менда” уйинида эса бир неча бола сувга тушади. Улардан бири “Олма менда” дея шўнгиб кетади. Кейин гуё олма қалқийгандек сувдан фақат бошини чиқариб юборади. Қолган болалар уни тутишга ҳаракат қиладилар. “Олма менда” деган бола яна сув остига кириб қочишда давом этади. Ким олдин ҳалиги боланинг бошига қул тегизса, олмани шу олган ҳисобланади. У қочади ва болалар уни тутишга уринадилар (104, 110-115).

Болалик давридаги бундай ҳаракатли уйинлар болани жисмоний жиҳатдан ривожлантирибгина қолмасдан, балки

қул, оёқ мускул пайларини мустаҳкамлайди, баданни серҳаракат қилади, кўзлари яхши кўрадиган булади, боланинг диди, фаҳм қилиш, ҳиссий сезиш қобилияти усади, ташаббускорлиги ва фаоллиги ошади.

Ўзбек халқ педагогикасининг зукко тадқиқотчиси Зокир Миртурсуновнинг фикрича, ов қилиш уйинлари орқали тарбиялашнинг аҳамияти жуда каттадир: “Ёшларни овга ургатишнинг биз учун қимматли томони шундаки, ов қилишга боғлиқ бўлган бир қатор жисмоний машқ малакалари эгалланади. Яъни бола отда чопиш, от устида тик туриш, ётиш, от ёнига оғиш, отда чопа туриб камон ва милтиқдан уқ ота билиш ва ҳоказо машқ малакасини эгаллаган бўлишлари зарур. Шу билан бирга ов қўшлари улардан, қирғий, қарчиғай ва ов ити - този итни боқиш, овга ургатиш ҳамда улардан фойдаланиш йўлларини урганиш талаб қилинади. Ёшларни овга ургатиш, албатта, маълум тажрибага эга бўлган кишилар томонидан олиб борилар эди” (104, 116).

Бизнинг аждодларимиз фарзандларини жасоратли, ўз ватанининг ҳақиқий ҳимоячиси, кучли ва ботир этиб тарбиялашга катта эътибор берганлар. Масалан, “Турабек хоним билан Султон Санжар”, “Болақай ботир”, “Шаҳзода Салмон” (206, 87) ва “Одилбек ва Хуррамбек” (206, 106) эртақларида Ватан ва эркинликка бўлган муҳаббат, ўз юрти ва жонажон халқи учун жонини фидо этиш, шон - шараф, ор - номус учун кураш туйғулари ифолаланади.

Халқ оғзаки ижоди материалларида хотин - қизларнинг фидойилиги, жасорати, ақл-идроки, эркаклар билан тенг шароитда фаолият курсатганликлари “Хирмондали” (176, 48) ва “Бозиргон” (175, 58-59) дostonларининг қаҳрамонлари Хирмон ва Ойсултон тимсоллари айниқса, ёрқин ифодаланган. Бундай ботир, чавандоз, назокатли, ақл-идрокли, садоқатли ва эл-юртни адолат билан бошқарган аёллар ҳақида Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи тарокима” асарида ҳам маълумотлар келтирилган (34, 78). Ҳаттоки, юнон тарихнавис олимлари Геродот ва Диодор (эрамиздан олдинги 1 аср) ҳамда Рим ёзувчиси Климент Александровскийнинг (эрамиздан олдинги 11 аср) ёзишича, қадимги Хоразм давлатини ураб олган чулларда, Амударё этаклари ва Орол бўйи ҳудудларида жуда қадим замонлардан массагет ва сак қабилалари хоразмликлар

билан иноқ яшаб келарди. Доимо кучиб юрувчи массагет ва сак қабилаларининг бутун уйи ҳам, хазиnasi, маданий бойлиги ҳам аравага, отга, туяга юкланганди. Улар табиатнинг бутун инжиқликларига чидар, яйлов излаб юриб қушни қабилалар ҳужумига дуч келарди.

Бундай қабилаларнинг эрлари ҳам, хотинлари ҳам, болалари ҳам жисмонан чидамли ва чиниққан булиши, жами офат ва кулфатларга мардонавор туриб бериши шарт эди. Халқимизнинг узоқ утмиши тарихидан бизгача етиб келган Тумарис ва Широқ афсоналари ҳам ана шу сак ва массагет қабилалари фарзандларининг ташқи душман қадимги Эрон подшолари Кир ва Дороларга қарши қаҳрамонона курашларидан ҳикоялардир. Массагет ва сак қабилалари ҳамда хоразмликларнинг таълим-тарбия тизимини ва анъаналарини тушуниш учун улар тарбиялаб устирган фарзандларнинг турмуш тарзи ва характерини аниқлаб олиш керак. Бу қабилалар ва қадимги хоразмликларнинг урф-одатларида қиз бола 14 ёшга етгач, узига мустақил саналар, уз умр йулдошини узи танлар эди. У турмушга чиқадиған йигит эса ҳар томонлама билимдон, жасоратли булиши, уз жуфти ҳалоли олдида боши тик, кукси тоғ булмоғи зарур эди. Бу Ватан ва халқнинг обриси, шон-шавкати. Шунинг учун ҳам массагетлар, сак қабилалари ва қадимги хоразмликлар тугилган фарзандини, угил ва қиз булишидан қатъий назар, ёшлигидан қурқмас, ботир, адолатпарвар, уз халқининг мустақиллиги учун жонини беришга тайёр қилиб тарбиялар эдилар. Шу боис ҳам “массагет, сак қабилалари ва қадимги хоразмликларнинг аёллари эркаклар билан ёнма-ён туриб Ватан озодлиги учун жанг қилардилар. Хотин-қизлар ёлгондан чекинаётганга ухшаб эркаклардек орқага бурилиб, отдан туриб мулжалга аниқ уқ узар эдилар” (209, 23-24).

Халқ педагогикасида фарзандни жисмонан бақувват, паҳлавон, жасоратли қилиб тарбиялаш билан бирга, уларнинг ақлий тарбиясига ҳам катта эътибор берилган. Чунки киши уз фаолиятининг ақлга қай даражада мувофиқлиги ёки хилофлигига қараб, жамиятга, атрофдаги кишиларга ижобий ёки салбий таъсир курсатиши мумкин. Шунинг учун халқ педагогикасида таълим-тарбиянинг **утит, насихат, намуна булиш, меҳнатта чиниқтириш сингари усул ва воситаларидан** унумли фойдаланганлар. Масалан, “Бойнинг угли” эртагида ҳикоя

қилинишича, қадим замонда бойнинг биттаю-битта ўгли булиб, у ақлсизлик қилиб, ёшлиқдан кайф-сафога берилиб кетади. Бой боласини ёшлиқдан эркалатади, катта булгандан сунг уни эслаб ололмайди. Отаси вафотидан кейин ҳам у маишатга берилади. Ҳеч вақоси қолмайди. Журалар ундан юз угиришади. Йигит аламига чидай олмай: “Бундай булиб юрганимдан кура, улганим яхшироқ” дебди-да, отаси ясаб берган рапчанинг халқасига ип боғлаб, узини осибди. Бирок ҳалиги рапча упирилиб кетиб, йигит ерга юмалабди. Устидан олтин-кумуш сочилибди. Калласини ишлатиб қараса, отаси бу рапчанинг ичига олтин-кумуш тулдириб қўйган экан. Шундан кейин турмуши яхшиланиб кетибди. Журалари яна ширага қўнган пашпадай тупланиб келаверибдилар. Йигит уларнинг барини ҳайдаб солибди. Кейин касб-ҳунар ўрганибди, бола-чақа қилиб мурод-мақсадига етибди:

Қўлда молинг борида, бегоналардин ёр куп,  
Давлатинг кетса агар, дилдор йук, озор куп, -  
деган эканлар ақлли одамлар (206, 118-120).

Шунингдек, “Мулла билан кўса” эртагида эса бундай дейилади: “Подшо ўғил кўрибди. Бола кўнгли тусаган нарсани қилиб, ақлсиз булиб усаверибди.

Бола еттига кирганда подшоҳ: “Буни ўқитиб саводли қилиш керак” деб болани муллага берибди. Бола мулланинг айтганларини қилмас, муллани масхара қиларкан. Мулла эса болани уришиб сукай деса подшоҳдан қўрқар экан. Шундай қилиб, бир йил утибди. Бола алифни ҳам ўрганмабди. Подшоҳ ўгли бир йилгача қандай ўқиётганини сўрамабди. Бир йил утгандан кейин: “Ўғлим ўқиш-ёзишни ўргангандир”, деб мулла билан уни олдига чақирибди. Юртнинг катталари ҳам саройга йиғилишибди. Подшоҳ: “Қани, ўғлим бизга ўқиб бергин” деб қўлига китоб берибди. Ўғил индамай хатга қараб утираверибди. Кейин подшоҳ сўрабди: “Ахир, ўғлим, бир йил ичида сен нимани ўргандинг?” - дебди. Бола чўнтагидан тўртта ошиқ олиб уйнаб утираверибди.

Подшоҳ газабланиб домладан сўрабди: “Сен, нодон мулла, нега ўғлимни ўқитмадинг? Мулла қизариб: “Подшоҳим, сиз боламини ўқит, урма-сукма, хафа қилма

дедингиз. Болангиз сира сүзимга кирмади, урмай, қаттиқ ушлай десам, сиздан қурқдим”, - дебди.

Подшоҳ муллага қаҳр қилиб, уни зиндонга солишни буюрибди.

Подшоҳ, вазирларни чақириб: “Менинг уғлимни уқитадиган одам топинглар”, -дебди. Вазирлар ҳеч кимни бу ишга кундирилмадилар.

Бир куни подшоҳнинг саройига бир кўса билан бир мулла уришиб келибди. “Нима гап узи ?” деб сўрабди подшоҳ. Мулла: “Бу кофир: подшоҳнинг боласи - ҳукизга ухшаган, одам қилолмайсан”, -дейди. Мен: “Мулла қила оламан”, - дедим. У: “Йўқ”, - деди. “Уни мулла қилгандан кўра, эшакни мулла қилган осонроқ”, - деб айтади мутгаҳам, - дебди мулла. Шунда подшоҳ газабланиб: “Сен менинг уғлим ҳақида нега бундай гапларни айтасан?”- дебди.

“Ишонмасангиз синаб қуринг, подшоҳим”, дебди кўса. Подшоҳ, айтибди: “Яхши, мен уғлимни мана бу муллага шогирд қилиб бераман, сенга бир ёмон эшакни бераман. Қани курамиз, қандай қилиб сен эшакни мулла қилар экансан. Агар бир йилдан кейин эшакни мулла қилиб бермасанг, терингни шилдириб, узингни дорга остираман!”- дебди. Кейин углини ҳалиги муллага топшириб, куп инъомлар берибди. Кўсанинг қулига бир йиллик ем-хашак билан бир эшакни тутқазибди.

Кўса эшакни уйига олиб борибди. Бир китоб келтириб, варақлари орасига кепак сепиб қўйибди. Аввал кўсанинг узи китобни варақлаб кепакни эшакка сепиб едирибди. Беш - олти марта шундай қилган экан, эшакнинг узи китобни бошдан - оёқ варақлаб, кепакни ялаб чиқадиган бўлибди.

Бир йил утгандан кейин подшоҳ мулла билан углини, кўса билан эшакни олдириб келибди. Аввал боласининг олдига китоб қўйиб, “Уқи!” деган экан, бола яна уқий олмабди. Китобни эшакнинг олдига қўйган эканлар, эшак китобнинг саҳифаларини тили билан варақлаб, кепак топмагандан кейин ханграйверибди. Подшоҳ кўсадан: “Бу эшагинг нима деяётир? - деб сўрабди. “Яна бошқа китобингиз булса опкелаверинг, уқийман деяётир” дебди кўса.

Кейин подшоҳ мамнун бўлиб, кўсага инъомлар берибди: “Сен менинг уғлимнинг ҳам саводини чиқариб бер”, - дебди. Шунда кўса:

“Менга яна унта эшакни берсангиз ҳам саводини чиқариб берай, лекин бу углингизни менга берманг, жон подшоҳим!” - деб чиқиб кетибди” (206, 184-186).

Халқ педагогикасида болаларнинг гузал инсоний фазилатларини тарбиялашда туғрилиқ, ҳақиқатгуйлик, адолатпарварлик, ҳалоллик ва ростгуйлик ҳам алоҳида урин эгаллайди. Масалан, “Туғрилиқ - бойлик” эртагидаги туғрилиқ, ростгуйлик, ҳалоллик каби олийжаноб хислатлар улуғланади: “Қадим замонда бир подшоҳ, булган экан. Кунлардан бир кун уша азамат бир айвон солдирмоқчи булибди. Айвон жуда баланд қилиб солингани учун унга ҳеч қаердан устун (ура) топа олмабдилар. Подшоҳ, ноилож: “Кимда ким менинг айвонимга боп келадиган ёғоч топиб берса, шу ёғочнинг оғирлигига тенг олтин бераман”, деб юртга жар солдирибди. Кунлардан бир кун: “фалон қишлоқда фалон момонинг ҳовлисида Сизнинг айвонингизга мос келадиган қорамон дарахти бор экан”, - деган хабар келибди. Подшоҳ дарров одамларни юборибди. Ёғочни олишнинг ҳеч иложи булмагандан кейин подшоҳнинг узи отланиб момо турган қишлоққа борибди. Подшоҳ момога: “Шу дарахтнинг оғирлигича олтин бераман”, - дебди. Момо ахири кунибди. Усталар дарахтни нақшли этиб уйиб, унга зарҳал безаклар берибди. Шу билан подшоҳнинг айвони битибди. Бир қанча вақтлар утганидан сунг момо уз қорамонини кўрмоқ учун подшоҳнинг саройига борибди. Караса, устун кўз қамаштириб ҳар хил ранглар билан товланиб турган эмиш. Момо уз қорамонини кўриб, кўзига ёш олибди: “Ана узинг туғри булганинг учун ҳам зарга чулганибсан, мени ҳам зарга чулғадинг”, - дебди-да уйига қайтибди (206, 157-158).

“Юсуф ва Аҳмад” достонининг бош қаҳрамони Юсуф ҳақиқатгуй, адолатпарвар, баркамол инсон. У ҳар бир ишни бажаришда ақл-заковат билан иш тутиб, халқ фикрига таянади, эл-юрт маслаҳати унга раҳнамо. “Маслаҳат биткарур кори дунёни”, дея англаган Юсуф уз халқига қарата шундай дейди:

Маслаҳат бер, мунда турган ҳалойиқ,  
Улуғ подшоҳимиздан инъом кслибди.  
Овозимиз юртга маълум булибди,  
Бекларим, маслаҳат қандай булади? (105, 20).

Демак, Юсуфнинг эътиқоди, ақл-заковати, яшаш ва кураш тутуми эл-юртнинг талаб ва истаклари, маслаҳатлари билан иш юритиш унинг учун бурч ва қонун. Юсуфнинг фикрича, халқнинг хоҳиш-иродасига суяниб иш тутиш аҳиллик ва тотувликнинг, тўқлик ва фаровонликнинг муҳим мезони.

Шундай қилиб, юқоридаги эртақ ва дostonларда туғрилик, адолатпарварлик, ростгўйлик, аҳиллик, ҳалоллик эгрилик, алдамчилик, нопокликка қарши қўйилади. Эртақ ва дostonларнинг сўнгида эса, ҳалоллик, туғрилик енгиб чиқади. Масалан, “Деҳқон билан кўсалар” эртагида шу манзари қўриш мумкин.

Халқ педагогикасида камтарлик ва мақтанчоқлик, сажийлик ва ҳасислик, яхшилик ва ёмонлик, мардлик ва номардликни баён қилувчи мақоллар, эртақлар, дostonлар, қўшиқлар яратилганки, улар ҳозир ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас. Масалан, “Қилдирни бушатсанг, қўлингни кесар”, “Ёмондан яхшилик кутма”, “Яхши ёмонни тани, эл таниган эл хони”, “Аҳмоқ ўзини мақтар, кучингни курсат!”, “Юмуруқи зўр булса, юнг қозик ерга кирар”, “Ўз сузида турмаган номард”, “Танангда жонинг булса майдонга яккама-якка чиқ”, “Ёқма, пишарсан; қазима, тушарсан”, “Ҳар ким этса ўзига”, “Туз ичган еринга ёмонлик қилма”, “Чап қўлинг урилса, унг қўлинг аралашмасин”, “Юмуруқи зўр бир урар, илми зўр минг урар” каби мақоллар фикримизнинг яққол далилидир.

“Ҳар ким этса - ўзига” эртагида ҳикоя қилинишича, бир камбағал бўзчи кампир бўлиб, у ҳар доим “Ҳар ким этса - ўзига” деган мақолни айтиб юрар экан. Ундан қўшнилар безор булади ва подшоҳга арз қилишади. Подшоҳ кампирни заҳарланган ош едириб ўлдиришни маслаҳат беради. Кампирнинг қўшнилари бир лаган заҳарланган ош олиб чиқишади. Кампир ошни тоқчага олиб қуяди-да, ишини давом эттира беради.

Подшоҳнинг икки ўғли бўлиб, шу кампирга яқин жойда яшайдиган домладан таълим олишар экан. Улар ҳар куни ўқишдан кейин кампирникига кириб, унинг бўз тўқишини томоша қилишар эканлар. Улар бугун ҳам кампирникига киришади, сув сўраб ичишади. Уларнинг тоқчадаги ошга кўзи тушади ва қаттиқ туриб, ошни сўраб олиб ейишади. Подшоҳ-

нинг болалари тил тортмай улиб қолишади. Подшоҳ кампирнинг “Ҳар ким этса - узига” нақлининг маъносига тушунибди. Бироқ кампирга ёмонлик қилгани учун подшоҳ икки боласидан ажралибди. У кампирнинг қушниларига жазо берибди, лекин фойда бермабди. Доноларнинг: “Ёқма, пишарсан; қазима, тушарсан” деган нақлининг маъноси шундан экан” (212. 151).

Хоразм халқ қушиқларида эл-юртга фидойилик, кишилар эса фақат яхшилик қилишга даъват этилади. Мард киши билан иш қилишга ва йулдош булишга, номард билан асло ҳамкорлик қилмасликка панду-насиҳат қилинади:

Яхшиларнинг топган моли туй булар,  
Фикри-зикри эли учун уй булар.  
Феъли ёмон ҳар кимсанинг хаёли,  
Яхшилар ҳақида қора уй булар.  
Мард булмаса сузларига ишонма,  
Номард билан узоқ ерга йул олма.  
Қизил гулсан, мард куксига ярашган,  
Номарднинг олдинда беҳуда сулма (211.145).

“Бозиргон” достонида тасвирланишича, Бозиргон-забардаст, жасур, дўстга садоқатли, соддадил йигит. Унинг бағрикенг. Ҳатто у Гуруғли Зайнаб кампирнинг иғвосига учиб қотиллик қилган бўлса ҳам, уни кечиради, унга узининг энг яхши маслаҳатларини беради ва дунёдан кўз юмади. Гуруғли эса қилган хатосини буйнига оладиган мард инсон, тажрибали саркарда, эркин муҳаббатни ёқлайдиган меҳрибон ота, душманларга беаёв, дустларига ниҳоятда илтифотли, адоятпарвар, халқпарвар инсон қиёфасида намоён булади.

Қорахон тимсоли эса раҳм-шафқатсиз, инсоний хислатлардан маҳрум бир шахс сифатида тасвирланади (176. 57).

Халқ педагогикасидаги хушмуомалалик, камтаринлик, уйлаб сузлаш каби хислатлар биринчи навбатда уз ичига тил одобини олади. Шунинг учун ҳам ёш авлодга юз уйлаб, фақат рост гапни сузлашга насиҳат қилинади, акс ҳолда тилим бор деб ҳар нарсани сузлама дейди:

Купни билу, оз сузла,  
Оз сузла-ю, соз сузла.  
Юрагингда доғ қолмас,  
Тилни севсанг рост сузла! (176. 204).

Халқ педагогикасида болаларни ватанпарварлик, яъни она-Ватанга, киндик қони тўкилган жойга, ота-боболар ҳокипойи қолган муқаддас тупроққа, ўзи туғилиб ўсган улкага ва одамларга, меҳр-оқибатли, садоқатли, фидойи бўлиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилган. Ана шунинг учун бир халқ мақолида “Юрт қўрисанг ўзарсан, қўримасанг тўзарсан” деб таълим берилади.

“Ошиқ Ғариб ва Ҳилола пари” достонида инсон Ватан меҳри, Ватан тупроғи ва Ватан иштиёқи билан тириклиги узининг тулақонли ифодасини топган:

Энди билмам ёлғиз қаён борурман,  
Юртидин ошуб гирён-гирён борурман.  
Булбулдек тинмайин афғон борурман.  
Қуш каби қафасда қолган Ғарибман (176, 82).

Халқ педагогикасида меҳнат тарбияси ва касб-ҳунар таълими мавзуйга катта ўрин берилган. Масалан, “Яхши киши чулда бустон яратар”, “Меҳнатқашда саодат”, “Меҳнатнинг таги роҳат”, “Меҳнатда танилар эр”, “Ишла бола, ишлаганнинг замони”, “Яхши келин иш қилади саришта, ёмон келин кўз бўййди ҳар ишда” каби халқ донишмандлигида халқнинг меҳнатсеварлик руҳи акс этиб, мақсадсиз ва меҳнатсиз ҳаёт кечириб қораланган.

“Меҳнатда танилар эр “халқ қўшиғи замиридаги инсон тарбияси асосида меҳнат ва меҳнатсеварлик, унинг меҳнатга булган муносабати ётади:

Ишлаган узар экан,  
Меҳнатсиз тузар экан.  
Ёмон йўлга кирганлар,  
Ақлидан озар экан.  
Меҳнатда танилар эр,  
Меҳнатсиз эр -қаро ер,  
Иш кузини билмасанг,  
Кимлар сени одам дер?! (217.263).  
Яхши йиғит чулда бустон яратар,  
Тиканзорда чин гулистон яратар.  
Дангасага меҳнат ёқмас, ош ёқар,  
Ёмон одам тик бинони қулатар (211.245).

“Вафодорлик” эртагида: “Чол аста-секин Гулшодни табибликка ургатибди, гиёҳлардан ҳар хил дорилар таёрлашни

ва беморларнинг касалини аниқлаш йулларини ургатибди. Бир йилдан сунг, Гулшод чолдан кўп нарсани урганиб олибди..

Аста - секин бутун юртга Гулшоднинг табиблик хунари маълум бўлибди, ҳар томондан унинг олдига беморлар келибди. Бир йилдан сунг унинг довруғи бутун Хоразмга ёйилибди” (206.29).

“Ойгул билан Бахтиёр” эртагида: “Қадим замонда бир подшоҳ бўлган экан, унинг бир қизи бор экан. У қиз жуда ақлли, доно экан. Соз чертар экан, қўшиқ айтар экан, гилам тўқир экан, сурат солар экан. Қисқаси, қирқ хунари бор экан. . .” (206. 38), дейилган.

“Маккор уста билан айёр кал” эртагида чарх йигириб кун кўрувчи қашшоқ кампирнинг ўғли онасини қўярда-қўймай подшоҳнинг қизига совчи қилиб юборибди. Подшоҳ йигитнинг онасига: “Болангга айт, қирқ турли хунар ургансин, урганган хунарининг ҳаммаси бошқа-бошқа бўлсин, бири-бирига сира ўхшамасин дебди” (206, 121). Бола қирқта хунарни кунт билан урганиб, подшоҳнинг қизига ўйланибди.

Юқоридаги эртақларда уста ўз шогирдига бирор касб-хунарни ҳалоллик билан ургатган. Лекин бахил усталар ҳам бўлганки, “Бахил уста”, “Қурбонбой билан етти тўғри” эртақларида тасвирланишича, улар шогирдлик муддатини ғайри ниятда чўзиб юрганлар.

Айтиб утилганлардан қўйдаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- асрлар мобайнида аждодларимиз томонидан яратилиб, авайлаб-асраб келинган ва сайқал топган асотирлар (мифлар), ривоятлар, нақллар, мақоллар, маталлар, эртақлар, дostonлар, рақслар, қўшиқларда, умуман, халқ оғзаки ижодиётининг барча жанрларида ўзининг чуқур ифодасини топган инсонпарварлик, миллатсеварлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, саҳоватлилиқ, бағрикенглик, эзгулик ҳақидаги бебаҳо гоёлар, қарашлар, пандномалар қадимги Хоразмда дунёга келиб вояга етган барча мутафаккирларнинг асарлари учун илмий-назарий манба ва асос бўлиб хизмат қилган;

- хоразмлик қомусий мутафаккирларнинг нодир асарларида халқ педагогикасида баён этилган маънавият тарбиясига оид фикрлар илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

- буюк мутафаккирлар халқ педагогикасидаги таълим-тарбияга оид ғояларга асосланиб маърифий-тарбиявий қарашларнинг мукамал илмий тизимини ва назариясини яратдилар.

Умуман, биринчи бобда зикр этилган барча мулоҳазаларга яқун ясаб шундай умумий хулосага келиш мумкинки, биринчидан Хоразмда маърифий- тарбиявий фикрлар кункеча пайдо бўлган эмас, у узининг шаклланиши ва ривожланишининг бир неча минг йиллик тарихига эга. Бошқача айтганда, Хоразмда маърифий-педагогик фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши асрлар қаърига бориб тақалади.

Иккинчидан, қадим Хоразмда маърифий-тарбиявий фикрлар узининг шаклланиши, ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий асосларига эга. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий шарт-шароит ва имкониятлар бутун инсониятда бўлгани каби Хоразмда ҳам азал-азалдан шакллана ва ривожлана бошлаган маърифий-тарбиявий фикрлар учун замин, пойдевор бўлиб хизмат қилган.

Учинчидан, маърифий-тарбиявий фикрлар Хоразмнинг энг қадимги ёзма ёдгорликларида, яратилганига 3000 йил бўлаётган энг муътабар қадимги қулёзма “Авесто”да узининг чуқур ва ҳар тарафлама ифодасини топган.

Туртинчидан, халқларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилиб, куз қорачигидай асраб-авайлаб келинган маънавият ва маърифатга оид қарашлар, уғитлар, дурдона фикрлар Хоразм мутафаккирларининг маърифий- тарбиявий қарашларининг юзага келиши ва ривожланишида битмас-туганмас хазиналар кони, илдизи мустаҳкам ва бақувват манба бўлиб хизмат қилди.

## **II БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА УЙҒОНИШ ДАВРИ (IX-XII ВА XIV-XVI АСРЛАР) ДА ХОРАЗМ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МАЪРИФИЙ- ТАРБИЯВИЙ ҚАРАШЛАРИ**

### **1-§. Хоразм мутафаккирлари маърифий-тарбиявий қарашларининг шаклланиши ва ривожланишида ислом маънавиятининг таъсири**

Арабларнинг VII аср бошларида Марказий Осийё ва Шимолий Африка ерларида олиб борган кўп йиллик урушлари натижасида Помирдан Атлантика океанигача бўлган худудда улкан Араб халифалиги ташкил этилган, уммавийлар даврида (661 йилдан) унинг пойтахти Дамашқ эди. Аббосийлар сулоласининг иккинчи халифаси Ал-Мансур (754-775) 762 йилда Ироқда Бағдод шаҳрини барпо қилдириб, уни “Муслмон дунёсининг пойтахти” деб эълон қилади. Халифалар истилочилик сиёсатини ўтказишда ва ислом динини тарқатишда турли усуллардан фойдаландилар. Жумладан, ерли халқни ҳам иқтисодий, ҳам ғоявий-маънавий жиҳатдан Араб халифалигига қарам қилиш йулида исломни қабул қилганларни вақтинчалик солиқлардан озод этишди ва бошқа турли имтиёзлар беришди. Араб истилочиларига буйсунишни истамаган маҳаллий халқнинг асрлар давомида таркиб топган ва исломга қадар бўлган бой маънавий мероси-санъати, адабиёти, ёзуви, асори-атиқаларини батамом йўқ қилишди. Биринчи навбатда, олдинги диний мафкура зардуштийлик, буддийлик, маздакийлик, монийлик билан боғлиқ бўлган маданиятнинг тарқатувчиси коҳинлар, ибодатхоналар ва дафн этиш жойлари, остодонлар, рассомлик ва ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ва ҳоказолар қарийб йўқ қилинган эди. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний шундай ёзганди: “Қутайба Хоразм хатини биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини урганган уз билимини бошқаларга ургатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб булмайдиган даражада яширин қолди...”

Кейин: Қутайба ибн Муслим ал-Воҳидий хоразмликларнинг китобларини ҳалок этиб, билимдонларини ул-

дириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, уз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига таянадиган булдилар” (35, 72-84).

Хуллас, халқимизнинг исломга қадар булган бой маданиятининг йуқ қилиниши унинг ислом ақидалари ва мафкурасига мос келмаслиги билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам ислом дини ва унинг мафкураси ана шундай ғоявий-сиёсий кураш жараёнида шаклланди ва ривожланди.

Араб истилосидан кейин VIII аср бошларидаёқ. Хоразмда узига хос икки ҳокимиятчилик урнатилган булиб, жанубий қисмида Шоҳ Абу Абдулло Муҳаммад Қиёт шаҳрида, шимолий қисмида эса Хоразм амири Маъмун ибн Муҳаммад Гурганж шаҳрида ҳукмдор эди. 995 йил бу икки ҳукмдор уртасида ягона Хоразм давлатини ташкил этиш учун булган курашлар Маъмун ибн Муҳаммад ғалабаси билан тугади ва у хоразмшоҳ унвонига эга булди. Шу вақтдан бошлаб Гурганж хоразмшоҳларнинг ягона пойтахти булиб қолди.

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад (995-997) ва унинг ворислари Али ибн Маъмун (997-999), Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун (999-1017) ҳукмронлик қилган даврда хоразмшоҳлар диний-сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан устомонлик курсатиб, амалда халифалик марказидаги марказий ҳокимиятдан мустақил булиб олганлар, уз ҳудудларида “маърифатпарвар ҳокими мутлақ” сиёсатини юргизганлар, хоразмликларнинг қадимги давлатчилиги, маърифий-ҳуқуқий ва маънавий тафактури анъаналарини қайтадан тиклаб олишга муайян даражада муваффақ булганлар.

Хоразм, айниқса, сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар давлати таркибидан ажралиб Қутбиддин Муҳаммад (1097-1127), Қутбиддин Муҳаммад ибн Аловиддин Жалолоиддин Отсиз (1127-1156), Эл Арслон (1156-1172), Аловиддин Такаш ибн Эл Арслон (1172-1200) ва Аловиддин Муҳаммад хоразмшоҳ (1200-1220) ҳукмронлик қилган даврларда яна мустақил хоразмшоҳлар давлатига айланганидан сунг “Буюк ипак йули” орқали Қора денгиз буйи, Киев Руси, Шарқий Европа, Орол ва Волга буйи давлатлари билан савдо-сотик, иқтисодий-сиёсий ва маданий муносабатларнинг тараққий этиши натижасида пойтахт Гурганж йирик савдо-хунармандчилик, ижтимоий-сиёсий ва маданий марказ

сифатида тез уса борди. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг, моддий маданият шаклларининг бундай ривож топиши маънавий маданият, унинг турли шакллари тараққиётига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатди.

Бу давр маданиятини ва маънавий тафаккурининг характерли томонларидан бири шундаки, араб тили бутун мусулмон оламида, айниқса, халқаро тил, мафкура ва фан тили сифатида кенг ишлатила бошланди.

Шунинг учун ҳам бу даврда Хоразмда масжидлар ҳузурида ташкил этилган мактабларда араб тили ва ёзуви ургатилган. Айни пайтда Қуръони карим ва Ҳадиси шариф асослари, уламо ва ҳукамоларнинг китоблари исломий таълим-тарбиянинг манбаи бўлиб, уғил болаларга ўқитилар эди. Қизларни элтибиби(отинбиби)лар ўз уйларида ўқитишган. Мактаб босқичлари ўқувчи мактабга неча йилдан буён қатнаётганлигига қараб эмас, балки ўқув материални қанчалик ўзлаштираётганлигига қараб белгиланарди. Ўқувчилар “тахтахон”, “абжадхон”, “ҳафтияхон”, “Қуръонхон” каби таълим босқичларига ажратилган.

IX - XI асрларга келиб Хоразмнинг Кат, Қиет, Гурганж, Хива ва бошқа шаҳарларида илм масканлари, мадрасалар пайдо бўлган. Шуниси диққатга сазоворки, XI асрнинг охири XX асрнинг бошларида Хоразмда 444 та мадраса бўлиб, уларнинг ҳар бирида турттадан мударриси комил олимлар ва 1780 уламолар талабаларга дунёвий ва фикҳдан сабоқ беришган. Мадрасаларда асосан арзғуйларнинг шикоятларини текшириш, ер, мол-мулк тақсимоти, солиқлар ундириш, шунингдек, қозилар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ижросининг бажарилишини назорат қилувчи мутахассислар ҳам тайёрланган. Хоразм мадрасаларида ҳар йили 25 нафардан илми толиб шарият қонун-қоидалари ва фикҳдан сабоқ олгач, Хоразм тасарруфида бўлган ҳудудларда қозилик қилишга рухсат этилган. Илми толибларнинг айримлари эса синовдан утказилгандан сунг Бухорои шарифга ёки араб мамлакатларидаги мадрасаларга ўқишга юборилган. Шу тариқа махсус тайёргарликдан утганлар қози аскар, қози ўрда, қози аълам, мушариф, мутриқ мансабларига тайинланарди.

Мадрасанинг маблағи бир йилга 35 минг дирҳам, шундан бош мударрисга 2000 дирҳам, бошқа мударрисларга

уларнинг билими ва берадиган фанининг аҳамиятига қараб, 1200 дирҳамгача белгиланган. Мадраса қориси 1500 дирҳам олган. Мадрасада уқийдиган талабалар учун эса ҳар йилда 1800 дирҳам ажратилган. Ҳар бир талаба 30 дирҳамгача ойлик стипендия олган. Демак, ҳар бир мадрасада 60 га яқин талаба уқиган. (272.34)

Мадрасаларда уқитиш 3 босқичли бўлиб, ҳар бир босқичдаги уқув юрти узига хос дастур билан талабаларни уқитган. Бошланғич (адно), урта (авсат), олий (аъло) босқичли мадрасалар бериладиган билимлар кулами ва сифати жиҳатидангина эмас, балки дарёхоналари ва талабалар сони жиҳатидан ҳам қатъий чегараларга эга бўлган. Бу таълим даргоҳларида биринчи босқичда талабаларга илму сарф (суз турлари), илму наҳв (гап турлари), муҳтасари виқоя, фикҳ, мантиқ; иккинчи босқичда аъқоиднинг шарҳи; учинчи босқичда ҳидоя, ҳидояи тариф, иноя, талҳ ва бошқа фанлардан сабоқ берилган.

Бундан ташқари мадраса талабаси туркий, араб ва форс тилларини мукаммал билиши шарт бўлган. Шунингдек, талабалар Қуръони карим, ҳадислар, шариат қонунларини ҳам урганишган, ифодали уқиш, назокат билан таъсирчан сўзлаш, саводли ва равон ёзиш, яъни ҳуснихат санъатларини ҳам эгаллаганлар. Албатта, мударрисларнинг имкониятларига қараб арифметика, ҳандаса, риёзиёт, жуғрофия, илм ал-нужум, тиббиёт, ҳикмат (физика), мантиқ, тарих, араб тили ва адабиёти, аруз илми ва бошқа дунёвий фанлар ҳам ургатилган.

Мадрасаларда сабоқлар эрталаб соат 8 дан 12 гача утилган. Уларнинг вақти тахминан бир соат қилиб белгиланган бўлиб, талабалар ва мударрисларнинг хоҳишига кура 2-3 соатгача ҳам чўзилиши мумкин бўлган. Дарслар жадвали бўйича ҳафтанинг шанба, якшанба, душанба, сешанба дарс кунлари, қолган 3 кун дам олиш ҳисобланган. Бир йиллик сабоқ вақти эса 6 ой мезондан бошланиб, ҳамал ойи киришигача давом этган, қолган 6 ой таътил даври бўлган.

Мадраса уқувида мударрис танлаш ҳам асосан талаба ихтиёрида бўлган. Шу боис талаба имкон қадар билимдон ва яхши муомалали домла таҳсилини олиш ҳаракатини қилган. Мударрисга бириктирилган талаба сони 3-4тадан ошмаган. Агарда талабани домланинг дарси қониқтирмаса, услуби ёки

муомаласи ёқмаса, талабанинг хоҳлаган вақтида бошқа домлага кетиш ҳуқуқи булган. Шу боис мадраса мударрисининг узи ҳар доим билимини оширишга, талабага яхши муомалада булишга уринган.

Уқитишда купроқ муқолима ҳамда мунозара усуллари кулланилган. Уқув жараёнида, машғулотлардан ташқари пайтларда талабаларнинг мударрисларга мурожаат қилиш, тинглаш, уз фикрини ифода этиш одоби алоҳида аҳамият касб этган. Уқув йили охирида айрим мударрислар уз меҳнатининг натижасини ва талабанинг билим даражасини курсатиш мақсадида ота-оналар олдида шогирдларини имтиҳон қилиш талабалар сафи усишига, билимдонлар купайишига сабаб булган.

Гурганж, Кот, Қиёт, Хива мадрасаларида талабаларга бепул турт маҳал овқат, алоҳида ҳужра, айрим узлаштириши яхши булганларга вақф тушумларидан ва хоразмшоҳ хазинасидан стипендия ҳам берилган.

Кези келганда шуни ҳам айтиб утиш жоизки, Хоразмнинг Қиёт, Гурганж, Хива шаҳарларидаги мадрасаларнинг шухрати урта асрларда кенг ёйилган булиб, купгина Шарқ мамлакатларининг толиби илмлари ана шу машҳур мадрасаларда сабоқ олиш учун келган андалусиялик Абу Ҳамид ал-Гарнотий, шомлик Шарафуддин Муҳаммад ибн Наср, жандлик Ал-қози Еқуб ибн ал-Жандий, хуросонлик Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ан-Насавий, нишопурлик Муҳаммад ибн ал-Хусайн, балхлик Муҳаммад Абдужалил ал-Умарий Рашидуддин ал-Ватват, исфахонлик Абу Мадар Шариф ал-Исфахоний ва бошқалар кейинчалик фикҳ, ҳадис, илоҳиёт илмининг бошқа соҳалари ҳамда дунёвий фанлар буйича машҳур олим булиб етишганлар. Шуниси диққатга сазоворки, Жавоҳарлал Неру “Жаҳон тарихига назар” асарида “уз бобоси Хива мадрасасида уқиганини фаҳр билан эслатиб утади” (255. 14).

Хоразмшоҳ Эл Арслоннинг ўғли Такаш (1172-1200) ҳукмронлик қилган даврда Гурганжда Ал-Ҳанафия мазҳабидаги илм толиблари учун мадраса ва кутубхона (“дорул-қутуб”) курдирган, мадраса талабаларини бепул озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб турган. Бундан ташқари Муҳаммад Ибн Иброҳим абу Абдуллоҳ ас-Саной, Муҳаммад

ал-Гурганжий, Маҳмуд ибн Муҳаммад Ибн Арслон Заҳириддин ал-Хоразмий, Абу Муайяд Ал-Хоразмий, Абу-Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Толиб ал-Хоразмий, Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Хоразмий каби машҳур мударрис ва муҳаддис олимлар Бағдод, Сурия, Ироқ, Ҳижоз, Дамашқ, Самарқанд, Бухоро мадрасаларига жунатилган. Улар машҳур уламолардан сабоқ олиб ислом маданияти ривожига ўзларининг катта ҳиссаларини қушганлар.

Шундай қилиб, Хоразмда халқаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг усиши, сугориш асосидаги деҳқончилик, ҳунармандчилик, санъат ва адабиёт, ҳарбий ишлар ва давлатни бошқариш усулларининг такомиллаштириши илмий билимларнинг кучайишига булган эҳтиёжни кучайтирди. Бу даврда Хоразмда фикҳ, ҳадис ва илоҳий билимларнинг бошқа соҳалари ҳамда математика, фалакиёт, география, геодезия, кимё, тарих, фалсафа, адабиёт, ҳуқуқшунослик, табобат, муסיқашунослик ва бошқа фанлар бўйича Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Ал-Хоразмий, Абу Бакр ал-Хоразмий, Умар аз-Замаҳшарий, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Умар ал-Чағминий, Паҳлавон Маҳмуд сингари машҳур мутафаккирлар етишиб чиқдилар. Ҳар бир ҳукмдор ўз саройида фаннинг ҳамма соҳаларидан хабардор олимларни туплашга ва бой кутубхоналар, мадрасалар барпо этишга ҳаракат қилди. Ҳукмдорлар орасида Хорун ал-Рашид (786-809) ва унинг угли ибн ал-Маъмун (813-833), Хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад, Али ибн Маъмун, Абу Аббос Маъмун ибн Маъмун, Муҳаммад ибн Ануштегин, ал-Малик Абу Музаффар Алоуддин Жалолиддин Отсиз, Алоуддин Такаш ибн Эларслон ва Алоуддин Муҳаммад каби илм - фаннинг ҳимоячилари ҳам булган.

Ватандошимиз буюк олим Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий Бағдодда “Маъмун академияси” номи билан машҳур булган “Байт ул-ҳикмат” (“Донишмандлар уйи”) даги кутубхона ва расадхонага, халифаликнинг турли ўлкаларидан келган араб, яҳудий, форс, турк, ҳинд, юнон олимлари олиб бораётган илмий текшириш ва илмий асарларни таржима қилиш, шарҳлаш ишларига раҳбарлик қилган. Бу эса ўз моҳияти билан Фанлар академияси Президенти вазифаси билан баравар эди.

Шундай қилиб, IX-XII асрларда иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг ривожланиши натижасида Хоразмда илм-фан, адабиёт, санъат ва маданий-маънавий тафаккурнинг бошқа соҳалари тараққий этди.

Ҳақиқатан ҳам, урта асрдаги қатор сайёҳлар, тарихчилар Марказий Осиёдаги илк Уйғониш даври маданиятида Хоразм илм-фан ва маданий-маънавий тафаккур юксалган улка булганлиги ҳақида ҳикоя қиладилар. Масалан, жүгроф ва тарихнавис олим ал-Муқаддисийнинг шоҳидлик беришича “... хоразмликлар-идрок, илм, фикҳ, қобилият ҳамда билим кишилариدير” (53. 33). Машҳур араб сайёҳи ибн Баттута “Сайёҳатнома” асарида “Бутун жаҳонда менга ҳали хоразмликлар каби ажнабийларга нисбатан хуш хулқ, олийжаноб, меҳмондуст, фикҳ, илмини сув қилиб симирган доно кишиларни учратиш насиб этмаганди...” (272. 35), деб ёзади.

Бу давр маданий-маънавий тафаккурининг характерли томони шундаки, маънавият соҳасидаги тасаввур, фикр, билимлар ислом диний ақидалари ва таълимотларини ҳам билимнинг, илмий тасаввурнинг бир қуриниши сифатида уз ичига сингдириб юборди. Дунёвий илмлар ва диний, илоҳий тасаввурлар бир бутун ҳолда қабул этилиб, инсон илмий тасаввурининг мазмунини ташкил этди. Дунёвий илмлар таъсирида ҳатто куч-қудрати, оламнинг яратилиши каби диний масалалар, диннинг узи ҳам илмий категориялар асосида тушунтирилиб, улар айрим мутафаккир олимлар асарларида кенг урин эгаллади.

Дарҳақиқат, Абу Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Мусс ал-Хоразмий (783-850)нинг дунёқараши ва бутун илмий фаолиятига хос жиҳат шундаки, унинг илмий асарларида илоҳийлик ва дунёвийлик, маънавийлик ва моддийликнинг узвий равишда бир-бирлари билан уйғунлашганини кўрамыз. Масалан, мутафаккир “Китоб ал-жам ва тафриқ би ҳисоб ал-Ҳинд” (“Ҳинд арифметикаси ҳисоби бўйича қўшув ва айирув китоби”) асарида ҳозирги умуминсоният фойдаланаётган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 рақам ва рақам ёзилмаган ҳолда бушлиқни билдирадиган нўл - “о” белгисига асосланган ўнлик ҳисоблаш тизимини яратганлигини баён этиб бундай деб ёзади:

“Раҳмли ва меҳрибон Тангрига лойиқ мақтовлар айтайлик, унга миннатдорчилигимизни билдирайлик ва уни

кўкларга кутариш билан мақтовни оширайлик, унга ибодат қилайлик, токи у бизни адолат сари бошлаб, ҳақиқат йулидан олиб борсин ва бизга 9 та ҳарфдан иборат Ҳинд ҳисоби ҳақида баён этишга қилган қароримизга ёрдам берсин. Улар ҳар қандай сонни қулайлик ва қисқалик учун ҳисоб илмини урганаётганларнинг мушкулини осон қилиб, яъни энг катта ва энг кичик сонни ҳамда уни купайтириш ва булиш, айириш ва бошқа барчасини шу ҳарфлар ёрдамида ифода этадилар.

Мен ҳиндлар 9 та ҳарфдан, уларнинг ўзлари хоҳлаганларича жойлаштиришларига кўра, истаган сонларини тузатишларини кўрганимдан кейин агар худо хоҳласа, урганаётганларга осонлик учун бу ҳарфлардан нима ҳосил булишини курсатишни жазм қилдим. Агар ҳиндлар худди мана шунини хоҳлаган булсалар ва бу 9 та ҳарфнинг улардаги маъноси менга очилган маънонинг узгинаси булса, Тангри мени шунга қарата йўлласин. Ёинки, уларни бу ишни мен айтгандан бошқа сабабга кўра бажарган булсалар, у ҳолда менинг баёнимдан бу сабабни ҳам аниқ ва ҳеч қандай шак-шубҳасиз топиш мумкин бўлади ва ҳам кузатувчи, ҳам урганувчи учун у осонроқ намоён бўлади” (171.70).

Куринадики, ал-Хоразмий математик рақам ва ҳисоблаш усулининг айрим қоидаларини назарий жиҳатдан асослашда Аллоҳ(“ас-сабаб ал-аввал”)ни биринчи сабаб ва биринчи моҳият сифатида илоҳият ва илмий нуқтаи назардан муфассал баён этган. Биринчи сабаб қанчалик абадий вужудга эга булса, ақлнинг борлиқдаги ҳодисаларнинг моҳиятини билиш имкониятлари ҳам чексиздир. Ал-Хоразмий ёзади: “Аллоҳ, таоло томонидан яратилган борлиқда ўз ҳолатини доимий равишда узгартирмай турадиган ҳеч қандай нарса ва ҳодиса йўқ. Умуман, билим борлиқдан келиб чиқиб, инсоннинг уларга булган эҳтиёжининг ушиб бориши ва борлиқни узоқ вақт урганиш жараёнида муттасил ва изчил тулланиб боради. Турли илмлар бир-бирини инкор ва истисно этмайди, балки узаро бир-бири билан боғлиқ ва дунёни билишга ҳамда бахт-саодатга эришишга хизмат қилувчи ягона халқани ташкил этади” (171. 52). Шу муносабат билан мутафаккир: “Инсон ўзининг тиришқоқлиги, меҳнати ва амалий фаолияти, Аллоҳ ато этган ақл-идрок, қобилият ва истеъдоди билан дунёни секин-аста била боради” (171. 77), деб ёзади. Шубҳасиз, ал-Хоразмийнинг

“... борлиқ инсон ва унинг сезгиси, ақл-идрокидан олдин пайдо булган, инсон ва унинг ақли, ахлоқи эса борлиқ ривожининг маҳсулидир” (197. 53), деган ғоялари маърифий-педагогик тафаккур тарақиётида муҳим роль уйнади.

Демак, ал-Хоразмийнинг борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билишда инсон ақли, билими, математик рақамлар ва ҳисоблаш усуллари ҳамда амалиётнинг аҳамияти туғрисидаги маърифий-педагогик қарашлари Қуръони каримдаги ғоялар билан уйғунлашиб кетган. Олим мусулмон оламида математика, география, геодезия, фалакиёт соҳаларида йирик тадқиқотлар олиб борган. Ал-Хоразмийнинг “Васиятлар китоби”да ҳаётий ва амалий муаммоларни ҳал этишга оид тавсиялардаги математик усуллар мусулмон мамлакатларида фикрда оид “илми фароиз” масалаларини ечишда, айниқса, мерос тақсимлашда муҳим қўлланма вазифасини утаган.

Маълумки, исломда мерос улашиш ҳуқуқи шариатга кўра белгиланган бўлиб, унга Қуръонда “Нисо” сурасининг қуйидаги оятлари асос қилиб олинган: “Аллоҳ фарзандларингизга тегишли мерос ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур. Агар меросхурлар иккидан ортиқ аёл булса, уларга эр қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз булса, унга (мероснинг) ярми тегур. Агар марҳумнинг фарзанди булса, ота-онасининг ҳар бирига қолдирган меросидан олтидан бири тегур. Энди агар фарзанд булмай, фақат ота-онаси (меросхур) булса, у ҳолда онасига учдан бир тегур (қолгани отасига қолади). Агар унинг ака-укалари булса, онасига олтидан бир тегур, қолган қисми ота-онасига тегади, зеро, марҳумнинг ака-укаларини едириб-қийдириш ва уйлаб-жойлаш отанинг зиммасидадир. Бу тақсимотлар марҳум қилган васият ва унинг қарзлари адо этилгандан кейин булур. Ота-оналарингиз ва фарзандларингизнинг қайси бирлари сизлар учун фойдаси тегувчи роқ эканини билгайсизлар. Бинобарин, ўзингизга қолса, мерос тақсимотини ҳам адолат билан ҳал қила олмайсиз. Шу боисдан кимга қанча мерос тегиши, Оллоҳ томонидан қатъий фарз қилиб қуйилди. Албатта Оллоҳ билим ва ҳикмат эгаси булган зотдир” (222 “Нисо”, 11-оят).

Шариат ва ислом ҳуқуқшунослиги мерос улашишда “ҳам фарз, ҳам қарз” масаласини қонунлаштиришга уринган

булса ҳам аслида, ҳаётда квадрат тенгламаларни ечиш билан боғлиқ бўлган анча мураккаб масалалар юзага келарди. Бундай ҳолларда масалани ҳал қилиш қозиларнинг қўлидан келмай, улар илм аҳлига, хусусан, математикларга мурожаат қилишга мажбур бўлардилар. Мана шунинг учун ҳамма ал-Хоразмийнинг математик таълимоти, айниқса, унинг “Васиятлар китоби” шундай масалаларни ҳал қилишга мулжалланган қўлланма деса бўлади: “Вафот этган кишининг хотини, унинг битта ота-онадан икки укаси ва икки синглиси қолган ва у бошқа бир одамга ўз молининг туққиздан бирини васият қилган. Қоидаси бундай: агар сен мероснинг булақларини қирқ саккиз қисмдан иборат десанг, унинг (саногини) аниқлаган буласан. Сен биласанки, агар молнинг ҳаммасидан туққиздан бирини айирсанг, туққиздан саккизи қолади ва айрилаётган қолаётганнинг саккиздан бирига тенг. Туққиздан саккизга унинг саккиздан бирини қуш ва қирқ саккиздан бирини, бу олти, қуш, бу билан сенинг молинг тулиқ бўлади. Эллик турт ҳосил бўлади. Туққиздан бири васият қилинган киши бундан олтисини, яъни бутун молнинг туққиздан бирини олади. Қолганини, яъни қирқ саккизни меросхўрлар орасида уларнинг улушига кўра тақсимланади” (171.69).

Демак, ал-Хоразмийнинг “Васиятлар китоби”да курсатиб ва исботлаб берилганидек, шунингдек, исломда мерос улашишнинг шаръий ҳуқуқига кўра, онаси молнинг  $\frac{1}{6}$  ини, хотини  $\frac{1}{8}$  ини олгани учун керакли ёки зарурий мерос, яъни онаси, хотини, ака-укалари ва опа-сингилларига қолдирган мероси 48 қисмга бўлинади, бундан 8 қисми онасига, 6 си хотинига тегади, қолгани эса ака-ука, опа-сингиллар орасида улашилади. Керакли мерос  $\frac{8}{9}$  қисми бўлгани учун бутун мол  $\frac{9}{8} + 48 = 54$  қисмга бўлинади, бундан 9 қисми васият қилинган кишига тегади, 8 қисми онасига, 6 қисми хотинига, қолган қисмлари эса ака-ука ва опа-сингиллар орасида улашилади.

Кўришиб турганидек, ислом дунёсида дунёвий илмларга эҳтиёж катта бўлган, шу боис ҳам Қуръони каримда табиий илмларни урганишга чақириқлар бор. Чунончи, “Рум” сурасида шундай дейилган: “Осмонларнинг ва ернинг яратилиши Аллоҳнинг аломатларидандур, шунингдек, сизларнинг

тилларингиз, рангларингизнинг турлича бўлишида ҳам, албатта, олимлар учун аломатлар бор” (22-оят). Бу оятда зикр қилинган “Олимлар” Аллоҳ, ер юзида яратган махлуқотларнинг сирасорларини, яъни табиий илмларни яхши билувчи кишилар эканлигини тушунамиз.

Ислом кишиларни барча нарсанинг ҳақиқатини билиш учун доимо илм пайида бўлишга чақиради: “Эй парвардигор, менинг илмимни зиёда қилгин деб айт” (222 “Тоҳо” сураси, 114-оят).

Шунингдек, ислом кишиларни илмга чақириш билан кифояланиб қолмасдан, балки ақлий ва фикрий ҳаракатсизликнинг олдини олиш асосларини кишиларга кўрсатган. Қуръони каримда мусулмонларга далил-исботсиз нарсани қабул қилмаслик буюрилади, илм доимо аниқликни талаб этиши, ҳақиқий илмий нарсаларга таяниш кераклиги, гумонга эргашмаслик ҳақида таълим берилади: “Балки золимлар илмсиз равишда ҳавойи-нафсларига эргашадилар” (222. “Рум” сураси, 29-оят): “Ўзинг билмаган нарсага эргашма. Албатта, қуз, қулоқ ва қалб барча нарсадан сўралади” (222. “Исро” сураси, 24-оят); “Менинг бандаларимга - сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гузалига (яъни нажотга элтувчи рост сўзга) эргашадиган зотларга хушxabар беринг! Ана ушалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Ва ана ушаларгина ақл эгаларидир” (222. “Зумра” сураси, 18-оят). Демак, илм ва ҳақиқатни далиллар билан исботлашда: исломнинг аниқлик дини, тақлид унинг душмани эканлигида намоён бўлади.

Бунинг исботини биз Абу Райҳон Беруний (973-1048)нинг инсон фанда илмий далилларга ва ақлга таяниши лозимлиги тўғрисидаги маърифий-дидактик гоъяларидан билсак бўлади. У олимларнинг фан олдидаги бурчларини, унга ҳалол ва покизалик билан хизмат қилиши лозимлигини кўрсатиб, илмдан бойлик тушлаш мақсадида фойдаланиш мумкин эмаслигини уқтиради:

“Илм даргоҳига кирар экансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб қуядиган ҳолатлардан, қотиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, рақобатдан, очкузликнинг қули бўлишдан озод бўлмоғи даркор”.

Шунингдек, Беруний ҳар бир фикрни кўр-кўрона, моҳиятига етмасдан асослашни қоралаб: “...узлари билмаган

табий ҳодисалар сабабини билишни Тангрининг илмига ҳавола этувчи” ларни қаттиқ танқид қилади.

Беруний Қуръони каримдаги “Айтинг: Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар булурми?! (“Зумра” сураси, 9-оят);

“Албагта,бу нарсаларда ақлли кишилар учун белгилар бор” (“Раъд” сураси, 4-оят); “Биз оятларни ақлли кишилар учун баён қилиб қўйдик. Ақлни ишлатмайдиларми” (“Бақара” сураси, 76-оят), деган ислом таълимотига таянган ҳолда ақл инсонга берилган буюк неъмат, деган илғор гоёни илгари суради. Мутафаккирнинг уқтиришича, инсон - табиатнинг энг олий камолотидир, чунки “инсон зоти барча ҳайвонлардан юқори туради... ер юзини обод этиш ва уни бошқариб туриш учун Аллоҳ инсонга катта шараф кўрсатган - унга ақл-заковат кучи армуғон этган” (37.39). Шу сабабли, деб қайд қилади Беруний инсоннинг маънавий қиёфаси унинг олдига қўйилган вазифаларга мос булмоғи учун у юксак ахлоқли, илму-маърифатли булиши лозим.

Шуниси муҳимки, Берунийнинг тасаввурида Аллоҳ берган ақл-идрок гарчанд кишиларни биргаликда жамоа булиб яшашга олиб келган булса ҳам, лекин ана шунинг узи уларнинг эҳтиёжларини қондира олмайди. “Бунинг учун - меҳнат зарур, деб уқтиради у. Фақат ақл-идрок ва меҳнатнинг жамланишигина кишилар ҳаётини белгилаб беради” (37.69). Инсоннинг асосий бурчи ва вазифаси - меҳнат қилишдир, чунки “... исталган нарсага, - Берунийнинг фикрича, - меҳнат сарфлаш орқали эришилади” (37.2).

Беруний инсон жисмоний тузилиши ва хатти-ҳаракатларининг маънавий-ахлоқий асосларини тушунтирганда, Қуръони каримдаги гоёлардан келиб чиққанлигини курамыз. “Одам, - дейди Беруний, - табиати жиҳатидан бир-бирига зид аъзолар қўшилмасидан таркиб топган мураккаб танага эга...” (37.17) ва шу боисдан “унинг ҳолати уз хулқ-атворига кура хилма-хил ва турли-туман булади” (37.11). Берунийнинг даъвосича, инсоннинг жисмоний тузилиши ва бутун ҳаётини аниқлашда географик омилнинг роли каттадир: “... (одамлар) тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича булиши фақатгина насабларнинг турличалигида эмас, балки тупроқ,

сув, ҳаво ва ер (одам яшайдиган жой)ларнинг турличалигидандир” (66.236).

Беруний узининг “Ҳиндистон” асарида мусулмонлар билан ҳиндларнинг урф-одатлари уртасидаги фарқларни таҳлил қилиб, улар географик омилга боғлиқ деган фикрни илгари суради. Бояги фикрини давом эттириб, ҳатто тилларнинг турличалиги ҳам географик шароитларга боғлиқ деб қарайди ва “...тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-бирларидан узоқ туриши “(36.118) , дейди. Шунини айтиш керакки, Берунийнинг бу илғор фикрлари инсон физиологияси ва психологияси, тилшунослик фанлари нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир.

Илк урта аср Уйғониш даврида ислом маданий тараққиёти таъсири остида фаннинг айрим соҳалари, хусусан, табиий билимлар ривожланган бир даврда фанлар тизимини, уша даврдаги илмий билишнинг имконияти ҳақидаги тасаввурни урганиш, фанга булган илғор қарашларнинг тенденциясини аниқлаш, дунёвий билимлар эришган ютуқларни яхлит ҳолга келтириш энг муҳим масалалардан булганлиги туфайли замонасининг йирик мутафаккирлари ал-Киндий, Абу Наср ал-Форобий, Абу Бакр ар-Розий, Насриддин Тусий, Ғаззолий ва бошқалар катта эътибор бердилар. Хусусан, бу масалани урганиш Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (тутилган йили ноаниқ, 997 йилда вафот этган)нинг “Мафотих, ал-улум “ (“Илмлар калитлари “) асарида айниқса, катта урин эгаллаганлигини кураимиз.

Бизнингча, Абу Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Аҳмад Юсуф ал-Хоразмий “Мафотих, ал-улум” қомусий асарини ёзишдан икки мақсадни кузлаган: биринчидан, маърифатпарварлик - уқувчиларни қадимги мусулмон Шарқи фани - фикҳ, ва ислом фалсафаси билан таништириш; иккинчидан, урта аср Шарқида мавжуд булган дунёвий илмларнинг ҳамма соҳаларини маълум тизимга солиш ва тасниф қилиш. Учинчидан, олимнинг бу асари ижодий фикрни баён қилишнинг ҳамда илмий мунозара олиб боришнинг узига хос ва урта аср Шарқ фанида жуда кенг тарқалган шакли булганлигидан далолат беради.

Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий урта асрда мавжуд булган илмларни икки катта гуруҳга - шариат илмлари (“улум ал-

шариа”) ва араб булмаган илмлар (“улум ал-ажам”)га булади”. Шариат илмлари (“улум ал-шариа”)- мусулмон ҳуқуқи, калом, араб тили грамматикаси, иш юритувчилик, шеър вазни ва назарияси, тарихдан иборат булган. Арабларники булмаган фанлар (“улум ал-ажам”) фалсафа, логика (мантиқ), тиббиёт, арифметика, геометрия, астрономия, музика, механика ва кимёни уз ичига олади” (207.89-90). Энг муҳими шундаки, олим тарафидан илгари сурилган илмларни алоҳида-алоҳида урганиш гоёси эса уларни илоҳиёт илмига боғлиқликдан озод қилади.

Мутафаккир борлиқ туғрисидаги билимларни зарурий ва мумкин булган турга була туриб, Абу Наср ал-Форобий сўнгари ташқи мавжуд олам билан бир қаторда худонинг бирламчи сифатида мавжудлигини эътироф этади ва айни вақтда табиатнинг мустақиллигини таъкидлаб утади. Зарурий булган борлиқ маъносида у худони тушунади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий дунёқарашининг муҳим томонларидан бири шундаки, унинг кенг билими илмнинг кўп жабҳаларидаги масалаларни тушуниш, далил исботга таяниш орқали ҳал этилганлигининг шоҳиди бўламиз. Хусусан, олимнинг одам анатомияси ва физиологияси соҳасидаги билими ҳиссий сезгининг моддий асосларини тушунишга ёрдам беради. Унинг фикрича, “шахсий руҳ - у мияда бўлиб, ундан бадан аъзоларига асаб орқали тарқалади” (168.75). Урта аср Шарқ мутафаккирлари ал-Форобий, Ибн Сино ва бошқаларнинг таърифича, ақл билимнинг манбаидир. Улар ақлни икки турга: тугма ва орттирилган ақлга ажратишади. Аммо, Абу Абдуллоҳ, ал-Хоразмий ақлни одам нафсининг кучларидан бири деб ҳисоблаб, уч турга - “фаол ақл”, “моддий ақл” ва “ орттирилган ақл”га булади. “Орттирилган ақл “ни у инсон фаолияти ва билиш ҳаракатлари натижаси сифатида таърифлайди.

Олим талқинида ақл ва унинг хиллари, бир томондан, худди худонинг оламини бошқариш вазифасини бажаришни, иккинчи томондан, табиий оламда мавжудликни ва у олам билан янада яқинроқ алоқада булишни узига олади. “Табиат - бу табиий оламдаги ҳар бир нарсани бошқарувчи кучдир. Табиий олам - Ой фалаги остидан то Ер марказигача булган борлиқ (дунё)” (168.26), дейилади.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ижтимоий-иқтисодий билимлар урта асрларда ривожланишнинг юқори даражасига етди. Тарихий шарт-шароитлар тақозоси билан уларнинг ҳаммаси ислом дини асосларини ташкил этувчи шаръий илмларга тааллуқли булган. Бу олимлар сингари Абу Абдуллоҳ, ал-Хоразмий ҳам шаръий илмлар (“улум ал-шариа”)га “Мафотиҳ ал-улум”асарининг биринчи қисмидаги олти бўлимни бағишлайди. Олимнинг фикрича, “Қуръони карим нафақат шариаат қомуси, қонун чиқариш асоси, балки умуман ҳар қандай ҳуқуқий таълим ва таҳсиمنىнг ибтидоси сифатида шариаатдаги барча мазҳаблар учун фатволар, адолатли ҳукмларнинг қисқа ва лунда шаклдаги манбасидир” (207.59).

Абу Абдуллоҳ, ал-Хоразмий яшаган урта асрда бутун Яқин ва Урта Шарқда кўпгина диний мазҳаблар бўлиб, улар узаро мафкуравий кураш олиб борар эдилар. “Мафотиҳ ал-улум”нинг “Калом” бўлими исломда мавжуд булган диний мазҳаблар ва алалхусус, муътазилийлар ҳақида мукаммал маълумотлар борлиги билан диққатга сазовордир. Умуман ислом дини Шарқда кенг тарқалган уша даврдаги диний мазҳаблар ҳақидаги маълумотларнинг бу қадар тўлиқ баён этилиши унинг мустақил фикр эгаси ва йирик олим эканлигидан далолат беради. Бошқа томондан эса, Абу Абдуллоҳ, ал-Хоразмий Қуръони каримда таълим берилганидек, ишончли далилларга таяниб асосли баҳо берувчи етук олим сифатида гавдаланади.

Қуръони каримда инсондаги ахлоқий хислатлардан энг муҳими хайру-эҳсон ҳақида алоҳида фикр юритилади. Унда: “Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (Аллоҳнинг бандаларига) инфоқ - эҳсон қил” (222.“Қасос”сураси, 77-оят), дейилади. Абу Бакр ал-Хоразмий (935-993)нинг таърифича, эҳсон - инсон амалга оширадиган барча яхши ишлардир: “Ҳурмат эҳсон билан баробардир... Эҳсон эшиги унга киришни хоҳлаганлар учун очикдир, мурувват қилишни хоҳлаган киши учун унинг ихота қилинган жойи бемалолдир” (43.115-116).

Қуръони каримда “Хашр” сурасининг 9-оятда инсондаги энг зарур хислатлардан саналган олийжаноблик ҳақида: “Гарчи ўзларида эҳтиёж булса-да ўзларини қуйиб

(узгаларни) ойсор-ихтиёр қилурлар. Кимки уз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ушалар нажот топгувчи зотлардир”, дейилади. Абу Бакр ал-Хоразмийнинг фикрича, олийжаноблик руҳий ҳолат булиб, инсон камолотини курсатувчи хислатдир: Олийжаноб (киши) агар жароҳатланса, (уни) боғлаб қўяди, йиртса ямайди, агар яхшиликни қўлга, яъни (купрок) киритишни истайди. Олийжаноб (киши)нинг ҳиммати унинг камбағалликдан ҳимоя қилувчиси ва қарши қуролдир “ (46.194).

Демак, Абу Бакр ал-Хоразмийнинг юқоридаги таълимоти Қуръони каримдаги руҳий-маънавий поклик ва етуклик гоёлари билан боғлиқдир.

Мутасаввуф шоир Сулаймон Боқиргоний (туғилган йили аниқ эмас, тахминан 1192 йилда вафот этган)нинг маърифий-дидактик таълимотида имонсиз ва диёнатсиз кишиларнинг хатти-ҳаракатлари маърифатсизлик ва жаҳолат, гафлат ва нодонлик сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам у “ботин маъмурлиги” имондурки, имон ва Қуръони карим ажралмасдур дейди:

На хуш бу дунёда Иймону Қуръон,  
Не булгай дунёда Иймондин ортуқ (184.18).

Сулаймон Боқиргоний Аллоҳни бундай тоифадаги одамларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи, уларни инсоф ва диёнатга келтирувчи, одамларни яхшиликка, ақл-заковатга эришишга даъват этувчи, уларни худбинликдан ва бузуқ ишлардан асрагувчи, инсонни ҳақиқий баркамолликка олиб келувчи илоҳий куч сифатида талқин этади ва худога илтижо қилади:

Авф қилгил озгонни, йулга солгил ёзгонни,  
Мандек йулсиз кезгонни, йулга солгил илоҳим.  
Билдим қандр туғини, солдим гафлат туғини,  
Билдим қуллик йулини, қабул қилгил илоҳим (184.29).

Сулаймон Боқиргоний инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга “доя”лик қилувчи майл-нафсга қусур ва иллатлардан батамом покланган руҳни қарши қўядики, бунда эса у Аллоҳнинг лутф ва ёрдамига таянмоқ шарт эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Нафсим айтур, яхши билинг касбим ишин,  
На қилурман емак-ичмак, ёзу қишин.  
Текма бир эр кишиларнинг қурсам ишин,  
Ҳалол - ҳаром емишингни ютайин дер.  
Руҳим айтур, кошки ҳақдин тавфиқ булсам,  
Туни кун тинмайин един айтсам.  
Қисматингдан ортуқ таом емас булсам,  
Бу дунёни йигиб-териб нетайин дер (184.26).

Сулаймон Боқирғонийнинг уқтиришича, инсон Аллоҳга қанчалик муҳаббат қуйса, унинг зуҳуроти бўлмиш борлиқ мавжудотларини, жумладан, одамларни ҳам меҳр билан шунчалик севмоғи керак:

Минг йил ибодат қилсанг, тоат ичинда қолсанг,  
Маҳолдур ҳақни билсанг, арода ишқ булмаса.  
Одам келмагай эрди, мурсал тугмагай эрди,  
Раҳмат энмагай эрди, арода ишқ булмаса (184.29).

Шоир инсонпарварлик гоёлари билан суғорилган панд-насиҳатларида ҳаёт гузалликларидан баҳраманд бўлгани учун инсон саҳарлаб туриши лозимлигига астойдил ишонтиради:

Иймон шаъмин ёндир сан, руҳинг сувга қондир сан,  
Мунглуб зорин олгил сан, саҳар вақти булгонда,  
Саҳар вақтидир соат, тургонга булгай роҳат,  
Очилур дашлат-саодат саҳар-вақти булгонда (184.14).

Шунга қура, шоир одамларни сабр-тоқатли, инсофли ва диёнатли булишга, Аллоҳ, таолонинг берганига шукр қилишга дават этади:

Келинг дустлар, бу дунёда сабр қилинг,  
Худо берган неъматларга шукр қилинг (184.19).

Шоир ислом ақидалари, эътиқод ва талаблари ва ахлоқий меъёрлари нуқтаи назаридан одамларни инсофга даъват этиб ҳаром-харишнинг фарқига боришга, узгалар молини олмасликка, ҳалол топилган неъматлардан яхшилик йулида фойдаланишга чақиради:

Ҳақ фармонин тутинглар, ҳаром луқма еманглар,  
Киши молин олманглар, дебон жавоб бердиё (184.46).

Сулаймон Боқиргонийнинг издоши етук файласуф, мутасаввуф шоир ва олим Аҳмад ибн Умар Абу-л Жанноб Нажмиддин ал-Кубро (1145-1221) нинг “Фи одобус солиқин” (“Шогирдлар одоби”) рисоласидаги асосий таълимот баркамол инсонни тарбиялаш, одамни ҳалокатга бошловчи нафс, хусумат, гумон, таъна, нифоқ, риё, фосиқлик каби ёмон феъл-атвордан халос бўлиб, фақат яхши ишлар қилишга, руҳий покликка ва маънавий камолотга чорлашдан иборатдир:

“...Умр ва ризқнинг баракали бўлишини Аллоҳ таолога итоат қилишда кўрдим. Неъматнинг тула, мукаммал бўлишини неъмат берувчидан миннатдор бўлишда кўрдим. Шариат ва диннинг пойдевори сабр ва ишонч экан. Билдимки, Аллоҳ ҳақида яхши бўлиш-Аллоҳдан тилаган энг катта тилагим булди.

Бас, яратиш, буюриш, билим ва қудрат соҳиби ҳар қандай нуқсонлардан покдир. Хужайинликда ягона булган энг гузал яратувчи Аллоҳ, муборақдир. У абадий барҳаётдир. Ундан узга илоҳ йўқ.

...Аллоҳ, билимдон, қудратли, мислсиз. У ҳар нарсани эшитиб, кўриб турувчидир. Аллоҳ нақадар одил хужайин ва нақадар марҳаматли пуштипаноҳдир. Иншооллоҳ унинг мадади бирла ҳаётмиз, жон таслим қиламиз ва яна қайта тириламиз.

Мана шу заминдор сўзни ва очиқ қуриниб турган фазл-ни инкор қилувчиларни рад қилиб ўзимга-ўзим шеър ўқидим:

Тангрисин танимас, эй гофил банда,  
Кузингни қопламиш жаҳолат туни.  
Нафсга қулликни шиор этибсан,  
Жисмингни уртасин дузах тутуни!  
Тангримнинг бирлиги, ягоналиги,  
Ою, қуёшдан-да равшандир, равшан!  
Коинот дафтгарин ҳар саҳифаси,  
Туладир беҳудуд далиллар билан” (255.165-166).

Демак, Шайх Нажмиддин Кубронинг Яратувчини англаш ва севиш ҳақидаги ислом инсоншунослиги билан боғлиқ гояларининг мантиқий хулосаси шуки, инсонга хос булмаган ёмон сифатларга эга булган кишилар Аллоҳ таолонинг ҳидояти ва марҳаматига сазовор эмасдир. Аллоҳнинг ҳидояти яхши сифатларга эга булган кишиларгагина берилади, холос. Зеро, инсонни азиз, иродасини кучли

қилувчи, ҳаётдаги қийинчиликларни мардонавор енгишга йул очиб берувчи, барча ниятларига ҳам эриштирувчи ягона Аллоҳ таолонинг узидир. Юқорида айтганимиздек, Кубровия таълимотининг асосини ёритувчи энг муҳим ғоялардан бири ахлоқий поклик, маънавий юксакликдир.

Нажмиддин Кубро Аллоҳ ишқи билан ёнган киши учун ишқдан бошқа мурод йўқлигини, бу руҳий ва маънавий камолот йўли эканлигини таъкидлаб ёзади:

Ишқ шарбатин ичгали хуммор булдум,  
Ҳижроннинг оёғи остида куп хор булдум.  
Тутти қулимдан ул, улугвор булдум,  
Хулласи йўқ эдим, мана, бор булдим (215.11).

Нажмиддин Кубро Яратувчи ишқи йулидаги дардни, ишқ дардини инсонни маънавий камолотга етказувчи асосий омилларидан бири деб ҳисоблайди:

Ишқ дарди ғариб танимдаги жон булғай,  
Дард чекса киши ахийри инсон булғай. (215.12).

Ислом дунёсида илму ҳикмат, фалсафа, адабиёт, мантиқ, тафсиру талқин, ҳадис ва калом илмларининг билимдонни сифатида танилган қомусий олим Абул қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1075-1144)- нинг "...энг яхши савоб ва солиҳ ишларни қилиш фоний одам учун жуда савоблидир. Ёмон фикр соҳиблари ҳам, куфр неъмат қилувчилар ҳам, ёввойи қобонлар мисоли, Аллоҳ таолонинг маърифатларидан йироқдир" (44.17), деган ислом маърифати тўғрисидаги фикрлари диний мутаасибликка, ақидавий тор доираларда маҳдудланишга, бидъат ва хурофий қарашларга нисбатан муросасиз булишга қаратилгандир.

Дарвоқе, Қуръони каримда "Аъроф" сурасининг 146-оятада такабурлик, "Исро" сурасининг 37-оятада манманлик ёмон оқибатларга олиб келиши тўғрисида гапирилади. Аз-Замахшарийнинг асарларидаги ибратли фикрлар ҳам айнан Қуръони каримда талқин этилган ислом маърифати ғояларига монандир: "Такабурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиммати ва улугворлигини зиёда қилмайди, такабурлик -довулдан бошқа нарса эмас. Илму маърифатли одам такабурлик қилувчи нодон кимсаларнинг бурнини тупроққа тулдирур.

Манманлик-кишиларни соғлом фикр юритишдан маҳрум этади. Манман киши ўз наслининг баландлиги билан мақтанади” (255.146).

Демак, аз-Замахшарийнинг бу панд-насиҳатлари барча давр учун ғоятда ибратли эканлигини алоҳида таъкидламоқ зарур.

Ўзидан олдин ўтган буюк алломалар, хусусан, Ибн Сино, Абу Райҳон Берунийнинг илмий анъаналарини давом эттирган ва уларни XII-XIII асрларда ривожлантирган олимлардан бири Маҳмуд Ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий (туғилган йили аниқ эмас, 1221 йилда вафот этган)дир. Албатта, бошқа мутафаккирлар қатори ал-Чағминий ҳам дунёнинг худо томонидан яратилганини эътироф этиш билан бирга у “Мулаҳҳас фи ҳайат ал-басита”) “Содда шаклли нарсаларнинг қисқача баёни”асарида табиат ўзининг махсус қонунларига эга бўлиб, маълум фаоллик кўрсатиши мумкин деб ёзади: “Олам, ер, сув, ҳаво, ўт (олов) ва осмон жисмларининг йигиндисидан иборат. Уларнинг ҳаммаси ҳаракатда. Яна худодан бошқа ҳамма борлиққа олам деб айтамиз.

Табиат кучлари жисм мавжудлигининг асосидир. У (табиат) барча ҳаракат ва сокинликнинг манбасидир.” (255.171). Демак, ал-Чағминийнинг фикрича, табиат “табиий кучга” эгадирки, ушбу куч унинг ички фаоллигини зарурий шартга айлантиради.

Умуман, ал-Чағминий табиий-илмий таълимоти замирида уша давр маънавияти ва маърифий-тарбиявий тафаккурининг илғор йўналишлари асосини ташкил этган ислом маърифати ва атомистик таълимотлар ва фалсафий билимларнинг энг илғор томонларини бир-бирига мувофиқлаштириш тамойили ётади. Бундай интилиш осмон тузилишини, модда, табиат ва бошқа борлиқни, ислом маърифатининг инсонни камолот сари етаклашдаги аҳамиятини тушунишда ва илмий фаолият жараёнида ўз аксини топади. Маълумки, Қуръон таълимотида осмон оддий гиламга (фирош бисот), тушак (миход) ва бешик (мадҳал)ка ухшатилади. Бу таълимот “Коинотни яратувчи бир олий зот (“ҳолиқи олам”) бор деган эътиқодга асосланган. Маҳмуд ал-Чағминий бундай назарияларни атрофлича урганиб, инсоният қарашларини фан тажрибалари орқали янгича йўналишда талқин қилди. Бу билан у Ер думалок

шарга ўхшайди, атомлар ва ўзига хос молекулаларнинг мавжудлиги ҳақидаги таълимотни яратди.

Шундай қилиб, Маҳмуд ал-Чағминийнинг табиий-илмий ва фалсафий-маърифий таълимотида Абу Бакр ар-Розий, Ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийнинг табиат фалсафаси соҳасидаги қарашлари анъанасини куриш мумкин. Албатта, унинг қарашларида фалсафий-маърифий муаммолар ислом фалсафаси ва перепатетизм нуқтаи назаридан салмоқли даражада бойитилган.

Маълумки, шу пайтгача файласуф шоир, мард паҳлавон, мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) рубойлари бир томонлама таҳлил этилиб, унинг тасаввуф илмига дахлдорлиги ва ислом маърифатидан баҳраманд булганлиги четлаб утилди. Ваҳоланки, Паҳлавон Маҳмуд рубойларида Куръони карим ва Ҳадиси шариф таъсири кучли. Чунончи, куйидаги рубойда талқин қилинган вақт ва ўзлик тушунчалари чуқур фалсафий маънога эга. Ўзликка етмоқ, ўзликни топмоқ инсоний комилликнинг стук поғонасидир. Вақт эса бу жабҳада Тангри инъом этган энг буюк мулк, беназир имкониятдир:

Дуст булгали бир умрга доно танла,  
Ҳамда гузал бир раъно танла.  
Булмаса гар айлама нобуд вақтинг,  
Ўзингни топ, ўзингни танҳо танла (170. 22).

Инсоннинг инсонга муҳаббати шу қадар қудратлики, инсон узининг ҳатто Аллоҳга булган муҳаббатини ҳам мана шу мажозий ишққа, ишқи инсонийга нисбат бериб, таъриф этади. Паҳлавон Маҳмуд инсоннинг инсонга муҳаббатини ўзига хос тарзда, бироқ умумшарқ одобиға, исломий икромға хилоф булмаган йусинда ҳал этади:

Йулга назар солсанг агар чеккил оҳ,  
Юрганда ҳазир бул, четда бордир чоҳ.  
Очса эшик мард сенга уз одамидек,  
Ўз ҳаддини билсин кунгилу, куз ва нигоҳ, (170. 22).

Бир қарашда бу фикр бир инсоннинг иккинчи инсон хонадонига борганда узини шарқона тутиш одоб қондаси сифатида битилгандай. Бироқ аслини олганда инсон учун муборак илк эшик бу-унга дунёға чин инсон булиб келиши

учун яратилган илк имкониятдир. Шунга кўра хулоса қилиш мумкинки, биз узимизни ер юзида азиз инсонникида меҳмонда юрган қабалида тутмоғимиз керак. Яъни кўнглимиз ҳам, кўзимиз ҳам уз ҳаддини билмоғи лозим. Бу муътабар туйғуда мусаффолик, ҳалоллик бўлишини тақозо қилади.

Паҳлавон Маҳмуд талқинидаги маҳбубанинг барча гузалликлари нафақат табиатнинг гузал манзаралари билан, балки инсоннинг мусаффо ҳислари уз тиниқлигини мулки борлиқдан эмади, шу озик билан тарбия топади:

Эй сарвиқаду сиймтану гулрухсор,  
Даврангда сенинг булмасин ҳеч вақт хасу хор.  
Гар чаман ичра юксалиб турмишдир,  
Гул шохига ҳеч тенг була олгайму чинор? (170. 7).

Паҳлавон Маҳмуд ишқ-муҳаббат йулида адашмоқнинг оқибатлари нақадар оғир бўлишини таъкидлайди. Шоир ошиққа уқтирадики, ялтираган нарсани олтин деб ҳаёл қилиш, такаббурликка берилиш Аллоҳ бахш этган табаррук ишқ туйғусини увол қилишга олиб келади. У яхши фазилатли инсон узини ёмон кўрсатиб, охир-оқибатда уқубатли вазиятларга тушиб қолишдек кулфатга гирифтор бўлиши мумкинлигини уқтиради:

Тонг пайти чекиб ғам, юраги шом булдинг,  
Ҳам дарду сукунат куйига ром булдинг.  
Мафтун этдинг, жойи тузоқ-дом булдинг,  
Яхши эдинг, охири бадном булдинг (170. 49).

Демак, инсонга ошиқ бўлиш саодати Аллоҳ таоло томонидан туҳфа қилинибгина қолмасдан, унинг зиммасига мана шу илоҳий туҳфага муносиб бўлиб, девонавор юрак туғёнларини ориф Ақл назоратида сақлаш масъулияти ҳам юклатилган:

Мен бир умр ишқнинг бегонасиман,  
Ақлнинг ҳамроҳиман, ҳамхонасиман.  
Дейману лек париру мен томон,  
Юрса тамом ... мен яна девонасиман (170. 59).

Жондан азиз инсон меҳрига мушарраф бўлишни шоир Аллоҳнинг буюк инояти сифатида таъриф этади. Албатта,

муҳаббат инсонни комил инсон қилиб тарбиялашда, Ҳақни танийдиган ориф зот сифатида шаклантиришда мислсиз аҳамият касб этганки, шунинг учун ҳам Паҳлавон Маҳмуд бу илмда юксак билимдонлик, заковат ҳамда эҳтиёткорлик билан фойдаланган ҳолда узининг бу маърифий-тарбиявий таълимотидан Мағрибу Машрикдаги башарият аҳлини муборак бир тарзда манфаатлантирганлиги шубҳасиздир:

Умуман, Паҳлавон Маҳмуд рубойларида ислом маърифати таъсирининг баъзи бир белгилари ана шулардир.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, биринчидан, ислом дини, унинг илмий манбалари ҳисобланган Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлардаги маънавият ва маърифатга бевосита дахлдор булган ғоялар Мусо ал-Хоразмий, Ибн Ирок, Абу Бақр ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Умар аз-Замахшарий, ал-Чағминий каби мутафаккирларнинг асарларида илмий асосланган маърифий-тарбиявий қарашлар учун замин ва дастуруламал бўлиб хизмат қилган.

Иккинчидан, буни Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд сингари тасаввуф намояндаларининг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрларида ҳам очик равшан курамыз.

## **2-§. Хоразмда ташкил этилган Маъмун академияси олимлари маърифий- тарбиявий фикрларининг умумбашарий аҳамияти**

Урта асрларда мусулмон Шарқи ва Хоразмда ташкил этилган илмий марказлар - академиялар ва мактабларнинг жаҳон маданияти ва фани, айниқса, маърифий- тарбиявий фикрлар тараққиёти ривожига қўрсатган таъсири ва умуминсоний қадриятлар ҳазинасига қўшган салмоқли ҳиссасини адолатли баҳолаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир. Урта аср мусулмон мамлакатларидаги илмий ва маърифий-тарбиявий тафаккур тараққиётини сезилмас даражада биридан иккинчисига ўтувчи уч даврга бўлиш мумкин. Бу даврларнинг ўз илмий марказлари - Бағдодда Яҳё ибн Абу Мансур, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий раҳбарлигидаги “Байтул ҳикмат” (“Донишмандлар уйи”) ёки

Маъмун академияси, Хоразмда Абу Райхон Беруний раҳбарлигидаги Маъмун академияси, Мароғада Насриддин Тусий раҳбарлигидаги илмий мактаб, Самарқанддаги Улугбек академияси ва бошқа қўплаб шаҳарларда илмий мактаблар мавжуд бўлган. Уларнинг жаҳон илм-фани ва маърифий-тарбиявий фикрлар тараққиёти ривожига тутган уринлари қатта тарихий аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда, ўрта асрнинг дастлабки Мусулмон Шарқ Фанлар академияси бўлган Бағдоддаги Маъмун ва Гурганждаги Маъмун академиясининг ташкил қилиниши, илм-фан соҳасида эришилган баъзи ютуқлар ва академияда фаолият курсатган Марказий осиёлик, шу жумладан, хоразмлик олимлар ижодига кенгроқ тўхтаб утишни лозим топдик.

Тарихий манбаларда ёзилишича, 529 йили Афина академияси бекитилгандан кейин Сосонийлар Эрондаги Жундишпопурга жуда қўп африкалик ва византиялик олимлар келгач, бу ерда Искандария илмий мактабига ухшаган йирик илмий марказ ташкил этишади. Олимлар қўплаб юнонча китобларни паҳлавий ва сурён тилига таржима қилганлар. Халифаликнинг пойтахти Бағдодга кўчгач, бу ер тезда биринчи маданий- илмий марказга айланди. Халифалардан ал-Мансур ва Хорун ар-Рашид табиий- илмий ва бошқа фанларнинг ривожланишига хайрихоҳ эдилар. Хусусан, ал-Мансур узи билан Дамашқдаги олимларни Бағдодга олиб келган бўлса, Хорун ар-Рашид даврида эса йирик кутубхона очилган ва бунга Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий бошчилиқ қилган, бу кутубхонага ҳатто Византиядан китоблар келтирилган. Бундан ташқари бошқа унлаб кутубхоналар, ўз даврининг олий ўқув юрглари ҳисобланган мадрасалар, махсус таржимонлар мактаблари ва бошқа ўқув муассасалари ташкил этилган. Бунда қўплаб таржимон олимлар ва ҳаттолар юнон, паҳлавий ва сурён тилидаги илмий асарларни арабчага таржима қилиш ҳамда лавозимига халифа Хорун ар-Рашиднинг Хуросондаги ноиб - ўли Маъмун ар-Рашид (813-833) утиргач, у узи билан Бағдодга Хуросондаги ноиблик пойтахти Марвдан қўплаб сарой олимларини ҳам олиб келди. Кейинчалик бу олимлар Шарқда “ал-маровиза” - “марвлиқлар” номи билан машҳур бўлганлар. Халифа ал-Маъмун “дамашқлик”лар ва

“марвликлар”ни “Байтул ҳикмат” (“Донишмандлар уйи”) деб аталган ва кейинчалик Маъмун академияси номи билан машҳур булган илмий марказга туплади. Маъмун академиясида Хунайн ибн Исҳоқ, Исҳоқ ибн Хунайн, Собит ибн Қурра, Хубайш, Бахтияшу, Кусто ибн Луқо, Яҳъё ибн Адий, Исҳоқ ал-Дамашқий, Масаржувайхлар оиласи, Ноубахт, Ибн Муқаффа, ибн Манка, ибн Вахшиялар томонидан юнон, яҳудий, санскрит, суръёний, форс тилидан жуда қўплаб илмий-адабий, фалсафий, маърифий-ахлоқий асарлар араб тилига таржима қилиниб, уларга шарҳлар ёзилиб мусулмон дунёсида машҳур булди. Уларнинг бу таржима ва шарҳлари туфайли қадимги юнон олимлари Афлотун, Аристотель, Гиппократ, Птолемей, Архимед, Евклид, Гален (Жалинус), пергалялик Апполоний, самослик Аристарх, Менелай, Диофант, Теораст, Прокл ва бошқалар, ҳинд олимлари Брахмагупта, Ариабхата, Бхаскара-1 кабиларнинг илмий асарлари бизгача етиб келган. Академия ҳаттотлари эса бу таржималарни қўпайтириб, турли кутубхоналарга янгидан янги кашфиётлар ва илмий изланишлар қилишга ундаган. Хусусан, юнон, ҳинд ва эрон олимларининг математика, астрономия ва математик-географияга оид асарларининг таржимасидаги хулоса ва жадвалларни текшириш мақсадида, Маъмун академияси қошида 828 йилда Бағдодда аш-Шаммасия маҳалласида биринчи расадхона, 831 йилда эса Дамашқ яқинида Косиюн тоғида аш-Шаммасия расадхонасининг бўлими ҳисобланган иккинчи расадхона қурилди. Дастлаб, Бағдод расадхонасини ташкил қилиш ва бошқаришга марвлик Абу Али Яҳъё ибн Мансур (тахминан 830 йилда вафот этган), кейинчалик эса Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий раҳбарлик қилган. Расадхоналарда кузатиш ва текшириш учун янги астрономик асбоблар-мураккаблашган устурлоб, ой тимпани, тутилиш диски кабиларни яратишди. Ал-Хоразмий бошчилигида улар бу асбоблар ёрдамида ер меридиани бир даражаси узунлигини, эклиптиканинг экваторга оғишини, фазовий ёритқичларда бўладиган турли ҳодисалар (қуёш ва ой тутилишлари китоблар)ни, уларнинг ҳаракатлари ва сферик координатларини аниқлаганлар. Ана шу илмий изланишлар натижаси улароқ ал-Хоразмийнинг фалакиёт ва тригонометрия жадвалларига доир “Зиж фи илм ал-фалак” (“Хоразмий зиж”) ва “Китоб ул-амал бил астурлабат” (“Астролябия билан ишлаш

ҳақидаги китоб”) рисолалари битилдики, бу қуёш ва ой ҳамда сайёралар ҳаракатини кузатишда, дарё ва қўл сувлари ҳаракатини йўлга солишда, сел ва тошқинларнинг олдини олишда, олис жойларга денгиз орқали ва қуруқликда сафарга чиққан вақтда астрономик чамалашда, водийлар, паст-баландликлар рельефини текшириш ва улчашда, сувсиз ерларга сув чиқариш ва сув иншоотларини бунёд этишда, қишлоқ хўжалик ишларининг бошланиши ёки тугаллаш вақтини белгилашда, деҳқончилик учун керак бўлган мавсумий тақвим (календар) ларни тузишда, халқнинг кундалик амалий мақсадлари ва ҳаётий эҳтиёжларига ҳожат-барор бўлди.

Маъмун академиясида турли мақсадларда илмий экспедициялар ҳам ташкил қилинган. Чунончи, 830 йилда Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий бошчилигида 3 та илмий экспедиция Ғарбий Ҳиндистонга (ҳозирги шарқий Афғонистон), Византияга, Волганинг қуйи оқимига уюштирилган. Бизнингча, ал-Хоразмий биринчи экспедициясида бутун дунёда “Араб рақамлари” деб аталган Ҳинд рақам ва ҳисоблашнинг унлик позицион 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 санок тизими (система) ҳақидаги маълумотлар билан танишган ва кейинчалик буни илмий таҳлил қилган ҳолда узининг арифметикага доир “Китоб ал жам ва тафриқ би ҳисоб ал-Ҳинд” (“Ҳинд арифметикаси ҳисоби буйича қўшув ва айирув китоби”) асарида акс эттирган. Бу унинг математик билимлар инсон ҳаётини осонлаштиришини, унинг кундалик фаолиятида ёрдам беришини англаб етган етук олим эканлигидан далолат беради: “Мен Ҳиндлар 9 та ҳарфдан (уларни ўзлари хоҳлаганларича жойлаштиришларига кўра) истаган сонларини тузишларини кўргандан кейин, урганаётганларга осонлик учун бу ҳарфлардан нима ҳосил булишини кўрсатишни азм қилдим...” (219.70).

Ал-Хоразмий 830 йилда халифа Маъмуннинг топшириги билан узининг “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала” (“Тулдириш ва қарама-қарши қўйиш ҳисобига оид қисқача китоб”) асарини ёзганлигини баён этади: “Имом Маъмуннинг фанга қизиқиши ва бу соҳадаги олимларнинг ишларида учрайдиган қийинчиликларга ёрдам бериш каби фазилатлари мени ҳисоблаш ҳақида қисқача асар ёзишга даъват этди. Бу асарни ёзишда ўқувчилар учун тушунарли,

енгил, фойдали ва кишилар уртасидаги муомалаларда ҳисоблашишини осонлаштиришга ёрдам берадиган, айниқса, мерос тақсим қилишда, битим тузишда, савдо ишларида, ер улчаш ва шунга ухшаш бошқа ҳисоблашларда қўлланма бўлишини мақсад қилдим...” (219.67).

Ал-Хоразмийнинг ижодий лабораториясида математика фанлари билан бирга фалакиёт, жуғрофия ва тарих илмлари алоҳида ўрин тутди. Олимнинг “Китоб сурат ал-арз” (“Ер сурати”), “Китоб ат-тарих” ва бошқа асарларининг фан ва маърифий-педагогик тафаккур тарихида туган ўрни каттадир. Унинг асарлари Шарқ ва Ғарб олимлари учун текшириш-кузатиш ишларини олиб боришда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Уша даврда Маъмун академиясида Мусо ал-Хоразмий бошчилигида хизмат қилган “Маъмуннинг текширилган Зижи” асарининг муаллифи Ҳолид ибн Ал-Малик ал-Марваррудий, мусулмон шарқида параллеллик назариясини биринчи бўлиб тадқиқ қилган машҳур олим ва “Евклиднинг “Негизлар”и асарининг бешинчи китобига қўшимча”, “Негизлар”нинг муқаммаллаштирилган китоби”, “Евклиднинг китобига қўшимча шарҳ”, “Евклид “Негизлар” ининг биринчи китобига қўшимча жумлалар китоби” каби математик, “Ер марказидан қўёшгача бўлган масофани аниқлаш ҳақида”, “Маъмуннинг текширилган Зижи” каби асарларининг муаллифи Ал-Аббос ибн Саид ал-Жавҳарий, “Узаро уринувчи уч айлана ва уларнинг боғлиқлиги”, “Қиблани аниқлаш ҳақида” каби математик ва қўплаб астрономик асарлар муаллифи Аҳмад ибн Абдуллоҳ, ал-Марвазий (Ҳабаш ал-Ҳосиб), Оврүпода “Альфраганус” тахаллуси билан машҳур бўлган олим ва “Мадҳал ал-Нужум” (“Астрономияга кириш”) ва астрономияга доир асарларнинг муаллифи Абул-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Каср ал-Фарғоний, математикага доир “Алжабр вал-муқобала амаллари ҳақида китоб”, “Арифметикага доир тўплам”, “Муомала китоби”, “Сонларнинг хоссалари ва арифметикадан нодир китоб” асарларининг муаллифи Абу Фазл ал-Ҳамид ибн Васъ ибн Турк ал-Хутталий (Жилий), дунёни илмий билишнинг уч босқичи (биринчи босқич мантиқ ва математик билимлар, иккинчи босқич табиатшунослик билимлари, учинчи босқич метафизика, яъни дунё тузилишининг

умумий масалаларига қаратилган билимлар) ҳақидаги таълимотни яратган ва “Ўйланилган сонни аниқлаш ҳақида рисола”, “Шаклни ясаш ҳақида рисола”, “Доирани тенг қисмларга бўлиш ҳақидаги рисола”, “Сферик шакллар ҳақида рисола”, Самовий жисмлар ҳақидаги билимнинг келиб чиқиши ҳақида китоб”, “Астрология ҳақида китоб”, “Сувнинг кутарилиши ва пасайиши ҳақида китоб” каби асарларнинг муаллифи Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ Саббоҳ, ал-Киндий ва бошқа кўплаб марказий осийлик олиму, фозиллар жаҳон фани ривожига ва маърифий-педагогик тафаккур тараққиётига катта ҳисса қўшдилар.

Хуллас, Бағдоддаги Маъмун академиясида нафақат илмий изланишлар, балки янги илмий ходимларни тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилган. Масалан, ибн ал-Кифтининг хабар беришича, халифа ал-Маъмун узининг сафдоши собиқ дусти Мусо ибн Шокир вафот этгач, унинг уғиллари уч ака-ука Муҳаммад, Аҳмад, Ҳасанларни “Байтул хикмат” қошидаги мактабга ўқишга бериб Яхъё ибн Абу Мансур ва Мусо ал-Хоразмийга эса уларнинг таълим-тарбиясини топширган. Кейинчалик “Мусонинг уғиллари “математика ва фалакиёт фанлари соҳасида катта ютуқларга эришиб, машҳур олим бўлиб етишдилар. Жумладан, Аҳмаднинг “Тарози ҳақида китоб”, “Механика ҳақида китоб”, баъзи манбаларда Абу Жаббор лақаби билан машҳур Муҳаммаднинг “Сферанинг ҳаракати ҳақида китоб”, “Сонларнинг илдизи ҳақида китоб”, “Дунёнинг бошланиши ҳақида китоб”, “Риторика (нутқ) ҳақида китоб”, Ҳасаннинг “Ўзунчоқ ва думалоқ жисмлар ҳақида китоб” асарлари бизгача етиб келган. Яна шунини таъкидлаш лозимки, Бағдоддаги Маъмун академиясидаги барча олимларга, турли йўналишдаги илмий-ташкилий ишлар (кутубхоналар ташкил қилиш, расадхона ва мадрасалар қуриш, кузатиш ва экспедиция)га, янги илмий ходимларни тайёрлашга кетадиган барча сарф-харажат давлат хазинасидан маблағ билан мунтазам таъминланиб турилган.

Энди Гурганжда ташкил этилган Маъмун академияси фаолияти туғрисида тўхталадиган бўлсак, Хоразмшоҳ, Маъмун ибн Муҳаммад (995-997)нинг уғли ибн Маъмун (997-999) ва унинг укаси Абу Аббос Маъмун (999-1017) ҳукмронлик қилган

даврда Хоразмда оламга машхур булган илм маскани - “Мажлиси уламо” (“Маъмун академияси”) ташкил этилди. Хоразмшоҳнинг илму ҳикматни севувчи Абул-Ҳусайн ас-Саҳилий деган донишманд вазири маърифий масалаларга куп эътибор бериш билан бирга илм аҳлига ҳам доимо меҳр-мурувватда булган. Шу туфайли Маъмун академиясига Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний, Абу Саҳл Исо ибн Яҳё ал-Масиҳий ал-Журжоний, Абу Хайр ал-Ҳасан ибн Сивар ибн Баба ибн Бахном, Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ, ибн Ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино, Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ, Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ, Аҳмад Маъсурий, Ал-Хорожи, Ал-Ҳамдаки, Абул Ҳаким Муҳаммад ибн Абдумалик ас-Солиҳ, ал-Хоразмий ал-Қосий, Абу Муҳаммад Ҳамид ибн ал-Хидр ал-Хужандий, Абу Мансур Абдумалик ибн ас-Саолобий, Абу Абдуллоҳ, ал-Бий ан-Найса-Бури, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сухайли ал-Хоразмий, Аҳмад ибн Ҳамид ан-Найса-бури, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳри, Ибн Мисковайх, Умар Исфаконий, Абу ал-Хайр Ҳаммор, Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ, ибн Иброҳим ан-Натилий, Шарофиддин Абу Абдуллоҳ, ибн Юсуф Айлоқий ва бошқа машхур уламолар ва фозил кишилар йиғилган, уларнинг ҳар бири илму маърифат соҳасида узига хос илмий мактаб яратган мутафаккирлар эди.

Маъмун академияси ҳузурида илму ҳикматга ҳаваси булган ёшлар учун алоҳида мактаб бўлиб, унда атоқли алломалар илм-фаннинг турли соҳалари бўйича шогирдлар тайёрлашган. Масалан, Абу Носир Ироқийнинг математика ва кимё лабораторияси бўлиб, унда ёш шогирдлар эртаю-кеч тажриба олиб боришарди. Шунингдек, Хоразмшоҳнинг шахсий табиби, табобат соҳасида Жолинуc (Гален Клавдий)дан кейин учинчи аллома Абу ал-Хайр Ҳаммар ҳам уз кимё лабораториясида шогирдлар билан куп тадқиқотлар олиб борган. Берунийнинг фалакиётни ўрганиш юзасидан барпо этган мунажжимлик мактабида ҳам куп шогирдлар таълим олишган.

Хоразмшоҳ Маъмун академиясида Абу Райҳон Беруний бошлиқ етук олимларга ҳамма имкониятларни яратиб беради. “Мажлиси уламо” анжуманида риёзиёт, фалакиёт, ҳикмат, табобат, фалсафа, мантик, илоҳиёт, табиат, хандаса, мусиқа ва бошқа ақлий ва нақлий билим соҳиблари мунозара ва

муҳокамаларида фаол қатнашиб, ўзлари ёзган рисоалар ва илмий асарлар асосида раёсат йиғилишида маъруза қилишган. Фикримизнинг далили сифатида “Мажлиси уламо”нинг ҳар бир аъзоси фаолияти, уларнинг жаҳон илмий тараққиёт жараёнида тутган ўрни ва маърифий-педагогик тафаккур ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) Маъмун академиясида олиб борган илмий фаолияти жараёнида фаннинг деярли барча йўналишлари бўйича 150 дан ортиқ асарлар яратган қомусий олимдир.

Беруний Маъмун академиясининг фаол аъзоси бўлган бухоролик машҳур аллома Абу Али ибн Синонинг педагогик таълимоти ва услубини ижодий бойитган ҳолда Шарқ педагогикасида биринчи бўлиб, қиёсий тарбия, таълим ва тарбиянинг бирлиги, узвийлиги тўғрисидаги ғояларни ривожлантирди. Олим ўзининг маърифий-педагогик ва психологик қарашларини асосан, “Минералогия”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Китоб ас-Сайдона”, “Ал-қонун ал-Масъудий”, “Геодезия”, “Мақоллар”, “Эътиқодлар ва динлар ҳақида”, “Қароргоҳ ва омонат жой ҳақида суз” каби асарларида баён этган.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Беруний маърифатпарварлик ҳақида гапирар экан, ақл ва ҳунар ҳар бир кишининг энг яхши фазилатларидан, ҳатто баланд мартабалик ҳам-билим ва ҳунарга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлайди: “...одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар. Улар илм ва ҳунар туфайли ёвузликдан халос топадилар. Шунинг узи энг аниқ фойда, энг катта давлат эмасми, ахир” (35.26).

Беруний билим умуминсоний қадриятларни ўрганишнинг калити эканлигини уқтиради. Илм-маърифатли одам жамият тақдири, инсонлар тақдири учун курашувчан, барча ёмонликлардан узоқдир: “Илмнинг фойдаси очкузлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай. Балки у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир” (35.44).

Қуринадики, Берунийнинг инсон ақли, билими ва касб-ҳунар ҳақидаги маърифий-педагогик қарашлари мазмунида

барча эзгу ишларнинг асоси илму маърифатда эканлиги ҳақидаги ғоя асосий уринда туради.

Амалий билимлар соҳасида тенги йўқ аллома, юнон олими Батлимус (Птолемей)дан кейин иккинчи уринда бўлган ва Маъмун академияси фаолларидан бири Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ (тахминан 1035 йилда Ғазнада вафот этган) узининг риёзиёт, фалакиёт ва тригонометрияга доир 15 та асаридан 12 тасини уз шогирди Берунийга бағишлаган. Олимнинг “Подшо альмагести” (“Ал-мажлиси аш-шаҳий”) ва Менелейнинг “Сферика”си асарлари 997-1010 йилларда Маъмун академиясида ёзилганлиги Беруний ва Насриддин Тусий асарларида эслатилади ва юксак баҳоланади.

Шунингдек, ибн Ироқнинг “Синд-Ҳинд муаллифларида тенглама иккиланишининг сабаблари ҳақида китоб”, “Абу Али ибн Синонинг юқори планеталар тенгсизлигини тушунтириш китобини тузатиш ҳақида китоб”, “Ҳабашнинг эфемеридалар, жадваллар ёрдамида амалларни исботлаш ҳақида рисола”, “Абу Жаъфар ал-Хозин узининг “Ассафоих зиж”да йул қуйган ҳатоликни тузатиш ҳақида рисола”, “Қанотли саратоний астуруб ҳақида рисола”, “Негизлар” ун учинчи китобидаги шубҳали ерини тушунтириш ҳақида рисола”, “Геометриядан саволларга жавоб рисоласи “ва бошқа асарлари урта аср риёзиёт ва фалакиёт фани ҳамда маърифий-педагогик фикрлар тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳақиқатан ҳам, Насриддин Тусий, Умар Хайём ва Муҳиддин Мағрибийларнинг таърифича, ибн Ироқ “Математик олимларнинг энг улуғи”, яъни математиклар тарбиячиси ва устозидир.

Ибн Ироқ сонлар ҳақидаги фан - арифметиканинг, улчаш тўғрисидаги фан-геометриянинг келиб чиқиш сабабларини, самовий jismlарнинг ҳаракат тезлигини илғор маърифий-педагогик тафаккур нуқтаи назаридан тушунтириб беради. Ибн Ироқ риёзиётнинг маърифий-дидактик аҳамияти ҳақида гапириб: “...риёзиёт ақлни чархлайди ва тасаввурни мустаҳкамлайди. Бу фан тугалланмаган фикрни тушуниб олишга ургатади, чунки унинг бошланғич қоидалари маълум, исботлари эса осон. Унда зиддият кам бўлиб, ақлга кумаклашади, ягона ғояни илгари суради...” (62.12), дейди. Олимнинг бу илғор ғоялари урта аср учун жуда муҳим

аҳамиятга эга эди. Афсуски, Абу Наср ибн Ироқ қолдирган бой мерос ҳозиргача етарли даражада урганилмаган. Шу боис ҳам унинг асарларини таржима қилиш ва турли фанлар соҳасида жиддий тадқиқот ишлари олиб бориш бутунги куннинг асосий вазифаларидандир.

Маъмун академиясининг етакчи олимларидан яна бири Абу Сахл Исо ибн Яҳё ал-Масиҳий ал-Журжоний (тахминан 1011 йилда вафот этган)нинг қаламига мансуб “Одамни яратишда Аллоҳ таоло доноликларининг сирини очиш”, “Тиббиётга доир юз масала”, “Умумий тиббиёт китоби”, “Чечак ҳақида рисола”, “Улат ҳақида китоб”, “Руҳ ҳақида китоб”, “Масиҳийнинг танланган асарлари”, “Тиббиёт билимлари ҳақидаги китоб” каби машҳур асарларда тиббиёт, фалсафа, мантиқ, педагогика, психология, биология ва физиология фанларига доир муаммоларни акс эттиради. Масалан, олимнинг асарларидаги айрим пандномалар ақлий ва ахлоқий тарбия нуқтаи назаридан қимматлидир: “Агар одам узини яхши билса - бу ажойиб сифат, аммо у ўз билимини янада тинмай ошириб борса, бунда у ҳақиқатан улуг одам бўлиб етишади. Нодон, саводсиз одам ҳайкалга ўхшайди. Инсон ақли - ҳар қандай шароитда ҳам ижобийдир, ёмон қилиқ эса, ҳар қандай шароитда ҳам салбийдир.

Очкуз одам қаноатланарли фаровон ҳаётдан ҳам мамнун бўлмайди, у тенги йўқ бойликка интилади, аммо у бундай бойликка эришганида ҳам очкузлик уни тарк этмайди. Агар бундай тиришқоқлик билим эгаллашга йуналтирилса, жуда яхши булар эди” (106.39).

1002 йилда Сомонийлар давлати инқирозга учраб, Бухорони тарк этган ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино (980-1037)нинг Гурганжга ташрифи Маъмун академиясининг шухратини ошириб юборади. У “Маҷлис уламо” анжуманида йирик олимлар даврасида бўлиб, уша замоннинг машҳур табиб-олимлари билан ҳамкорликда иш олиб боради ва узининг жаҳонга машҳур беш китобдан иборат “Тиб қонунлари китоби” (“Китоб ал-қонун фи-т-тиб”) асарини яратади. Бу асарнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини шундан ҳам билиш мумкинки, шу кунга қадар бу китоб дунёдаги деярли барча халқларнинг тилларига утирилган ва дунёдаги барча тиббий ўқув юртларида урта

асрдан то шу кунгача асосий уқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ибн Сино нафақат қомусий олим ва мутафаккир, айни замонда у истеъдодли шоир, адиб ва тарбияшунос бўлган. Унинг “Ахлоққа оид рисола” (“Рисола фи илм ал-ахлоқ”), “Бурч ҳасида рисола” (“Рисола фи ал-аҳд”), “Нафсни покиза тутиш туғрисида рисола” (“Сиёсат ад-бадан”), “Адолат ҳақида китоб” (“Китоб ал-ан-соф”), “Ҳикмат булоқлари” (“Уюн ал-ҳикмат”), “Риторика” (“Хитоба”) каби асарларида маърифий-педагогик қарашлари уз ифодасини топган. Масалан, олим “Бурч ҳақида рисола”сида киши узини қандай тарзда покиза тутиши лозимлиги ва одамлар билан қандай муомала қилиш маданиятига оид масалалар баён этилган. Унинг “Нафсни покиза тутиш туғрисида рисола”сида нафсни тийиш қоидалари, инсоний фазилатлар, ҳаётий муаммолар ва ечимлар туғрисида фикр юритилади.

Ибн Сино “Ҳикмат булоқлари” асарида узидан олдинги ва уз давридаги табиий фанлар ва фалсафанинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда шундай бир педагогик таълимот яратдики, бу таълимот урта аср Шарқидаги назарий билимларнинг энг юқори чуққисига кутарилди. Олим педагогика фанининг мақсад ва вазифаларини куйидагича таърифлайди: “Бу фан шундай одамларни тайёрлаб бериши керакки, улар фақатгина узи учун яшамасдан, балки бошқалар ва жамоат ҳамда унинг манфаати учун яшашга интилиши керак. Инсонда меҳнатга муҳаббат, яхши ахлоқий сифатлар ва ҳалоллик доимо устун туриши керак...” (257. 93). Хуллас, Ибн Сино таълим-тарбия масалаларини фалсафий-педагогик асосда чуқур ёритиб беради.

Маълумки, Маъмун академиясида фаннинг турли соҳалари буйича йигирмадан ортиқ машҳур олимлар иш олиб борганлар ва уларнинг ҳар бирининг бир нечталаб шогирдлари бўлган. Шундай машҳур олимлардан бири Абу ал-Хайр ибн Ҳамморнинг “Табибларни синаш ҳақида китоб” асари шогирдларнинг билим даражасини аниқлашда муҳим қўлланма сифатида хизмат қилган. Академиянинг яна бир аъзоси атоқли математик ва астроном Муҳаммад Ҳамид ибн ал-Хидр ал-Хужандийнинг Гурганждаги фаолияти ҳаётининг энг самарали даври бўлди. Шуни айтиш кифояки, ҳозирги фан

тарихчилари олимнинг “Геометрия масалалари ҳақида китоб”, “Умумий асбоблар билан амалий натижага эриша олишлик ҳақида китоб”, “Универсал асбоблар ҳақида китоб”, “Кенглик ва эгилишни ҳисоблашдаги хатоликларни тузатиш ҳақида китоб” асарларини урта аср риёзиёт ва фалакиёт фани ҳамда маърифий-педагогик қарашлар тарихи буйича энг муҳим манбалардан бири деб баҳолашмоқда ва улардан кенг фойдаланишмоқда.

Маъмун академиясининг яна бир кузга қуринган нишопурлик тарихнавис олими Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолобий (961-1038)нинг “Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси” (“Йатимат ад-даҳр фи Маҳосил аҳл ул-аср”)асари Маъмун академиясидаги олимларнинг илм-фан соҳасида қилган хизматларини баҳолашда ва Марказий Осиё халқларининг X-XI асрлардаги тарихи ва маданий ҳаётини урганишда муҳим аҳамиятга эгадир. У тарих, мантиқ араб тили фанлари билан шуғулланибгина қолмасдан, балки тарбияшунос олим сифатида “Ажойиб Маълумотлар” (“Латоиф ул-Маориф”), “Араб тилидан фойдаланишда адаб қуёши” (“Шамс ул-адаб фи истеъмол ал-араб”), “Нотиқликнинг сеҳри ва нутқ санъатининг сири” (“Сеҳр ул-далоғат ва сирр ал-бароғат”), “Нодир сузлар ва суҳбат китоби” (“Китоб ал-Тамсил ва-л-муҳадарат”), “Афзал хулқлар” (“Мақорим ул-ахлоқ”) каби маърифий-педагогик асарларни яратади. Бу асарларни урганиш, таҳлил қилиш ва таржима қилиб миллатнинг маънавий бойлигини бойитиш зиёлиларимизнинг бурчидир.

Маъмун академиясидаги илмий-тадқиқот ишлари ривожига катта ҳисса қўшган ўз замонасининг йирик тарихчи олими Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мушқуя(тахминан 1030 йилда вафот этган)нинг олти жилдлик “Халқларнинг тажрибалари ҳақида китоб” (“Китоб тажориб ул-уламо”) асарида мусулмон мамлакатларида қадим замонлардан 983 йилгача бўлиб утган тарихий воқеалар ва халқларнинг маънавий қадриятлари кўпдан-кўп далил ва маълумотлар асосида кенг қамровли бир тарзда баён этилган. Олимнинг бу асарига тарих илми оламида машҳур булган Абул-Ҳасан Байҳай, Ибн ал-Асир. Ибн Касир, Абу Наср ал-Утбий, Ращуддин Мирхонд, Хондамир, Гардизий ва бошқаларнинг

муружаат қилишларининг узи унинг фан оламида тутган урнига берилган юксак баҳодир.

Хуллас, Маҳмуд Газнавий 1017 йилда Хоразмни босиб олиб, Гурганждаги Маъмун академиясини тарқатиб, Ибн Сино билан Саҳл Масиҳийдан бошқа олимларни Газнага кучиргунча бу илм марказида шу қадар қимматли фан кашфиётлари ва тадқиқотлари яратилдики, бу урта аср мутафаккирларининг жаҳон маданияти хазинасига ва маърифий-педагогик тафаккур тараққиётига қушган бебаҳо ҳиссаси булиб қолмасдан, балки уларнинг даҳоси ва ақл-заковатининг ниҳоятда юксаклигидан ҳам далолат беради. Қолаверса, Маъмун академиясидаги олимларнинг илму-фан соҳасида эришган ютуқлари неча асрлардан буён Шарқ ва Ғарбда маълум ва машҳур булиб келаётганлиги ҳозирги авлод кишилари учун ҳам ғоятда ҳайратланарлиқдир. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бу машҳур олимлар Маъмун академиясида шундай анъана яратган эдиларки, кейинчалик купгина ҳукмдорлар бир неча асрлар давомида шу анъанага қатъий амал қилиб уз саройларида бундай илм марказларини ташкил қилиб, узлари ҳам илму маърифат соҳасида сермаҳсул ижод қилдилар. Булардан хоразмшоҳ Қутбиддин I ибн Ануштакин (1097-1127) ва унинг угли Қутбиддин Муҳаммад ибн Аловиддин Жалолиддин Отсиз (1128-1156) томонидан Гурганжда Маъмун академиясига ухшаган академиянинг ташкил этилишини фикримизнинг далили сифатида курсатиш мумкин. Бу илм марказида риёзиёт ва фалакиёт соҳасида машҳур олим Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий (1221 йилда вафот этган) бошчилигида Арабистон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатлардан таклиф этилган Фаҳриддин ибн Умар ар-Розий (1148-1210), машҳур тилшунос ва ҳаким Абу Бакр Абдулқаҳир ибн Абдураҳмон Журжоний (1108 йилда вафот этган), Зайниддин Абу Иброҳим Журжоний (1135 йилда вафот этган) сингари куплаб олимлар Хоразмда илм-фаннинг гуллаб-яшнаши учун сермаҳсул ижод қилдилар. Маъмун академияси 17 йил фаолият курсатган булса, Ануштакинлар ташкил этган “Мажлиси уламо”, яъни академия Қутбиддин (1097-1127) даврида 30 йил ва Отсиз (1128-1156) даврида 30 йил, яъни олтмиш йил мобайнида илм-фан ва маърифий-педагогик тафаккурнинг тараққиётига хизмат

қилди. Уша даврда Гурганжни зиёрат қилган араб сайёҳи Абу Ҳомид ал-Ғарнотий (1080-1169)нинг “Тухфат ал-албаб ва нуҳбат ал-аъжаб” (“Оқиллар тухфаси ва ажойиботлар сараси”) асаридаги маълумотларга қараганда, “Хоразм аҳолиси ақлзаковатли, фикҳ ва дунёвий илмларни эгаллаган маърифатли кишилар бўлганлар” (272.34).

Хоразмнинг бу даврдаги маънавий маданияти тараққиёти хусусида таниқли тарихнавис олим С.П. Толстовнинг қуйидаги хулосалари гоётда ибратлидир: “Бу даврдаги Хоразмнинг иқтисодий ва маънавий маданияти парвозини назардан утказар эканмиз, бир вақтлар феодал монархия бўлган бу давлат қиёфасининг қолдиқлари куз унгимизда намоён бўлади”. Бизнинг нигоҳимизда юз минглаб гектар унумли ерларга оби-ҳаёт берган улкан сугориш иншоотлари, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Қипчоқ даштларига тутатиб кетган стратегик “Буюк ипак” савдо йуллари истехкомлари, шаҳарнинг қайноқ ҳаёти, ҳунармандчилик, равнақ топган савдототиқ ҳамда Марказий Осиё, Эрон ва Волга буйининг маънавий маданияти ва илм-фаннинг бутун тарихига кучли таъсир кўрсатган “Хоразм Уйғониш даврининг улуғворлиги ва маънавий маданиятининг бой равнақи гавдалангандай бўлади” ( 171.258).

Юқорида баён қилинганлар шундан даюлат берадики, биринчидан, Хоразмда илк бор ташкил этилган, диний ва дунёвий илмларнинг ривожланишига асос яратган, мусулмон олами учун буюк алломаларнинг етишишида пойдевор бўлиб хизмат қилган Маъмун академияси айни пайтда илм-фан ва маърифий- тарбиявий фикрлар тараққиётида ҳам тарихий босқич бўлиб хизмат қилди. Иккинчидан, Президентимизнинг 1997 йил 11 ноябрда чиқарган “Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш туғрисида”ги Фармони маърифат ва маданиятимиз тарихини янада чуқур урганиш билан бирга республикамиз илм-фан ривожини, унинг янгиланаётган маънавиятимиздаги урни ва ролинини оширишга қаратилгандир. Ҳозирги замон маънавияти ва маърифатининг шаклланишида “Маъмун академияси”да фаолият кўрсатган буюк алломаларнинг хизматлари беқийёсдир. Шу боис мутафаккирларнинг меросини чуқур урганиш халқимизнинг, ёш авлоднинг маънавий дунёсини янада бойитиш, утмиш меросимизга

булган ҳурмат ҳиссини тарбиялаш ишига қушилган муҳим ҳисса бўлади. Умуман, Хоразм ал-Маъмур академиясида илмий тадқиқот ишлари олиб борган алломаларнинг меросини тадқиқ этиб урганиш келгусидаги вазифалардан бири бўлиши лозим.

### **3-§. Тасаввуф намояндаларининг комил инсонни тарбиялаш тўғрисидаги фикрлари**

Маълумки, IX-XII асрларда ислом дини асосида мусулмон Шарқида кенг тарқала бошлаган тасаввуф-суфийлик таълимоти Хоразмда ҳам ривож топди. Тасаввуф таълимотини ривожлантиришда Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Бурҳонуддин угли Рабғузий каби йирик мутасаввифларнинг хизмати катта булди. XII асрнинг бошларида энг йирик мустақил суфийлик мактаби “Кубровия”га Хоразмда Нажмиддин Кубро (1145-1221) асос солган бўлиб, бу “Кубровия” тариқати Урта ва Яқин Шарқнинг бошқа улкаларига ҳам кенг тарқалган.

Маълумки, тасаввуф илмида комил инсонни руҳан шакллантириш, камолотга етказиш бош масала ҳисобланади. Бу таълимотга кўра тасаввуфдаги комил инсон ёки “ал-инсон ал-комил” тушунчаси илоҳийлик ва инсонийлик тажассумининг мукамал ва олий даражаси, одамларнинг бутунликда, азим уйғунликда кўриш орзу-хаёллари, камолот машғали бўлиш баробарида аниқ шахслар, яъни “валиюллоҳ,” инсонлар рутбасини тан олиш ва қонунлаштириш ҳамдир. Чунки комил инсон барча илмлардан, зоҳирий ва ботиний донишдан боҳабар, қалбида ғайб асрори жуш уриб турган зот деб билинган.

Шундай улуг зотлардан бири, тасаввуф илмининг буюк намояндаси, Аҳмад Яссавийнинг ишончли ва садоқатли шогирди, “Яссавия” тариқатининг шеърятдаги давомчиси Сулаймон Боқирғоний (вафоти 1192 йилда)дир. У узининг тасаввуфий мазмундаги ҳикматларида ҳалоллик, покизалик ва тоат-ибодат орқали комил инсонни руҳан шакллантириш ва камолотга етказишда ўрта аср ислом фалсафасининг энг юқори чўққиси ҳисобланган “Ваҳдати вужуд” таълимотиغا суянган. Унинг таъбирича, Аллоҳ васлига эришган инсон-комил инсондир. Аллоҳ, ҳар кимнинг қалбидадир, унинг васлига эришмоқ (севиш) учун эса инсондан риёзат (қалбни

тозалаш), дунёни билиш (маърифат) талаб қилинади. Инсон Аллоҳнинг жамолига фақат узининг ахлоқий поклиги, беғуборлиги ва самимийлиги, зоҳирий ва ботиний илмлардан бохабарлиги билан эришади, деган гоёни тарғиб қилади:

Маърифат дарёсинда ғаввос булуб,  
Муҳаббат ғавҳарларин олгум келур.  
Тариқат майдонида парвоз қилиб,  
Ул тубо дарахтига қунғум келур (184.33).

Демак, Сулаймон Боқирғоний таълимотида маърифат йулидаги саъй-ҳаракат ахлоқий поклик ва шахснинг маънавий тарбияси билан боғлиқдир:

Ул бозорда дуконлари бил иродат,  
Мояси маърифат бирла қилгу суҳбат.  
Даллоли эътиқод бирла хизмат,  
Йуқ эрса, сотугини қилса булмас (184.31).

Маърифатнинг сунгги манзили ҳақиқат булиб, унга машаққатли таҳсил билан эришган инсон ахлоқий покликка ва маънавий етукликка эришган комил инсон ҳисобланади:

Шариат бозорида таҳсил керак,  
Тариқат бозоринда тақсир керак.  
Ҳақиқат бозоринда асир керак,  
Олам йиғлаб Ҳақ асирин билса булмас (231.31)

Сулаймон Боқирғоний комил инсонни шакллантириш тўғрисидаги гоёларини илму маърифат кишиларни инсонийликка, саховатга, мардликка, ҳамдардлик ва меҳр-муҳаббатга олиб келувчи восита сифатида талқин этади.

Уйқуни ҳаром қилгин, узун тунда,  
Молингдан зақот бергил, бу кун мунда.  
Қиёмат бергай санга ёрин анда,  
Уғил-қизинг илм ургансун, бер устозга (184.32).

Сулаймон Боқирғонийнинг нуқтаи назарида, инсон “ақли комил” ва “маърифати шомил” булиш учун шариат илмин билиб, сунгра “илм бирла тариқат йулин” тутмоғи лозим. У инсон одоб-ахлоқи хусусида гапирганда эса, инсонда гўзал хулқ, нафси зоҳир ва нафси ботинни тарбия қилишни

назарда тутиб, шариат адаби, тариқат адаби, маърифат адаби, ҳақиқат адабини бирга узвий боғлиқ ҳолда тарғиб қилади. Зеро, унинг “Адабсизлик қилмагил осий булма дедиё” мазмунидаги гузал инсоний фазилатларга даъват этган ҳикматлари туғридан-туғри Қуръони карим гоёлари ва Ҳадиси шарифларга бориб боғланади.

Сулаймон Боқиргоний ҳикматлари ахлоқий тарбия меъёрлари ва хулқ-атвор қоидаларининг муайян тизимидан иборат булиб, бу меъёр ва қоидалар худбинлик, манманлик, такаббурлик ва шахсий манфаатлардан ўзини тийишини талаб этади:

Узингни халқдин ортуқ ҳам кўрмагил,  
Улугликни Ҳақга сазо кўрмиш керак.  
Инонмагил, дунё ичра қатлан кун,  
Қилурлар то ҳазратда қабул сани.  
Кутаргил бошингдин бу кибру мани:  
Манманликни узингга эзгу сонма,  
Ҳалқа ичра халқга заҳмат сан киргузма,  
Риё нарса, амал елга бермиш керак (184.21).

Қуръони карим ва ҳадисларда инсоннинг руҳий ва маънавий камолга етишига тўсқинлик қилувчи салбий хислатлардан бири ҳавойи нафсга муте булиш деб кўрсатилади. Шунинг учун ҳам Сулаймон Боқиргоний мол-дунё йиғишдек нафсга муте булишни тубанлик, худбинлик сифатида қоралайди:

Ҳожат эрмас, бу дунёни мунча йиғмоқ,  
Бу хасис дунё учун мунча елмоқ (184.18)

Маълумки, инсон камолоти бевосита унинг соғлом ва меҳнатсеварлигига ҳам боғлиқдир. Чунки соғлом одам, меҳнатсевар кишигина ҳам оила, ҳам жамиятнинг равақ топиши учун фаолият кўрсатадиган комил инсон булиб етишишга ўзида куч топа олади. Шу боис ҳам Сулаймон Боқиргоний инсон маънавий-руҳий ва жисмоний соғлом булиши учун ҳалол меҳнат қилиши зарур, дейди:

Қуллиқсиз булмасдир экан дийдор,  
Эмгаксиз эр муродига қачон етар?  
Ҳавос кируб уммонга гавҳар тобор,  
Ранжсиз ганж истаюбон тобкон борму? (184.29).

Сулаймон Боқиргоний таърифича, инсон умрнинг ҳар бир дақиқасини ганимат билиб, жондан кечиб, Аллоҳга астойдил интилсагина камолотга эришади:

Ошиқ бўлуб ул киши, чекса ишқ сояси,  
Ранжу бирла меҳнат ул, ошиқга ишқ дояси.  
Йул узоқдур, тун қатиг, қилгил жонингни сатиг,  
Тубсиз денгиздир ботиг, муҳаббатнинг дарёси.  
Керак булса гавҳардир, жондин кечиб қадам ур,  
Жондин қурқсанг йироқ тур, ҳозирдир вақт эгаси (184.15).

Сулаймон Боқиргоний уз тасаввуфий таълимотида комил инсонни шакллантиришни биринчи уринга қуяркан, инсоннинг маънавий камолоти унинг ҳимматли ва саховатли бўлиши билан белгиланади, деган ғояни илгари суради:

Белинга боғлагил ҳиммат қурин,  
Сақнагил, нелар йиқор бизга ёрин (184.20).

Хулоса қилиб айтганда, Сулаймон Боқиргоний ҳикматларида акс эттирилган комил шахсни шакллантиришнинг ҳам руҳий, ҳам маънавий тизими ва усуллари ҳозирги даврда ҳам уз аҳамиятини йуқотмаган. Шу жиҳатдан турк олими Муҳаммад Фуод Куприлизода “Ҳаким Сулаймон отанинг асарлари саккиз юз йилдан бери Шайхнинг (Аҳмад Яссавийнинг-С.Х) асарлари ила баробар халқ орасида барҳаёт яшаб келганлиги бундан далолатдир” (184.6), деганда ҳақ эди.

Юқорида таъкидлаб утганимиздек, ислом дунёсида “Абулжанноб” - дунёдан парҳез қилган тақводорнинг отаси, “Нажмиддин” - диннинг ёрқин юлдузи, “Кубро” - улуғларнинг улуги”, “Шайхи Валийтарош” - валийлар етиштирувчи шайх” деган муътабар мартаба - унвонлар билан машҳур бўлган Кубровия тариқати мактабининг асосчиси Шайх Аҳмад ибн Умар Абу-л Жанноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хивакий ал-Хоразмий (1145-1221) тасаввуфнинг буюк амалиётчи ва назариётчиларидан биридир. У амалий фаолияти ва назарий хулосаларини “Ал-усул ал-ашара” (“Тасаввуфнинг ун асосий қондаси”), “Алхоиф ул-Ҳоим анлаватиллоим” (“Маломат қилувчи маломатидан қурқувчи ошиқ”), “Рисолат ун-фиссу-

лик” (“Сулук ҳақида рисола”), “Ҳидоят ут-толибийн” (“Изланувчиларни тугри йулга солиш”), “Рисолатут турук” (“Тариқатлар рисоласи”), “Таволи ут-танвайр” (Ёритиш юлдузлари, порлоқ юлдузлар”), “Фавойихул жамол ва фавотиҳул жалол” (“Жамол хушбуйликлари ва жалолнинг кашфи”), “Фи одобус соликин” (“Солиқлар одоби”), “Айн ул-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғи”), “Шарҳ ус-сунна вал-масолик” (“Сунна ва эзгуликлар шарҳи”) номли асарларида жамлаб тасниф этган. Бу асарларни мутолаа қилар эканмиз, Шайх Нажмиддин Кубро тасаввуф тарихида таъбир жоиз бўлса, кенг феъллик, яъни байналмилаллик йулини тутган устозлардандир. Шайхнинг узлари суннийликка эътиқод қўйган одам бўлсалар-да, лекин тариқат мактаби (хонақоси)да 400 дан ортиқ сунний мазҳабли шоғирдлар билан бирга шиа мазҳабли мурид(шоғирд)лар ҳам таълим олаверган.

Шайх Нажмиддин Кубро “Рисолайи Нажмиддин Кубро” (“Нажмиддин Кубро рисоласи”), “Рисолатут-турук” (“Тариқатлар рисоласи”), “Ал-Усул ал-ашара” (“Тасаввуфнинг ун асосий қондаси”) асарларида Кубровия тариқати мактаби (хонақоси)да унта одоб қондалари асосида суфий- (шоғирд)лар тарбиялашнинг таълим усулларини, яъни исломий маърифатга эришиш йулларини ишлаб чиқади: Тавба, Зухд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Зикр, Таважжух, Сабр, Мувоқабат, Ризо.

1. Тавба - барча амалларнинг боши. Уз гуноҳларини англаб, Аллоҳ таоло олдида тавба қилган ва бундан кейинги ҳаётини фақат илоҳий эзгулик ва хайрга бағишлашга аҳд қилган одамгина тариқатга кира олади. Тавба қилган одам бир ҳаёт тарзини тарк этиб, иккинчисига утади, хуқу хуйини, ахлоқини узгартира бошлайди, узини англаш сари сафарга чиқади.

2. Зухд - тақво, парҳез демак. Зеро, тавба қилган киши энди ҳаромдан ҳазар қилиб, ҳалолликка юз тутиши, Аллоҳдан қурқиб, у ман этган ишларни қилмаслиги лозим.

3. Таваккул - уз амаллари, фикри ва ишларида ёлғиз Аллоҳга суяниш демак. Ризқни Аллоҳ беради, инсон тақдирини Аллоҳ белгилайди ва инсон амаллари ҳам Аллоҳ, иродаси доирасида бўлиши керак. Чунки яхшилик ва ёмонлик, тўқлик ва очлик, бойлик ва камбағаллик ҳам Аллоҳдандир. Аллоҳ бизни тоат-ибодатга чорлайди, инсонлигимизни эслатиб

туради. Аммо инсон буюк зарурият ичрадир. Унинг фаолияти, ижоди ва қудрати шу илоҳий заруриятдан ташқарига чиқиб кетолмайди. Инсон буни англамоғи лозим. Чунки инсон барча мавжудот каби фонийдир, у абадий эмас. Абадий фақат Аллоҳнинг узи, агар инсон абадиятни хоҳласа, Аллоҳ, сари интилсин, поклик оламига қараб камол касб этсин.

4. Қаноат - инсон камолотининг энг мақбул йули ҳисобланади. Модомики, инсон фаришта билан ҳайвон орасида турувчи махлуқ экан, унда руҳ ва жисм кураши муқаррар бўлиб, камолот ана шу жисм талабларини енга бориш ва руҳ талабларини қупайтириш билан қулга киради. Қаноат инсонни инсон қилади, маънавият безаги билан безатади.

5. Узлат - тасаввуф таълимотига қура инсоннинг руҳи, агар у покланишга мойил булса, табиий равишда яккаланишни талаб қилади. Инсон руҳи тажрид (ажралиш) ва тафрид (ёлғизланиш) босқичларини босиб утмаса, мутлақ покланмайди. Узлат суфийларнинг чилла утиришлари, хилватлари билан амалга оширилган.

6. Таважжу - кураш, узи билан узининг кураши. Солик ҳамма вақт Яратганга юзланиб, ундан мадад сураб, унинг сари қалбан интилноғи даркор.

7. Сабр - соликнинг эътиқоди, ниятини синаш. Ҳақ йули оғир ва мушкул йул, унинг азобу, изтиробига чидаган кишиларгина мақсадга эришади. Тариқат йуловчиси сабр манзилидан утса, ажиб бир руҳий (психологик) довондан утган, янги куч-қудрат топган булади.

8. Муурокаба - кузатиш, тафаккур - шуурга берилиш демак. Тавба-тазарру қилиб, зикру тоат, сабру садоқат билан узининг маърифатини ошириб борган солик, бора-бора осийишта бир ҳолга келади, Аллоҳ, дийдори ёдида тафаккурга гарқ булади, оламларни руҳан сайр қилиб чиқади. Куз олдида Ҳақ таоло жамоли ва Пайгамбар сиймосини келтира олади. Руҳи тулишиб тасаввур ва тахайюл кенгайди, ғайб асрори эшиклари юзига очилади.

9. Зикр - суфий одам ҳар ерда, ҳар доим Аллоҳнинг исмларини тилидан қўймаслиги керак, калималарни, дуоларни мунтазам такрорлаб туриши билан қалбга Аллоҳ таоло сифатлари ва зоти жойланади. Аллоҳ нури порлай бошлайди.

10. Ризо - солик Аллоҳ, қудратини, илмини чуқур ҳис қилган ҳолда, узини буткул Ҳақнинг иродасига топширади ва Аллоҳ олами билан ҳузурлана бошлайди. Ҳақ унга ва у Ҳаққа яқинлашади (126.23-24).

Шундай қилиб, Кубровия тариқатидаги суфий (шогирдлар) тарбиялаш одоб қондаси Куръони карим ва Ҳадиси шарифдаги таълимот асосида амалга оширилган. Комил инсонни тарбиялаш бу тариқатнинг асосий вазифаси булганлигини кўрамыз.

Нажмиддин Кубро тасаввуфий таълимотида комил инсонни тарбиялашда Жунайд Бағдодийнинг “саҳв” (хушёрлик) усулини ривожлантирган. Бу ҳам Нажмиддин Кубронинг тафаккурий - ақлий билимга, яъни ақлий тарбияга эътибори кучлилигини кўрсатади. Чунки Жунайд Бағдодийнинг бу тарбия усули Боязид Бистомийнинг “сукра” (беҳудлик) тарбия усулига қарама-қарши тарбия усули сифатида ишлаб чиқилган эди. Боязид Бистомийнинг суфий (шогирд)лар тарбиялаш усули буйича, илоҳий маърифатни суфий фақат фонийлик ҳолатида, яъни буткул узлигини йўқотиб, идрок эта олади. Боязид илоҳни англаш ва таниш ақл билан, хушёрлик билан бўлмайди, деб уқтиради. Жунайд Бағдодий эса, бунга эътироз билдириб, суфий фақат беҳуд девона бўлса, унинг маърифати узигагина татийди, узгаларни тарбиялай олмайди ва бақога етолмай, ярим йулда қолиб кетади, дейди. Жунайднинг тасаввуфий таълимоти ислом учун ҳам мувофиқ эди ва суфийларнинг дунё, дин ва шариат билан боғланишларига имкон беради. Шу боис ҳам Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбандий каби Мовароуннаҳр шайхлари Жунайд Бағдодийнинг “саҳв” (хушёрлик) тарбия усулини маъқуллаганлар ва уни ривожлантирганлар.

Аввало, шунини айтиш лозимки, Нажмиддин Кубро руҳшунос олим сифатида суфийларнинг маърифат йулидаги руҳий кечинмалари ва нозик хислатларини пурта билганидан, шунга мувофиқ узининг “латоиф” таълимотини ишлаб чиқади. Бу психологик таълимотга биноан, инсон руҳи кузга кўринмас “латиф” марказлардан иборат. Суфий (шогирд) айнан шу марказларни ялғилантириб, уткирлаштириб бориши ва илғаб олиши даркор. Ана шу “латоиф” инсоннинг илоҳий хислатидир. Суфий (шогирд) маърифат йулида риёзатлар

чекиб, машқлар давомида бу латоифни турли ҳолатларнинг узгариши, ранглар ва шаклларнинг алмашилиши тарзида тасаввур қилади. Нажмиддин Кубро назарида нуқта, доғ ва доира мурид руҳий ҳолатлари узгаришида муҳим хизмат қилади. Доира - фалак доираларининг айланиши, доғ - дунё тимсоли ва нуқта - ваҳдатдир. Доира доимий айланишда, у доғни ҳам уз ичига олади. Аммо булар марказга томон, яъни Нуқта сари интилади. Нуқта моҳиятини англаш орқали Аллоҳ олами идрок этса булади.

Мурид руҳи шунингдек, ҳаяжонлар, ҳайратлар ичра турли рангларга ҳам дучор булади. Бу турли ранглар суфийнинг руҳий ҳолатлари, Аллоҳ томон сафаригаги даража - босқичларини билдириб туради. Рангларнинг хилма-хиллиги ва алмашилиб туриши солиқнинг руҳий ҳолатини, шуурий кечинмаларининг давом этаётганини ифодалаб, у ҳали талаввун, яъни ботиний - тафаккурий кечинма-уйларнинг алғовдалғовда, турли-тумандалигини англатади. Руҳнинг рангдан-рангга кучиши ривожланишдан нишонадир. Ушбу жараён охир-оқибатда рангсизлик ҳолатига, яъни тамкинга олиб келади. "Тамкин" ҳолатига кирган суфий "талаввун" (рангбаранглик)дан қутулиб, "Ваҳдат олами"га қушилган булади. Чунончи, зангори ранг солиқнинг тавба қилиб, тариқатга қадам қўйганида кўринади, бу ҳолатда у шариат доирасида булади, мантиқий - далилий билишдан ҳали қутулмаган, ҳали кўнглида дунёвий ҳаваслар майли ҳукмрондир. Бундан кейин тариқат бошланади, солиқ қалбида муҳаббат қўзғалади, у Аллоҳ ёди билан яшайди ва бу сариқ рангга тўғри келади. Қизил рангда солиқнинг руҳи вужуддан ажрала бошлагани, маърифатга яқинлашгани, маънавий моҳиятлар олами идрок қилиниши маълум қилинади. Аммо бу босқич ҳали ҳирс қутқусидан халос бўлмаган бир ҳолатдир. Сунгра оқ ранг кўринадики, бу юракнинг покчилишига ишорадир ва Ҳақиқатни англаш бошланади. Ҳақиқат оламидан хабардор бўлиб, тавҳид ҳолатини бошдан кечиради. Шундан кейин яшил ранг келади. Яшил ранг валийликдан нишона. У сирларнинг сирига, гайбга ошноликни билдиради ва солиқнинг асл моҳиятларга етишаётганини ҳам англатиши мумкин, мазкур ранглар солиқнинг Аллоҳ томон ва Аллоҳ билан руҳий сафарларини англатган бўлса, олтинчи ранг - қора ранг

Аллоҳдан халқ сари қайта сафарини билдириб, канзул асрор - сирлар хазинасини эгаллашни ва ҳайратга ғарқ булишни ифодалайди. Ҳайратдаги руҳ шариатнинг мағзи - ҳикматини бошқатдан идрок этиб, қоронғи бир доғ рангига уралади. Ва, ниҳоят, солиқ руҳи яна Аллоҳ ҳузурини пайдо булади. У қора рангдан қутулиб, рангсизлик ҳолатига киради. Зоти кулл, яъни комил инсон даражасига етган солиқ якранглик ҳолатида мақсадига эришади (126.21-22).

Қуринадики, Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий - психологик таълимотидаги ранглар ва маънолари кейинги вақтларда тасаввуф назариётчилари таърифлаган рангларнинг шарҳидан тубдан фарқ қилади. У етти ранг хислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган. Унингча, оқ ранг - исломни, сариқ ранг - иймонни, зангори ранг - эҳсонни, яшил ранг - итминонни (ишончини), кук ранг - иқонни (тулиқ ишонч), қизил ранг - ирфонни, қора ранг - ҳаяжонни (ҳайратни) англатади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Нажмиддин Кубронинг ранг ҳақидаги бу янгиликларини Европа олимлари Кафка, Шопенгауэр, Фрейд XIX асрдагина рангнинг киши руҳига таъсири борлигини, ранглар шунчаки ранг эмаслигини, балки инсон ҳиссиёти туфайли пайдо булган ва унинг тафаккури орқали кўринадиган нарса ва айни пайтда, ранглар инсон туйғулари ва тафаккурига таъсир қилиши мумкинлигини курсатдилар.

Хуллас, Нажмиддин Кубронинг комил инсонни тарбиялаш туғрисидаги тасаввуфий гоялари ва психологик таълимоти унинг истеъдодли шогирдлари Шайх Мажиддин Бағдодий, шайх Саъиддин Ҳамавий, шайх Сайфиддин Бохарзий, Шайх Айнуззамон Жамолиддин Гейли, Шайх Бебо Камол Жандий, шайх Нажмиддин Розий Доя, шайх Розиддин Али Лоло, шайх Жамолиддин Аҳмад Журжонийлар томонидан Эрон, Афғонистон, Миср, Ироқ, Ҳиндистонда давом эттирилиб, донишмандлик, исломий ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифат гояларини турли миллат ва элатлар орасига ёйдилар.

Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тарихидаги яна бир хизматлари - жавонмардлик гояларини Кубровия тариқатига жорий этиш булди. Унинг тасаввуф таълимотида мардлик ва поклик, қаҳрамонлик ва фидойилик, маърифат ва жисмоний - руҳий қудрат бирлаштирилди, инсон камолотида ахлоқий

юксаклик, ватанпарварлик гоялари қушилиб ифодаланади. Унинг рубойларидан бирида комил инсонни жавонмардлик руҳида тарбиялаш гояси уз ифодасини топган:

Чун шарбати ишқинг била дил маст булгай,  
Ҳам ҳажру фиروقинг ила ул паст булгай,  
Илинг узатиб, сен йиқилганни кутар,  
Нест булган ушал тан ва кунгил ҳаст булгай (215.3)

Куринадики, Нажмиддин Кубро инсоннинг комиллигини таъминлаш, уни чинакам шахе сифатида шакллантириш учун ҳар бир одамнинг ўзи ва унинг атрофидагилар қилиши лозим булган ишларнинг бутун бир тизимини яратган. Комиллик учун тинимсиз уринишгина кишини ижобий натижаларга олиб бориши мумкинлиги курсатиб берилган.

Ҳақиқатдан ҳам Кубровия тариқати мактабининг тарбиясини олган Хоразм жавонмардлари хуш хислат, улуғ фазилат ва юксак маърифат эгаси булган. Хоразмга муғуллар босқинидан кейин келган араб сайёҳи ибн Батутта “Сафарнома” китобида жавонмардлик уюшмалари булганлигини қайд этади ва жавонмардларнинг меҳмондорчилиги, қахрамонлиги, мардлигига ниҳоятда юксак баҳо беради: “Мен дунёни кезиб, бундай мардлардан кура эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфохон аҳолиси гарчи узларини жавонмардларга ўхшатсаларда, аммо Хоразм ва Мовароуннаҳр жавонмардлари мусофирларни сийлаш ва меҳмондорчиликда улардан баланд турадилар...” (215.27-28).

Уша даврда Хоразмда кенг тарқалган суфийлик - тасаввуф тариқатидаги жавонмардлик йўналишининг кузга кўринган вакилларида бири, уз даврининг забардаст паҳлавони ва стук мутасаввиф шоири Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) рубойларида мардлик, жасурлик, она диёрга меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, саховат, поклик, фидойилик гояларини ифодалайди. Жумладан, у бир рубойида уз мансуб булган жавонмардлик йўналиши (уюшмаси)нинг маънавий-ахлоқий принципларини умумлаштириб бундай деб ёзади:

Зарб берамиз, чарх фили яксон булгай,  
Уфқ доираси ногораи шон булгай.

Жой олса чумоли гар бизим сафлардан,  
Давлатимиз туфайли арслон булгай(170.8).

Мана бу рубоийсида инсон камолоти тасаввуф талаблари мардлик ва олийжаноблик асосида талқин этилган:

Нафсингни тийиб, сен унга шоҳ бул, мардсан,  
Кимсаси йуқларга паноҳ бул, мардсан.  
Номардлар оёқ ости қилар мискинни,  
Мискин ва гарибга пойгоҳ бул, мардсан(170.8).

Паҳлавон Маҳмуднинг талқинича, филдек куч-қувватга эга булган ҳолда, ўзни хокисор тутиш, бировларга озор бермаслик, узидан ожизларга шафқат ва эътибор, инсон гурурини баланд кутариш комил инсонга хос олийжаноб хислатдир:

Кумурсқа бул, фил каби гар зур бул сен,  
Кимхобда азиз булу юпун, хур бул сен.  
Кузингни очиб, жаҳонда бор айбларнинг,  
Барчасин куриб туриб, кур бул сен (215.8).

Паҳлавон Маҳмуд инсон камолоти учун муҳим булган ақлий ва ахлоқий қоида ва талабларни ўзида мужассамлаштирган рубоийларида комил инсонни шакллантиришнинг ўзига хос тизимини яратди. Бунда у баркамол инсонни камолотга етказишнинг энг муҳим ва асосий мезонларидан бири - инсоннинг билимга эга булиши, яъни унга ақлий тарбия бериш деб билди: “Маърифатнинг тили - чолғу - нойимдир, Ақлим қилич, сўзим - уқу ёйимдир” (215.40).

Шунингдек, Паҳлавон Маҳмуд инсонни ахлоқий-маънавий камолотга етказувчи сўз одоби, инсондаги ҳалоллик, ростгўйлик, сахийлик, камтарлик, қаноат, самимийлик, чинакам дўст булишни энг муҳим инсоний хислатлар сифатида таърифлайди ва буларга қарама-қарши булган жаҳолат, бахиллик, очкузлик, ёлғончилик, такаббурликни илм-маърифат ва тафаккур билан бартараф этишга даъват этади:

Бердим қаламимга сўз, тилим лол этдим,  
Орифману кунглимда ажиб ҳол этдим.  
Сўз давлати султонлари таслим булди.  
Бу мулкни тафаккур ила нишол этдим (213.16).

Хулоса қилиб айтганда, Паҳлавон Маҳмуд узининг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги қарашлари билан маърифий-педагогик фикр тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Шу боис ҳам Паҳлавон Маҳмуднинг баркамол инсон ҳақида рубоийларида илгари сурган ғоялари, шунингдек, неча асрлардан буён маърифий-тарбиявий аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда.

Кубронинг комил шахс борасидаги қарашларида инсоннинг руҳий, тахайюлий имкониятларига кўпроқ эътибор қилинган бўлса, Паҳлавон Маҳмуднинг педагогик қарашларида маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга устувор аҳамият берганлиги сезилади. Бу ҳол Хоразм мутасаввифларининг тарбияшуносликка доир қарашлари доимо узгариб, такомил топиб турганлигидан далолат беради.

Тасаввуф илмининг етук вакилларида булмиш Бурҳониддин угли Носириддин Рабғузийнинг (XIII аср охири - XIV аср боши) “Қиссаи Рабғузий” асарида ҳам марказий уринда инсон, уни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш масаласи туради. Етукликнинг биринчи белгиси ақл ва билим бўлганидек, Рабғузий ҳам ақл ва билимлик барча яхши ишлар, эзгуликлар манбаи бўлса, ақлсизлик ва билимсизлик эса жоҳил, тубан ва ёмон ишларга асос бўлади, дейди. Шунинг учун ҳам у кишиларга ярамас ишлар қилмаслик, тинч ва фароғатда яшаш, ҳалол бўлиш, ҳаромдан сақланиш ҳақида ҳаётий панд-насиҳатларни беради: “Маъсиятдин (шариатга хилоф иш тутишдан) йиғилинг, халқ орасинда куни ҳукм қилинг, куч қилманг, зино қилманг, кон тукманг, хиёнат қилманг” (178.7).

Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий” асарида инсонни баркамол этишнинг иккинчи белгиси покизалик, хушхулқлик, адолатпарварлик, одоб-икромли бўлиш. Ножуя хатти-ҳаракатлардан сақланиш, ҳалол меҳнат қилиш, ҳавойи нафсониятга ва ортиқча эҳтиросга берилмасликдир, дейилади. Масалан, унинг “Юсуф қиссаси”ни олиб курайлик:

“Ҳикоятда андоғ дебдурларки, бу куни Зулайҳо айди: “Эй Юсуф, сани куйингда неча йилдан бери заиф ҳолдурмен, асло билурмисен. Юсуф алайҳиссалом: “Сани кунглингдаги ҳаёлинг нима билай?””.

Зулайхо айди: - Манда сени муҳаббатингдан узга нимарса йукдур.

Юсуф алайҳиссалом айдилар: - Манга муҳаббат қилгунча, эринг Азизи Мисрга муҳаббат қилгонинг яхшироқдур. Ул фойда қилур.

Зулайхо айди: Эй Юсуф; ман сани Азизи Мисрдан юз хисса ортиқ билурман.

Юсуф алайҳиссалом айдилар: - Андог булгонинг бефойда. Мундог сўзларинг ҳам беҳуда.

Зулайхонинг аччиғи келиб айди: - Эй Юсуф, сузимни қабул қилмасанг, боққа ишлагани юборурман. Анда куп меҳнат ва машаққат тортасан. Он ҳома иззат ва ҳурмат, бахт ва давлат, нозу неъмат сенга ярашмади, давлатнинг қадрини билмадинг.

Юсуф алайҳиссалом: - Ҳарна қилсанг фармонбардорман. Аммо сани андоқ ишингни қилмасман. Алқисса, Азизи Миср боғ қилдирур эрди. Анда халқни ишлатур эрди. Юсуф алайҳиссаломни ер чопгали шунда буюрди ва ул боғ ичида минг турлук мевалар, ранго-ранг гуллар очилиб, яриғда гуллар сочилиб турар эрди. Юсуф алайҳиссалом яхши либосларни ташлаб, мардикор тунларини кийиб, кетмон олиб ишлар булдилар. Боғбонлар келиб: - Ҳайфки, шундоқ кишига иш буюруб, - деб қўлларидан кетмонни олиб эрдилар. Ҳаргиз унамадилар.

Боғбонлар айди: - Сиз томошо қилиб ултиринг, шуни бизлар қилали. Шулки. Бир киши ун кунлик иш қилдилар. ҳамма кишилар билдиларки, ушбу уғилни баракатидан мунча иш булди. Аммо Зулайхо уйида қолиб эрди. Тобу-тоқат қилолмади, боғга бормасликка илож топилмади...

Айди: - Эй Юсуф, давлат ва иззатни билмадинг, шундан зиёда меҳнат ва машаққат қилурсан. Юсуф алайҳиссалом: - Ҳарна кўргузсанг, манга ушал давлатдур. Беҳуда сўзларингдин бу ишларинг манга шодлугдур, деб ҳаргиз кўзларига илмадилар, сўзга ҳам илтифот қилмадилар”(237.204-206).

Зулайхо узининг нопок ниятига етолмагач, шундан сунг Юсуф алайҳиссаломга ёлгон тўхматлар қилиб, уни обрусизлантирмоқчи булади. Шу мақсадда Зулайхо эрига қараб, бундай деди:

“- Эй Азизи Миср, сани ҳаддан фузун ва адабдин бирун жавоҳиротлар бериб сотиб олгон қулинг ишини кўргил, ман

уйга кириб ухлаб эрдим. Мандин хабар йуқ, мани бедод қилиб номаҳрам қулини манга узатди. Мен қабул қилмасам оғзимга уруб, икки тишимни ушатди. Ман қувиб ханжар бирла урай деб эрдим, қочди.

Энди буни мукофотиға зиндонга солгайсан, ё қаттиқ азоб-уқубатларга гирифтор қилгайсан, тоинки ақли оламға ибрат булгай.

Азизи Миср айди: - Эй Юсуф, сани мани хотунимга харом қул узатсин деб, шул умид бирла олиб эрдумми? Сани углим деб эрдим, сани манга қилар ишларинг будурму? - Юсуф алайҳиссалом бисёр хижил булуб айдиларки: ман шундоғ ишларни харгиз қилгоним йуқ. Зулайҳо манга ёлгон тухмат қилардур. Зулайҳо тоқат қилолмай онт ичиб, уз сүзини маъкул қилади.

Азизи Миср бир қулга буюрдики, Юсуфни чаҳор миҳ қилиб ончун азоб қилгилки, улса ҳам майли, деди. Юсуф алайҳиссалом: - Эй Азизи Миср, рост ва галатини билмай буюрсангиз кейин пушаймон қилурсиз... Фойда бермас.

Азизи айдики, гувоҳ керакдур. Юсуф алайҳиссалом айдилар:

- Ул бешикдаги бола гувоҳдур, ул бола Талқон деган канизакнинг боласи эрди. Андин суранглар.

- Эй Юсуф, на ажаб сўзларни айтурсан, тўрт ойлик бола ҳам сўзларму?

Юсуф алайҳиссалом айдилар: - Иноят илоҳи булса, мани сўзим рост булса, сўзлар. - Ул замон бу болани олиб чиқдилар.

Азизи Миср сурадиларки: - Эй фарзанд, бу номаъқуллик кимдандур. Ул бола айди: - Эй Азизи Миср, сен боқилки, Юсуфни куйлаги олдидан чок булса, гуноҳ Юсуфдадур. Арқасидин чок булса, гуноҳ Зулайҳодадур. Боқсалар куйлак орқасидин чок булибдур.

Азизи Миср айдики: - Юсуф тоза экан, мундоқ ишлар хотунлар макри турур яна айдики: - Эй Зулайҳо, гуноҳни узинг қилиб, узгага юктарсан. Анда Юсуф алайҳиссаломнинг покликлари маълум булди. Гуноҳни Зулайҳога қуйдилар..." (237.243).

Қиссадаги бу парчадан қуриниб турибдики, Рабғузий кишиларни Юсуф алайҳиссалом шахси орқали ақл-идрокли,

заковатли ва фаҳм-фаросатли, ҳақгӯй, ҳалол ва пок, одобли ва ифбатли, сабр-тоқатли ва матонатли, меҳнатсавар булишга ундайди. Шунингдек, Рабғузий очкузлик ва хасисликни, нопоклик ва ноҳуя қилмишларни кескин қоралаб, макру ҳийла билан орттирилган ҳар қандай нарса гайрияхлоқий ва гайриқонунийдир.

“Қиссаи Рабғузий” асаридаги “Узум” ҳикоятида илгари сурилган шаробнинг касофати тўғрисидаги гоёлар уша давр учунгина аҳамиятли бўлиб қолмай, балки ҳозирги кунда ҳам уз тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган. Ҳикоятда айтибдуларки: “Шайтон малъун -узумнинг уруғини уғирлади. Ҳеч вазҳ билан тополмадилар. Ҳамма ҳайвонлардан сурдилар. Ҳеч қайсиси билмади, охири шайтонни тутдилар.

Шайтон айди: - Узумга уч марта сув қуймоқни манга берсангиз, топиб берай, деди “Нух алайҳиссалом қабул қилдилар. Узумнинг уруғини топиб берди. Вақтики кемадин чиқдилар, барча уруғни эктирдилар, узумнинг уч сувини шайтон лайин суғорди: аввал тулкини қони бирла, андин шерни қони бирла, андин тўнғизни қони бирла суғорди. Анинг берган сувидан чоғир бўлди, ҳар ким чоғир ичса, аввал тулки бўлиб, кўрмаган киши бирла дўстлук оғиз қилур. Андин маст булғонида йулбарсдек булур, ҳиммати жўш бўлиб ҳар кимга бир нимарса берур. Андин мастроқ булса, тўнғиздек юракли булур, ҳеч ишдин кўркмас, ҳар қисм ёмон ишлар содир булур, шайтон берган сувлар феълидир...” (255.180-181).

Рабғузийнинг бу ҳикоятидан хулоса шуки, шаробни ичиб, булғач, киши бутун ақл заковатини ва куч-қудратини нафсу шайтонга топшириб, ярамас ишларга қўл уради ва одоб-ахлоқ доирасидан чиқади. Шунинг учун ҳам Рабғузий бу ҳикояти орқали май-шаробнинг оқибати ва мастлик касофати тўғрисида тўхталиб, унинг жамиятга, оилага ва бола тарбиясига салбий таъсирини баён этади.

Рабғузий “Ҳукиз ва эшак” ҳақида ҳикоятида эса бошқалар ҳисобига кун кўришни, танбаллик ва дангасаликни, ишқмасликни қоралаб, халқнинг манфаати ва фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилишни тарғиб қилади.

Рабғузийнинг “Ҳазрат Луқмон қиссаси”даги қуйидаги ибратли ҳикоятлар ҳам ёшларда камтарлик, тўғрилиқ, ҳалол-

лик, ростгуйлик, саховатлилик, ҳимматлилик, марҳаматлилик каби инсоний фазилатларни тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир:

“... Ҳазрат Луқмонни куриб сурдики: - Эй Луқмон, бу мартабани қайдин топдинг? Айтилар: Рост йулга юргонимдин.

Ҳикоят қилибдиларки, Ҳазрат Луқмоннинг ҳожалари айди: - Ман бугдой эктил десам, арфа экибсан. Ҳазрат Луқмон айдилар: - Арфа эксам бугдой чиқмасму?

Ҳожалари айди: - қачон арфадин бугдой чиқғой?

Ҳазрат Луқмон айдилар: - Андоғ булса, нима учун ямонлиг қилиб, яхшилик умид тутарсан? - Бу суз бирла гуноҳидин ёнди.

Ҳазрат Луқмон халқга куп манфаат еткурур эрдилар. Ҳар киши пул ва мол қарз олса, бешувоқ берур эрдилар. Бир куни бир одам минг миққол қарз олтун олди. Кунгли тасаввур қилдики, бермай деб! Элтиб бир қизил латтага ураб ёнига қуйиб эрди гушт фаҳмлаб бир қарға олиб қочуб, Ҳазрат Луқмоннинг олдиларига ташлади. Курсаларки, узларининг кишига берган олтуларидур. Элтиб уйга қуйдилар. Ул киши яна келиб минг миққол олтун керак, - деди. Яна минг миққол олтун берди. Кунглида айдики, аввалда киши йуқ эрди, алҳол киши йуқдур, деган ният бирла улуг сувдин утуб борур эрди. Қулдин сувга тушуб кетти. Ҳарчанд истаб тополмади. Ул кеча Ҳазрат Луқмон гусл қилмоққа тушуб топиб олдилар. Элтиб уйларига қуйдилар. Ул киши яна минг миққол олтун лозим деб келди. Яна бердилар. Ямон ният қилиб эрди. Ёнидин тушуб қолди. Кучада Ҳазрат Луқмонга учради. Ани ҳам элтиб қуйдилар. Туртинчи навбат мулоҳаза қилиб айдики, Луқмондин уч минг миққол олтун қарздор бўлдум. Яна минг миққол олуб савдогарчилик қилиб, узумни қутқарай деб минг миққол олтун олиб савдогарчилик қилиб, фойда куруб, турт минг миққол олтун олиб келиб Ҳазрат Луқмоннинг олдиларига қуйди. Ҳазрат Луқмон андин бир минг миққол олиб қолгонин олмадилар. Бу одам ҳайрон қолиб сурдики, на учун мундоғ қилурсиз?

Айдилар: - Мандин олгон пулингни уч минг миққоли узумга теккандур. Минг миққол ҳақим бор эди, ана олдим. Бу қиши хушнуд бўлуб уч минг миққолни олиб жўнади” (237.245).

Қирқ туртинчи қиссадаги “Асҳоб-ар Раҳим” ҳикояти-даги воқеалар ҳам ибратлидир : “Булар уч тан эрдилар: Сайру томоша учун саҳрога чиқиб эрдилар. Куп ёмғир ёғди. Бир горга кирдилар. Ул горнинг оғзини бир тош (тепадан) келиб тутиб қолди. Қамалиб қолдилар.

Айдилар: “Аллоҳ, ёмғур куп ёғди. Бовужуди тош сарпуш булиб қолди. Йулимиз манқатъ бўлди”, деб уч кун ётдилар. Ўзлари ҳам уч тан эрдилар. Бирлари деди: - Аллоҳ, бир кун уйга бир мардикор олиб келиб ишлатгим. Муздини бермадим. Айдим: - Эй, биродар, эртага ҳам келинг. Ул киши “Хуп”, деб, эртасига келмади. Они муздига бир товук олдим. Ул товукни тухумини сотиб, бир сийир олдим. Ул сийирдан нечанг моллар қилдим. Бир куни утиб борсам, ул йигит гадо булиб юрибдур. Ул мол-сийирларни анга бердим. Агар қилган ишим даргоҳинда маъқул бўлгон булса, шуни ҳаққи-хурмати кушодлиг бергил, деб эрди, горни учдан бири очилди.

Яна бирлари: —Аллоҳ, куп вақт бурун шаҳримизда қаҳатлик бўлди - эл бесабру самон бўлди. Уйимизга бир хуш-руй хотин кирди. Қулини тутиб эрдим, айдики: “Менга дохил қилмагил, ҳазрат ҳақсубҳона таоло қаҳридин қурққил”. Мен сени қаҳрингдан қурқиб, хотинга яқинлик қилмадим. Агар ушбу қилгон ишим маъқули даргоҳи балгон булса, ани хурматидин кушодлиг бергил, деб эрдик, насоки очилди (ҳолати узгарди).

Яна бирлари: - Худоё худовандо, ҳар куни отамга бир кўза сув олиб бориб берур эрдим. Бир кун қаҳратон қишда туриб, сув олиб келдим. Эшик маҳкам. Отам ухлаб ётурлар. Агар эшикни очсам, уйгонурлар деб, эшикда пойлаб турдим. Совукдан идишдаги сув яхлаб қолди. Мен ҳам азобни ўзимга кўрдим. Ани хурматидин кушодлиг бергил, дедилар, ҳаммаси очилди. Булар ўз жойларига кетдилар” (237.255).

Умуман олганда, Рабғузий “Қиссаи Рабғузий” асаридаги ҳикоятларда “Эй, одам, сени гаму кулфатдан доим тўғрилиқ, ҳалоллик ва садоқат қутқаради” деб яхшини ёмондан, ҳалолни ҳаромдан, тўғрини хатодан, фойдани зиёндан ажрата олувчи: дунёдаги барча эзгуликларнинг меросхўри булган баркамол инсонни тарбиялаш гоёсини илгари суради.

Юқоридагилардан хулоса шуки, биринчидан, урта асрда бутун мусулмон Шарқида булгани каби Хоразмда ҳам

маърифий-тарбиявий фикрлар тараққиётида тасаввуф таълимотининг узига хос урни бор.

Иккинчидан, тасаввуф-бу инсоннинг руҳияти ва маънавий оламидаги жараён булиб, инсонни руҳий ва ахлоқий камолотга етказувчи бир илмдир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Сулаймон Боқиргоний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузий сингари мутасаввифлар илмнинг зоҳирий ва ботиний булишини тан оладилар ва қабул қиладилар. Зоҳирий илм-шариат илми, ботиний илм ҳақиқат илмидир. Биринчиси уқиш-ёзиш ва урганиш билан эгалланидиган ақлий ҳамда ноақлий илмлардир, иккинчиси тоат-ибодат, зикр, риёзат, мужоҳада, тафаккур, тақво ва ҳоказо-лар натижасида Аллоҳ бандасига эҳсон қиладиган илмдир.

Учинчидан, мутасаввифлар Сулаймон Боқиргоний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузийлар инсон билимини ақлий билим ва маърифат дея иккига ажратиб, ақлий билим манбаи ақлга, маърифатнинг манбаи эса нафс (руҳ,)га асосланишини таъкидлайдилар. Яъни маърифат Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш орқали қўлга киритилади. Ақлий билим эҳтимолий, маърифат эса аниқ билим булиб, илоҳий манбага асосланади. Демак, зоҳирий илм билан ботиний илм бадан билан руҳ кабидир, бир-бирини тақозо қилади, тулдиради. Сулаймон Боқиргоний, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузийларнинг фикрича шариатга риоя қилмаган ҳақиқат кофирликдир. Нажмиддин Кубро эса маърифат узи билан муҳаббатни олиб келишини, яъни муҳаббат маърифатга асосланиши туғрисидаги таълимотни яратган. Бу таълимот кейинчалик тасаввуф ва тариқат муҳитларида кенг миқёсда қабул қилинган. Шунинг учун ҳам алломанинг асарлари бугунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

#### **4-§. Хоразм мутафаккирлари маърифий-тарбиявий қарашларининг етакчи хусусиятлари**

Маълумки, ўрта асрда Хоразмдан етишиб чиққан Мусо ал-Хоразмий, Ибн Ирок, Абу Бакр ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий, Умар ал-Чағминий ва бошқа мутафаккир-

ларнинг асарларида илгари сурилган маърифий-педагогик гоёларни уларга замондош Аҳмад Фарғоний, Абу Бақр ар-Розий, Абу Наср ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Носириддин Тусийларнинг асарларидаги маърифий-педагогик таълимот билан қиёслаб эканмиз, бу алломаларнинг маърифий-тарбиявий меросида умумий хусусиятлар ва уйғун томонлар яққол кўзга ташланади.

Дарҳақиқат, жаҳон илм-маърифатининг буюк намоян-даси Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850) “Ал китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала” (“Алжабр муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”), “Китоб ал-жам ва тафрик би ҳисоб ал-Ҳинд” (“Ҳинд арифмегикаси ҳисоби буйича қушув ва айирув китоби”), “Зиж фи ила ал-фалак” (“Астрономия Зижи”), “Китоб сурат ал-арз” (“Ер сурати”), “Китоб ат-тарих” (“Тарих китоби”) асарларида инсоннинг камолотга егиши ва инсоний муносабатларида илм-фаннинг муҳимлиги гоёсини илгари сурган ҳолда илмий билиш, таълим усуллари ривожига катта ҳисса қўшди.

Ал-Хоразмий педагог-усулиётчи олим сифатида “Ал-китоб ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр вал-муқобала” асарида билимларни эгаллашда кўрғазмали воситалардан фойдаланиш, таълимда мантиқий тафаккурга, шахсий кузатиш ва тажриба-ларга таяниш, савол-жавоб, баҳс каби таълим усулларида кенг фойдаланган ҳолда талабаларда мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда олган билимларини амалиётга тадбиқ эта олиш малака ва кўникмаларни таркиб топтириш туғрисида кенг маълумот берадики, улар ҳаммаси уша давр педагогик фикрининг юқори даражада бўлганли-гидан далолат беради. Шунингдек, уша даврда илмий-тадқиқот ишларида синов-кузатиш, синов-тажриба ва асарларни шарҳлаш усулларида фойдаланилганлиги туғрисида ҳам тўхталиб, олимларнинг одати, ахлоқи, ўз касбига лойиқлиги ва фазилатларига қараб, уч гуруҳга бўлади: “Улардан бири узидан аввалгилар қилган ишларни амалга оширишда бошқалардан ўзиб кетади ва уни узидан кейин қолувчиларга мерос қилиб қолдиради.

Бошқаси узидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди ва бу билан қийинчиликларни осонлаштиради, ёпиқни очади, йўлни ёритади ва уни тушунарлироқ қилади ёки бу айрим

китоблардан нуқсонлар топадиган ва сочилиб ётганини тушлайдиган одам булиб, у узидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда булади, такаббурлик қилмайди ва узи қилган ишдан мағрурланмайди....” (171. 78).

Ал-Хоразмий математика фанида тамомила янги абстракция (мавҳумийлик) тушунчасини кенгайтириш, индукция йули билан умумий ечиш усулларини яратиш ва дедукция усулида турли хусусий масалаларни ечиш билан билиш назариясига ўзининг улкан ҳиссасини қушди. Купчилик мутафаккирлар қатори ал-Хоразмий ҳам узининг билиш назариясида моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар уртасидаги объектив муносабатларни, табиий жараёнларни “...сезги орқали билиш, бу қисман билиш булса, мантиқий баён, ақлий билиш эса ҳақиқий билишнинг муҳим томонини намоён этади” (171.82), - деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, “...инсоннинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати мантиқий фикрлашга асослангандагина мукамал шаклланиши мумкин” (197.57-58). Демак, ал-Хоразмий назарида инсон ва унинг сезгиси, ақл-идроки моддий олам ривожланишининг олий маҳсули булиб, инсон камолотга етишишининг энг муҳим омиллари илм-маърифатли булиш ва юксак ахлоқлиликдир.

Урта асрларда араб-мусулмон Шарқда илмий билиш уз даврининг ижтимоий-иқтисодий талабларига жавоб тариқасида янги тарихий-маданий асосда ривожланди. Янги илмлар пайдо булиши илмлар таснифини ва ҳар бир илмга кирган купгина масалалар чегарасини аниқлашни тақозо қилди.

Шарқда биринчи булиб илмлар таснифи масаласига ёндашган ва уни ҳал қилишга ҳаракат қилган олим - Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (806-866)дир. Ал-Киндий илмлар таснифига бағишланган “Инсоний билимлар таснифи”, “Илмнинг туб моҳияти ва унинг таснифи” асарларида фалсафага катта аҳамият беради ва уни “ҳамма нарса ҳақидаги билим” (61) деб атади. У фалсафани билим ва фаолият, назарий ва амалий билимларга ажратади. Ал-Киндий фикрича, назарий билим - риёзиёт, табиёт ва илоҳиётни, амалий билим эса - ахлоқ уй ишлари ва фуқаролик сиёсатини узида мужассамлаштиради. У билим ҳақидаги таълимотини уч поғонадан иборат қилиб тузади. Биринчи поғона мантиқ ва

“Сиёсат илми онгли фаолият ва ҳаёт йул-йуриқларининг (турли) қурилишларини, шунингдек, урф-одат, ахлоқ, малакалар ва табиий мойилликларни... улар орқали қулга киритилувчи мақсадларни, инсонда уларнинг ифодаланиш ва вужудга келиш усулларини, уларни бошқариш усуллари...ва сақлаб қолиш йулларини урганади (33.204).

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий Абу Наср ал-Форобийдан сўнг “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмлар калитлари”) асарида урта асрда Шарқда мавжуд бўлган барча илмларни туркумлаб иккига бўлади: шариат илмлари (“улум ал-шариа”) ва улар билан бир қаторда турган араб филологиясига оид илмлар ва фалсафий билимларни эса у арабларники бўлмаган фанлар (“улум ал-ажам”) деб атайдди.

Шариат илмлари (“улум ал-шариа”)-мусулмон ҳуқуқи, қалом, араб тили грамматикаси, нотиклик санъати ва стилистикаси, талаффуз қоидалари, тугри ёзиш ва уқиш, шеър ёзиш илми, аруз ва қофия илми, тарихдан иборат бўлган. Арабларники бўлмаган фанлар (“улум ал-ажам”) эса: фалсафа, мантиқ, тиббиёт, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа, механика ва кимёни ўз ичига олади (207. 89-90).

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг фикрича, фалсафа борлиқнинг моҳияти ҳақида, бутун мавжуд нарсаларнинг мазмуни ҳақида мукамал ва тўлиқ билим берадиган фан бўлиб, аниқлиги, ишончилиги ва асосланганлиги билан бошқа фан илмларидан фарқ қилади. Мутафаккир фалсафий билимлар таснифини ўзига замондош олимлар Ихвон ас-Сафо, Ибн Надим, Абу Ҳаййон ат-Тавҳидий, ас-Суютийлар таснифидан фарқли улароқ, худди Аристотель ва Форобий сингари назарий ва амалий илмларга бўлади. Назарий билим деганда дунёни “Соф билим”, яъни дунёнинг умумий тузилиши ҳақидаги ақлий билим, амалий билим остида эса инсоннинг жамият ва оиладиги ахлоқий хатти-ҳаракатлари тугрисидаги билим тушунилади. Олим назарий билимларни учга бўлади: физика, математика, метафизика. Унинг фикрича, “... урта даражадаги математика илми, олий даражадаги метафизика, яъни илоҳиёт ҳақидаги фан оралигида бўлиб, қўйи даражадаги илм-табиатшуносликдир”. (207.89). Объектив дунёдаги буюм нарсаларнинг миқдор, макон ва бошқа муносабатларини урганувчи математика фани ўз ичига

арифметика, геометрия, астрономия, мусика каби илмларни ҳам қамраб олади деб таъкидлайди олим.

Шундай қилиб, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий инсоннинг ақл-идрокини шакллантирувчи илмларни таснифлаганда: математика ақлни, мантиқ тафаккурни, тарих хотирани, шеърят тасаввурни ривожлантиради, фалсафа амалий мақсадга-умумий бахт-саодатга эришувнинг қуроли деган илмий хулосага келади. Умуман, олимнинг ҳар бир фанда билишнинг усуллари ва характерли хусусиятларини аниқлашга интилиши, инсоннинг билиш қобилиятларини урганувчи фанларни - тил ва мантиқни “педагогик илмлар” деб аташи, шубҳасиз, диққатга сазовор ва муайян педагогик ва методик аҳамиятга эгадир.

Абу Наср Мансур ибн Али Ироқ (тахминан 1035 йилда вафот этган) гарчи илмлар таснифига бағишлаб махсус асар ёзмаган булса ҳам, “Шоҳий ал-Мажистий” ва риёзиёт илмига бағишланган бошқа асарларида илмий билишга оид фикрлари ва таълим методлари ҳақидаги қарашлари билан узига хос мактаб яратган “математиклар математиги”, яъни математикларнинг тарбиячиси ва муаллиמידир. Олимнинг фикрича, фалсафий масалаларни урганишда ва инсоннинг ақл-тафаккурини шакллантиришда риёзиёт илмлари муҳим аҳамиятга эгадир. “Бу фан, - деб ёзади Ибн Ироқ, - тугалланмаган фикрни тушуниб олишга ўргатади, чунки унинг бошлангич қоидалари маълум, исботлари эса осон. Унда зиддият кам булиб, ақлга қумаклашади, ягона гоёни илгари суради...” (255.95).

Абу Наср ал-Форобий ва Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийдан сўнг илмлар таснифини ишлаб чиққанлардан бири Абу Али ибн Сино (980-1037) дир. Олим “Донишнома” (“Билимлар китоби”) ва “Ақсом ал-улум ақлиййа” (“Ақл-идрокка асосланган илмлар булимлари”) асарларида 29 илм тармоғига таъриф беради, бу фанларнинг предмети ва аҳамиятини тарбияда тутган урнини курсатиб, мантиқ фикрлаш қонун-қоидалари ҳақидаги фан булиб, унинг ёрдамида инсон уз ақл-тафаккурини тарбиялайди, уз фикрини аниқ, изчил баён қилиш, муҳокама юритиш жараёнида хатолардан сақланиш қоидасини ўргатади, маълум билимлардан номаълум билимларга утиш йулини қўрсатади, дейди.

Ибн Сино ақлий ва ахлоқий тарбиянинг педагогик-психологик асосларини аниқлашга ҳаракат қилади ва купинча ақлий ва ахлоқий тарбия муаммоларини шахснинг руҳий ва маънавий хусусиятларининг ҳиссий-иродавий намоён булиши нуқтаи назаридан таҳлил этади. “Ақл - дейди Ибн Сино, - икки турлидир-узи билан биринчи сабаб орасида ҳеч қандай восита булмаган ақл ва узи билан биринчи сабаб орасида бирор восита булган ақл” (168.123). Бунда назарий ақл-идрок вазифаси (унинг воситаси билан ақл ета оладиган умумий тушунчаларни англади) ва амалий ақл-идрок эса назарий ақл-идрок хулосалар амалга оширишда намоён бўлади. Яъни шахс ахлоқий камолотининг белгиси амалий идрокдир. Ибн Синонинг бу фикрлари Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва Форобий таълимотларининг ривожидир.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) билиш ва тафаккур жараёнларини тушунишда Аристотелнинг ақлга мувофиқ ҳақиқатга тўғри келадиган қарашларига таянди ва Мусо ал-Хоразмий, Ибн Ирок, ал-Фаргоний, Абу Бақр ар-Розий, Абу-Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Синолар ишлаб чиққан билиш назарияси, психологик таълим методларини янада бойитди ва илмий хулосалари билан ижодий ривожлантирди. Олим ўзининг Абу Али ибн Сино билан булган мунозаралари барча нарсаларнинг асоси 5 та унсур, яъни сув, олов, ҳаво, ер, бушлиқ ётишини ҳамда дунёни билиш жараёнида билимларимизнинг манбаини сезги аъзоларимиз ва улар орқали қабул қилинган ҳиссий билимимиз ташкил этишини қатъий таъкидлаб: “Агар сезги аъзоларимиз булмаганда олам ҳақида билимга эга булмаган булардик ва ундан ташқари олам ҳақида тасаввурга эга булмасдик” (163.48), дейди. Бундан ташқари у “Ҳиндистон” асарида ўз фикрини давом эттириб “... фақатгина сезги органлари ёрдамида узлаштирилган билимлар турли хатоларга олиб келиши мумкин, шунинг учун доимо ақлнинг кучига суяниш зарур.

Агар инсон сезгилардан фикрлаш ва хулоса чиқариш ёрдамида фойдаланса, ана шу сезгилар орқали идрок қилинадиган нарсаларни урганишда жуда катта ютуқларга эришмоғ мумкин” (36.9), деб ёзади.

Беруний эшитишга нисбатан идрок қилиш ва эслаб қолишнинг афзаллигини уқтирар экан: “Хабар кузи билан

курғандек булмайди”, деган кишининг сузи жуда тўғридир. Чунки куриш куринган нарсанинг узи бор пайтида ва уз жойида турганида қаровчи кузининг уни учратишидан иборатдир. Хабарга ёлгон-яшиқлар қушилмаганда, у куришга нисбатан ортиқроқ уринда турган булар эди. Чунки куриш ва қараш пайти нарса бор вақтининг бир булаги билан чекланади. Хабар эса нарсанинг (қаровчига) куринган вақтдан илгари утган ва кейин келадиган ҳолларидан дарак беради; ана шунинг учун хабар бор нарсалардан ҳам, йуқ нарсалардан ҳам дарак бераверади. Ёзиш хабар турларидан биридир” (36.25), дейди.

Олим ташқи сезги органлари орқали руй берадиган ҳиссиётни дастлабки билиш қобилияти деб ҳисоблайди. У “Минералогия” асарида ана шу масалага батафсил тухталади. Берунийнинг ёзишича, “Ташқи сезги органлари орқали руй берадиган ҳиссиёт дастлабки билиш қобилиятидир. Узининг қузғовчилари орқали вужудга келадиган ҳиссиёт кишига жуда ёмон таъсир курсатиши, ҳатто уни ҳалокатга олиб бориши мумкин. Ёруғлик куришнинг қузғовчиси булиб, у ҳаво орасидан жисмнинг шакли ва ташқи қиёфасини, лекин асосан рангини утказди. Ана шу белгилар ёрдамида предметларнинг миқдори ҳам аниқланади. Эшитишнинг қузғовчиси товушлардир. Ҳаво уларни кишига етказди. Ҳид билишни қузғатувчи ҳидлар ҳаво орқали бурун тешикларига боради...” (35.9). Шу тариқа Беруний сезги органларининг физиологик асосларини очиб, уларнинг нарсаларни идрок этишдаги аҳамиятини ифодалаб беради. Назарий билиш ҳиссий билишга асосланишини исботлар экан, агар сезги, ҳиссиёт булмаса, билиш ҳам булмас эди, деган хулосага келади.

Беруний инсон ташқи оламини билишда асосан ақлга таянишни ва шу билан бирга ер юзидаги барча мавжудотлардан устун туришини уқтиради. Олимнинг фикрича, ақл ҳодисаларнинг сирини англашга ёрдам беради. Инсон ақлга мувофиқ билиш орқали оламнинг моҳияти ҳақида билимларни узлаштиради. Лекин билимнинг чеки йуқ ва ҳамма билимларни бирдан эгаллаш мумкин эмас. Шунинг учун инсон узи билиб олган нарсалар билан кифояланиб қолмай, доимо янги билимларни урганишга интилиши керак.

Беруний инсоннинг табиати ҳақида сўз юритар экан, “Одам табиати жиҳатдан бир-бирига зид аъзолар қушил-

масидан таркиб топган мураккаб танага эга...” ва шу боисдан “унинг ҳолати ўз характериға кўра хилма-хил ва турли-туман бўлади” (35.11. Бу тафовут “улар мижозларининг, табиий хусусиятлари ва ҳоказоларнинг зиддиятли бўлиши туфайли уларнинг ҳис этиш-сезишлари замирида ётади” (35.26), деб ёзади. Бундан кўрамизки, олим инсоннинг табиати тўғрисида фикр юритганда, у инсон хатти-ҳаракатининг ахлоқий сабаблари асосларини инсоннинг ўзидан қидирган, ўзидан олдин утган мутафаккирлар каби шахснинг табиатидан келтириб чиқарган.

Маълумки, қадимги юнон мутафаккирлари “инсон танасида тўрт хил суюқлик модда: қон, шилимшиқ, сафро ва қора сафро мавжуд бўлиб, мижоз ана шу суюқликларға боғлиқ деб тушунганлар, ушбу моддалардан бири одамда купроқ бўлиб, устунликда булса, муайян мижоз турини белгилайди.

Беруний бу фикрни эътироф этган ҳолда, кишиларда муайян мижоз турининг вужудға келишини иқлим шароитиға боғлиқ деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, экваторда яшайдиган одамларнинг мижози мувозанатли бўлади деган фикрға эътироз билдириб, ҳаддан ташқари иссиқда ранги, сочлари, товуш ва ақли билан фарқланиб турадиган мазкур одамларнинг мижози мувозанатли бўлиши мумкин эмас” (243.21), дейди.

Психология фанининг ҳозирги кундаги ютуқлари нуқтаи назаридан инсон танасида тўрт хил суюқликнинг мавжудлиги ҳақидаги таълимотнинг нотўғрилигини исботлаш қийин эмас, албатта. Лекин шунга қарамай, мижознинг моҳиятини инсон органлари ичидаги физиологик ўзгаришлар орқали тушунтиришға уринишининг узиёқ Беруний яшаган давр учун катта аҳамиятға эга эди.

Беруний психологик таълимотининг муҳим томонларидан бири шуки, у олийжанобликни кишининг мижози билан белгиланадиган шунчаки, психологик хусусият эмаслиғиға, олийжаноблик кишининг ахлоқий хатти-ҳаракатлари ва эзгу ишлари натижасида вужудға келишиға қаттиқ ишонган. Шунингдек, у ташқи оламни ижодий йусинда англашнинг бир шакли ҳаёлга, унинг хотирада сақланган образларини ўзгартириш ва қайта ишлашдан иборат вазифасиға катта

аҳамият берди. Унинг таъкидлашича, хотира ёрдамида эслаб қолиш, сақлаш, қайта тиклаш ва билиб олиш жараёни руй беради. Беруний “Сайдона” (Фармакогнозия”) номли асариди “хотира далиллари билан ифодаланган нарсаларни яхши қамраб олади, тез ва осон эслаб қолади” (208.32), дейди.

Берунийнинг хотира илгари утган воқеаларни билиб олиш ва онгда қайта тиклашни таъминлаши билан инсон руҳий фаолиятининг ажралмас қисми экани ҳақидаги фикрлари ҳозирги замон психология фанидаги хотиранинг вазифаси ва аҳамияти тўғрисидаги тушунчага айнан мувофиқдир.

Абу Райҳон ал-Берунийнинг мантиқий-гносеологик билимлар назариясини давом эттирган ва унинг илму-н-нужум ҳақидаги таълимотини ривожлантирган олимлардан бири Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий (1221 йилда вафот этган) нинг “Ал-мулаххис фи ҳайъат ал-басита” (“Содда шакли нарсаларнинг қисқача баёни”) рисоласи сайёраларнинг фазо ва вақтдаги ҳаракати, кўёш ва Ой тугилиши, Ер қимирлашининг сабаблари, Ер шаридаги шимолий ва жанубий кутблар, экватор, Ер ўқи, меридиан чизиқлари, Ер шаридаги айрим жойларнинг жўғрофик кенгликлари, фаслларнинг пайдо бўлиш ва алмашилиб туриши, тун ва куннинг ҳар йили икки марта тенглашиши, кундуз ва кечанинг Ер юзининг ҳамма жойида бир хил булмаслигининг сабабларини ва у ҳақидаги табиатшунослик илмларини ҳар томонлама урганишга бағишланган. Ушбу асарни ёзишдан мақсад одамларга илму-н-нужум, яъни фалакиёт илмларини тушунтиришдан иборатдир, деб таъкидлайди олим: “Мен осмон жисмлари ва улар орасидаги муносабатлар, ҳаракатлар тўғрисида фикр қилдимки, буларнинг ҳаммасини киши ақли билан фикрлаш, тушуниш осон...” (255.170). Бу эса ал-Чағминийнинг илмий билиш таълимоти ва маърифий-педагогик тафаккур ривожига катта ҳисса қўшганидан далолат беради.

Носириддин Тусий (1201-1272) нинг илмлар таснифида ал-Форобий, Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Беруний, ал-Чағминий сингари олимларнинг илм предмети ҳақидаги фикрлари янада ривожлантирилган. Носириддин Тусий юқорида зикр этилган олимлар сингари фалсафий билимларни икки: назарий ва амалий булимга ажратади. Назарий

билимлар уч бўлимга: метафизика (илоҳиёт илми), риёзиёт (ҳандаса, арифметика, астрология, астрономия, муסיқа, оптикаи, механикаи, алгебра); табиётшунослик илмларига бўлади.

Тусий мантиқни ҳам назарий илмларга қўшиб, унга алоҳида жой ажратади ва у ҳақиқатни ҳамда янги билимларни эгаллашда ягона дидактик усул бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблайди.

Тусий амалий фалсафий билимларни уч мустақил бўлимга ажратади:

1. Ахлоқ фалсафаси - алоҳида шахслар ахлоқини кузатиш ҳақидаги билимлардир.

2. Уй бошқариш фалсафаси - уй ичида буладиган муаммолар, оилавий кирим-чиқим, эр-хотин орасидаги узаро муносабат, болаларни тарбиялаш ҳақидаги билимлардан иборатдир.

3. Жамият фалсафаси - бир шаҳар, туман, вилоят, мамлакат ичида жамоалар уртасида буладиган муомалалар билан боғлиқ илмларни уз ичига олади (208.70).

Фикримизни умумлаштирадиган булсак, биз юқорида зикр этган буюк мутафаккирлар мантиқий-гносеологик билимлар, илмлар таснифи, табиёт илмлари, мантиқ ва фалсафий билимлар таркибида педагогика ва психология масалаларига катта эътибор беришганлигини, яратилган таълимий-дидактик асарларда инсон шахсининг маънавий-ахлоқий ва руҳий камолотини улуглаш етакчи ўрин тутганлигини яққол кўриш мумкин.

Форобийнинг таъкидлашича, инсонда гузал фазилатлар икки йўл - таълим ва тарбия усули билан ҳосил қилинади: "Таълим назарий фазилатларни бирлашгирса, тарбия эса тўғма фазилат-назарий билимлар ва амалий касб-хунар, хулқ-одоб фазилатларини бирлаштиради, таълим сўз ва урганиш билан, тарбия эса амалий иш, тажриба билан амалга оширилади. Ҳар иккаласи бирлашса, етуклик намоён бўлади..." (33.80). Демак, Форобий таълим-тарбияни узвий бирликда олиб бориш ҳақида фикр юритиб, ҳар бирининг инсонни камолга етказишда уз ўрни ва хусусияти бор эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Худди шу фикрни давом эттирган мутафаккирлардан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Хоразмий (935-993)нинг таъкидлашича, таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият

талабларига жавоб бера оладиган ва жамият учун хизмат қиладиган баркамол инсонни тарбиялашдан иборат. Мутафаккир бунга таълим-тарбиянинг рағбатлантириш, одатлантириш ва бошқа усулларидан уринли фойдаланиш орқали эришиш мумкин, дейди: “Адабнинг меваси катта ақлдир, илмнинг меваси яхши амалдир. Кичкина мурувват энг латиф ва энг ёқимли булади, худди озгина сув энг ширин ва мазали булганидай. Агар эр кишини хавотирлик ипи кишанлаб қуйган булса, орзу-умид улови томон қузгалмайди. Қаерда рағбатлантириш булса умид шу томонга йул олади, қаерга дон сепилса, шу ерга қуш қунади” (45. 197-198).

Абу Бакр ал-Хоразмий бола дунёқарашининг шаклланишида ва камолотида уч асосий омил: ижтимоий муҳит, узлуксиз таълим-тарбия ва наслий хусусиятларнинг аҳамиятини алоҳида ажратиб курсатади: “Наф уз тузилишига мойилдир, қуш уз зотига тортади. Инсоннинг келиб чиқиши тақозо қилган нарсага қандай қилиб у қаршилиқ қила олади, тупроғи ёмон булгандан кейин (қандай қилиб) ҳосил яхши була олади? Шухратли кишилар орасидаги шон-шараф-насаб, қариндошчилик-бурч ва ҳурматдир, карамли карамлиликнинг биродари, улуг улугликнинг биродари, ҳатто уларнинг шаҳарлари бошқа-бошқа ва ёшлари турлича булса ҳам. Замондан яхшироқ таълим (берувчи) муаллим, инсондан яхшироқ таълим оладиган укувчини қурмадим. Энг тоза усимликдан ҳам карамлироқ уни эккан кишилар, карамлидан ҳам карамлироқ уни тарбия қилган кишилар” (45.195).

Агар Абу Бакр ал-Хоразмий муаллим ва шогирднинг узаро муносабатини талқин этишини ал-Форобий билан Ибн Сино, таърифига солиштирсак, унинг мос келишини яққол куриш мумкин. Форобий “Муаллимнинг муомаласи эса ҳаддан зиёд қаттиққўлликдан, ута ювошлиқдан холи булмоғи зарур” (221.134), деб ҳисобласа, Ибн Сино эса “Муаллим мард, ҳалол, бола тарбияси усуллари, ахлоқ қоидаларини яхши биладиган, дилдор одам булиши керак” (221.139), дейди. Абу Бакр ал-Хоразмий бу масалани талқин қилишда Форобий билан Ибн Синонинг педагогик ғояларини давом эттиради ва ривожлантиради. У ёзади: “Оталар икки (хил) отадир: туғилиш отаси ва таълим бериш отаси, биринчи жисмоний ҳаёт сабаби, иккинчиси руҳий сабабдир. Ақлли киши икки

ёмон ишдан яхшисини танлаб олади ва иккита ишончли кишининг энг адолатлисига ён босади. Илм аҳли булмаганинг илмга бахиллиги аслига қараганда ҳукмдир, фазли билим эса таърифатдир” (45.194).

Абу Бакр ал-Хоразмий ҳам Форобий ва Ибн Сино сингари инсон камолотининг муҳим ахлоқий жиҳатларини таҳлил этади ва ҳар бирига алоҳида таъриф беради: “Ҳурмат эҳсон билан баробардир, сотиладиган мол нархининг қарама-қаршисидир. Ҳаёт ҳодисотлари эрлар кўзгусидир, хулқ-атвор эса улардаги нуқсон ва камолот меъёридир. Карамли киши таҳқирланса ҳам азиздир. Карамли киши (агар) ёмонлик қилса, хатоликдан (булади), агар яхшилик қилса, уйлаб ва ният билан (қилинган булади). Олийжаноб (киши) агар жароҳатланса, (уни) боглаб қўяди, йиртса ямайди, агар бир томондан зарар келтирса, ҳар томондан фойда келтиради. Олийжаноб (киши) зафарининг каромати шундаки, агар қўлга киритса, яна (купроқ) киритишни истайди. Саховатли(киши) бугдой сотиб олмайди, яхшиликни харид қилади. Карамли (киши) гузаллик билан савдо қилади, мол билан савдо қилмайди. Олижаноб (одам) нинг ҳиммати унинг камбағалликдан ҳимоя қилувчиси ва қисматига қарши қуролдир. Саховатли кишининг оти ўз аслига (қараб) чопади, дарахт шохи эса илдизига (бориб) тақалади. Шижоат, ҳатто унга қарши киши учун ҳам севимлидир, қўрқоқнинг у билан муносабатда булган кишига жирканчли (булиши) ҳам худди шундай, сахийликнинг эса ҳатто унга меросхўр ва унга дўст киши учун оғир (булиши) ҳам худди шундай. Саховатни кўп тақдирлаган киши карамлидир, динорни кам йиққан киши буюкдир, таги булмаган фазилатни даъво қилиш камчиликдир, гуё камчилик узр сўраб иқроп булиш фазилат булганидай.

Эҳсон эшиги уни киришни хоҳлаганлар учун очиқдир, мурувват қилишни хоҳлаган киши учун унинг иҳота қилинган жойи бемалолдир. Карамли (киши) учун тусиқ йўқдир, унинг олдидан эшик беркитилмайди. Саховат қилган киши чарчмайди, бахиллик қилган эса ҳеч роҳатланмайди. Кимки одамлар қалбларини овлайман деса, унга эҳсон ва мурувват донларини сепиши, фарз ва олийжаноблик тузоқларини қўйиш керак.

Кимки ўз биродарини фақат қургандагина эсласа, уни топиш гуё уни йўқотишдир, у билан учрашиш эса, ундан

жудо бўлишдир. Дустлик муносабатлари эскирса, яқин қариндошликка айланиб кетади ва иккинчи марта онани эмишгандай бўлиб қолади.

Сабабсиз узр гуноҳдир, ишонч йўқолиши билан (қилинган) тақаллуф ҳақоратдир. Ғазаб ҳурматни унутади, яхшиликларни кумиб юборади ва бегуноҳлар учун жиноятларни вужудга келтиради.

Муҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир ва ҳар қандай юқори нарсанинг шотисидир. Муҳаббат қандай яхши шафедир ва унинг эгасига қалб қандай яхши ёрдамчидир (45.195-197).

Шунингдек, Абу Бакр ал-Хоразмий инсон камолотида меҳнат тарбиясининг муҳим аҳамиятини Форобий ва Ибн Сино таълимоти асосида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ривожлантиради: “Муваффақият келтирган меҳнат қандай яхши-ю, меваси йиғиб олинган шавкат (қандай яхши). Меҳнат бу сел, агар сел тўхтаб қолса, сингиб кетади.

Кишининг тақдир уқидан сақланиши, уз қадр-қиммати учун курашиши қандай яхши ва ризқ учун нарвон (булиши), ҳақиқий хизмат йули билан уни қулга киритиши қандай яхши. Узоқ хизмат ва ҳалол меҳнат ҳурматни мустаҳкамлайди...” (45.197-198).

Айниқса, Форобийнинг турли фанларни урганишда уларни бир-бири билан узвий боғлаш; уқитиш жараёнида илмий қобилиятни устириш, она тили ва хорижий тилларни ургатишда мантик билан грамматика ҳамда мантиқий фикр ва унинг суздаги ифодаси уртасидаги узаро боғлиқликни белгилаш; ахлоқий тарбияда кишининг жамиятдаги урни ва бурчини аниқлаш тўғрисидаги педагогик гоёлари; Ибн Синонинг шахсни юксак ахлоқли, одобли қилиб тарбиялаш, болаларни уқитишда оддийдан мураккабга утиш, ҳосил қилинган билимларни ҳаётга татбиқ эта ёлишига ургатиш ва бошқа таълим-тарбия методлари ал-Берунийнинг куплаб асарларида умумлаштирилиб, узига хос тарзда янада ривожлантирилди.

Беруний ёшларни илмга ургатиш жараёнида ақлга ва тажрибадан утган билимга таяниш лозимлиги тўғрисидаги гоёни илгари сурган ҳолда, болалар билиши ва урганиши лозим бўлган фанларни ҳақиқий фанларга (тил, адабиёт,

фалсафа, тарих, этнография, шеърят, психология, математика, физика, жугрофия, геодезия, фалакиёт, химия, минералогия, тиббий) булади. Уз давригача булган таснифларни умумлаштириб, бу фанларнинг ҳар бирига янгича таъриф беради ва хулосалар чиқаради. Жумладан, Беруний тил илми ҳақида гапириб, “тил кишилар уртасидаги алоқа ва фикр алмашув воситасигина эмас, балки тил илми барча фанларнинг асосини урганиш калити” (36.28), дейди. Берунийнинг фикрича киши эҳтиёжи туфайли пайдо булган тил унинг ҳаётининг заруриятига айланиб, доимо ривожланиб ва такомиллашиб боради. Бунда меҳнат қилиш жараёнида тил кишилар фикр алмашуви, муомала қилиши ва тажриба алмашишида асосий восита сифатида муҳим роль ўйнайди. Тилнинг бундай вазифасини ва ижтимоий ҳаётда тутган урнини яхши пайқаган Беруний: “Суз, тил ёрдамида ҳамма нарсага эришса булади” (35. 31), дейди. Мана шунинг учун ҳам мутафаккир муомала воситаси тил кишиларнинг узаро фикр алмашиш эҳтиёжи туфайли пайдо булган, деган қатъий илмий хулосага келади.

Беруний тил киши тафаккурининг ажралмас қисми булиб, у тарихан ривожланиб, такомил топиб боради, деб қарайди. Мутафаккирнинг қарашича, тил туфайли киши ёрқин фикрлайди, ёрқин фикр эса кишини аниқ ва жозибадор сўзларни қидиришга мажбур этади. Бу жиҳатдан Берунийнинг тил бойлиги, лексикология ва этимологик таҳлилга оид ажойиб фикрлари диққатга сазовордир. Масалан, олим ўзининг “Ҳиндистон” асарида ҳинд тилининг гоят бой тил эканлигини қайд этиб, мазкур тилда “айни бир нарсанинг ўзини туб ва ясама сўзларда бир неча ном билан аташ, ёхуд айна бир сўзнинг ўзи билан турли-туман буюм-нарсаларни ифодалаш мумкин:

Моудаком дехи (менга сув сепма)  
Модаком дехи (менга холва олиб кел) (35.64).

Қуришиб турибдики, ҳар иккала гап фақат “у” товуши билан фарқланади, холос, аммо бу сўзларнинг маъноси бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Мутафаккирнинг тилшунослик фани ҳақидаги қарашлари “Минералогия” асарида купроқ акс этган. Масалан,

“Маха” сўзи, Беруний талқинича, қўшма сўз бўлиб, “ма” - “сув” ҳамда ҳа - “ҳаво” (35.169) сўзларидан ясалгандир. Берунийнинг тушунтиришича, олмоқ Ҳиндча “хирак”, юнонча “азамас”, шунингдек, “адаматун” (35.31) деб аталади ёки булмаса олтинни римча “харусун”, ҳиндча “суварн”, туркча “олтин”, форсча “зар”, арабча “нидор” (35.118), деб аталади ва ҳоказо. Беруний худди шу тарзда “Сайдана” асарида ҳам дориларнинг номларини арабча, форсча, юнонча ва бошқа тилларда қиёсий изоҳлайди. Шунини айтиш керакки, олимнинг бу лингвистик қарашлари илмий қимматга эгадир. Ваҳоланки, тадқиқотчиларимиз бунга ҳозирга қадар етарли эътибор берганларича йўқ.

Берунийнинг “Китоб ал-жавоҳир фи-маърифат ал-жавоҳир” (“Минералогия”), “Ал асорул бокия анил-курун ил-ҳолия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”), “Аттафхим-ли авоиди синоатит танжим” (“Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар”), “Тарихул Ҳинд” (“Ҳиндистон”) ва бошқа асарларида педагогика ва психология масалаларига оид гоят қимматли фикр-мулоҳазалари узифодасини топган.

“Ҳинд мунажжимлари ёнига борганимда, - деб ёзади у “Ҳиндистон” асарида, - дастлаб узимни муаллим ҳузуридаги шогирд каби тутдим, чунки мен улар орасида муҳожир ва уларнинг ютуқлари, усулларидан беҳабар эдим. Шу борада бир оз билим орттиргач, мен уларга риёзиёт фанининг ҳақиқий усулларини тушунтира бошладим. Улар ҳузуримга тўп-тўп бўлиб келар, ҳайрон қолар, шунингдек, мендан фойдали билим олишга интилишарди” (36.43).

Дунёвий илмларни тарқатиш иштиёқи билан тулиб-тошган Беруний Евклиднинг риёзиёт ҳақидаги китоби ва Птолемейнинг “Алмагест” асарини ҳиндларнинг санскрит тилига таржима қилган. Бундан ташқари, ҳиндларга узининг устурлоб ҳақидаги асарини айтиб туриб ёздирган. Талабалар тушуниши осон бўлиши ҳамда улар турли китобларни қидириб юрмасликлари учун у уз асарини иложи борича содда тилда ёзар эди.

Беруний “Тафхим”-“Мунажжимлик фанининг маълумотларини таништириш китоби” асарида дидактика муаммоларига, айниқса, риёзиёт фанларини ўқитиш ва уни кенг

ёйишга жиддий эътибор берган. Олимнинг мазкур асарида арифметика, алгебра, ҳандаса ва фалакиётга оид турли масалалар буйича талай маълумотлар тупланган.

Беруний утмишдошларидан, жумладан, Евклиддан фарқли уларок, бу уқув қўлланмасида шакл ҳақиқий билим берар экан, энг аввало шаклнинг таърифини айтади, сўнг унинг нуқталари, чизиқлари ва юзаси ҳақида сўз юритади. Бундан жуда катта педагогик ва дидактик мақсад кузланган (шогирд аввало кўзи кўриб турган нарсани-шаклнинг ёки жисмнинг узини идрок этади, уни ҳис этади, сўнг унинг мавҳум хислатларини-нуқталари, чизиқлари ва ҳоказо ҳақида мулоҳаза юритади. Евклидда эса аксинча) Худди шу жиҳати билан Беруний урга аср шарқида Форобийнинг “урганишини ҳис этаётган нарсадан-шаклнинг ёки жисмнинг узидан бошлаб, сўнг унинг юзаси ёки ҳажми, чизиқлари ва нуқтасига утиш лозим” (36.18), деган педагогик-дидактик ғоясини ривожлантиради.

Олим уз асарларида олга сураётган фикрларини уқувчига тез етказиш мақсадида уларнинг номларини ҳам тушунарли қилиб айтади. Масалан, “Доно фикрлар мажмуаси”, “Тафаккур ҳамда шуур машқи” ва бошқа асарларида баён этилаётган фикрларни ҳаётда, турмуш амалиётида ишлатишга қараб биринчи даражали вазифа деб қарайди ва шунинг учун у узидан олдинги олимларнинг аксарият мулоҳазаларини уз замонасига мослаб, таҳрир этиб, хатолардан холи тарзда тақдим қилади.

Беруний узининг маърифий-тарбиявий таълимотида таълим-тарбия бирлиги ва ахлоқ масалаларига ҳам фақат уз даврининг етук тарбияшунос олими сифатида ёндошади. Мутафаккир узининг маърифий-дидактик қарашларида уқувчиларни мактабда ўқитиш ва тарбия жараёнида, биринчидан, турли мавзулар юзасидан мулоҳазалар юритишни, шунингдек, уқувчини зериктирмасликни, хотирасига малол келтирмасликни таъкидлаб: “Бизнинг мақсадимиз уқувчини толиқтириб қўймасликдир, ҳадеб бир нарсани ўқийвериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар уқувчи бир масаладан бошқа бир масалага утиб турса, у худди турлитуман боғ-роғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини

кургиси ва томоша қилгиси келади. Ҳар бир янги нарса кишига роҳат бағишлайди,” деб беҳуда айтмаган (219.106).

Демак, Бегунийнинг илмий билимларни эгаллаш йуллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ниҳоятда долзарбдир. Уқувчига билим беришда:

- уқувчини зериктирмаслик;

- билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ургатавермаслик;

- узвийлик, изчиллик;

- янги мавзуларни қизиқарли, асосан, кургазмали баён этиш ва ҳоказога эътибор бериш кераклиги уқтирилади.

Бегуний мамлакатнинг фаровонлиги ва ёшларнинг камолотини унинг илму маърифатли булишида деб билади. Шунинг учун ҳам у ёшларни илмни эгаллашга даъват этади: “Илм даргоҳига кирар экансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кур қилиб қўядиган ҳолатлардан, чунончи, қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирсдан, рақобатдан, очкузликнинг қули булишдан озод булмоғинг даркор” (35.40).

Бегунийнинг худди шу фикрини Носриддин Тусий “Толиби илимларга таълим хусусида уғитлар” асарида янада ривожлантирганини кўрамиз: “Билим-катта машаққатлар билан қўлга киритилган. У инсон кўнглига шифобахш дори-дармондир.

- Билим қидирган киши уни эгаллашда аниқ мақсад билан яшамоғи керак. У узидан нодонликни қувиши... ҳоли қудрат ҳар хил салбий хислатлардан халос булиши лозим... машаққатларга бардош бериши, уларни енгиш учун бутун гайратини ишлатмоғи керак. Уз ҳаётини нопок ишларга сарфламаслиги, хасисликка ружу қилмаслиги, газабдан воз кечмоғи шарт” (36.19).

Бегуний дидактик қарашларида уқитиш жараёнида ёдлатиш эмас, балки пухта тушуниб олишини асос деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, ким нимага кучлироқ интилса, ана шу нарсага кўпроқ эришади ва бу чинакам қониқишдир. Илгари билмаган нарсани билиб олганда ҳам кишининг қалбида шундай ҳолат вужудга келади.

Бегуний болаларга билим бериш билан жаҳолат ва нодонликдан қутқариш учун қарашар экан:”...билимлилик

орқали нодонлик кутарилади, азоб-уқубат бўлган шак-шубҳа урнига илм натижасида аниқлик киради” (36.70). деб ёзган.

Берунийнинг маърифий-тарбиявий таълимотида таълим билан тарбия бирлиги масалалари муҳим урин тутади, олим илмли бўлиш, яхши инсон бўлиш осон эмаслиги ва бу эса фақат чидам билан қилинган меҳнат маҳсули эканлигини таъкидлаб: “Дарёлар доимо денгизга қуйилиши унинг сузига таъсир курсатмаганидек, амал ва лаззат-ҳақиқий илм олувчига таъсир курсата олмаслиги керак” (36.71).

Бу ерда Беруний илм олувчида илмга нисбатан интилиш ва қизиқиш, шароит ва вақт масалаларини ҳам таъкидлайдики, илм олиш учун ўз кунглини барча иллатлардан тозалаш, пок бўлишига тўхталиб, илм поклиги ва ёшлар камолоти бошқа ҳамма нарсадан покдир деган ғояларни илгари суради, бу билан таълим ва тарбия бирлиги туфайлигина баркамол инсонни тарбиялаб етиштириш ғояси устунлигини амалда исботлайди.

Берунийнинг маърифий-тарбиявий таълимотида ақлий ва ахлоқий тарбия узвий боғланган. Олим ёшларнинг илмли бўлиши, ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлиқлигига тўхталиб, улардан ростгуй, раҳмдил, меҳрибон, саховатли, кишиларга илтифотли, хайрихоҳ бўлишни, нажотсиз одамга ёрдам қилини чўзишни тарғиб қилиб, маккорлик, айёрлик, адолатсизлик, саботсизлик, хасислик, бойликка ҳирс қўйиш каби иллатларга йўл қўймасликни талаб этади ва мураббий сифатида ёшларга қўйидаги панд-насиҳатларини беради:

“Инсон энг олийжаноб фазилатлар соҳибидир, - деб ёзади Беруний “Минералогия” асарида, яқин дўсти бор киши чинакам бахтиёр кишидир. У дўст муносиб ҳаёт тарзига эга, ёқимли хусусиятлар соҳиби бўлиши лозимдир. Ана шундай чин дўст ҳар бир кишида битта бўлади. Бундан ортиқ бўлмайди. Одам ҳаммаша бошқаларга яхшилик қилиш имкониятига эга бўлмасада, яхши тилаклар изҳор этсин”, дейди у.

Ана шундай эзгу фикрлар баёнидан сунг олим ёшларнинг кундалик турмушидаги юриш-туришлари, узларини тутиши, шахсий гигиенасига оид фойдали маслаҳатлар беради: “Зеро инсоний сифатлардан энг муҳимлари озодалик ва тартиблиликдир. Инсоннинг энг яқин нарсаси унинг табиати, руҳидир. Шунинг учун киши табиатига ёқадиган ишларни қилиши керак.

Инсоннинг чеҳраси чиройли, қадди-қомати келишган бўлса, унга боқиш ёқимли булади. Кишининг исми жарангдор бўлиши керак.

Кишининг чеҳраси ҳали у онасининг қорнида пайтида шаклланади. Шунинг учун уни узгартириб бўлмайди. Лекин одам узининг ахлоқий қиёфаси ва турмуш тарзини узгартирмаққа қодир.

Агар киши уз ҳирсларидан устун тура олса, узидаги бор нуқсонларни йўқ қилиб, уларни яхши сифатларга айлантира олади” (35.23).

Берунийнинг бундай ибратли уғитлари ёшлар учун жуда ҳам қимматлидир. Олим ёшларга гамхурлик ва меҳрибонлик билан оила ва никоҳ муносабатларининг жуда нозик томонлари ҳақида тушунча беради: “Ҳеч бир халқ оила-никоҳ муносабатларидан холи эмас. Никоҳ хусусида ҳар бир халқнинг (элатнинг) узига хос расми ва одати бор. Ҳиндистон ёшларини успирилик вақтида уйлантирадилар... Эр билан хотинни улимдан бошқа ҳеч нарса айира олмайди, ҳиндларда талоқ қилиш йўқ” (35.24).

Шунингдек, Беруний оилани мустаҳкамлашнинг маънавий-ахлоқий томонларини курсатиб ёшларга фойдали маслаҳатлар беради: “Эй қизим, Сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан, сен булажак куёвингнинг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен ер бул, у осмон булади. Демак, сен у билан шундай йўл тут, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб булади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кукартиргани каби, у ҳам уз меҳру-шафқати билан сени хушнуд этади... Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзлар эшитсин, ярамайдиган ёки эски либосда ёки сочларинг тартибга солинмаган ҳолда унинг олдида утирма.

Қизим, куёвингдан кучи етмаган ва олиб беришга қудрати бўлмаган нарсаларни талаб қилма. Бундай қилсанг орадаги тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар пайдо бўлади. Қизим, рашк қилишдан сақлангин, чунки, у ажралиб кетишнинг калитидир. Эрингга ҳадеб, гина қила беришни ман қиламан. Чунки, бу эзмалик нафратни уйғотади. Яхшиси, сен у билан хушмуомалада, ширин сўзли бўлгин, бу ишинг ҳар қандай сеҳр-жодудан яхшидир. Сувдан тез-тез фойдалан-

гин, узингга хушбуй нарсалар билан оро бер. Покизалик хамиша йулдошинг булсин... (35.25).

Беруний мамлакатнинг ободончилиги, ёшларнинг бахт-саодати, камолотини ҳалол меҳнат қилишда ва касб-хунар урганишда, деб биледи. Мугафаккирнинг “Минералогия” асарида баён этилган ижтимоий-фойдали меҳнат, хунармандчилик сирлари, айниқса, аёллар учун зеб-зийнат буюмлари ясашда хотин-қизларнинг иштироки, уларнинг заргарлик санъатидаги қобилиятлари, малака ва кўникмалари тўғрисидаги фикрлари ҳам қимматлидир. У ёзади: “Марвариднинг баҳосини ким яхши билса, у киши уни тешиш ва силлиқлаш ишлари билан ўзи шуғулланмай, баҳосини билмайдиган шогирдларига топширади. Бунда шогирдларининг қўллари қалтирамайди, қўрқмай ишлайдилар. Агар бу иш хавфсираш, қўрқиш билан бажариладиган бўлса, марваридлар синиб, парчаланиб исроф бўлиши мумкин. Баъзан уста шогирдларга шапалоқ тарсаки тушириб туради, сабаб уларни хавфсираш уйларидан холос этиб туришдир. Марварид тешилиб сайқал берилиб булингандан сунг ҳар қандай хавф йўқолади” (35.11).

Маълумки, марвариддан безак, маржон, сирга тайёрлашган. Бунинг учун икки марта тешиш ва силлиқлаш ишлари бажарилган. Ишни бош уста ва унинг шогирдлари бажаришган. Марварид тешиш, безашда олмосдан кам фойдаланишган. Бунда эркакларга нисбатан хотин-қизлар устага кўпроқ ёрдам беришган Берунийнинг фикрича, меҳнат уларнинг хулқ ва руҳиятига таъсир курсатади.

Буюк аллома шуни алоҳида уқтирадики, барча қимматли нарсалар инсон меҳнати билан яратилган қадр-қиммати унинг авлод-аждодининг ким булганлиги билан эмас, балки узининг ҳалол меҳнати билан белгиланади. Шунинг учун ҳам Беруний оилада ҳамма ўз кучи ва қобилиятига қараб ижтимоий-фойдали меҳнатнинг, касб-хунарнинг бирор тури билан шуғулланишига даъват этади. Бирор киши ҳам бекорчи булмасин. Бекорчилик жамиятга моддий, ҳам маънавий зарар келтиради, деб курсатади.

Хусусан, Беруний ўз болаларини жисмоний меҳнатга, касб-хунарга ургатмайдиган ота-оналарни қаттиқ танқид қилади ва бундай кишилардан нафратланади:

Ким учса саяий-жаҳд қилмай шуҳратга,  
Карам либосига кузи булса оч.

Ғафлат соясида шод булур, аммо,  
Шараф кийимсиз қолар ёлонғоч (116.36).

Демак, Берунийнинг фикрича, меҳнатсиз вақтинчалик шўҳрат, кўркам либосларга эга бўлиш мумкиндир, бироқ меҳнатсиз шон-шараф либосига буркана олмай, яланғоч қолиши аниқ эканини кўрсатади. Мутафаккирнинг таъкидлашича: “инсон зоти барча ҳайвонлардан юқори туради ... ер юзини обод этиш ва уни бошқариб туриш учун ... инсонга катта шараф кўрсатилган, унга ақл-заковат кучи армуғон этилган” (35.16).

Беруний шу сабабли дейдики, инсоннинг маънавий қиёфаси унинг олдига қўйилган вазифаларга мос булмоғи учун у юксак ахлоқли илм-маърифатли, ўз касбини мукамал эгаллаган ва меҳнатни севадиган булмоғи лозим. Ҳақиқатан ҳам, кишининг энг биринчи зарурий эҳтиёжи меҳнатдир. Инсоннинг асосий бурчи ва вазифаси меҳнатдир, чунки, “Исталган нарсага меҳнат сарфлаш орқали эришилади” (35.9), дейди олим.

Шунингдек, Беруний меҳнат ва касб-ҳунар ёшлар томонидан эркин, яъни ихтиёрий равишда қобилятига яраша танланиши зарурлигини таъкидлайди. Чунки, эркин ижодий меҳнат ва зўр қизиқиш орқали танланган касб-ҳунар фойдали бўлиш билан бирга касбни такомиллаштиради, ҳунар соҳибини улуғликка кўтаради. Мажбурий меҳнат ва ихлоссиз эгалланган касб-ҳунар эса самарасиз бўлади, дейди.

Демак, Беруний ҳалол меҳнат ва касб-ҳунар эгаллаши туфайли ёшларнинг ақл-заковати, қобиляти, куч-қуввати ошиб боришига ишонади. Бу билан у меҳнатсеварлик, ўз касбини ардоқлашдек ахлоқий фазилатларни ғоятда қадрлайди.

Мусулмон Шарқда “Устоз ул-дунё” (“Бутун дунё устози”), “Устоз ул-араб ва-л-аҳам” (“Араблар ва ғайри араблар устози”), “Фаҳру Хоразм” (“Хоразм фаҳри”) шарафли унвонларга эга булган Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1075-1144) ўз асарларида маърифий-ахлоқий ва дидактик таълимотга маълум ҳиссасини қўшиб, жамоадаги, оиладаги ва турмушдаги асосий одоб меъёрлари ва қоидаларини белгилаб берди.

Аз-Замахшарий “Атвоқ уз-захаб фи-л мавоиъз вал-хутаб” (“Угит ва насиҳатларнинг олтин шодалари”) асарида маърифий ва ахлоқий-дидактик масалалар тўғрисида фикр юритаркан, у инсон камолотига путур етказадиган, кишининг ахлоқий қиёфасини бузадиган салбий хатти-ҳаракатларни кескин қоралайди ва бунда шахсларни “Ноҳақларга пора берувчилар, золимларга ёрдам берувчилардир”, “Савдогарларнинг шуҳрати чунтагида”, “Чайқовчи - овчи ити”, “Купинча қилинган ҳийла ва афсун, қуввату зурликдан булади устун”, “Виждонли одам хавфдан холи яшаса, хиёнат қилувчи ҳалокатда яшайди” (255.186), деб таърифлайди. Аллома уқтирадигани, “Эй, узини баланд олиб гердайиб юрадиган, кибрдан бурни шишган, узгаларга ҳақорат назари билан қийшайиб қарайдиган, узун куйлаккли, билмайдигани, узун этакли кийиш савобми ёки гуноҳ. Ваҳоланки, кибр қилиб этагини теккизиб юриш катта гуноҳдир ....” (255.147-148).

Аз-Замахшарий узининг ахлоқий таълимотида уз замонасидаги турли табақа кишилари ва касб-ҳунар эгаларининг жамиятда тутган мавқеи ва ахлоқ-одоби тўғрисида фикр юритар экан, мутафаккир шахснинг қандайлигидан, кимлигидан (подшоҳми ёки оддий киши) қатъий назар, аввало у хушхулқ ва одамийлик зийнатига эга булмоғи кераклиги тўғрисида гапиради ва “Хушсифат ва яхши хулқлар зийнатланмаган кимсани ипак кийимлари зийнатлай олмайди” (255.144), де йди. Алломанинг фикрига кура, адаблилик, диёнат ва илму маърифатлилик ҳар бир кишининг ахлоқий хислатларидан бири булиб қолмоғи керак: “Кишининг қадрини дину, диёнати ва илму маърифати ошириб қуйгандан кейин унинг фақирлиги ва етимлиги тушириб қуя олмайди. Шунингдек, ёмон сифатлари ва нодонлиги туфайли уз қадрини узи тушириб қуйган булса, ҳеч вақт бойлик ёки куп авлодлик билан уни тиклай олмайди.

Инсоннинг асл отаси - бу унинг адабидир. Балки адаб бебош фарзанд учун отадан ҳам яхши тарбиячидир. Парҳезкорлик эса инсоннинг асл онасидир. Балки у онадан ҳам дилкашроқдир.

Узингни шу икки меҳрибон мураббийлар бағрига топшир ва улардан зинҳор айрилма....” (255,146).

Буюк алломанинг фикрича, ҳар томонлама баркамол инсоннинг чинакам ахлоқий хислатларидан бири камтарлик, сахийлик, гузаллик ва мардлик булиб, “Гузал ва чиройли куриниш кунгида шодлик пайдо қилур”, “Мард мағлуб булса ҳам, тубан йиқилмайди” (255.144), дейди.

Демак, инсонийлик, мардлик, камтарлик, хушхулқлик, ота-оналар ва катталарнинг ибратли насиҳатлари ва танбеҳлари бола шахсининг камол топишида муҳим аҳамиятга эгадир: “Эй биродор қани у ота-оналар-у, қариндош-уруғлар, қалин дўстлар-у, узоқ-яқин қўшнилари, қани у бирга утиришган, суҳбат қуришганлар, бирга ҳамкорлик қилганлар-у, бир-биримиздан илму ҳикмат урганишганлар?”

Ҳаммасини Яратганнинг ўзи вужуд боғидан яна адам саҳросига жўнатди, элу-юрт улардан холи қолди, гуё улар асли дунёга келмагандек. Қулоғига гап кирадиган ва гафлат уйқусидан уйғонувчи одам учун уларнинг тақдири катта ибрат ва танбеҳдир” (237.201). Мутафаккир уз насл-насаби билан мақтаниб юрувчи шахсларни энг тубан ахлоқсиз кишилар деб ҳисоблайди: “Эй одамзод, аслинг лой-сополдан булишига қарамай гоҳ ота-боболаринг, гоҳида бойлигу иқболинг билан фахрланиб такаббурланасан-а?! Аждодларингга қувониб узгаларни менсимай юришинг сенга лойиқ сифатлардан эмас.

Дустим, узинг фикр қил. Охирги уловинг ёғоч от (тобут) ва вужудинг тупроқ айланадиган булгандан кейин ҳовурингдан сал тушгин ва кибру ҳаводан узоқроқ юргин-да!” (237.203).

Аз-Замахшарий инсон хатти-ҳаракатининг ахлоқий сабабларини инсоннинг узидан қидиради. Олим баралла бундай деб ёзган эди: “Бу қандай товушки, худди туянинг укиришига ухшар? Бу қандай чинқирик-ки, у билан қулоғи кар одамга мурожаат қилинара эди?”

Агар сен бидъатга ва риёга эмас, суннатга эргашувчи булсанг ва қилаётган ишингни диллардаги яширин гаплардан, нафсу ҳаво васвасаларидан ҳам огоҳ булмиш Ҳакиму Дононинг ризоси учун қилаётган булсанг, у ҳақда жар солишингнинг ҳожати йўқ. Аксинча яшир уни. Дуони ҳам ошкор қилмай хатм қил. Туяларнинг яхшиси кам бақироғи ва ювоши булганидек, рисола ва шаробнинг ҳам муҳрлаб қуйилгани афзалдир” (253.14). Мутафаккир ёшларни пасткаш, иккиюзламачи, ифвогар, номард кишилардан йироқ

юриш ва ҳушёр булишга даъват этди: “Ахмоқ ҳикмат лаззатини тотмайди, тумов киши гул ҳидини сезмайди”, “Миннат” - ситтовлар билан қилинган ҳотамлик ортиғи билан ёққан ёмғирдек бўлса-да, унда яхшилик бўлмайди”, “Яхшилик билан дур инсон жамоли, они қилтурга-чи йўқдир мажоли”, дейди. Шунингдек, мутафаккир дўстлик, дўст танлаш муаммоларига ҳам тухталиб, кишини дўст танлашда зинҳор янглишмасликка чақириб, “Ёмон йулдошга эргашсанг, унинг оғуси сенга юқади”, “Сен хавф-хатар, ночорликка тушиб қолишдан қўрқитувчига ёндош, қўрқма, бу ишда зиён йўқ деювчидан сақлан” (253.14-15), деб чинакам дўстликнинг асосий белгиси садоқат ва ишонч эканлигини уқтиради.

Аз-Замахшарий ёшларни инсонпарварликка ва ҳақиқатпарварликка, ҳалоллик ва ростгўйликка, адолатли ва инсофли булишга даъват этиб: “Қуёш нури бекилмайди, ҳақиқат шамъи сунмайди”, “Оғзингни мисвоқ (тиш ковлагич чўп) билан пок қилдинг, кошқийди энди уни ёлғон, ғийбат, чақимчилик, бўхтон билан ифлос қилмасанг” (255.192), дейди. Шу билан бирга у инсоннинг қадрини оширувчи ҳам, пасайтирувчи ҳам тил эканлигини қайд этиб, “Агар тилингни тиймасанг, жиловингни шайтонга бериб қўясан” (255.145), дейди. Сунгра у ростгўйлик ва тўғрилиқ ҳақида гапириб: “Тил қиличининг ярқироқлиги, унинг тўғри сўзидир. Шунинг учун тилингни фақат тўғри сўз билан айлантир. Яманликлар ўз қиличини қинида сақлагани каби, сен ҳам тилинг - қиличини ёлғонлик хатосидан сақла. Қиличининг ярқироғини занг ейди. Ёлғон эса тил учун зангдан ҳам ёмонроқдир. Ёлғон гапирганинда тилинг сенга бойликлар келтирадиган ерда ҳам, барибир рост гапиргин. Сен билмайсанки, тўғрилиқнинг шарофатида нажот топиб бахтли булишингни. Ёлғон гапириб галаба қозонганиндан, рост гапириб ёмонликка учраганинг маъқулдир.

Ростгўй одамга унинг ростгўйлиги кифоядир. Ёлғончига унинг ёлғончилиги етарлидир. Чамадони тулиб келган ёлғончидан идиши буш келган ростгўй яхшидир. Агар ростгўйлик одам шаклида ифодаланса, энг даҳшатли армон булар. Ёлғоннинг сурати эса қўрқоқ тулки булар эди... Ваъда қилган бўлсанг унга вафо қилгин ёки ваъдангни бажаришга шошил... Чақмоғидан олдин ёмғири келган, ваъдасидан олдин

берадиган нарсаси келган эркакка ухшагин” (255.145), деб маслаҳат беради. Шунингдек, мутафаккир нутқ маданияти, яъни сўз гузаллиги инсон учун хушмуомалалик воситаси эканлигини қайд қилган ҳолда, агар “бировни койимокчи бўлсанг, хат билан койи, юзма-юз туриб койиш кейин кунгил синдирур ва сўз ўлчовсиз кетар” (255.145), дейди.

Аз-Замахшарий ахлоқий-дидактик қарашларида узидан катталарни ҳурмат қилиш, бола тарбияси ва унда ота-онанинг роли ҳақида ҳам ўзининг қимматли фикрларини баён қилади. Ота-она болани хушхулқ, одобли, меҳнатсевар, ақл-идрокли қилиб тарбияламоқчи экан, аввало, болани меъёридан ортиқча эркалатмасдан доимо назоратда тутиш кераклигини уқтириб, “Ҳайвонни сийласа, шодланиб эгасини тепади, одам боласи эркаланса, шодланиб ота-онасини азобга қўяди” (255.146), дейди мутафаккир.

Аз-Замахшарий жамиятда бахтга эришиш орзусида юрган кишиларни билимини, қобилиятини оширишга, ёмонлик ва зўравонлик каби иллатларга қарши курашишга чақиради. У илм-фанга интилувчи, муайян фанга ўз умрини бахшида этган олимлар ҳақида тўхталиб: “Инсоннинг кийинишига қарама, билимига қара” ёки “Савдогарнинг шарофати чўнтагида, олимнинг шуҳрати китобларидадир” (255.146), дейди. Аллома бу билан ёшларни ҳам инсонийлик руҳида тарбиялаб, уни аввало камтар инсон, етук олим бўлишликка ундайди ва ҳар қандай ҳавою - ҳавасдан четланиш лозимлигини уқтириб: “Эй, Абулқосим сени дунёга келтириб, халқнинг муносиби қилиб, сенга ақлни ва ҳавою - ҳавасни миндирди. Улар яхши ва ёмон йўлларда сени бошлаб юрувчилардир. Тўғри ва эгри жойларда сенинг меҳмонларингдирлар. Уларнинг бири кўзи очиқ бўлиб, сени катта йўлнинг кўрсаткичлари бўйича олиб юради ва сени тоза, тиниқ булоқларга олиб келади. Иккинчиси эса, кўзи кўр, нодон бўлиб, сени сувсиз саҳронинг ўртасига олиб бориб туширади. Бу икки кўрсатувчининг қайси бири моҳирроқ, устароқ ва қайси бирига эргашиш лозимроқ экан. Яхши кўрсаткичлар билан тўғри йўлда кутилганми ёки адалиб, эгри йўлда тутилганми? Билингки, ҳаво-ю - ҳавасни ақлнинг ўрнига танлаш адолатдан эмас. Ақлнинг тарафи тонг шафақидек оқ, ҳаваснинг шарафи тундек қора. Сенга бир юзланса, яхшими, ёмонми, қара-чи,

унга иккинчисининг қайси бири мойилдир ва қабул қилур, ҳавасми ёки ақлми? Агар ақл бўлмаса, унда уни севиш ва унга ёпишиб олиш қандай муносиб, у (ақл)нинг буйнига қулингни сол, бўшатма... Агар ҳаво-ю, ҳавас бўлса, ундан асл арслондан қочгандек қочгин. Қорадан ҳазар қилгин. Агар уни барча сени севинтирувчи нарсалар билан ҳамроҳ курсанг ва агар сенга иккаласининг уртасидаги бирор иш юзланса, ойдинлаштириш учун чин кўнгилдан туғри маслаҳат берувчиларга мурожаат қил. Улардан бир ўткир фикр чиқса, сенинг тилагинг ўшадир. Акс ҳолда ундай ишдан оладиган фойдангнинг орқасида бекинган зарардан ҳазар қил ва ундан қутилишга ҳаракат қил” (255.146), дейди.

Аз - Замашхарий “Навобиг - ул - калима” (“Нозик иборалар”) асарида ёш авлодни болалиқдан бошлаб яхши хулқ ва адабга, инсонийликка, олийжанобликка, сахийликка ургатиш зарурлигини ўқтириб шундай деб ёзади: “Сийратни гузал сифат ва хулқлар билан беазамаган одам, қанчалик чиройли кийинмасин, барибир қуркам була олмайди. Хайр-саховат фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шон-шарафга сазовар ва муносибдир, чунончи дур садафга нисбатан қимматлироқдир” (255.147).

Шунинг учун ҳам аллома ёшларни гузал инсоний фазилатларни астойдил эгаллашга қатъий даъват этади: “Сахий ва сидқидил кимсанинг дилидан бошқа нарсани сирларинг сандиги қилма. Эзгулик, хайрлик ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман деган уйлардан воз кеч, тафаккур ва идрок билан иш тут. Узингга зарур бўлган ҳар қандай нарсани сотиб ол, бу эркак кишининг муруватини, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки уша нарсани сўрасанг, у сен сўраган нарсанинг бошқачароғини беради, сотиб олганингда эса, ўзингга керагини оласан..

Ёмон, ҳасис киши ҳар жойда лаънатланади, сахий, карим киши ҳар жойда иззат-икромда бўлади. Ҳалолу, покиза киши доимо хотиржам тинчдир, бировга ёмонлик ва хиёнат қиладиган киши мудом беҳаловатдир. Қурт-қумурсқалар арслон боласини талагани каби олижаноб ва ҳимматли одамнинг гўштини ҳасад аҳли ейди. Бас шундай экан, “... энг яхши савоб ва солиқ ишларни қилиш фоний одам учун

жуда савоблидир”. Акс ҳолда “Ёмон фикр соҳиблари ҳам, куфр неъмат қилувчилар ҳам, ёвойи қобонлар мисоли Оллоҳ таолонинг мағфиратидан йироқдирлар”. Чунки “ёмон, нарса эътиқод билан қилинган эзгу иш - сароб каби, ҳеч қандай фойда бермайди. Риё бор ҳар қандай ишда зиё йўқдир” (255.147).

Мутафаккирнинг фикрича, пири комил инсон аввало, гурурга беҳуда берилмасдан ақл билан иш тутиши ва нораво ишлардан узини тийиши, мансаб ва бойликда узидан паст бўлган кишиларнинг кунглини оғритмаслиги, доимо молдавлат қўлнинг кири эканлигини унутмасдан фақирларга садақа қилиш, насабфурушлик қилмаслиги, такаббурлик ва зуравонликдан узоқ булиши, худбин, манман ва ҳасадчи бўлмаслиги лозимлигини таъкидлайди: “ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари томонидан ислоҳ қилинур, чунончи, еру, кўк фақат уз теграси қўтблари атрофида айланарлар. Ловуллаб ёнаётган оловни сув учирганидек, нодон одамлардан чиқаётган алангани ҳокими оқил одамлар сундирадидлар. Сени касодга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл. Қўрқма, зарари йўқ, зиёни йўқ деб юпатувчилардан узоқ бўл. Фақир мискинларга вожиб садақаларни адо қилмаган бойларга жаҳаннамда Вайли номли чуқур бордир. Ҳийлаю, риё билан йиғлаш ва овоз чиқариб уқийшдан савоб ҳосил бўлмас. Тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир. Ҳайвонга яхшилик қилсанг, севинади, ҳайвон севинса эгасини тепади. Бахилу, хасиснинг қўли очилмас, токи тил қаттиқ гапирмагунча, тоғдаги бойликларни қазиб бўлмас, токи темир қаттиқ урилмагунча. Қанча одамлару, қавмлар борки, сизга ип каби эшилиб мулозимат қиладилар, лекин улар пайт пойлаб, фасод ҳам чиқаришга интилади. Агар сенга нисбатан ўз биродаринг хиёнат қилса, унга яқинлашишдан узингни тий, унинг ҳийласидан узингни муҳофаза этишга ҳаракат қил. Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадрқиммати ва улғворлигини зиёда қилмайди, такаббурлик - довулдан бошқа нарса эмас. Илмли, маърифатли одам такаббурлик қилувчи нодон кимсаларнинг барини тупроққа тулдирур”. Зероки, уқимишли “мард ва олийжаноб кишининг гўзал фазилатларидан бири - ўз биродарининг айбларини бекитиб, унинг барча ишларини бамисоли узининг ишлари

урнида куриб, и **н** тутишдир” (255.148). Бундай баркамол инсон ҳалол ва **п**ок, инсофли ва диёнатли булиши, уз эътиқодига хилоф **ф** ҳаракатлар қилмаслиги лозим: “Уз дининг ва шарафингни с **а**қлайдиган нарсаларни қаттиқ тут, узинг учун қулайроқ, е **г**илроқ булган нарсани олма, бинобарин, машаққатига яра **л**да савоби ҳам булади. Киши уз эътиқодига садоқатни ҳалол **м**еҳнати, гайрати, шижоати, гапи билан ишининг бирлиги **д**да намоён тутса, албатта, у мурод мақсадига етишар, хайру ба **р**ақа топар. Кимки денгиз тулқинларини бошидан кечириб **с**афар қилмаса, турли-туман ташвишлар-у, машаққатларнин **г** сувидан ичмаса, у ҳақиқий роҳату, фароғатта муясса **р** була олмас. Уз ваъдасида турмайдиган, турли важ-корсон **л**ар курсатувчи кимса мард ва ҳимматли инсон була олмас” (255.148-149).

Аз-Замахшар **р**ийнинг қуйидаги ҳимматли сузларини ҳар бир муассасанинг **р**аҳбари ҳозирги кунда қулоғига қатъий қуйиб олиши кера **к**, албатта: “Тоғ чуққисига чиққан киши ундан йиқилувидан **н** огоҳ булиб турмоғи лозим. Ҳақиқат ва адолат билан туғ **и** сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар пировардида қатти **қ** азоб-уқубат ва балога гирифтор булгуси” (255.149).

Шунингдек, **Ҳ**офиз Хоразмий ҳам суз одоби кишининг ақлий фаолиятини, **у**з хатти-ҳаракатини бошқарадиган тарбия воситаси эканлигин **и** таъкидлайди. Кишининг маъноли гапидан унинг ақл-идрок **и**лигини, зеҳни уткирлигини, одоб-ахлоқ-лилигини билиб ол **с**а булади дейди:

Либосу суврати **с**уздин мурод ул зоти маънодур,  
 Карикса булсун **у**л суз туркию, ибрис, сурёний,  
 Ширин суз зару **р** ушбуки терсан суз айтсам,  
 Суз суззамаққа **б**оре айткил даҳан қани? (255.198)

Ҳайдар Хораз **м**ий инсоннинг ахлоқий хислатлари яхши феъл-атворлари хусу **с**ида тухтаб утар экан, аввало яхши хулқ асоси-одоб, карам ва **к**амтарлик барча инсоний хислатларнинг бошланиши дейди:

Ҳар неча тун бу **с**а тура упранур,  
 Упринмагон хул **к**у карам тундур? (255.189).

Ҳайдар Хоразмийнинг таърифича, сахийлик (қул очиқлик) инсон ахлоқий хислатларининг ҳақиқий мезони саналади:

Ерим аёқ ошки топарсан насиб,  
Ярмини берки есун бир гариб (217.217).

Ҳимматлилик, мурувват, карам эса саховатнинг таркибий қисми сифатида таърифланади:

Одам атонгонга мурувват керак,  
Орифу омийга футувват керак.  
Нафъ текур барчага ёмгир бикин,  
Ё тенгсиз уртасида жумдир бикин (217.273).

Ҳайдар Хоразмий илгари сурган энг муҳим ахлоқий хислатлардан яна бири ростгуйликдир:

Ростлик устинда тарозини туз,  
Ростлик асбобини сақлаб тукиз... (255.189).

Ҳофиз Хоразмий худди шу фикрни давом эттириб ёшларни тўғрилиқка, камтаринлиқка ва ҳалоллиқка даъват этар экан, ҳаётда ва одамлар билан муносабатда доимо ростгуйлик ва ҳақиқатгуй булишни маслаҳат беради:

Тилар бўлсанг, ҳақиқат мулки сардор бўлмаклик,  
Алиф янглиг була кургил муҳаббат лавҳида якто (255.194)

Ҳофиз Хоразмийнинг ахлоқий таълимоти ҳам уз салафлари каби Қуръони карим ва Ҳадиси Шарифдаги ахлоқ қоидалари билан узвий боғлиқдир. Бунда у “Ким на қилур эрса, борин Аллоҳ қилур ва билур” деб инсон боласини яхшилик қилишга ундар экан, ёмонлик қилган, яъни нопок йулга кирган одам оқибатда шармисор булади, комил инсонга хос булган барча хислатларни узида ифодалаган илм-маърифатли, ҳақиқатпарвар-адолатли, ҳар қандай адолатсизликка қарши курашувчи инсон эса Аллоҳнинг марҳаматига сазовар булади, деган гоъни илгари суради:

Ёмонлик айламаю, яхшиликка толиб бул,  
Ёмонлик айлаган охирида шармисор булур.  
Ёвуқ ёмон била булма қарор-и айш қилиб,

Соғинчи яхши кишилар йирик қарор булур,  
Кишиким узини йўқ соғиниб, булур яхши,  
Худой ҳазратида ул кишига бор булур (255.195).

Ҳофиз Хоразмий яхши фазилатли кишини садафдаги дурга, мевали дарахтга ухшатиб, ёшларни ундан ибрат олишга чақиради:

Садаф чу...файз булса абри найсондин,  
Узунгни ошиқ-и орифга боғла, эй Ҳофиз.  
Дарахт чунки топар васл мевадор булур... (255.195).

Ҳофиз Хоразмий ҳалоллик ва поклик масаласига алоҳида тўхталиб, уни инсоннинг бахт-саодатига эришиш манбаи сифатида талқин этади:

Кечаси ушбу фоний дунё учун,  
Тутма узунгни бир замон гамнок.  
Пок тутгил кунглингни дунёдин,  
Ойина узра хуш эмас хашок.  
Поклик ёнина булур мойил,  
Асли жавҳарда ҳарқ тушди пок(255.195-196).

Ҳофиз Хоразмий инсон дин ва шариат қонунарига тўлиқ амал қилган ҳолда уз мажбуриятларини бажариши шарт эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Қиёматга текин ултур тесалар,  
Ижозатсиз муродинг бирла қолма.  
Тилла булсанг муроди дини дунё,  
Бу куннинг ишини тонгдага солма (261.196).

Ҳайдар Хоразмийнинг фикрича, инсон узининг мусулмонлик бурчини фақат поклик ила дарси илоҳийдан ато этилган шариат илмини эгаллаш орқалигина бажо келтириши мумкин:

Агар дарси илоҳийдан бу сузлар келмаса ҳар дам,  
Қачон билгай эдинг, Ҳофиз мударрисдин сабоқ бирла (255.169).

Юқорида таъкидлаганимиздек, X асрдан бошлаб Шарқда кенг ёйилган футувват(жувонмардлик)ва тасаввуф-суфийлик илмида инсонни ахлоқан поклаш меҳру, шафқат, ҳиммат ва мардлик курсатиш ғоялари тарғиб этилган. Зеро, Ҳофиз Хоразмийнинг таълимотида жувонмардлик илмининг қоида-

низомлари ёшларни етук инсон сифатида камолга етказишда амалий аҳамиятга эгадир. Ҳофиз Хоразмий мардлик курсатишни инсоннинг энг юксак фазилатларидан бири, деб ҳисоблайди. Мард ва тавозеъ (камтар) одамлар ҳурматда булади, деб шоир кишилардаги мардлик ва камтарлик фазилатларини худди мевали дарахтнинг эгилиб турган шохига ухшатади:

Айлагил доим тавозуъ яхши от издор эсанг,  
Ким тавозуъ пеша қилганлар булурдур номдор.  
Марди маъно ул эрур қилса тавозуъ барчага,  
Чунки сафарқанда булур шоҳеки, булур мевадор (255.196)

Мард ва комил инсон, унинг назарида, чидамлилиқ, юмшоқ феъллик (ҳилм), руҳан тетиклик, вазминлик, ўз ҳаётида қадр-қимматини билиш, меҳр-шафқатлилиқ, сабр-матонатлилиқ, камтаринлик фазилатларини эгаллаган бўлиши керак. Инсон ҳақиқий бахт-саодатга ана шу ахлоқий ҳислатларни эгаллаган тақдирдагина эришади:

Излар эрсанг аҳли иззат, булсанг, эй ёр, азиз,  
Сидқ бирла кургузакур барчага меҳру вафо.  
Дам-бадам бир хаста дилни зулм ила озор агар,  
Айласанг, топмагайсан, қунглингда бир зарра сафо.  
Ушбу сузумга гувоҳи ҳақ қилсанг ҳолиё,  
Оҳ ила ойнанинг ҳоли равшан гуво.  
Ким такаббур қилмасову топса мискинлик йулин,  
Подшоҳи аср булсанг ҳам такаббур қилмагил,  
Оқибат чун тупроқ ичра тенг булур шоҳу гадо (255.196).

Сабр-қаноатли бўлиш, Ҳофиз Хоразмийнинг тасаввурича, кишини ҳар қандай тубанлик, нокаслик, разиллик каби ярамас иллатлардан халос қилади:

Тешайн сабру қаноат бирла булиб кунжков,  
Ганжи топсанг тақи қайда булур ул морсиз.  
Гулистон ичра Булбул юз туман зорий қилиб,  
Излади-ю, топмади умринда гулни хорсиз (255.197)

Ҳофиз Хоразмий сабр-қаноат тугрисида тўхталганда, бировдан тамаъ қилиш ярамас ва тубан одат эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Тамаъ тутма кишидин ёрий Ҳофиз,  
Чун ушбу алам ичра ёр йуқдур (255.197)

Ҳофиз Хоразмий яхши хулқли, ўз ҳаётини фақат эзгу ишларга бағишловчи меҳр-оқибатли, олийжаноб ва мард кишиларни ёмон ниятли, нокас кишилардан узоқроқ юришга даъват этади:

Нокас киши ҳеч маҳрами жон булмас,  
Шура ер уза боғу гулистон булмас.  
Қилма ҳар нокас била тенг туш мани,  
Асл дилбарликни бил айёр бул.  
Ҳар кишининг қадри ҳолини билиб,  
Ошиқ авламоқ сан даркор бул (255.197).

Ҳофиз Хоразмий дуч келган киши билан дуст-биродар бўлавермасликни, нокасга ҳамроҳ булган нодон кишидан эҳтиёт бўлиш кераклигини уқтириб, бури билан дустлашган ит қуй-қузини ҳечам асрамайди, дейди:

Дустлик қилма у киши билаким,  
Булди душманга маҳрами асрор.  
Дустким, булди дуст душманга,  
Меҳрибон булмоқи эрур душвор.  
Қузини қайда сақласун итким,  
Булди ёзида бури бирла ёр (255.197).

Ҳофиз Хоразмий садоқатни ҳақиқий дустлик, инсонийлик, узаро ҳурмат белгиси сифатида талқин этади. Унинг айтишига қараганда, баъзилар садоқатли дустлик ниқоби остида тубан ва ярамас ишлар билан шуғулланадилар. Фақат уз шахсий манфаатини уйлаб, “ўзи йўқнинг қузи йўқ” қабалида иш тутади ва дустига панд бериш пайида булади, дейди:

Ман дустлик ичра санга жонни берур экан,  
Сан дустлик этмадингу булдинг менга душман (255.197).

Абулғози Баҳодирхон (1603-1664) нинг “Шажараи турк” асарини ўқир эканмиз, у халқ мақоллари, ҳикматли сузлар, иборалардан таълим-тарбия мазмуни ёхуд тарбия воситаси сифатида фойдаланганини кўрамиз.

Абулғози шахслар хулқига муносабат билдиришда уларнинг ақл-идроки ва ижтимоий фаоллигини, ҳаётдаги муомала ва алоқалари, маънавияти ва барқарор ахлоқий сифатларини ҳисобга олади. У Пулод султоннинг ярамас одатлари, тентак қилиқлари, ақлсизлиги ва ахлоқсизлиги туғрисида бундай ёзади:

-”Пулод султон ақлсиз, гайратсиз, тентак эрди. Биз кичик эрканда ондин куп нимарса нақл қилур эдилар. Анинг икки одати бор эди. Таҳи бир: “икки кичик” бармоғини юмуб, урта бармоғини бош бармоғининг устида қуйиб, икки кичик бармоғини уруб, ширқ-ширқ қилиб овоз чиқарар эрди, нечуким масхаралар, маъракагирлар кулурлар. Икки қулини шундоқ қилиб, “Шилиқру!”- дер эди. Ҳар қилгон сайин, “Шилиқру!”-дер эди. Бир қарат сурдимким:

-Хуросонга карвон кетатургон борму?-деб.

-Карвон туна кун кетди, -дедилар. Бир кишига ҳукм этди;

-Бор тақи карвоннинг барчасини қайтариб, олиб кел!

Соғча қудугинда карвоннинг кейинидан, етиб қайтариб Хивакка олиб келдилар. Улуғ мусулмонларнинг куплигига бу маъқул булмадиким: “Албатта, султон Хуросон бирла ёв буладур. Йуқ эрса, узга иш учун булса, бизнинг биримизни қайтармоқ керак эрди?” Карвон халқининг барчасини султон олдига олиб келдилар. Султон уларнинг юзларига боқиб, қулларини ширқ-ширқ этиб деди:

-Манга бир-ети пок шилиқру! Турт-беш қарат тақрор этди.

Карвон халқи тушунмадилар. Султоннинг навкарлари айтди:

-Манга бир-ети поки келтур! Узга нимарса керакмас!-дейтурлар.

Боринг-кетинг” (34.147).

Муаллиф султонлик мартабаси ҳам аслида тарбиясиз ва нодон одамнинг қадрини оширолмаслигини шу тариқа тасвирлайди. Айтилганлардан ҳулоса чиқаришга ундайди.

“Шажараи турк”да келтирилган шарқона тарбия тизими-мига хос қуйидаги ҳикоят тарбиянинг панд-насиҳат усули сифатида қимматлидир: “Уғизхон Шом вилоятинда пинҳоний бир навкарнинг қулини бир олтун ёй ва уқни берди. Тақи айтди: “Ёйни кун туғишда бир чўлда оёғи етмас ерда, тупроқга кумуб, бир учини чиқариб қуйгил ва уқларни кун ботиш тарафига элтиб, ёйни нечук қуйсанг, ана шундоқ қуйгил”, деди. Ул киши ёрлиқга амал қилиб келди. Бу воқеадин бир йил утгандин сунг, уч улуғ уғли Кун, Ой ва Юлдузни чорлаб ётади, юртга келиб, ман ишим куп, ов овламоққа қул етишмай турур. Кун туғуш тарафинда фалон-фалон чулнинг ови куб эрмиш деб эшитдим. Уз навкарингиз бирлан андоқ бориб ов

куб келинлар”, теди. Андин сунг уч кичик угли Кук ва Тоғ ва Тенгиз. Бу учиси чорлаб, акаларина айтган сузларни айтиб, кун ботиш тарафга юборди. Бир неча кундан сунг, уч улуг углонлари бир олгун ёй бирлан куп овни хон олдига келтурдилар. Уч кичик углонлари тақи олгун уқ бирлан куп овни келтурдилар. Ул овнинг эларина, куп этлар ва турлук ошларни қушуб, халқни чақириб, ёйни ва уқни топилганини ирим қилиб, узларига ҳайта берди. Уч улуг угли ёйни синдуруб олишдилар, уч кичик угли ҳар қайсиси бир уқни олдилар. Олган вилоятларда куп йиллар туруб, душманларни йуқ қилиб, дусларини сийлаб, боши Сармой ва оёқи Мирғача олган вилоятларининг барчасини ҳоқимлар қуюб қайтиб уз юртина тушди.

Андин сунг барча навкарларнинг отқон ва чопқон ва қилган хизматларига лойиқ шаҳарлар ва сарҳадлар ва кендлар ва инъомлар берди. Тақи углонларига айтди, сиз уч улугингиз олтин ёйи топиб келтирдингиз, тақи ани бузур олишдингиз. Сизларнинг отингиз бузук булсин. Сизлардин булгон углонларни ҳам то қиёматгача бузук, тесунлар. Уч уқ келтирган уч кичик угилни ва анлардан булгонларни бу кундин то дунё охир бугунча уч уқ тесунлар. Ёй ва уқники топиб келтирдингизлар, ул кишидин булмади. Тангридин булди. Биздан бурун утган халқлар ёйни подшоҳ урнидан билиб турулар ва уқни элчилар еринда. Анинг учунким ёй уқни қайси тарафга тортиб юборса, уқ анга борур. Энди мен улгандин сунг Кунжон менинг тахтимда ултурсин. Андин сунг бузук наслиндин ҳар ким қобил булса, халқ ани подшо қилсунлар. Дунё охир булгунча бузукнинг бир яхшиси, подшоҳ булсин, узгалари унга ултурсинлар. Уч уқлар сул булсунлар, санинг сул тарафинда ултурсунлар ва дунё охир булгунча навкарликка рози булсунлар.....” (34.42-43).

Шунингдек, “Шажараи турк”да ибрат, намуна курсатиш йули билан тарбиялаш усули халқ мақоллари, маталлар, ҳикматли ривоят ва ҳикоятларда тасвирланган, масалан :

- “Яхшилар айтиб турур, ун дарвиш бир палос ичига сигар, икки подшоҳ ер юзига сигмас.

Халқимизнинг орасида машҳур булган “Бирлашган узар, бирлашмаган тузар” мақолини Абулғози Чингизхон тилидан уз угилларига қилган ибратомуз насиҳатларига сингдириб

юборган: “.... тўрт ўглига элларни булуб, бир ерда ултуруб айттиким : “Бир-бирингиз билан иттифоқ бўлинг ва мухолифат қилманг, - теди. Таки садоқидин бир уқ чиқариб синдирди. Таки бир неча ўқни бирга қўйиб айттиким : “Муни синдира билур киши борми?” Ҳеч киши синдира олмади. Чингизхон ўғилларига боқиб айттиким : “Бу ўқлар сизларга ухшар. Агар барчангиз бирикиб, бирингизни подшоҳ қилиб, анинг тилидан чиқмасангиз, ҳеч киши сизларни синдира билмас. Агар иттифоқ қилмай мухолифат қилсангиз, бир ўқни нечук синдурсалар, сизларни ҳам шундоқ синдирурлар”, - теб яхши насихатлар қилди” (34.147-148).

Иккинчи бир ҳикоятда Чингизхон тилидан ишлатилган “Биликсиз бош, кераксиз тош” мақолида туман ҳокими доно, халққа гамхур мураббий булмаса не керак, бундай ноқобил ҳоким на халққа, на лашкарга бош була олади, айни чоқда эса тошга ухшатиб сувга отилиши мумкин, деган гоё уз ифодасини топган : “Туман ақоси ва ҳазора ва саъда даъво ҳар йилнинг аввалинда ва охиринда мен кўруб, биликларимни эшитсунлар ва андин сунг, ул кишилар лашкарга бош була билурлар ва ҳар қачон мундоқ қилмасалар олар халққа бош бўлмоққа ярамас турурлар. Андоқ кишилар бир тошга ухшарким, ани бир сувнинг ўртасига ташлагайлар. У ботиб кетиб ҳеч кўринмағай....” (34.219-220). Шунингдек, халқ ҳаётини яхшилаш учун зулм ва зўравонликни йўқотиш, яхшилиқнинг ғалабаси учун ахлоқий тарбияни кучайтириш зарурлигини, “совуқ темурга чукич ургандек булур” деб изоҳлайди: “Ҳар киши уз уйини яхши сақласа, мамлакатимизни ҳам сақлар”. Тақи айтур эрди ким, ҳар киши ун кишини тартиб илан ясаса, улуг лашкарни ҳам ясар ва тақи ҳар ким ёмонликдин узининг ичини пок қилса, мулкдан ўғрини ҳам пок қилур. Тақи ҳар киши улуглар қатига берса, андин суз бермай сузламасун. Агар суз сурамай сузласа унинг сузини эшитсалар но хуб, агар эшитсалар, совуқ темурга чукич ургандек булур” (34.81). Юқоридагилардан ташқари Абулғози “Шажараи турк” да “Бутунги ишни тонгларга солган кишининг ҳеч иши битмас”, “Ит семирса эгасини қопар”, “Уксук уз киндигини ўзи кесар теган” каби халқ мақоли ва ҳикматли сузларини қўллаб, ақл-идроқ ва ахлоқ ҳақиқат мезони, адолат ва яхшилиқни барқарор этувчи омил бўлгани

учун ахлоқий камолотга интилишни, ҳар бир инсон учун зарурий фазилат деб уқтиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда маънавият ва маърифий-тарбиявий фикрлар тараққиётининг куп саҳифалари очилмай қолган шу кунда Абулғозининг “Шажараи турк” асари барча илм аҳли учун муҳим тарихий ва педагогик манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, IX-XII асрлардаги илм-фан, маърифий-тарбиявий фикрлар тараққиётининг давоми булган XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср маънавиятимиз тарихида Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичида яшаган Абулғози Баҳодирхон уз асарларида узидан илгари ўтган мутафаккирларнинг маърифий-тарбиявий таълимотларини янги таълимий-ахлоқий ғоялар билан бойитадилар.

Юқоридагилардан умумий хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Хоразм мутафаккирларининг маърифий- тарбиявий қарашлари ривожланиши даражасининг ўзига хос етакчи хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- маърифий-тарбиявий ва дидактик таълимотларни илмий ҳамда мантиқий билиш, табиий - фалсафий билимлар негизида талқин қилиш;

- ахлоқий баркамоллик инсон бутун ҳаётининг фаолиятининг асоси ҳисобланиб, уни илму, маърифатни узлаштириш асосида шакллантириш йулларини тавсия этиш;

- ёшларда меҳнат қилиш қобилиятини ҳамда куникма ва малакасини ривожлантириш йулларини тадқиқ этиш;

- ёшларда умуминсоний ахлоқий меъёрлар ва ҳулқий қоидаларни тарбиялаш йуналишларини тавсия этиш;

- шахснинг ҳар томонлама маънавий камолоти ва ахлоқий тарбиясига алоҳида аҳамият бериш;

- шахсни хайрли ишлар қилишга йуналтириш;

- суз ва иш бирлигига эришиш йулларини кўрсатиш;

- ўқиш жараёнида ёшларда инсонийлик, меҳр - муҳаббат, бурч ва масъулият, камтарлик, очиқ кўнгиллик, ростгўйлик, ҳаққонийлик, садоқатлик, адолатлик ва бошқа ахлоқий сифатларни таркиб топтириш йулларини тавсия этиш ва ҳ.к.

### **III. БОБ. XVII-XIX АСРЛАРДА ХОРАЗМДА МАЪРИФИЙ - ТАРБИЯВИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ**

#### **1-§. Хоразм мутафаккирларининг маънавий - ахлоқий тарбия масалаларига доир қарашлари**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистан мустақилликка эришгунга қадар бутун Марказий Осиёдаги каби Хоразмда ҳам XVII-XIX асрларда маънавият, маърифий-тарбиявий фикрлар ривожланиши батамом тўхтаб қолган деган нотўғри фикрлар фанда мавжуд эди. Бироқ тадқиқотимиз натижаси бу фикрларнинг нотўғри эканлигини курсатди. XVII-XIX асрларда Хоразмда XV асрларда эришилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, фалсафий, маърифий-тарбиявий фикрларни давом эттиришга интилиш, уни сақлаб қолиш ва тарғиб этишга уриниш кўзга ташланади. Чунончи, бу даврларда яшаган Муҳаммад Хоксор, Муҳаммадниёз Нишотий, Мавлоно Вафой, Роқим, Паҳлавонқули Равнақ, Нурмуҳаммад Андалиб, Мунис, Огаҳий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида илгари сурилган ёшларни маърифатли қилиш, уларда илм-фанга муҳаббат уйғотиш, маънавий-ахлоқий камолотга эришишга даъват, устозшогирд муносабатларига оид фикрлар Хоразмда маърифий-тарбиявий қарашлар ривожланишида муҳим роль уйнади.

Муҳаммад Хоксорнинг “Мунтахаул-луғат” китобидаги жуғрофия, тригонометрия, астрономия, архитектура, педагогика, мусиқа, адабиёт, ҳаттотлик, ҳайвонот, табобат ва бошқа илм-фан соҳаларига доир тушунчаларининг изоҳланганлиги билан тушунтириб берилган маънолари маърифий-тарбиявий нуқтаи назардан мутлақо урганилмаган. Чунончи, “Боҳир-галабаи ҳунар ва ҳусн жамол. Бу маънига Амир қасида буюрурлар...”

Бу фикрлар маънавият тарбияси жиҳатидан қимматга эга бўлиш билан бирга, Муҳаммад Хоксорнинг меҳнат тарбияси, касб-ҳунар таълимини тарғиб қилганлигини, жасурлик ва ростгуйлигини курсатиб туради. Муҳаммад Хоксор уз асарида

Алишер Навоийнинг чуқур мазмунли, қимматли фикрларини мисол келтириб, касб-хунарда ҳам, бошқа ишларда ҳам баркамол булиш учун, хатога йул қўймаслик учун қўрқмаслик, снгилтак, бефаросат ва калтафаҳм бўлмаслик, балки дур гавҳарни тешишда дур тешувчи қанчалик меҳнат сарф қилса, ана шунчалик заҳматкашлик ва ишқибозлик курсатиш лозимлигини уқтиради. Муҳаммад Хоксор, одамнинг қадр - қимматини унинг насл-насаби ёки мансаби эмас, балки “фазл ва хунари” белгилаши лозим, деган Навоийнинг фикрини қувватлайди. Мутафаккир кишининг довураклиги, ботирлиги, унинг туқайга кириб шерни улдириб чиқиши билангина эмас, балки мантиқ эътибори билан бой мазмунни ифодалаши, нафсоният итларини улдириб, ном қозониши билан белгиланади, инсон фақат шу йул билан уз инсоний фазилатларини зийнатлайди, дейди.

Муҳаммад Хоксор ҳақиқат, адолат, ҳаққоният, тўғрилиқ ва ростгўйликни севади. Билимдонлик ва донишмандликни ҳаётда куришни, турмушда, тажрибада синовдан утказишни маъқул куради. Бу жиҳатдан унинг “басорат ва басират” сузларига ёзган баёни маънавий аҳамиятга эгадир. “Басорат ва басират донишманд ва хирадманд”, деб ёзади Муҳаммад Хоксор уз фикрини давом эттириб, маънавий - ахлоқий тарбияга қўйидагича тафсилот беради:

“Басорат ва басират - асл лугатда мутлақ кўрмоқлик маъносида. Чунончи, аҳли басиратга вазеҳ ва равшандур... Яъни ақл билан идрок қилатурган ишларни... кузи билан курар. Хато жонибига айланмас. Андоқки, киши кузи билан курган нимарса саҳв ва хато булмас, балки маҳсулотдин мақулотни (мавхумдан маълумни) яхши курар” (40, 24).

Муҳаммад Хоксор турмуш воқеаларини куриб, кузатиб, фикр ҳосил қилиш, аниқ билишга эга булиш ва шу хилда амалий ишда\_ хатога йул қўймаслик керак, дейди ҳамда бу маърифий-тарбиявий фикрини: “Ҳар қишига бу давлат муяссар булса, муборак булғай” (40.24), - деб тугатади.

Муҳаммадниёз Нишотийнинг “Ҳусну Дил” маърифий-дидактик достони қаҳрамонлари Фуод, Ҳусн, Дил, Назар илғор маънавий-ахлоқий сифатларни ўзида мужассамлантирган, уз фаолиятлари билан бошқаларга ибрат буладиган кишилардир.

Нишотий комил инсон туйгуларини тараннум қилишга бағишланган асариди рамзлар орқали иш куриб, инсоннинг ботиний ҳамда зоҳирий жиҳатларини акс эттиради. Достонда Хусн ақл-идрокли, вафодор, садоқатли, пок виждонли, орномусли жасур қиз сифатида тасвирланади. Шоир шаҳзода Фуоднинг вазири Назарнинг ақлли, доно, зукко, хушёр, тadbиркор йигит эканлигини ва юксак инсоний фазилатларини қуйидагича баён этади:

Нури дили ақли башорат эди,  
Ҳар фано аро анча маҳорат эди.  
Ақли фасоҳат аро соҳиб хусун,  
Олами даҳр ичра эди зүфунун (58.37)

Роқим (1742-1814) нинг маърифий-дидактик қарашлари ақлий ва ахлоқий тарбия туғрисидаги гоёлари билан чамбарчас боғлиқдир. У ёшларнинг ақл-идроқини ривожлантириш масаласига тўхталиб, ақлли ва доно киши ҳечам мағрурлик ва худбинликни узига эп курмайди, дейди:

Агар бор эрса ақлинг сарф қил умрингни жойига,  
Қулоқ солма риё ақли фиғони бирла войига.  
Роқим, гар одам эрсанг, қуб булмағил ҳавойи  
Қилма ўзунгни зинҳор зухд ақлидек риёи (179.121)

Роқим камтарликни инсоннинг энг қимматли фазилати сифатида юксак баҳолайди:

Будур эмди сенга менинг пандим,  
Гар қабул этсанг, эй жигарбандим.  
Умри давлатга булмайн мағрур,  
Қил такаббурни хотирингдин дур.  
Қурсанг ҳар кимни эҳтиром айла,  
Яхши сўз бирла шод ком айла.  
Қургузуб элга жуда ила ҳиммат,  
Барақалло отангга юз раҳмат (179.55-56).

Роқим худбинлик, ёлгончилик, манманлик, такаббурлик ва кибру ҳаво каби ёмон хислатларни кескин қоралайди:

Ман отанг бермас насиҳатлар сенга бердим валек,  
Қар қилиб икки қулогингни амал қилмай анга.  
Ўзни юз турлук балоларга гирифтор айладиңг,  
Айрилиб, мансабдин, олдин, тортибон беҳад изо (179.44).

Роқим ҳақиқий баркамол инсон ҳар қандай таъма ва очкузлик, ҳирс ва нафс балосидан сақланиши керак дейди:

Таъмани тағк қилган иззат истар халқдин ҳар ким,  
Булуру бу феълдин албатта хор оҳиста - оҳиста (255.224).

Халқпарварлик, адолат, одамшавандалик, яхшилик ва олийжаноблик, ҳурмат ва мурувват, меҳнатсеварлик, саховат ва меҳрибонлик, самимият ва сидқидиллик, умид ва андиша, сабр ва қаноат, хушмуомалалик ва меҳмондустлик, камтарлик ва очиқ юзлилик, ҳалоллик ва жувонмардлик каби фазилатлар Мунис Хоразмий(1778-1829)нинг ахлоқий қарашларидаги асосий ғоялардир.

Мунис адолат, халқпарварлик, ҳақгуйлик ғояларини ўз замонаси ҳукмдорлари онгига сингдиришга ҳаракат қилади. Шоирнинг фикрича, жамият ва давлат ҳаётининг асосий қоидаси адолатлилик булмоғи керак. Адолат тантана қилган мамлакатдагина осойишталик, ҳукмдорлар билан халқ уртасида узаро ишонч, ҳурмат, келишувчилик булиши мумкин. Бунинг учун, биринчи навбатда, подшоҳ ақл-идрокли, билимдон ва одил булмоғи керак. Шундагина халқ шоҳни ҳурмат қилади, унга буйсунади:

Сабот истасанг мулк бунёдига,  
Адолат била ет улус додига.  
Адолатдин улди эл осойиши,  
Эл осойиши - мулк оройиши.  
Қаю мулкким шоҳи одилдурур,  
Анга барча эл кунгли мойилдурур.  
Шараф курки шаҳдин адолат чоғи,  
Эрур халқ хушнуд, ҳолик доғи (152.16).

Мунис жамиятдаги адолатсизликка, ноҳақликка, зуравонликка, жабр-зулмга, талончиликка, тенгсизликларга қарши ўз норозилигини “Ҳос улуб оҳ аҳлиға” шеърисида қуйидагича изҳор этади:

Ҳос улуб оҳ аҳлиға инъоми соҳиб тожлар зулми,  
Зулми омидин бериб жон, нон учун муҳтожлар.  
Ҳар ким ул золимлар олдида тазаллум кургузуб,  
Еб алардин бош узра мушту юз узра кожлар.  
Кинаварлар зулмидин бечоралар ҳар ён қочиб,  
Уйлаким, булғай гурезон боздин дуррожлар (152.17).

Муниснинг фикрича, ҳукмдор ва унинг амалдорлари томонидан фуқароларга ўтказилган жабр-зулм жавобсиз қолмайди. Бундай давлат бошлиғи халқнинг газабига учрайди, унинг ҳокимияти хавф остида қолади. Бу ҳақда подшоҳга қарата Мунис шундай деб хитоб қилади: "Эй шоҳ, зулм қилма, тагин мазлумларнинг ашки давлатинг биносини йиқмасин" (152.20). Бу билан Мунис халқнинг куч-қудрати ва иродаси улуғлигини, ахлоқи бутунлигини курсатади. Шунинг учун ҳам у зулм ўтказиш ақлсизлик, адолатсизлик, зўравонлик давлат бошлиғи учун ёт булган хусусиятлардир, деган гоёни ўз даври ҳукмдорлари онгига сингдиришга ҳаракат қилади: "Шундай бир адолат қонуни тузилсинки, зулм расми жаҳонда қолмасин, йўқса халққа қаратиб ёқилган зулм ўти шуъласининг тутуни билан сенинг рўзгоринг ҳам қоп-қора булиши турган гап, ғарибларга вафо қилиш, бевабечораларни шодлантириш билан давлатинг бой бўлади. Подшоҳлик неъматини топган киши айни замонда чўпонлик ҳунарини ҳам касб қилсин, у раиятга тишини қайрайдиган бўлса, қўйга қурт ёпишгандай бўлади" (40.223), дейди.

Хуллас, Муниснинг орзуси мамлакатда "адолат мулкани тузатиб" ўз қули остидаги фуқаронинг оч ва туқлигидан хабардор бўладиган одил, доно ва маърифатпарвар подшоҳдир:

Шоҳ улдурки, адолат ила мулкин тузатиб,  
Булса ғамгин фуқаро очига, хуррам туқига(40.9).

Шунингдек, Мунис муҳтож кишига бирор нарса инъом этиб, кетидан мақтаниб, миннат қилиб юрувчиларни нокас ва ахлоқсиз кишилар деб таърифлайди:

Фалонбек ким бировга қилди инъом,  
Балекин айлади изҳори миннат.  
Агар ул ёна беқлик этса даъво,  
Қилур узига улмас ишни туҳмат.  
Вагар бу нокас ул инъомин олса,  
Мунингдек нокаси дунга лаънат (40.251).

Мунис Хоразмийнинг жияни, атоқли олим, стук мураббий ва маърифатпарвар шоир Муҳаммад Ризо Отаҳий (1809-1874)нинг "Огоҳнома" қасидасида ҳам маънавий-ахлоқий

ғоялар кенг урин тутган. Муҳаммад Раҳимхон соний Феруз тахтга утирганида битилган бу қасидада ёш ҳукмдор қатъий амал қилиши лозим булган энг асосий маънавий-ахлоқий ун икки қоида қуйидагилар: ҳиммат, шижоат, адолат, сиёсат, жалолат (мардлик), гайрат, саховат, иффат, ҳилм (юмшоқ табиатлилик), ҳаё, ваъдага вафо айламаклик, футувват (жувонмардлик), соф ният, мурувват, ҳамият, шариат ҳукмига ривож бермоқ куфр дардига илож топмоқ, лутфу карам билан лашкар кунглини олмоқ Огаҳий таъкидлашича ана шу омиллар асосида давлат низом ва интизом топади:

Ки ҳиммат биридир, шижоат бири,  
Адолат биридир, сиёсат бири.  
Жаҳолат бири, бири гайратдур,  
Саховат бири, бири иффатдур.  
Бири хилм келди, бири ҳаё,  
Бири ваъдага айламаклик вафо.  
Футувват бири, соф ният бири,  
Мурувват бирию, ҳамият бири.  
Бири шаръу ҳукмига бермак ривож,  
Бири куфр дардига қилмоқ илож.  
Биридур вуқуф угрилар ҳолидан,  
Агар илкани кесмоқ эл молидин.  
Бири келди булмоқ раиятнавоз,  
Масокин мазлумга чорасиз.  
Бири тарбият бирла қилмоқ азим,  
Аларники, дур некоҳи қадим.  
Бириси сипоҳ кунглин олмоқдадур,  
Карам доми буйнига солмоқдадур.  
Булардан етар салтанатга низом,  
Буларсиз ул иш топмас асло тамом (269.40).

Шунингдек, Огаҳий давлат бошқарувида ана шу омиллар билан бирга маънавий-ахлоқий мезонларга зид давлатнинг инқирозига сабаб булувчи, фуқаролар тинчлигига путур етказувчи гафлат, сустлик, шариатни унутиш, халқ арзини тингламаслик, жаҳолат, шаҳватпарастлик, фисқу-фасод ва бидъатга йул бермоқ, жабру-зулмга мойил булмоқ, хасислик, бахиллик, лашкарни тушкун аҳволда қолдириш, айш-ишратга берилиш, кунгил очишга ружу қуйиш, давлат ва мамлакат аҳволидан беҳабарлик, азизларни халқ ичра хор ва безътибор этиш, безори, баттол одамларга мурувват курсатиш, уларни мансабларга кутариб қувватлантириш, хиёнаткор ҳасадгуйларга яқин

булиш сингари қусурлар давлат ва унинг ҳукмдори учун ўта зарарли ва хатарли эканлигини таъкидлайди:

Яна неча иш салтанатга завол,  
Еткурғуси, сургум алардин мақол.  
Ки, гафлат бирла келди, ширкат бири,  
Кафолат бири-ю, касолат бири.  
Бириси шариатдан этмак удул,  
Бири дод сурмоқдин улмоқ малул.  
Бири жаҳлсаҳбосидин мастлик,  
Бири дод шавҳатга побасталик.  
Бири фисқи бидъатга бермоқ ризо,  
Бири жавру зулм айламак иқтизо.  
Бири айлабон майли имсоқ мол,  
Сипоҳ аҳлини тутмоқ ошуфта ҳол.  
Бири келди идмон айшу тараб,  
Бири келди ийтони лаҳзи лааб.  
Бири мулкдин беҳабарлиқдурур,  
Ки, шоҳларга бу иш хатарлиқдурур.  
Бири иззат аҳлини хор айламак,  
Улус ичра ани безътиборга айламак.  
Бири қилмоқ авбошга тарбият,  
Бериб мансаб эмак анга тақвият.  
Бири Қурби ҳуссоди ғаммоз эрур,  
Ки, Қурби аларнинг зарарлар берер (269.41).

Оғаҳийнинг машҳур “Устина” радифли ғазалида ҳам адолат ғояси илгари сурилган. Яъни шоир шоҳга мурожаат қилиб айтадики, офтоб уз нурини вайрона ва обод масканларга тенг сочгани сингари, ҳукмдор ҳам раҳм-шафқат, ҳиммат-саховат қурсатганида барча инсонларга баробар муносабатда бўлиши керак. Чунки, тенглик ижтимоий адолатни таъминловчи муҳим омилдир:

Эй шоҳ, карамлар айлар чоги тенг тут ямону яхшини,  
Ким, меҳр нури тушар вайрону обод устина (261. 193).

Оғаҳий қуйидаги матлада мамлакат ва миллатнинг тинч-осойишталиги ва хавфсизлигидан огоҳ бўлган шоҳлар икки олам обруйини ҳосил этади, дейди:

Мулку миллатга эмин улса агар огоҳлар,  
Икки олам обруйин ҳосил эткай шоҳлар (269. 41).

Огаҳий сабоқ беришича, давлатнинг асосий устунлари, таянчлари хайрихоҳ-эзгулик истовчи кишилардан таркиб топмаса, бундай давлатнинг қасри мустаҳкам булмайди. Пастҳиммат, нодон, давлатни бошқариш фикҳ илмидан беҳабар кишилар ҳукмдорга мададкор булолмайди. Шоҳ уз атрофида фикҳ илмини давлат бошқариш сиёсатини яхши биладиган тажрибали ва донишманд кишиларни жипслаштирмоғи лозим:

Мулк умурининг низомин билгуси аҳли сипоҳ,  
Не билур ассорлар, атторлар, жулоҳлар (269.42).

Огаҳий фикҳ илмидан хабардор булган ҳукмдор мамлакат ҳаёти, фаолияти, низомини, “аҳли сипоҳ-давлат хизматчиларини яхши билади. Нодон ва худбин кишилар эл молини уз нафсларини қондириш мақсадида турли маиший зийнатларга сарфлашдан бошқа ишга ярамайдилар. Шоир шунинг учун ҳам шоҳнинг ўзи ҳушёр ва огоҳ маърифатпарвар экан, халқ тинч, мамлакат осойишта булади, деб давлат таянчи булган подшоҳни дуо қилади:

Огаҳий, қил шоҳи огоҳнинг дуойи давлатин,  
Ки, онга аркони давлатдур ҳама огоҳлар (269. 42).

Огаҳийнинг ушбу адолатли шоҳ ва давлатчилик тўғрисидаги гоёлари бугунги миллий давлатчилигимиз учун ҳам муҳимдир.

Дарҳақиқат, Огаҳийнинг ақлий ва ахлоқий тарбия ҳақидаги қарашлари ҳам ниҳоятда қимматлидир. Унинг фикрича, бола яхши хислатларни ақлий тарбия жараёнида эгаллайди:

Кичикликда адл айламак иртикоб,  
Бил осор иззу жалолатдурур (165.267).

Бола аста-секин улғая борган сари, сезги ва ақл-идрок орқали яхшилик ва ёмонлик тўғрисида тасаввурга эга була бошлайди у:

Бас кишиким, оқилу донодур,  
Фаҳм хирад бирла товонодурур.  
Ақл ила фаросатким инсон шарафи ондин,  
Шаънида онинг гуё бир ояти манзилдур (165.245).

Огаҳий ақл-идрокнинг куч-қудратига катта баҳо берар экан, ундан таълим-тарбия масалаларини ҳал этишда, шахснинг хулқи, ҳатти-ҳаракати ва ахлоқий хислатларини ёритишда кенг фойдаланади. Огаҳий фикрича, ақл-идрок ижтимоий ҳаётнинг бутун соҳаларида: хоҳ давлатни бошқаришда булсин, хоҳ илмни, ижобий хислатларни эгаллашда булсин фаол қатнашади:

Назора қилғоч они лол улуб ақл,  
Қилиб ҳайрат аро беҳол улуб ақл. ( 165.248).

Шунинг учун ҳам Огаҳий боланинг ақли ёшлиқда ута таъсирчан бўлиб, яхши фазилатни ҳам, ёмон одатни ҳам фарқига бормасдан қабул қилаверади, оқибатда эса боланинг ақлий ва ахлоқий тарбиясига жиддий путур етиши мумкин деб ота-оналарни ва тарбиячиларни огоҳлантиради:

Бад тийнат улус бум киби шумдурур,  
Тарбият анчаким етса мазмундурур.  
Ҳаққум ниҳоли ичса гар оби ҳаёт,  
Охири беражак меваси заққумдурур (165.245).

Демак, Огаҳий фикрича, боланинг яхши ва ёмон бўлиши ақлий ва ахлоқий тарбияга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бола ярамас одатларни касб қилмаслиги, яхши оила ва жамоада тарбияланиши, бадхулқ одамлардан ўзини тортиши, улар билан ҳамсуҳбат бўлмаслиги даркор. Бола ҳар куни ҳаётда зарур бўладиган ахлоқий хислатлар: хушмуомалалик, юриш-туриш қоидалари, саломлашиш, ота-онани ҳурмат қилиш, ёлғон гапиришга ўрганмасдан, доимо туғри ва рост гапиришни, ширинсуханликни пухта ўрганиши лозим. Бола катталар олдида ўзини камтар тутиши, сергап ва маҳмадона бўлмаслиги, гапиришдан олдин пухта уйлаб олиши лозим. Куп ва меъъридан ортиқча сузлашни у кишининг катта нуқсони деб ҳисоблайди:

Сузига боқ агар билмак тиларсан кимса аҳволин,  
Ки, асрори ниҳони суратига келди мазҳар суз (165.245).

Огаҳий ота-онанинг бола тарбиясидаги, унинг ақл-идрокини шакллантиришдаги ролини алоҳида таъкидлайди.

Мутафаккир фикрича, боланинг ақлий ва ахлоқий тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг иштирок этиши, иккови барабар ота-оналик бурчи ва масъулиятини бажариши лозим. Ота боланинг гузал ахлоқий хислатларни эгаллашига, севган касбини пухта урганиб олишига ёрдам кўрсатиши, камолотга етишини, илм-фан, касб-хунар эгаллаши учун моддий ва маънавий заминни ҳозирлаши керак. Огаҳий отанинг бола тарбиясидаги ролига катта баҳо берса ҳам, барибир, тарбия масаласида асосий машаққат ва қийинчилик онанинг зиммасига тушади, деб ҳисоблайди. Чунки она боланинг яшашига сабаб бўладиган биринчи қувватни ўз баданидан беради, узоқ вақт эҳтиётлик билан асрайди, бола тарбияси билан шуғулланади ва узининг чексиз меҳр-муҳаббатини болага фидо қилади:

Ғар бу гулшанда ано булса гулу сарв ато,  
Сан киби туғмагуси сарв гуландом уғул (165.246).

Демак, ота-она болага биринчи навбатда анъанавий тарбия қоидаларини сингдиришга, саломлашиш, юриш-туриш, ейиш-ичиш қоидаларига, ўз қилмиши учун масъулият сезиш, ёмон қилиқлари учун уялишга ургатиши ва кўниктириши лозим. Шундай қилиб, Огаҳий болалар тарбиясида ота-оналарнинг ўз фарзандларига ибрат бўлишини алоҳида таъкидлайди:

Ибрат улғай ҳоли одам аҳлига  
Демайн одамки, олам аҳлига (165.246),

Огаҳий ота-она билан устоз(муаллим)тарбиясини бири-бирига таққослар экан, устознинг укувчиларни тарбиялаш усули ота-она тарбиясидан юқорироқ деган педагогик хулосага келади:

Қилиб устодлар олдида хизмат,  
Аен айлаб чоқиндек расми суръат.  
Неча устодлар ҳал айлабон олтун,  
Хамул ишда даранг этмай тун кун (165.246).

Огаҳий устоз тарбиясини кўрмаган, нодон киши қанчалик баланд мартабаларга эришмасин, барибир, у пасткашлигича қолаверади, деб уқтиради:

Қилмоқ била парвариш тикан гул булмас,  
Ҳам тарбия ила зог Булбул булмас.  
Гар асли ёмонга яхшилик минг қилсанг,  
Яхшилик онинг нияти билкул булмас (165.277).

Огаҳий дустлик ва меҳмондустликни инсоннинг энг гузал фазилатларидан бири деб ҳисоблайди. Шоирнинг таъкидлашича, оилада меҳмонга чуқур ҳурмат билан қараш, меҳмон кутиш, кузатиш одобини болаларда ёшлиқдан шакллантириш зарур:

Агар меҳмон санга булса муяссар,  
Анго жонинг уйин жой эт муқаррар.  
Чу меҳмон дустингдур хоҳ душман,  
Очиқ юзликнию иззатини қил фан (165.271).

Огаҳийнинг ахлоқий қарашларида қаноат, саҳийлик, қарам, ҳиммат каби гоғлар юқори баҳоланади, ҳасислик ва очқузлик, таъмағирлик қабиҳ, иллат сифатида қораланади. Шоир бундай ҳулқли кишиларни разил шахслар деб таърифлайди:

Бори олам элининг бадбахти ул одамдур:  
Ки бухлу ҳиссату кибру ҳасад ондин булур воқеъ.  
Агар жамъ айласа юз чанд ҳиссат бирла қорундек,  
Яна эл молини уйлар тамаъ булмай анча қанъе.  
Узи худ бермағай умрида бир муҳтожга бир нон,  
Берур элга доғи булғай камоли саъй ила манеъ (165.215).

Огаҳийнинг тарбия таълимотида ёшларнинг ақлий ва ахлоқий тарбияси нафосат ва жисмоний тарбияси билан уйғунлаштирилганлигини қурамуз. Мураббий шоирнинг фикрича, ҳофизнинг қуй ва қушиги “Фасоҳат ва нафосат” билан ёшларнинг ақл-идроқини равшан қилмоғи даркор:

Ким санъати беназир тушғай,  
Ақл аҳлига дилназар тушғай.  
Агар қилса ҳар ким томошасини,  
Йуқ этгуси жаннат таманносини (165.237).

Огаҳий найнинг узига хос тембр - акустик хусусиятини, ноғора-ю, доиранинг “фарёд” қилиб наво қилишини, сурна-ю, қарнайнинг оламини тутувчи садосини, ғижжакнинг мунгли

ноласи-ю, **танбурнинг** шух навосини инсонга берадиган маънавий-руҳий озигини ва ёшларга ҳис-ҳаяжон бағишловчи кучнинг нафосат тарбиясидаги аҳамиятини шундай тасвирлайди:

Кишиким кунглини ҳоли тутар нечукким най,  
Наво отар базм ичида пайдар-пай.  
Бирисининг илкида нагора,  
Юз нағмалар айлаб ошкора.  
Илкига бириси олибон даф,  
Фарёд наво қилур урул каф.  
Кукка чиқибон фиғони сурнай,  
Оламни тутуб садойи карнай.  
Гижжак қилибон фиғону нола,  
Хол аҳлини солди узга ҳола.  
Танбур этибон неча наволар,  
Ҳар кимга солиб туман ҳаволар (255.238).

Огаҳий халқ уйинларининг ақлий, ахлоқий, нафосат ва жисмоний тарбияга боғлиқ томонларига тўхталаркан, уйин жараёнида болаларнинг феъл-атворини ва хулқини тезроқ билиб олиш, уларнинг ижобий ва салбий ахлоқий хислатларини осонроқ аниқлаш, бемаъни хулқларини бартараф этиш мумкин деган хулосага келади. Чунончи, у кураш билан мунгазам шуғулланиш болаларни мустаҳкам интизомга одатлантиради, уларда уз малака ва кучига ишонч ҳосил қилишни тарбиялаш билан бирга, уларнинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етишини таъминлайди, дейди:

Бири бирига зур изҳор айлаб,  
Йиқорга не амалким бор айлаб.  
Солиб ҳубо қули бири дамодам,  
Даров бириси олиб чуст маҳкам.  
Мадад чун бирига толеъ атурди,  
Куториб бирни ондоқ ерга урди (255. 251).

Огаҳий дор уйини болаларни мувозанатни сақлашга, қузланган мақсадга эришиш учун ақл-фаросат ва зийраклик билан ҳаракат қилишга ургатади, дейди:

Келмишлар эди бир-икки моҳир,  
Дор узра уюн қилурга зоҳир.  
Гаҳ дор уза булубон сабукхиз,  
Гаҳ сим уза юргуси тез (255. 252).

Огаҳий ёғоч ҳуққа уйини болаларда тиришқоқлик ва чидамлилиқ, сабр-тоқатлилиқ фазилатларини шакллантиради, дейди:

Гоҳи оёгига ҳуққа боғлаб,  
Сим узра юруб узини чоғлаб... (255. 252).

Огаҳийнинг таъкидлашича, болага ёшлигидан отда елиш кўникмаси ҳосил қилинса, унинг ҳулқ-атворида узгариш булиб, болада кўрқув ҳисси барҳам топади, шижоат, жасорат хислатлари шаклланади:

Булуб, отлар онингдек тез равлик,  
Ки, сарсар ила қилмай карам рулик (255.253).

Огаҳий, сўз, кўшиқли уйинлар эса болаларнинг ақл-фаросатини ва нутқини устириш билан бирга, уларни бадиҳа-гўйлик ва сўзга чечанликка, катта кишилар билан мулоқотга, покизаликка ва мустақилликка ургатади, дейди:

Суздир бу жаҳон аҳли аро қулзуми жарф,  
Покиза маони ангодир дурри шигарф.  
Бу баҳр топар кунгул аро гунжойиш,  
Лекин анго ҳар кунгул була олмас зарф (255.253).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, XVII-XIX асрларда яшаб ижод этган Хоразм мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий қарашларида халқпарварлик, мардлик, камтарлик, адолатпарварлик, ҳақгўйлик, ширинсуханлик, хушмуомалалик, саломлашиш одоби, ота-онани ҳурматлаш, илму-маърифат, касб-ҳунар эгаллаш, дўстлик, меҳмондўстлик одоби, сахийлик, қаноатлилиқ, карамлилиқ, ҳимматлилиқ, меҳнатсеварлик, жувонмардлик, жисмоний ва нафосат тарбияси сингари шарқона миллий қадриятлар устуворлик қилганлигини алоҳида таъкидлашимиз мақсадга мувофиқдир.

## **2-§. Хоразм мутафаккирлари қарашларида маърифий-дидактик масалалар талқини**

Ўз даврининг йирик мутафаккирлари Муҳаммаднийёз Нишотий, Роқим, Мунис Хоразмий, Огаҳийларнинг

маърифий-дидактик қарашларида билимни эгаллаш инсон учун маънавий камолотга ва бахт-саодатга эришиш воситаси деб ҳисоблайдилар.

Ўз даврининг улкан алломаси Муҳаммаднийез Нишотий “Хусну Дил” дostonида илмга интилиш инсон руҳининг комил бўлиш воситаси деб таърифлайди:

Айладилар неки эди тарбият,  
Ул доғи юз анча топиб, тақвият.  
Гулшани маъни аро ул сарвиноз,  
Булди чу тавобий сарфароз.  
Мушқули илм олдида осон онинг,  
Таъби бўлуб шамъи шабистан онинг. (42.35).

Илм ва маърифатнинг толмас тарғиботчиларидан булган мураббий Роқимнинг фикрича, мактаб ўқувчиларни камолотга етказишнинг энг муҳим воситаси бўлиб, ёш авлоднинг билиш қобилиятини устиришга, билимга булган иштиёқини кучайтиришга хизмат қилади:

Бориб мактабга касб айлаб камолот,  
Чиқориб ҳар бири хату саводин.  
Булуб манзил аларга маъдани илм,  
Қилиб дарс ибтидосин азқиёдин (179.38).

Роқим Шарқнинг қул илгор мутафаккирлари каби устоз ва шогирдларнинг узаро муносабатларига тўхталаркан, кимки устозга ихлос қўйиб, уни ҳурмат-иззат қилса, албатта, у уз мақсадига эришади, агар устозини таҳқир этса, у хору-зор бўлади, деган хулосага келади:

Кимки устодига ихлос ила иззат қилса,  
Ҳақ анинг манзилини жаннати ризвон айлар.  
Жаҳддин илм ила устодини таҳқир этса,  
Дузах утида тану жонини бирён айлар (179.38).

Мураббий шоир устознинг қадр-қимматини юксак баҳоларкан, ёшларни уз устозларидан илм сирларини қунт билан урганишга чорлайди:

Пок этиб қалбларни берибон,  
Ҳомийи ҳолларни Аҳмади мухтор айла.  
Қалъаи илмни фатҳ этмак учун зиҳинларин.

Зулфқори дудами ҳайдари қарор айла.  
Ҳар замон етқурубон файзи футҳи оламиндин,  
Илм ошколидин онларни хабардор айла.  
Илми мантиқдан алар кунглини этиб моло мол,  
Бордан фикҳ зарафини сардор айла.  
Шафқату марҳамату лутфинг этиб арзона,  
Донишу фаҳму-фаросатга сазовар айла (179.61).

Роқим ёшларни ҳар бир мушкул ишни ҳал эта оладиган қобилиятга эга булиш учун илм-ҳикмат йулидан боришга ва устозу донишмандлар суҳбатидан баҳраманд булишга даъват этади:

Ато қилса сизларга илму амал,  
Кутарманг уқимоқдин албатта бош.  
Қилиб гайрату нангу номусу ор,  
Отинг илм тадсини ихтиёр...  
Қилиб сайр, кезмак ҳавас айламанг.  
Замони уқумоқни бас айламанг.  
Узингизга роҳатни айлаб ҳаром,  
Булунглар риёзат била суҳу шом (179.58).

Шоир ёшларга талабалик даврида фақат ширин ошу овқат ейишни хаёлларига келтирмасдан, балки борига қаноат қилиб, муттасил дарс (сабоқ) тайёрлаш зарурлигини уқтиради:

Куруб меванинг хом ила пишмишин,  
Ҳавас айламанг пистау кишмишин.  
Деманг ейирга ҳалвотар яхшироқ,  
Қаноат қилинг, тобсангиз нони қоқ.  
Билиб дарсингиз айлаб азбар уқунг,  
Уқунглар, уқунглар, уқунглар, уқунг.  
Ҳавоу-ҳавасларни айлаб раҳо,  
Сабоқларни такрор этинг барҳо (179.59).

Куринадики, “уқиш, уқиш ва яна уқиш” деган шиорни Роқим бундан қарийб икки аср олдин уртага ташлаган.

Роқимнинг фикрича, таълимнинг энг муҳим воситаси-олган билимларни қайта-қайта такрорлашдир:

Масалдур, сабоқ бир агар булса ҳарф,  
Уқумоқ керак они ҳар кунди алф.  
Келинг барҳо сазй бирла жадал.  
Ғанимат маҳалдур, ғанимат маҳал,  
Хаёл айламанглар, уқунг муттасил (179.59).

Роқим ёшлар учун китоб мутолаасининг маърифий-тарбиявий томонига ҳам алоҳида аҳамият беради :

Китобат дил очар ҳамсуҳбат эмиш,  
Улуғлар бу сузни на яхши демиш (179.111).

Мунис Хоразмий ҳам шу фикрни ривожлантириб, ёшларни “аҳли дониш”лардан илм урганишга ва китобхонлик қилишга, жаҳолат зулми ва нодонликдан қутулишга даъват этади:

Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базми китоб,  
Жамъи нодонлар била изҳори улфат илмангиз (40.221)

Илмга интилишда’ энг муҳим фурсат “фасли шаббоб”, яъни ёшлик давридирким, шоир илм урганишда бу ганимат фурсатни қўлдан бой бермасликни уқтиради:

Камол касбида Мунис шитоб қилки эрур,  
Ҳаёт фурсатиким бедаранг фасли шаббоб (152.235).

Мунис насл-насаб билан гурурланиб, илм эгаллашга беписандлик билан қараш ақлсизлик дейди ва ёшларни астойдил илму-маърифат ҳосил қилишга ундайди:

Насабдан суд йуқ, суд истасанг, қил маърифат ҳосил,  
Дема зинҳор Муниским, фалон угли фалондурман (152.182).

Мунис уз даврининг етук мураббийси сифатида болаларнинг саводхонлигини, ҳуснихатини яхшилаш йулида кўп изланиди ва ёшларга ҳуснихатдан таълим беради: “билганча суруб қаламни ҳар ён, таълим ишин айлар эрдим осон” (152.68).

Муниснинг “Саводи таълим” асари ана шу тарзда 1804 йил 6 декабрда вужудга келди. Бу асар ҳуснихатга оид булсада, унда Муниснинг уз муаллими Ибн Ҳожиб ҳақида, ёзувнинг маданият тараққиётидаги роли, хусусан, ҳуснихат таълими ва умуман, дидактик таълим тўғрисида қимматли фикрлар мавжуд. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу мавзуга бағишланган форсча рисола Хужа Мирали Табризий томонидан ҳам ёзилган эди. Хужа Мирали Табризийнинг ҳуснихат таълими ҳақидаги назарий рисоласида фақат ҳарфларнинг улчовигина баён қилинган ва у Тошкент, Қозон ва бошқа

шаҳарларда тез-тез нашр қилиниб турган “Муфрадот”ларда бериб борилган. Мунис “Саводи таълим” рисоласини ёзишдан мақсадини шундай изоҳлайди:

То илгима тушти бир рисола,  
Хат қондасига ойига ҳода.  
Ҳиммат камарин белимга боғлаб,  
Назм айлагали узумни чоғлаб,  
Бердим қаламим отига маҳмиз,  
Майдони варақ уза суруб тез (152.533).

Эҳтимол, Мунис бунда Хужа Мирали Табризийнинг рисоласини кўзда тутган бўлса керак. Ҳеч шубҳасиз, Мунис Мирали Табризий, Мирали Ҳиротий ва бошқа устод котибларнинг ҳуснихат таълимига оид иши билан яхши таниш булган.

Мунис “Саводи таълим”нинг муқаддимасида ҳуснихат ургатган муаллимнинг фазилатлари ҳақида меҳр билан сузлайди. Ўз устози ибн Ҳожибни етук олим ва мураббий сифатида тавсифлайди:

Ҳар илмда жамоиул-фазойил,  
Ҳар ҳукмда воқафул -масойил.  
Илм ичра адили Ибн Ҳожиб,  
Илм аҳлига эҳтироми вожиб.  
Хаттидин улуб ҳужаста таълим,  
Таълим фани хатиға таслим (152.332).

Муниснинг “Саводи таълим” рисоласи назарий маълумотлар ва машқларни ўз ичига олиб, икки қисмдан таркиб топгандир. У “Саводи таълим”нинг назарий қисмида ўзигача мавжуд булган болаларга хат-савод ургатувчи рисолаларнинг барча нуқсонларини очиб ташлайди ва эски рисола билан ўзи яратаётган рисола билан бир-бирига таққослаб, эски рисола билан ўша кунги талабларга жавоб беролмаслигини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берди. Мунис ҳарфлар улчовини белгилар экан, аввалги савод таълимидаги ҳарфлар ясаилишини рад этди. Масалан, у “то”, “ро”, “ре”, “бо”, “сод” ҳарфларининг ясаилиши ҳақида гапириб келиб, бу тўғрида турли-туман фикрлар мавжудлигини ва устозларнинг бу тўғрида алоҳида фикри борлигини қайд қилади, улар билан мувоҳазага киришиб, ўз мулоҳазаларини баён этади:

“То” зикрида деди баъзи устоз,  
Зебо алифи-ю, аввали “сод”.  
Бу нуқтага мен қилурман инкор,  
“Сод”ости эрур сатбар бисер,  
Таълим будур, қилурман имо,  
“Ро”фавқида тутса ер нигун “ро”.  
Тутса “алиф”устиди нишиман,  
Минган кишидек саманди тавсан.  
Бир нуқта “алиф”нинг иттисоли,  
То “ре”сунгиким бор эрди ҳоли (152.338).

Мунис “Саводи таълим”нинг иккинчи қисмида араб алифбосидаги ҳар бир ҳарфнинг ёзилиш услубини дидактик нуқтаи назардан содда қилиб тушунтиришга ҳаракат қилади:

“Ро”қомати икки нуқтаи, аммо,  
Боши бийик уйлаким “зо”.  
“Зо” уч нуқтау лок саркаш,  
қилса булур они қушга ухшаш.  
“қоф”аввали “фо” бошига монанд,  
“Нун”ҳалқасига валек пайванд.  
“Вов”аввали “во”бошига монанд,  
Бир нуқтани “ҳо”га айла афсар.  
“Ло” аввали бир “алиф” таҳи “ро”,  
Сунгра яна бир “алиф”қил иншо.  
“Ло” уч “алиф” қатору мулсаҳ,  
“Ё” бошидур уч нуқта муайян.  
Ҳар ҳарфким мунда булмади зикр,  
Таълимини қил назаридин фикр (152.339).

Хуллас, Мунис “Саводи таълим” асаридан илм толиблари ва муаллимлар баҳраманд бўлишларини орзу қилган эди. Унинг бу рисоласи ўз даврида қандай назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳам узининг илмий-педагогик қимматини сақлаб қолган.

Огаҳий илмга интилиш ва таълим-тарбиянинг жамият тараққиётидаги ролини яхши тушунган ҳолда ёшларни дунёвий ва диний илмларни эгаллашга чақиради:

Қилғали илми камолу ҳикмат ашколини ҳал,  
Ҳаддан афзунроқ берибдур Тангри истеъдод анга.  
Насб этарга ҳайман илм андоқ этти жидди жаҳд,  
Ким, мадад еткурдилар ақтоб ила автод анга (255.248).

Огаҳий ёшларнинг илмга интилишини энг юксак ахлоқий фазилат деб ҳисоблайди: “Насби илм этса нетонг афтол устод олдида”.

Огаҳий ёшларни дунёвий илмларни эгаллашга чақирар экан, нодонлик ва жоҳилликнинг асосий сабаби билимсизликдир дейди:

Етушмай илму дониш соғардин қатрос дурда,  
Бу маҳфил ичра ман мақсад хумори бирла пажмурда.  
Неча умр улдимки, бу ҳол ила ман зору озурда,  
Жаҳолат шомии гафлат уйқусидин булдим афсурда (320.248).

Огаҳий билимсизлик, жаҳолат ва нодонликни қаттиқ қоралар экан, илм-маърифатнинг кишиларга зиё, рушнолик келтиришини, ярамас, разил хатти-ҳаракатлардан сақлашини алоҳида таъкидлайди:

Илм андоқ ганжи нофиъдур бани одамгаким,  
Кимда ул булса, икки олам булур обод анго (255.249).

Огаҳийнинг уқтиришича, илмли киши баркамол ва ақл-идрокли инсон, илмсиз киши эса мисли ҳайвондир, унинг хатти-ҳаракатида разиллик ва жаҳолат мужассамдир:

Одамдир илму дониш бирла одам, йуқ эса,  
Жумлаи ҳайвонгадур, яксон қаду рухсору лаб (255.249).

Огаҳий киши илм эгаллаши учун аввало пок булиши керак дейди:

Булуб ҳар ҳужраси ганжинаи илм,  
Мусаффолик била ойинаи илм (255.249).

Огаҳий ёшларга: агар илм урганишни истасанг, унинг эрта-кечи йуқ, деб маслаҳат беради ва узи қариган чогида ҳам илмсевар булганлигини айтади:

Эй келди фунуну илм таслим санга,  
Қилмоқ манго лозим улди таълим санга.  
Гарчи йуқ эди қувват аёқимда, вале,  
Келдим бош ила олголи таълим санга (255.249).

Огаҳийнинг тарбия таълимотида дарс жараёнида устоз болани зериктирмаслиги у ўз фаолиятида “устоди ҳунар шиори комил”га қатъий амал қилмоғи лозимлиги алоҳида таъкидланади. Ҳақиқатан ҳам, билим олишда ҳечам юзакичиликка йул қўйиб булмайди, фақат қунт ва ихлос керак, дейди:

Эй кунгул, гар хуррам ўлмоқ истасанг бул хоксор,  
Ким, кукармак мумкин эрмас ерга тушмай донадин.  
Оқил эрсанг, нақди умринг қилмоғил беҳуда сарф,  
Ким, бу иш эрмас муносиб ҳеч бир фарзонадин (255.247).

Таълим-тарбия бирлигини эътироф этган Огаҳий, болаликдан ярқираб кўринган ноёб қобилиятлар ва қизиқишлар ёш улғайган сайин сўниши мумкин, деган хулосага келади ва болаларни ёшликнинг қадрига етишга, ўз қобилиятини, малака ва кўникмасини, билим доирасини ривожлантиришга чақиради:

Воқиф ул уткурмагил беҳуда умрингниким, онинг,  
Бир кунига булмоғой дунё вамофиҳо эваз (255.247).

Огаҳийнинг табиат қўнига сайр қилишдан мақсад эгалланган билимларни тажрибада кўриш, ёхуд болаларда кузатиш маданиятини ва табиатга меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириш, яъни экологик тарбия тўғрисидаги гоёлари шубҳасиз дидактик таълимотга қўшилган қимматли ҳиссадир:

Сайр улуб мужиби нишоти онинг,  
Ортгой ҳар дам инбисоти онинг.  
Зойл улуб кудрати қатъо,  
Етгуси кўнгил кузгусига жило (255.253)

Огаҳийнинг маърифий-дидактик қарашларидаги асосий хусусиятлардан яна бири илмни булгандан сўнг узини бошқалардан устун қўймасликка даъват қилишдир:

Илм ичра камолоти ул ҳадга етубдурким,  
Сўз ақидаси фикрининг тирноғи била ҳалдур (255.249).

Шунингдек, Огаҳийнинг фикрича, ҳар бир киши илмни эгаллаганидан сўнг ҳаётда қўллай билиши керак, ана шундагина илмнинг жамиятга нафи тегиши мумкин. У ўз илмини

амалиётда қўллай оладиган кишиларни “Бу даврон ичра бордур ҳар кишиким оқилу фозил”, дея доно ва ақл-идрокли кишилар сирасига киритади:

Илми ҳикматда утуб ҳаддин камоли донишинг,  
Юз фалотун ажз ила олингда мулзам булди тут,  
Киши гар дониш ичра турт дафтарга эрур хоно,  
Агар ёлғиз эса нодонга қадри булмоғой жоно (255.249).

Демак, Оғаҳий илму - маърифатни пухта эгаллаш инсон камолотининг муҳим омили эканлигига эътибор бериш билан бирга, илм жамият ва халқ фаровонлигини таъминловчи маънавий тарбия воситаси эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Гуе илми ладуннидин топибдур баҳраким,  
Ҳар каломи рамзидин ҳайратдадур устод анго.  
Илм ила, ё раб қил онинг рутбасин андоқ баланд,  
Ким, бори олимлар улсун тобиёу минқод, анго (255.250).

Мутафаккирларнинг қарашларидаги маърифий-дидактик масалалар талқинини умумлаштириб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, мутафаккирлар Хоразмда феодал-хонлик тузуми шароитида жаҳолат, нодонлик ва саводсизликка илм-маърифатни қарама-қарши қўйдилар. Шу билан бирга улар илм-маърифатни бутун борлиқни ва ҳақиқатни билишнинг, инсон маънавий-ахлоқий камолотининг ҳамда жаҳолат ва нодонликдан қутулишнинг энг қулай воситаси деб ҳисобладилар;

иккинчидан, мутафаккирлар ўз асарларида илм-маърифатли баркамол инсонни тарбиялаш жамият тараққиети учун муҳим аҳамият касб этишини тинмай ўз асарларида тарғиб-ташвиқот этдилар. Шунинг учун ҳам улар ёшларни тез фикрлаш, чиройли сўзлаш, китоб мутолааси, мушоҳада кучини таркиб топтириш билан боғлиқ дунёвий илмларни эгаллаш куникма ва малакалари билан қуроллантириш зарурлигига асосий эътиборни қаратдилар;

учинчидан, мутафаккирлар, ёшларни замонавий билимлар билан қуроллантириш, маърифатли қилиш, дунёқарашини шакллантириш ва мустақамлашда таълим-тарбиянинг

узвийлиги, ишонтириш, намуна, рағбатлантириш, огоҳлантириш, панд-насихат сингари усул ва услублари катта урин тутишини мураббийларга қайта-қайта уқтирдилар.

### 3-§. Хоразм мутафаккирлари таълимотида инсон камолотида меҳнат тарбияси ва касб-хунар таълими

Маълумки, асрлар давомида инсон ва жамиятнинг яшаши, барқарорлиги учун меҳнат қилиш, касб-хунар эгаллаш шахс камолотининг меъёри бўлди. Бу хилдаги қарашлар Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Нишотий, Роқим, Мунис, Огаҳий каби мутафаккирларнинг асарларида уз ифодасини топди ва янада ривожлантирилди.

Ҳайдар Хоразмий ‘Гулшан ул-асрор’ дostonидаги “Савдогар ва буз туқувчи кампир” ҳикоятида касб-хунар эгаллашни инсоннинг энг яхши фазилати деб, уни бойликка ҳирс қўйиш ва таъмагирликка қарама-қарши қўяди: “Бир бева кампир, очликдан зор қақшаб ётган болаларининг огзига бир бурда нон топиб бериш қайғусида икки ҳафта тинимсиз меҳнат сарф этиб, бир кийимлик буз туқийди-да, растага-савдогар дуконига олиб келади. Савдогар кампирнинг бузини қўпол, дағал туқилган, кийимга яроқсиз, деб ерга уради ва арзимаган пулга сотиб олади. Орадан кўп утмай шу савдогарнинг дуконига бир харидор яхши буз сураб келади. Ниҳоят, савдогар кампирнинг туқиган бузини харидорга жуда қиммат баҳо билан сотади...”

Куринадики, Ҳайдар Хоразмий бу ҳикоятни ибрат воситаси сифатида келтириб, ёшларни бировнинг меҳнатини қадрлашга чақиради ва касб-хунар эгаллашда ҳар қандай ноурин хатти-ҳаракатлардан ва бойликка интилишдан холи бўлишга, нопокликка берилмасликка даъват этади. Унингча, меҳнат қилмай нопоклик ниятида бўлиш ва бойликка интилиш инсон учун гоъта зарарлидир:

Хор қилур мардни бугўзинг гами,  
Шум бугўзин бутса узар одами.  
Кимки нечук йиғди онинг тек қуяр,  
Ортик усурган қусар, итлар туяр (217.257).

Ҳайдар Хоразмийнинг таъкидлашича, инсон узининг ҳалол маҳнати, жамият ва узга кишиларга ёрдам бериши ҳамда мардлиги билан қадрланади:

Эр назаридан очилур эр киши,  
Эр нафаси бирла юрур эр сузи.  
Садр эсанг мардлик юрагин ушлагин,  
Утган мардларнинг ишин ишлагин (217.189).

Ҳайдар Хоразмий боланинг айниқса, уғил боланинг саломатлиги, жисмоний бақувват бўлиши ва чиниқишида меҳнат муҳим омил эканлигини таъкидлар экан, меҳнат тарбиясида бу тушунчаларни болалар онгига сингдириш орқали иш қурилиши лозимлигини алоҳида уқтиради:

Эр керак эмган била топса ҳузур,  
Эр киши эмгакта тетикроқ булур (217.190).

Ҳайдар Хоразмийнинг меҳнат тарбияси ва касб-ҳунар соҳасида айтган қимматли фикрларидан яна бири шуки, у деҳқончилик касбини улуглашда салафлари Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Жалолоддин Давонийлар сингари йул тутади. У болаларда деҳқончилик касбига муҳаббат туйғусини ўстириш ғоясини илгари суради:

Тукмаса деҳқон арақи пой, бил,  
Емишининг фойдасин топмас эл.  
Тарбияту саъй қилур богбон,  
Тоза булур, мева берур бустон (217.190).

Ҳайдар Хоразмийнинг меҳнат жараёнида болаларнинг нафосат ҳақидаги тушунчаларини, дид ва қарашларини ривожлантириш тарбиявий ишнинг муҳим томони бўлиши керак, дейди:

Топти кунгул кулбаси нуру сафо,  
Берди ҳунар тахтина нашъу намо (217.244).

Ҳофиз Хоразмийнинг фикрича, инсоннинг қадр - қиммати меҳнат қилишида ва касб-ҳунар эгаллашидадир. У ҳунарсиз кишиларнинг ҳаёти маъносиздир дейди:

Киргали Ҳофиз майдони маоний ичра,  
Беҳунарларга бу маъно била майдон бермас (255.198).

Муҳаммадниёз Нишотий ёшларни чидам ва сабр билан  
ижодий меҳнат қилиш куникмасини эгаллашга даъват этаркан,  
меҳнат ёшларни баркамол инсон ва жисмонан бақувват қилиб  
тарбияловчи восита эканлигини таъкидлайди:

Зулмат аро чекмаса захри мамот,  
Топмогуси ул киши оби ҳаёт.  
Меҳнат аро булмаса кимга қарор,  
Давлат ичра бермагуси эътибор (255.222).

Шуни айтиш керакки, Нишотий жамиятнинг  
тараққиёти учун меҳнат қилишни ва касб-ҳунар эгаллашни  
энг зарур омил деб тушунди ва бу эса мамлакатнинг  
ободончилигига, ёш авлоднинг камолотига олиб келади, деган  
катъий хулосага келади:

Эй нахуш ул субҳи саодат насим,  
Нақҳат анга бор эса давлат шамим.  
Баҳравар андин булибон бог-роғ,  
Даҳр элига булса муаттар димоғ.  
Қилса жаҳон саҳнини гулзорваш,  
Қолмаса ул гулшан аро хору хас (40.184).

Нишотий ҳам Алишер Навоийнинг одил, инсонпарвар  
ва маърифатпарвар подшоҳлар ҳақидаги фикрларини давом  
эттирган ҳолда маърифатпарвар подшоҳларнинг тимсолларини  
тасвирлайди. “Ҳусну Дил” достонидаги Фуод тимсолида эл-  
юрт ободончилиги учун ғамхўрлик қиладиган, касб-ҳунар  
аҳлининг меҳнатини қадрлайдиган инсонпарвар ва маърифат-  
парвар подшоҳни орзу қилади:

Аҳли ҳунар қадрини қилди баланд,  
Этти ижод аҳлини хору нажанд...(40.190).

Улуғ мураббий Роқим ёшларга билим олиш билан бирга  
меҳнат, касб-ҳунарнинг ҳам инсон учун қай даражада афзал-  
лигини уқтиради;

Топмасун қадрлари аҳли жаҳон ичра касод,  
Кунда хизматларига элни харидор айла.

Кутариб жаҳл губорини олар кунглидин,  
Илм нуридин они ойна кирдор айла (179.225).

Роқим ҳеч қачон таъмага берилмаслик, ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечириш қай даражада улуглигини таъкидлаб, таъма ва очкузлик, ҳасислик инсонийлик заволи, дейди:

Роқимо, хизмат эту қилма таъма бир ҳора пул,  
Қонъ улсанг сенга ҳақ неъматни арзон айлар.  
Емай-ичмай букун жамъ қилдинг сийму зар нақдин,  
Булур гурингда тонгла муру мор оҳиста-оҳиста (179.225).

Шунингдек, Роқим ҳалол меҳнат ва касб-ҳунар эгаллашни олқишлар экан, аввало мамлакатни бошқарувчи ҳукмдорлар халққа ситам қилмасдан, балки меҳнат аҳлининг қадр-қимматини жойига қуйиши зарур, дейди:

Одам эрсанг бил узингдан илгари ҳар кимсани,  
Бул мулоим кўп гурур этма қилиб бизга ситам (179. 225).

Демак, Роқимнинг маърифий-педагогик қарашлари марказида инсоннинг яратувчилик меҳнати ва шахс маънавий-жисмоний камолоти туради. Шу боис ҳам у давлатнинг ҳар бир фуқароси жамият учун фойда келтирувчи бирон иш билан шугулланиши керак, дейди. Инсонни у фақат ўз манфаати учунгина эмас, балки халқ ва умумжамият манфаатлари учун фойдали меҳнат қилгандагина баркамол инсон дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам Роқим ёшларни ҳаёт мазмуни еб-ичиш ва ухлаш деб ўз вақтини ўйин-кулги билан ўтказадиган, бир касб-ҳунарнинг бошини ушламаган, иш ёқмас, дангаса, ялқовлар билан ҳечам ошна бўлмасликка даъват этади:

Оқил эрсанг даҳр золи бирла булма ошно,  
Ошно булсанг қилур юз минг балога мубғало (179. 226).

Қуриниб турибдики, Роқим меҳнатнинг ижтимоий аҳамияти ва касб-ҳунарни фақат фойдали бўлгани учун эмас, балки ҳаётий зарурият ҳамда инсон хулқини узгартирадиган тарбия воситаси бўлганлиги учун ҳам биринчи уринга қўяди.

Мунис Хоразмийнинг асарларида меҳнат билан тирикчилик қилувчи касб-ҳунар аҳли улугланиб, уларнинг ҳақ-хуқуқи, орзу-умидлари ифодаланганлиги билан диққатга сазо-

вордир. У меҳнаткаш халққа хос булган самимийлик, пок виждонлилик, меҳнатсеварлик каби гояларни илгари суради. Шоир камбағал халқнинг ҳалол меҳнат билан миннатсиз топган “нони жавини “(арпа нони) ва “ёвгон умочи “шоҳнинг “олтин тавоқдаги палови”дан куп марта яхшироқ деб қаноатли булишни энг муҳим инсоний фазилат сифатида тараннум этади:

Нони жавини фақр элига хуштуруп баса,  
Шаҳ суфраи наволида кандил қуложидин.  
Хуш туруп хони қаноат аро евгон умоч,  
Булмаса булмасун олтин табақу анда палов (40. 234).

Шу билан бирга Мунис меҳнат орқали тирикчилик кўрувчи кишиларни ўзи яратган нозу неъматлардан баҳраманд булишга даъват этиб, касб-ҳунар эгаллаш ва ҳалол меҳнат қилишни узига ор деб билувчи ёмон хулқли кишилардан йироқ туришга панд-насиҳатлар беради:

Бу даврон ичрадур баским ҳунар-айб,  
Ҳунар аҳли киби йуқ элда маъюб.  
Нола Булбуллар чекиб кўрмай ҳунардин нафълар,  
Беҳунарликдин топиб тожи зумуррад сожлар.  
Замона аҳлига изҳори фазл қилма абас,  
Аларга айби ҳунар борҳо ҳунар булди (40. 223).

Мунис ёшларни меҳнат қилиш ва касб-ҳунар малакасини эгаллашга ундар экан, бу ишга ёшлиқдан бошлаб киришиш лозимлигини уқтиради:

Мунис талаб эт камол эурсан чу йигит,  
Ким яхшидур - этса фазл учун қайгу йигит.  
Уқ қилган ишни ё қила билмас ҳаргиз,  
Қарилар ила баробар булганму йигит (152. 225).

Мунис шу фикрларни давом эттириб, ёш утгандан сўнг касб-ҳунар эгаллаш ҳаракати беҳуда эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Изҳори ҳунар айлама ҳар сифлага, аммо,  
Ёшурма матоингни харидор стушгач (152.68).

Мунис зодагонлик, насл-насаб ва бойлик билан гурурланишни тарбиясизлик белгиси сифатида ҳисоблайди ва

ёшларни бундай ёмон хулқли кишилардан ибрат олмасликка чақириб, уларни эл-юртга фойда келтирадиган “касби фазлини эгаллашга ундайди”:

Фурур этма аслинга, қил касби фазл,  
Эрур муътабарроқ насабдин насаб (152. 68).

Огаҳий меҳнат аҳлининг тақдири, ҳақ-ҳуқуқи, эрки, кадр-қиммати ҳақида уйлашни юксак инсоний фазилат деб билади. Хусусан, халқ ва жамият учун зарур ноз-неъматлар отказиб берувчи деҳқонлар шундай кишилар. Улар руҳан бой, хушахлоқ ва фозил кишилардир:

Фақр заҳри зоҳирон гар бас аччигдур, эй кунгул,  
Лек они, билгил, ҳақиқатда чучук аммо ва талх (165.219).

Огаҳий инсон кадр-қиммати унинг “симу зари” билан эмас, касб-ҳунари, “ожизу бечораларга” га курсатадиган ҳиммати билан баҳоланишини айтади ва ёшларни шундай руҳан бой ва юксак фазилатли, меҳнатсевар булишга даъват этади:

Куп улма зоҳир аро, Огаҳий, ботинингни туз,  
Ки ботинин тузган эл олдида бекор хилъатдур (165.226).

Айни чоқда Огаҳий ҳалол меҳнат қилиш ва касб-ҳунарни эгаллаш, инсон учун маънавий камолотга ва олий саодатга эришиш воситаларидан биридир, дейди:

Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,  
Икки олам обриси булғуси барбод анго (165.71).

Огаҳий ота-оналар ва устод ооланинг қобилиятини ва қайси касб-ҳунарга қизиқишини билиши ва шунга қараб унинг касб-ҳунар эгаллашга булган ихлосини сусайтирмаслиги лозим, дейди:

Талаб йулида азм айлар кишида булса гар ихлос,  
Муроди манзилига булғусидур раҳбари ихлос.  
Камол аҳли аро, албатта, тонгай рутбаи олий,  
Маоний касбида ҳар кимсакам қилди ҳунарға ихлос (255.247).

Шундай қилиб, Огаҳий инсоннинг хулқи ва руҳига меҳнатнинг ижобий таъсирини таъкидлаш билан бир қаторда

меҳнатсиз ҳаёт кечириш инсонга ҳам жисмоний, ҳам руҳий томондан салбий таъсир этишини туғри талқин этади, ишёқ-маслик ва дангасалик иллатига мубтало булган шахсларни халқ ва жамият манфаати учун ҳалол хизмат қилишга чақиради:

Ғар азиз улмоқ тиларсан хизмат ихлос ила,  
Ким, сабаб хизмат эрур, ҳар кимки булди аржуманд.  
Курки зулмат ҳайли дафъига чекар ҳар субҳ тийғ,  
Офтоб ул важ бирла сурхи рую сар баланд (165.269).

Куриниб турибдики, қуёш зулматга қарши курашиб, ҳар тонг унга тиг уради, зулмат устидан голиб келади, шу сабабдан қуёшнинг юзи қизил, боши баланддир. Қуёш кукда ҳаммага бирдек холис хизмат қилади - нур сочади, шунинг учун у азиз ва қадрлидир. Демак, халққа холис хизмат қилган кишининг мартабаси баланд, элда қуёшдек азиз булади. Бундай ғоя Огаҳийнинг меҳнат тарбияси ва касб-ҳунар таълими туғрисидаги қарашларининг асосий мазмунини ташкил этади. Мураббий шоир ўзининг фойдали панд-насиҳатларига ёшларнинг албатта, амал қилишларига умид билдириб ёзади:

Бу сузларниким, ман баён айладим,  
Неча байт бирла аён айладим.  
...Умидим будурким, амал қилгайсан,  
Амал айламакда жадал қилгайсан (165. 216).

Хулоса шуки, биринчидан, Ҳайдар Хоразмий, Роқим, Мунис, Огаҳий сингари мутафаккирлар инсоннинг имон-этиқоди, билимдонлик даражаси, маънавий қиёфаси унинг сузида эмас, балки амалий фаолиятида, меҳнат жараёнида, эл-юрт, халқ, Ватан манфаатлари йулида самимий, астойдил хизмат қилишида намоён булишини баён этдилар.

Иккинчидан, мутафаккирлар инсоннинг маънавий, ахлоқий, ақлий ва жисмоний камолоти меҳнатсиз амалга оширадиган жараён эканлигини, меҳнатсиз бахт-саодат ва истикбол йўқлигини чуқур англаб етган ҳолда уз асарларида эл-юрт гоҳларни бадиий, илмий-педагогик жиҳатдан асослаб қарашларининг сингдиришга ҳаракат қилдилар.

Учинчидан, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Нишотий, Роқим, Мунис ва Огаҳийларнинг инсон камолотида

меҳнат, касб-ҳунар таълими ва умуман амалий фаолиятнинг аҳамияти хусусидаги қарашлари, уғит ва панд-насиҳатлари жумладан, "Авесто"да, IX-XII ва XIV-XV асрлардаги Уйғониш даври мутафаккирларининг меҳнат тарбияси ва касб-ҳунар таълими масалалари буйича илғари сурилган гоёларининг янги тарихий шароитида ижодий ривож, мантиқий давомидир.

Туртинчидан, умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида биз олиб борган тадқиқот ва кузатишлар, илғор ўқитувчиларнинг педагогик тажрибаларини оммалаштириш натижалари ёшларимизни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда Шарқ мутафаккирлари, хусусан, Хоразм мутафаккирларининг меҳнат тарбияси ва касб - ҳунар таълими тўғрисидаги гоёларининг аҳамияти муҳимлигини тасдиқлади. Масалан, Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги 18-ўрта мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчилари Эгамберган Қучқоров, Давронбек Саидов ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Шуқуржон Саидова билан биргаликда Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Нишотий, Роқим, Мунис, Оғаҳий сингари маърифатпарвар шоирларнинг меҳнат тарбияси ва касб-ҳунар таълими тўғрисидаги меросини чуқур урганиб, тез-тез суҳбатлар, маърузалар ва адабий кечалар утказиб туришни анъанага айлантирганлар. Мазкур ўқитувчилар биз билан ҳамкорликда 9-11 синфларнинг ўқувчилари билан "Алломалар меҳнатсеварлик ҳақида" мавзусида утказилган адабий кечада меҳнатсеварлик ва касб-ҳунар эгаллашга чорловчи шеърлар тингланди ва қўшиқлар янгради.

Куринадики, бундай синфдан ташқари ишлардан қузланган асосий тарбиявий мақсад ўқувчиларда меҳнатсеварлик ва касб-ҳунарга бўлган муҳаббат туйғусини шакллантиришдан иборатдир. Шунингдек, буни Тошкент туманидаги 27-ўрта мактабнинг ўқитувчиси Мирқобил Мирвалиев, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳридаги 1-ўрта мактабнинг ўқитувчиси Ҳалима Собированиннг илғор педагогик тажрибасида ҳам куриш мумкин. Бу ўқитувчилар ҳам синфдан ташқари утказилган машғулотларда суҳбатлар ва музокараларда мутафаккирларнинг меҳнат тарбияси ва касб-ҳунар таълими тўғрисидаги панд-насиҳатларини танлаб, ўқувчиларни меҳнат аҳлига ҳурмат билан муносабатда бўлишга, жамиятда халқ манфаатларини қўзлаб яшаш ва ишлашга ургатмоқдалар.

## **IV БОБ. XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ ХОРАЗМ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ УМУМПЕДАГОГИК ВА ДИДАКТИК ҚАРАШЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

### **1-§. Хоразм маърифатпарварлари умумпедагогик қарашларининг моҳияти**

Маълумки, ҳар қандай кишилик маданияти асосини, у қандай қуринишда бўлишидан қатъий назар, маърифат ташкил этади. “Маърифат” арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси билим, хабардорлик, маълумот, илм, маориф, санъат каби маъноларни ифодалайди.

Маърифат барча даврларда ўз мазмунига эга бўлган. Чунончи, юнон-рим олимлари маърифат сўзи тафаккур ва соф билимни англатади деб таърифлаганлар.

Урта асрлардаги ислом илм-фанида маърифат бошқа цивилизациялардан кўра асло тенги йўқ маънони акс эттирган. Албатта, уша даврда маърифат тушунчаси илоҳиёт фанида катта билимдонликни, ўқимишлиликни билдирган. Шу боис ҳам, кишиларни маърифатли қилиш ва уларни маънавий баркамол этиб тарбиялашда илоҳиётнинг таъсирига старли баҳо бермаслик мумкин эмас. Зеро, Марказий Осиё, шу жумладан, Хоразмда ривожланган ислом илоҳиёт фанида “маърифат-ақл-илм одоб” ёки “илм-амал-одоб” тушунчалари узаро боғлиқ тушунчалар ҳисобланган. Бу тушунчалардан билимларнинг ҳозирги вақтдаги маъноси учун ҳам кўпгина фойдали нарсаларни олиш мумкин.

Масалан, урта асрлардаги умуммусулмон олами олимларининг нуқтаи назарига кўра, кишининг одоби, ҳулки унинг маърифати, билимдонлиги билан чамбарчас боғлиқ, инсон қанчалик маърифатли бўлса, унинг ахлоқий ҳулки шунчалик яхши ва мукамал, яъни ахлоқ билан билим узаро боғланган ҳодисадир. Бунинг исботи тариқасида Аз-Замахшарийнинг қуйидаги ҳикматли сўзларини келтириш уринлидир:

“Ҳаракат заиф бўлган жойда, кучли билим фойдасиздир. Ҳаракатсиз билим-ипсиз камалак ўқидир” (232. 215).

Гарбда маърифатчилик XVIII асрда яхлит оқим сифатида шаклланди, “маърифат” атамаси эса машҳур файласуф Эммануил Кантнинг “Маърифат нима?” мақоласидан (1784

йил) сунг узил-кесил қарор топди. Уша вақтдан эътиборан Фарбнинг тарихий фалсафий фанида “маърифат” деганда инсон ақл-идрокининг кучига ва билимлари тантанасига чексиз ишонч англашиладиган бўлди.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Марказий Осиёда, хусусан, Хоразмда ҳам маърифатчилик даври бошланди. Муҳаммад Раҳимхон соний Феруз, Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзо, Илёс Мулла Муҳаммад ўгли Суфи, Аҳмад Табибий, Муҳаммад Юсуф Бобожонбек ўгли Баёнийлар уз иждодий фаолиятида ва умумпедагогик қарашларини илгари суришда ҳам Шарқ, ҳам Фарб мутафаккирларининг умум-маърифатга эга бўлган асарларига асосланиб ва таяниб иш курдилар.

Аваз Утар ўгли, Абдураззоқ Фақирий, Мутриб, Комил Девоний, Чокар, Сафо Муғанний, Бобоохун Салимов ва бошқа жадидчилик ҳаракати намояндалари уз фаолиятини маърифатчиликдан, таълим ва маданият соҳасида ислохотлар қилишдан бошладилар. Бу маърифатпарварлик фаолияти уларни сиёсий ўзгаришлар қилишнинг зарурлигини тушунишга олиб келди. Чунки, чор ҳукуматининг мустахлакачилик сиёсатидан мустақилликни қўлга киритмасдан, таълимни ислох қилмасдан туриб баркамол инсонни шакллантириш мумкин эмас.

Маърифатпарварлик Хоразм жадидлари фаолиятининг асоси бўлиб, таълим-тарбия мазмунини ўзгартиришга қаратилган умумпедагогик гоёларни амалга оширишдан иборат эди. Улар шуни энг кичик нарсалардан, дарсликлар ёзиб, нашр этиш, янги усул мактаблари ташкил этишдан бошладилар. Улар маърифатнинг оддий назарий-таълимий ва унинг оғзаки тарғиботчилари бўлиб қолмай, шу билан бирга бутун Марказий Осиёдаги билимларни амалда тарқатишнинг яхлит тизимини яратдилар.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1844-1910) қарийб қирқ етти йилу саккиз ой мобайнида Хива хонлигининг донишманд ҳукмдори бўлиб, жамият ва халқ фаровонлигини муттасил уйлаб, мамлакатни сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат курсатди. Бу даврда Хива хонлигида 130 Мадраса, 1636 масжид қошидаги мактаб бўлган. Шунингдек, хонлик ҳудудида 1500 бошланғич мактаб бўлиб, уларда йил давомида

45 мингдан зиёд болалар уқиган. Мадрасаларда таҳсил олаётган муллаваччалар 2300 дан зиёд эди. Деярли бир вақтнинг узида Хивада Ферузнинг ташаббуси билан Муҳаммад Раҳимхон, Матниёз девонбеги, қозикалон, Ислом Хужа, Матпанабой, Дуст аълам, Юсуф ясовулбоши, Аминтура мадрасалари барпо этилди. Бу мадрасаларда Қуръон, Ҳадис, тафсири ҳилол, фикҳ каби диний билимлар билан бир қаторда риёзиёт, ҳандаса, фалакиёт, тиббиёт, тилшунослик, адабиёт, мантиқ, тарих, фалсафа, илми аруз ва мусиқа илми каби дунёвий илмлар ҳам ўқитиларди. Ферузнинг узи тез-тез Хивадаги мадрасаларда бўлиб, у ердаги таълим-тарбия ишларини шахсан назорат қилиб борар ва мадрасаларнинг истеъдодли талабаларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб турарди.

Дарвоқе, Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг маърифат-парварлик фаолиятида бугун биз урганишимиз лозим бўлган бундай фазилатлар жуда кўп. Феруз девонхонасида ишлаган тарихнавис Муҳаммад Юсуфбек Баёний “Шажараи Хоразмшоҳий” солномасида ёзишича: “Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат қилуб, китобхонлик этурар эдилар. Андогким, Юсуф Ҳожи Охунд ва Исмоил Хужа Охунд ва Худойберган Охунд ва олиму умум маъқул ва манқулда мулло Муҳаммад Расул ва фақири ҳақир мажлиси ҳумоюнлариға ҳафтада икки маратаба ҳозир бўлиб, китобхонлик этар эрдук...” (68.257). Бу тадбир нақшбандийлик таълимотидаги “Хайрият жамъияти-дадур, яъни жамият-суҳбатда ва суҳбатда-хайру баракот” деган маънавий-маърифий қоидаининг яққол амалий кўринишидир. Олимлар билан суҳбат тузмоқ дунё ҳикматларидан ҳузурланмоқ бахтидир. Суҳбат-мунозара асносида китобхонлик қилмоқ боз устига шахснинг бахт-саодатиға, маънавий-маърифий камолотиға эришишнинг муҳим тадбиридир. Феруз китобхонликни давлат даражасидаги сиёсатға айлантирганлиги тўғрисида Баёний яна шундай деб ёзади: “Хон ҳазратлари сипоҳийлар ва тураларни ҳам китобхонлик этарға тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар. Алқисса, “Анносу ало дини мулуқаҳум” муқтазосича, тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар” (68.257). Бу келтирилган фикрлар шуни кўрсатадики, сипоҳи-ю, туралардан тортиб талабаларгача ўз билимини узлуксиз такомиллаштириб бориш учун тизимли тарзда

китобхонлик билан шуғуллансалар, ундай давлат маърифатли, маънавиятли, мустаҳкам булади. Эслайлик, Ҳусайн Бойқаро салтанати даврида туркий тилга ва илму маърифатга катта эътибор берилганидан кейингина илм-фан, адабиёт ва санъат гуркираб ривожланди. Феруз даврида ҳам китобхонлик хону уламо, сипоҳи-ю, туралардан урناк булиб, кенг халқ оммасига ёйилди. Тамоми Хоразм ҳудуди халқини маърифатли қилиш, маънавий-маърифий савиясини кўтариш учун талай мактаб ва мадрасалар, китоб ва китобхонлик масканлари ҳам қурилди.

Ферузнинг бундай маърифатпарварлик фазилатларини унга замондош булган машҳур шоир, ҳаттот ва тарихнавис Ходим шундай тавсиф этади: “Биз, яъни Болта девон Нодим, Юсуф Харрот Чокар ва ман Бобожон Тарроқ - Ходимларга Арабхон мадрасасининг охуни Юсуф Ҳожи Доий адабиёт илми буйича Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бустон” асарлари, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари буйича сабоқ берганида, Феруз мазкур маърифий асарлар юзасидан савол бериб, бизни имтиҳон қиларди. Ана шундай пайтларда бирортамиз газал уқишда хатоликка йул қўйсақ ёки бирорта сузни ногўри талаффуз этсак, Феруз бизни тўхташиб, хатоларимизни тўғрилар, у ёки бу сузнинг маъносини айтиб бериб, ҳеч хафа қилмасдан камчилигимизни йўқотишга ёрдам берарди...” (183.58).

Юқоридагилардан аён буладики, Феруз уз халқини дунёга танитишнинг бирдан-бир йули халқни маърифатли қилиш ва ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдан бошлаш лозим деб тушунди. Шунинг учун ҳам унинг маърифатпарварлиги ва инсонпарварлиги давлатни мустаҳкамлаш, ёшлар ҳақида қайғуриш, мактаб ва мадрасаларда уқиш ўқитиш тизимини жонлантириш, домлаларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром, уларни моддий ва маънавий томондан қўллаб қувватлаш, мусиқа, таржимачилик ва ҳаттотлик мактабларини, китобатчилик, маърифий-тарбиявий асарларни яратиш билан боғлиқдир.

Феруз уз маърифий- тарбиявий қарашларида оилавий тарбия масалаларига катта эътибор бериб, саройда қиз болаларнинг оилавий тарбияси билан шуғулланиш учун тарбиячи-энагалар бириктирилган булиб, ўғил болаларнинг тарбияси

ва уларнинг юриш-туришларидан хабардор булиб туришни уз маҳрамларига топширган эди.

Феруз уйда шахсан узи угил-қизлари ва неваралари билан сабоқлар олиб борар эди. Неваралари Саъдулла Тура ва Носир тура бобоси Феруз ёрдамида савод чиқаради, шеърият ва рассомчиликка меҳр қуйиб улгайдилар. Ферузнинг муаллимлик ва мураббийлик хизматлари беҳуда кетмади, унинг авлодидан Бикажон бика, Бекпошша бика, Саъдулла тура (Саъдий), Носир тура (Султоний), Сайид Ҳомид тура (Комёб), Турамурад тура (Муродий), Отабек тура (Оқил), Сайд Ҳозий тура, Сайид Асад тура (Асад), Раҳмонқули тура (Содиқ) каби йигирмадан ортиқ зиёлилар етишиб чиқиб, қатор тарихий асарлар ва шеърий девон яратдилар, ҳаттотлик, таржимонлик ва рассомлик билан шугулланиб, маданиятимиз хазинасини бойитдилар.

Шундай қилиб, Феруз моҳир тарбиячи - муаллим сифатида оилавий тарбия ва фарзандлар истиқболи учун кўпгина ишларни қилди. Чунки у оиланинг ҳаётда муҳим урин тутишини, инсон зотини давом эттиришдек улуг вазифани бажаришини яхши ҳис этарди. Оиланинг бахти фарзанд эканлиги, болаларнинг тарбиясида оиладаги муҳит, улар уртасидаги узаро ҳурмат, эътибор, ота-онанинг фарзандларига нисбатан мурувватли, ҳимматли булишини Ферузнинг ҳаёти, муаллимлик ва шоҳлик ибратли фаолиятида яққол куришимиз мумкин.

Феруз узининг ахлоқий тарбия туғрисидаги қарашларида инсоннинг феъл - атвори ва сифатини икки гуруҳга бўлади: инсофли ва диёнатли, имонсиз ва диёнатсиз.

Ферузнинг назарида, биринчи гуруҳдагилар чин қалбдан ардоқланган инсоний хислатларга эга булган, табиатига юксак инсонийлик, садоқат ва вафодорлик хос булган баркамол кишилардир. Иккинчи гуруҳга мансуб кишиларнинг кўпчилиги эса хайру саховат, имон ва инсофдан айрилганлардир. Жумладан, Феруз узининг ахлоқий қарашларини худонинг каломи булган Қуръони карим ва Муҳаммад Пайғамбар Ҳадислари асосида талқин этади ва узининг ҳар бир қилаётган муруввату саховатини, хушмуомала-ю, қаттиққўллигини худонинг хоҳиши деб билади:

Онга ҳамдким ҳайи доно дурур,  
Бори илми қудратда якто дурур.  
Яратти туқуз ҳарфни мустадир,  
Бировни шоҳ этти, бировни вазир.  
Жаҳон мулкани исломобод этиб,  
Барча яхши ишларни бунёд этиб.  
Шариат била динга берди ривож,  
Шаҳаншоҳлар бошидин олди тож.  
Илоҳий эрурман басе шармисор,  
Гуноҳ дуди бирла сиеҳ рузгор,  
Мани айлаб лу дустунгга қарийб,  
Шарофат манга ондин этгил насиб...(155.108-109)

Ҳақиқатан ҳам, Феруз динга кучли эътиқод қўйган, ҳурмат билан қараган. Унинг газаллари орасида шундай мисралар учрайдики, буларда Ферузнинг дунёқараши, диний эътиқоди ва инсонпарварлик ғоялари аниқ сезилиб туради.

“Бсайб парвардигор” дейишади халқимиз. Инсон зоти борки, у хато қилади. Одамзод қилган номақбул ишлари, яъни гуноҳи учун охиратда жавоб бериши керак. Бу туйғу инсонни ҳар доим ёмон ишлардан тийиб туради, унинг Яратган олдидаги масъулиятини оширади. Гуноҳ қилиб қўйган ва гуноҳ қилишдан қўрққан одам тавба-тазарруга ружу қилади. Худога сигинади, ундан нажот ва мадад сураб илтижо қилади. Ферузнинг асарларидаги ғоялар бу фикримизни тула тасдиқлайди:

Ҳар кимки, амри шаръийга гар суйанмагай буйин,  
Рузи жазода булгуси икки юзи қаро.  
Ҳар ким салому саловат этса одатин,  
Шаҳд шафоатин ичадур тангла ҳашр аро (155.10)

Куриниб турибдики, Феруз инсонпарварлик - сифатларининг ҳаммасини Аллоҳ таолога манзур булган ахлоқ сифатлари деб тушунади. Унинг назарида, Аллоҳ таолонинг берганига сабр-қаноат қилиш, саботли ва чидамли, раҳмдил ва шафқатли, очик қўнгилли, софдил, адолатпарвар булиш инсонийликнинг энг олий куринишидир:

Маломат чекмайин десанг жаҳонда,  
Худонинг берганига қил қаноат (155.27)

Феруз тушунчасича, “аҳли фаросат” даврнинг илм-маърифатли олим ва шоирларидир, улар ўз эътиқодига содиқ

кишилардир. Ферузнинг бу фикрларида халқ дардини узига олиш, уни офатлардан сақлаш, аҳволидан хабардор бўлиб, яхши муомала қилиш ва бошқа фазилатлар мужассами сифатида намоён бўлади. Шу инсоний сифатларни амалга ошириш ташаббускори бўлган Феруз шундай дейди:

Сабр қил Феруз, агар қилса жафо бу чархи дун,  
Сабр қилгоннинг худо мушкулларин осон қилур. (155.42).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ферузнинг ахлоқий қарашларида дўстлик, вафодорлик, қаноат, камтарлик, улуғланади, диёнатсиз, тамагир, нафс балосига йулиққан жоҳил кишилардан жуда эҳтиёт бўлиш кераклиги уқтирилади:

Тама қилма даҳр ичра ҳар дундин,  
Тамадин борур элга номусу нанг.  
Тавозени айла узингга шиор,  
Ҳаво бирла нафсингга берма эрк (155.60).

Ферузнинг назарида, соф кунгилик, камтарлик, сабр-қаноатли бўлиш инсоннинг камолот мезонидир:

Қаноат бирла сабр улса санга иш,  
Ҳар ишда қилмагунг ҳаргиз надомат (154.13).

Феруз кимки, покиза ва шижоатли, ростгуй бўлса ширин бахт-саодатга, фаровон ва осуда ҳаётга эришади деб уқтиради:

Сандин узга кунглум олгон шух йуқ бу даҳр яро,  
Рост бил бу сўзни, жон ёрим, ёшингдин ургилай (154.36).

Феруз инсоннинг энг олийжаноб хислатларидан бири уз севиклисига садоқатли, вафодор ва мурувватли бўлишдан иборатдир, деб таъкидлайди:

Киши гар содиқ эрса ишқ аро васл ичра бу янглиг,  
Булур Феруз бахту камрон оҳиста-оҳиста (154.24).

Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳукмронлиги даврида мир-забоши лавозимида ишлаган Муҳаммадниёз Комил Хоразмий (1825-1899) мамлакатда тинчлик, осойишталик барқа-

роҳ булиши, адолатнинг гуллаб-яшнаши йулидаги саъй-ҳаракатлари билан бир қаторда илм-маърифат равнақини ва ёш авлод камолотини кузлаб мактаблар очиш ва бу мактабларнинг ўқувчилари учун китоблар нашр этиш учун босмаҳона ташкил этишдек маърифий ишларни амалга оширади.

Комил Ҳоразмий ўз шогирдларига билим олиш ва касбунарсан урганишга интилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини алоҳида ўқтиради ва илм-маърифат кишининг ҳаётда қуш каби парвози-маънавий камолоти учун қанот бўлади, деб таъкидлайди:

Эмас кишига бу дунёда мулк-мол камол,  
Хусули илму ҳунарсан келди безавол, камол.  
Камол бергусидир сузга шуҳрату, таъсир,  
Бу қушга қилгали парвоз паррубол камол (129.24).

Комил Ҳоразмийнинг асарларида маърифатпарварлик билан инсонпарварлик ғоялари уйғунлашиб кетганлигини кўраммиз. У илм-маърифатли, гузал хислатли инсонни табиатнинг ва барча неъматларнинг моҳиятини чуқур тушунувчи баркамол инсон деб билади.

Комил Ҳоразмий “Қоғоз” радиодли ғазалида қоғознинг киши учун хат-савод чиқариш манбаи эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Кунгулнинг доғи булса, не ажаб зоҳир жабинимдин,  
Назарларга саводи нуқтани аълар аён қоғаз (129.99).

Комил Ҳоразмий ўз маърифий-педагогик қарашларида ахлоқий тарбия масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб, она ва устоз, яъни муаллим болага хулқ-одоб қондаларини сингдиришга, хусусан, ақл-заковатли, фаросатли, хушфеъл, мард, адолатли, шижоатли, ор-номусли, виждонли, камтар, саховатли бўлиш каби ахлоқ қондаларини эгаллашга ёрдам бериши керак, деган ғояни илгари суради. У дейди:

Жаҳонда истар эсанг сарбаландлиг - паст бул,  
Топар боши ошоқ улғон сойи зулол камол.  
Тафаввуқ истамагил, эй йигит қариларга,  
Топай десанг ёринг улсун сафи ниҳол камол.  
Ҳамиша тарки такаббур қилу, ўзунг тут кам.

Ки илгусу санго бу камлик иштимол камол.  
Бузургзодага солма назар ҳақорат ила,  
Ки бадр булгусидур топса ҳилол камол.  
Камолсиз киши ҳар ердадур хижолатманд,  
Еткурмагай кишига ҳаргиз инфийол камол (129.109).

Комил Хоразмий ёшларни сабр-қаноатли булишга даъват этиб, қаноатли киши Қорундан ҳам бадавлатдир, деган фикр-ни илгари суради:

Жавҳари жон ул, матоъ эрмаски, соткун олгасен,  
Не осиг гар ҳосил этсанг ганжи Қорун, эй кунгил (129.98).

Комил Хоразмий таъмагирлик, иккиюзламачилик, жоҳиллик, текинхурлик, ҳасадгуйлик, маломат, ёмон одат, номаъқул хулқ инсонга хос булмаган ёмон иллатдир, дейди:

Маҳофил ичра суз оғоз қилмали ҳангом,  
Бошига тиг тегар бемаҳал чақирса хуроз (129.77).

Комил Хоразмий яхшилик, инсонда фақат тарбия, билим, ҳаётий тажрибалар орқали таркиб топади, деб билади. Зероки, у яхшиликни барқарор қилиш учун ёмон хислатларни йўқотиш керак, деб маслаҳат беради:

Бировни екса киши ёнгай узи ул утга,  
Ки шам уртади парвоналарни, топди гудоз (129.78).

Комил Хоразмийнинг ахлоқий тарбия ҳақидаги фикри марказида ватанпарварлик ғояси туради. У “Гурбат аро” радифли газалида ватанпарварлик - юксак инсоний фазилат эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Ниҳон ут узни ватан қофи ичра анқодек,  
Сенга йуқ булса мурод иштиҳор гурбат аро.  
Ватанда сокин улуб сайр эт олами боло,  
Сафарни айламагил ихтиёр гурбат аро (129.76).

Муҳаммад Расул Полвонийёз ўғли Мирзо (1840-1923) ҳам отаси Комил Хоразмий сингари маърифатпарварлик фаолиятида ёшларнинг ақлий ва ахлоқий тарбияси, айниқса, нафъсат тарбияси муҳим урин тутади.

Айни замонда Мирзо шахс ақлий ва ахлоқий камолотга етиши учун илм-маърифатни эгаллаши зарур, деган хулосага келади:

Мусалламдур онга иқлими маъни ичра аъламлик,  
Кишиким илм таҳсили билан кунгул овути (255.278).

Мирзонинг умумпедагогик қарашларида дустлик ва уртоқлик масаласи ҳам алоҳида урин эгаллайди. Дустлик ва уртоқликни у ёш авлод шахсининг ривожланишида ва комил инсон бўлишида муҳим омил деб ҳисоблайди, дуст ва уртоқ танлашда ниҳоятда эҳтиёт бўлишни панд-насиҳат қилади:

Сўхбат ҳар сифла била айлама ҳаргиз Мирзо,  
Айла мажлис тўзубон ёр қадрдон била базм (255.278).

Илёс мулла Муҳаммад угли Суфи (1860-1918)нинг фикрича, илм-фанни эгаллаш, маърифатли бўлиш, дунёвий билимларни урганиш комил инсон камолотида муҳим восита бўлиб хизмат қилади:

Бу равзаи илмга сув очгил,  
Ҳар ён қаротиб айвун талхис.  
Баҳори илмдан чун қатра-қатра,  
Йигилса, бўлгуси бир ям дарс (223.390).

Суфи ёшларни илм-фанни урганишга даъват этиш билан бирга, уни ургатувчи муаллимнинг машаққатли, айни пайтда шарафли меҳнатини олқишлайди. У илм ургатган устозни ҳурмат қилиш ҳар бир ёшнинг бурчидир, дейди:

Яшнаб куқаргай десанг чу сабза,  
Ол олқиш ила дуойи устоз.  
Чун кўзгу кунгулга рушнолик,  
Етқургусидур бақойи устоз (223.390).

Суфи шахсининг ақлий қобилиятига катта эътибор бериб, болаларнинг ёшлиқданоқ ақлий камолоти турғисида қайғуриш лозимлигини уқтиради. Чунки ақлий камолот ёшлиқдан бошлаб илм-фан сирларини эгаллашда намоён бўлади, дейди:

Ақл ақли тутмас жунуни нарсалардан хабар,  
Қайда жоқ ақлига булғай зериполардан хабар (223.390).

Суфи асарларида ахлоқий тарбия масаласига ҳам кенг урин берилган. У “Нафс” радифли газалида жамиятдаги балойи нафс учун яшовчиларни инсофга чақириб, уларни пул-дунё деб виждонни сотиш хунук оқибатларга олиб келишидан огоҳлантиради:

Сенга, эй дил, узин ҳамро қилур нафс,  
Хабардор улки ўтдур ёқилур нафс (255.280).

Суфи “Дуст” радифли газалида ёшларни бир-бирига содиқ дуст ва ўртоқ бўлишга чақиради:

Дустликни этиб баён эй, дуст,  
Дустинг бирла бул ягона, эй дуст.  
Бир-бирига фидо қилиб жонин,  
Дуст булгуси меҳрибон, эй дуст (255.280).

Суфи яхши ахлоқий хислат ва одатни меҳнатсеварлик, касб-ҳунар эгаллаш маҳсули деб билади:

Қойда эрсанг этиб бир иш касбин,  
Беталаб юрмагил талабкор ул (255.281).

Суфи ёш авлодни яхши ва самимийлик каби олижаноб инсоний фазилатларни эгаллашга даъват этиб, шундай дейди:

Ҳамиша яхшилар бирла юруб, мажлис қуруб яхши,  
Этиб оламда яхши пеша яхши кор айрилманг (255.281).

Яхши фазилатли содиқ дустлардан ибрат олишга ундаган Суфи жоҳил ва нодон кишиларга яқин йўламасликни маслаҳат беради:

Йулиқса булмангиз ноаҳил жоҳиллар била йулдош,  
Деманг, ҳеч кимсага роз ул сиза гарчи эрур қуз қош.  
Ки бир нақлики дерлар: “Кетмасун сир, кетса кетсун бош,  
Келгунча қулдин улманг ҳар қай нокас била сирдош” (255.281).

Суфининг замондоши ва жуда куп илм-фан намояндаларининг устози Аҳмаджон Табибий ўзининг умумпедагогик

қарашлари билан Хоразмда маърифий-тарбиявий фикрлар тараққиётига муносиб улушини қўшди. Тарихнавис олим ва шоир Баёний таълим-тарбия беришда тенги йуқ устоз Табибийни шундай деб таърифлайди:

Маорифда бордур бағоят ориф,  
Мажлисда боғи харифу зорий (255.281).

Аваз Утар угли Табибийни нозик табиатли шоир, қобилиятли шахмат устаси, истеъдодли мусиқачи, ёшларнинг ширин сузли ва хушмуомала муаллим-устози сифатида зур хурмат билан тилга олади:

Не гам эмди, Аваз, назм илмида булсанг Табибийдек,  
Ки дерлар, курган эл назмингни устодинга салламно (255.282).

Табибийнинг умумпедагогик қарашларида шахснинг ақлий ва ахлоқий тарбияси марказий уринда туради. Унинг фикрича, дунёвий билимларни эгаллаган киши ақлли ва хушахлоқ бўлади. Шу боис ҳам у илму маърифатни шахснинг ақлини ўстиришга ва гўзал хулқ атворни шакллантиришга таъсир этувчи муҳим восита деб таърифлайди:

Кимдаким аҳли жаҳондин бор илму маърифат,  
Қилгусидур они бархурдор илму маърифат.  
Ғафлату жаҳл уйқусига ғарқ булгон шахсни,  
Файз бирла ул қилур бедор илму маърифат (255.282).

Куринадики, Табибий ёш авлодни фақат илму маърифат орқалигина энг яхши ахлоқий фазилатларга эга киши қилиб тарбиялаш мумкин, деган хулосага келади ва болаларда ёшликдан илм-фанга қизиқиш ва интилишни ривожлантириш лозимлигини таъкидлайди. Шоир ёшларни илму маърифат эгаллашга чақирар экан, уларни калтабинлик, ҳафсаласизлик, беғамлик иллатларидан фориғ бўлишга, илмни кучли эҳтирос билан севиб, у билан жиддий шугулланишга, изчил ва чуқур билим олишга чақиради:

Эй биродар, олиму ориф булурга жаҳд қил,  
То стургай кунглунга агвор илму маърифат.  
Илм бирла иззатинг ортуқроқ улгай барчадин,  
Келди фазли воҳиди қаҳҳор илму маърифат.

Маст эсанг субху масо оламда нодонлиг била,  
Қилгуси ондин сени хушёр илму маърифат (255.283).

Табибий таълим-тарбия ишларида тарбия асосий ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини қайта-қайта уқтириб, тарбия таълимни ҳам узига буйсундириши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, тарбиянинг муҳим хусусияти шундаки, у барча воситалар ва усуллар билан болага ҳар жиҳатдан таъсир этишга, унинг ҳар томонлама камол топишига, ирода ва хулқ-атворининг мустаҳкамланишига таъсир этади:

Эрур тарбияда ажаб хосият,  
Ки аскарға таъсир этар тарбият.  
Агар тарбият қилмас эрса асар,  
Топилмас эди ҳеч соҳиб хунар (255.284).

Табибийнинг ахлоқий қарашларида виждонлилик, ҳаққонийлик, ростгўйлик, инсонийлик, мардлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, халққа ва дўстга содиқлик, севгида садоқатлилик, саҳийлик, меҳмондўстлик, ақллилик, билим ва касб-ҳунар эгаллашга қизиқиш каби энг яхши инсоний фазилатлар алоҳида урин тутади. Табибий донолик ва камтарлик ҳақида сузлар экан, шундай дейди:

Тавозуъ қилур пеша оқил башар,  
Ки боши қуйидур мевалик шажар.  
Тавозуъ азизи жаҳон этгуси,  
Замирингни гамдин омон этгуси (135.284).

Табибий хорисликни қоралайди, бу иллатга учраганларни инсофли, карамли, адолатли булишга даъват этади:

Хорис улма жаҳон молига асло,  
Карамни пеша қил узга муддао.  
Яна булгул ҳамиша соҳиб инсоф,  
Замони қилмагил ҳажрингда, исроф.  
Емонлар суҳбатидин ижтиноб эт,  
Нақулар улфатига юкиниб эт.  
Улум аҳлига қил доим муҳаббат,  
Жаҳолат аҳлидин эт асру нафрат (255.285).

Аваз Утар угли (1884-1919) умумпедагогик қарашларида таълим билан тарбияни бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда

олиб қарайди ва ёшларни саводхон, уқимишли, илм-маърифатга ихлосли, одобли, хуш ахлоқли, ақл-идроқли, камтар, саховатли, дўстга садоқатли, душманга нафратли булиш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш гоёларини илгари суради. Янги мактаблар очиб, болаларга дунёвий фанларни уқитиш зарурлигини уқтиради. "Мактаблар очиш шундай бир фаолиятки, - деган эди Аваз, - у халққа садоқатли хизмат қилишга ўзини халқ, Ватан фарзанди деб ҳисоблаган ҳар ким ана шу олийжаноб ишга умрини бағишлаши керак, чунки мактаб халқни азоб-уқубатдан қутқаради" (255.286).

Аваз ота - онанинг бола тарбиясидаги ва унинг дунёқарашини шакллантиришдаги ролига алоҳида тухталиб, фарзанд инсон кунглининг сурури, кузининг нури эканини алоҳида қайд қилади. Унинг фикрича, бола тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг иштирок этиши, иккови ҳам баравар масъулият сезиши лозим. Аваз маърифат маскани мактаб болани ақл-идрокининг тараққиётига сайқал беради ва уни балоғат босқичига кутаради. Демак, ота-оналар уз фарзандларининг ҳаёти обод булишини истасалар, улар фарзандларини мактабда уқитиши, билимли қилиши ҳам фарз, ҳам қарздор, деган маърифий-педагогик гоёни илгари суради:

Кунгулларнинг сурури, доғи қузлар нуридир фарзанд,  
Аларнинг умрини, албатта обод этгуси мактаб.  
Ота бирла онага фарз уқитмоқ бизни мажбурий-  
Аваз, ҳимматни қил олий очарга эмди мактабким,  
Балои ҳаҳду нодонликни барбод этгувчи мактаб (50.21).

Аваз ёш авлоднинг истиқболига юксак умид билан қараркан, ёшларга билим бериш, уларни замонасининг энг стук кишилари даражасида тарбиялаш йўлида жонини ҳам фидо қилишга тайёр эканини таъкидлайди. Авазнинг фикрича, маърифатли булган инсон ақл-идроқли булади, айни чоғда ярамас разил хатти-ҳаракатдан сақланади, у илм-маърифат, адолат, озодлик душманлари билан онгли равишда курашади. Шу боис Аваз болалар таълим-тарбиясида мактабни биринчи уринга қўяди:

Умидим: яшасин мактаб боласи,  
Улар ҳар бири бир шеро жаёним (50.18).

Авазнинг маърифатпарварлик фаолияти илм-маърифат душманларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Аммо “Уламоларга” асариди ёш авлод таълим-тарбиясига туғаноқ булаётган бундай жаҳолатпарастларни қаттиқ танқид қилади:

Йўқса, одаммиз, очиб мактаб илм билдирсангиз,  
Бехабар илму ҳунардin бизни ҳайвон этдингиз!  
Қайси бир миллатни, айтинг, сиздек оғзи оладур,  
Иттифоқ ила иш этмай бағримиз қон этдингиз (50.19).

Аваз Утар уғли илму маърифатни жаҳолат-зулматига, адолатсизлик ва нодонликка, хон истибдодига қарама-қарши қуяди. Шу боисдан шоир халқ турмушининг тараққиётида илму маърифатнинг роли ҳақида гапирар экан, уни миллатнинг бирдан бир холоскори деб билади:

Топар эркан қачон, ёраб, ҳаёти жовидон миллат?  
Топиб илму ҳунар бирла маорифдан нишон миллат.  
Фидо миллат йўлига моду жон этмак керак, ҳар ким,  
Булай деса, агар авлоди машҳури жаҳон миллат.  
Очиб ҳар бир саридан мактабинг унвонини айлаб чух,  
Тараққий айламасин уқубон беҳадду сон миллат?  
Бу янглиг олам аҳлидин кейин қолмай юриш айла,  
Аваз булгай уёниб комкору комрон миллат (50.19).

Аваз “Тил” шеърисида тил ва тафаккурнинг баъзи умумий масалалари туғрисида фикр юритиб, тилга ижтимоий-тарбиявий восита сифатида қарайди ва ёшларни “гайри тил”ни урганишга чақиради:

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,  
Тил воситаи робитан олами ёндур.  
Ғайри тилини саъй қилинг билгали ёшлар,  
Ким илму ҳунарлар билонки ондин аёндур (50.19).

Шунингдек, Аваз Утар углининг “Хуррият”, “Тил”, “Мактаб”, “Уламоларга” каби асарларида ватанпарварлик гоёлари илгари сурилган. Унинг Ватанга булган муҳаббати, меҳнаткаш халқ манфаатларини кузлагани, жамият ижтимоий тузумини ўзгартиришни жуда ҳам истаганлигида кўринади:

Ватанпарвар, фидоий фирқалар то булмайин пайдо,  
На мумкин топмоғи ўлган танига тоза жон миллат (50.19).

Демак, ватанпарвар кишилар булмаса, халқнинг илм-маърифат нуридан баҳра олиши қийин. Аваз гарчи мавҳум ҳолда булса ҳам “фирқалар” сузи орқали халқ манфаатини кузловчи идрокли, фидойи ватанпарвар кишиларнинг етишиб чиқишига ишора қилади.

Авазнинг нуқтаи назарига кўра, узини халқ хизматига бағишлаган киши - ватанпарвардир. Шоир “Хуррият” асарида уз халқига бахт - саодати йўлида жонини фидо қиладиган ва ёш авлоднинг жамиятда муносиб ўрнини эгаллашга ҳар томонлама ёрдам берадиган саховатли, ҳимматли ва мард кишини ватанпарвар, деб ҳисоблайди:

Бу йул аздама етмак истасанг мақсадга, эй солик,  
Қадам мардона қўйгил келса бошингга даги офат (50.180).

Аваз ёшларнинг ахлоқий тарбияси туғрисида гапираб экан, ростгўйлик ва ҳалолликни қадрлаш, ёлгончиликни эса қоралашни алоҳида уқтиради. Авазнинг фикрича, ёлгон гапирган кишига ҳаётнинг узи жазо беради. У ёлгон-яшиқ гапириб, мақсадига эришган билан барибир охири кулфатга гирифтор булади:

Демасманким дебон ёлгон, номингни сиеҳ этгил,  
Нажоте ҳар балодин истасанг сидқинг гувоҳ этгил (50.77).

Аваз таъкидлаганидай, ҳалоллик, ростгўйлик яхши хулқ-атворнинг белгисидир, шунинг учун булса керак, шоир яхшиликни ёмонликдан, ҳақиқатни фирибгарликдан, дўстни душмандан фарқ қила билишда ёшларни ҳушёрликка чақиради:

Дустларим булсин десанг, аҳли жаҳон,  
Халқи хушликни қил одат, эй Аваз (50.77).

Аваз ақлли, хушахлоқли одамнинг нодон билан ҳамдам, ҳамсуҳбат булганидан кўра, зиндонда утирганини афзал кўради. Ёшларни ёмонликка юз бурмасликка чақиради, уларни ҳар хил ярамас одатлардан сақланишга ва нодонлар билан суҳбат қўрмасликка даъват этади:

Оқил кишига яхшидур зиндонда сокин булғали,  
Ултурганидин ҳамдаму дамсоз улуб нодон ила (50.32).

Аваз бошқа шеърида нодонларга яхшилик қилсанг,  
узингга ёмонлик булиб қайтиши мумкинлигини уқтиради:

Агар бор эрса хушинг қилма рағбат,  
Ки ондин бошингга офат келодур (50.162).

Шунинг учун ҳам Аваз нодонлар билан ҳамсухбат  
булганда дилдагини очик ошкор қилмасликни маслаҳат  
беради:

Кишиким оқилу хушёр булса,  
Ҳазар қилгучи ондин борходур (50.167).

Аваз ёшларни яхши фазилатлар билан камол топишга  
даъват этаркан, аввало хулқ-атворини яхшилаш лозимлигини  
алоҳида уқтиради:

Аваз, истар этсанг мақсадга етмак,  
Бори феъли ёмонинг яхшироқ эт (50.192).

Аваз яхши хулқ-атворни камтарлик, ҳаққонийлик  
ва яхшиликда деб билади, камтарлик киши маънавий  
дунёсининг безаги эканлигини таъкидлайди:

Сарбаланд улгусидур пастфеълик қилгон киши,  
Кимки кибр ила сарафроз улса, булди сарнигун (50.211).

Авазнинг яхшиликка, хушахлоқ кишилардан ибрат  
олишга чақириши бежиз эмас. Унинг фикрича, яхши фазилат-  
ли кишилар ҳамдардларини доғда қолдирмайди, улар узларига  
билдирилган ишончни шараф билан оқлайди. Агар ишончли  
ёру биродарларинг купайишини истасанг, хушахлоқликни  
узингга одат қил, дейди у:

Хушхуйликни пеша қил гар айлар эрсанг, эй Аваз,  
Иззат била ҳурматни сан бу аҳли кишвардин тамаъ (50.9).

Авазнинг назарида, фақат меҳнат билан ноз-неъматлар  
яратган одамгина яхши хулқли инсон. Шу маънода одам  
умуминсон тирикчилиги учун узининг қушган ҳиссаси билан  
қадрли. Зотан, меҳнат ва тарбия эгизак тушунча булиб, у  
тирикчилик ҳамда тарбия воситасидир:

Чекар наргис хижолат, олса ногаҳ,  
Гуллар ул чамши фаттон даста-даста (50.9).

Авазнинг фикрича, ҳалол меҳнат билан кун курувчи киши ҳимматли ва саховатли булса, у эл-юртнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлади:

Ким эрса агар жаҳон аро ҳимматлиг,  
Бил они ҳамиша бахтлигу давлатлиг.  
Ҳимматли киши топиб мурод улса доғи,  
Ҳотам киби доим улғуси шуҳратлиг (50.315).

Аваз ёшларга панду насиҳат қилиб, қулидан келмайдиган ишга уринмасликни ва бирор ишни бажарганида шошмасликни уқтиради:

Эйким, санго керакму жаҳон ичра обру,  
Узга чақирмоқ айламагил шуҳрат орзу (50.144)

Аваз ёшликни эъозлаш ва унинг қадрига етиш кераклигидан куйиниб шундай дейди.

Қилурга асру ҳаззу ишрат, эй биродарлар,  
Ғанима улғусидур мавсуми шабоб-шабоб (50.54)

Аваз оиланинг бола тарбиясида муҳим ўрин тутушига алоҳида аҳамият беради. У муҳаббатни оила бахтининг асоси деб билади ва ёшларга ишқ билан, бировнинг ҳаёти билан асло уйнашмасликни, ақл-идрок билан яшашни, ўз бахти учун курашишни маслаҳат беради:

Эй кунгул, ишқ уйнамоқ қилма ҳаваским борҳо,  
Ишқнинг охирида сани расвойи даврон айлағай (50.153)

Аваз ёш келин-куёвни меҳмоннавозлик одобига ургатар экан, меҳмон ким булишидан қатъи назар, унга иззат-икром кўрсатиш, уни ёруғ юз, ширин сўз билан мулоийм қарши олишга чақиради:

Келди эй кунгул, истаб бизни яхши меҳмонлар,  
Дилбари муҳаббатлик, маҳваши қадрдонлар (50.153).

Ақл-фаросат инсоннинг кимлигини, қандайлигини билдирувчи ахлоқий мезондир. Шу боис Аваз ёшлиқда яхши фазилатларни эгаллаган киши жаҳолатдан анча йироқ булади деган хулосага келади:

Фаросат бодасини айла шом,  
Ки то узни жаҳолатдин йироқ эт (50.192).

Аваз ёшларни ҳаёт машаққатларини енгишда сабр-тоқатли, чидамли булишга ундаркан, бундай хислат мақсадга стишнинг бирдан-бир йули эканлигини таъкидлайди:

Эй Аваз, ҳар ким узига сабрни қилса шиор,  
Шаксиз етгусидур мақсудига олам аро (50.140).

Аваз бировларнинг муваффақиятларини куролмайдиган ҳасадчиларни нопок кишилар деб ҳисоблайди ва ёшларни бундай тоифадаги кишилардан йироқ юришга, улардан ибрат олмасликка даъват этади:

Ул одамким ҳасад гайрига айлар кечаю кундуз,  
Қилиб рашку таассуфни утига бағрини бирён,  
Агарчи илгидин келмас бировни ҳуррам этмаклик,  
Кура олмас валекин кимсани қалби эса шодон (50.327).

Аваз Утарнинг ахлоқий қарашларида мол-дунёга ҳирс қўйиш қаттиқ қораланади. Унинг назарида, бойлик орттириш ҳирсининг бандаси булган кимсалар гузал инсоний фазилатлардан маҳрум булишади. Шунинг учун кишиларни бойлик йиғиш ҳирсидан озод булишга, текин бойликдан ҳазар қилишга чақиради ва “қабрингда меҳнатсиз топилган бу бойликлар илон ва чаёнларга айланади”, дейди:

Эй Аваз, жамъи зар этмақдин ҳазар қил, тонглаким,  
То саросар булмасун гурингда мору мури ганж (28.69).

Аваз насл-насаб ва мол-давлат кишининг инсонийлик, фазилатини белгиламайди, ҳатто баъзи “олий насаб”лар орасида одамийликни билмайдиган нодон, жоҳил ва одобсиз кишиларнинг кўплигини таъкидлайди:

Фалони гарчи куп олий насабдур,  
Вале нодону жоҳил, беадабдур (50.10).

Абдураззоқ Фақирӣ (1880-1924) “Янги мактаблар” асарида маърифатдан бебаҳра қолган халқни ва уларнинг фарзандларини янги усул-жадид мактабларига кириб, беминнат савод чиқаришга даъват этади:

Бизим бечора мазлум халқ билмай сарнигун эрди,  
Алар қулфи дилини очғусидир янги мактаблар (255.297).

Фақирӣ узини саводхон қилиб курсатувчи, аслида эса “илм-маърифатнинг заволи” бўлган жоҳил ва нодон мактабдорларнинг маънавий дунёсини шундай тасвирлайди:

Жоҳилу фосик, шарорат аҳлининг сардафтари,  
Феълу атворинда мундиндур базе адно эшон.  
Гоҳ мактабдор, гоҳ ҳофиз, гаҳи суфидур ул,  
Гоҳ қавмин жаҳл айлаюр гавго эшон (203.9).

Фақирӣ “илм-маърифатнинг заволи” бўлган маърифат ва маънавият муҳолифлари - жаҳолатпарастларнинг асл қиёфасини шундай тасвирлайди:

Маърифатнинг заволи жоҳил, нодон муллалар,  
Ҳайҳотки, юрт бошига бало бўлгон муллалар.  
Тилсанг қуксин топилмас “лом”, “алиф”дан бир нафар,  
Савлатин қурганлар дерки мардон муллалар...(203.23).

Фақирӣ асарларида гузал одоб-ахлоқни тарғиб этувчи гоёлар, ибратомуз насиҳатлар учрайдики, буларнинг маърифий-тарбиявий аҳамияти каттадир. Унинг фикрича, инсоннинг одоб-ахлоқини белгилайдиган биринчи белги, унинг керакли сузни гапириб, нокераклигини гапирмаслигида ва оз суз билан куп маънони англаштиришидадир:

Тили гуё суз ичра барча одам,  
Туну кун ҳормас сузлар дамо-дам.  
Ҳаммамиз ҳашалуг сузларга ҳуррам,  
Бил эмди, ҳақ суҳан тинглар киши кам (203.40).

Лекин киши сузлайман деб, оғизга келган ҳар қандай гапни айта бермаслиги керак. Шу боис у ёшларга тилни тийиш одоби ҳақида фойдали маслаҳатлар беради:

Сухан дафъи учундур билки қардош,  
Кураp тилдин неча офат ғариб бош.  
Яна дебдур неча бир аҳли ҳикмат,  
Демак, куп сўз, агар истарсан иззат.  
Ки, хомушлиғ эмиш нодонга давлат,  
Хатога тил очиб, сунг чекма ҳасрат.  
Фикр қил, кур шимиб сўзни мазосин,  
Добон билмай яна тортма изосин.  
Тилидан нечалар курмуш жазосин,  
Тотиб баъзиси танбеҳу сазосин.  
Бу тилдин нечалар қилмиш зиёнга,  
Неча расво булиб жумла жаҳонга (203.41).

Фақирий жоҳиллик ва нодонликни қоралаб соддадил,  
қули ва кўнгли очиқлиги туфайли борини ҳеч кимдан аямай-  
диган саховатли ёшларни фосиқ, мунофиқ кишилардан доимо  
йироқ юришга ундайди. Шунингдек, ёшларни ақл-идрокли,  
илмли кишиларга ҳамроҳ булиб, суҳбатидан баҳраманд  
булишга даъват этади:

Аҳли маъни суҳбатин иста, бажо қил, хизматин,  
Меҳнату молингни зос қилма ҳар нодона харж.  
Жоҳилу фосиқ, мунофиқ аҳлидин булғил йироқ  
Дуст фаҳм айлаб, аларга қилмагил мардона харж (203.125).

Фақирий дўстлик ҳақида гапириб, ёшларни ўзи ёқтирган  
одобли, содиқ дўст орттиришга ва унинг фазлидан фақат  
яхшиликка бошловчи хайри таъсирлардан баҳраманд булишга  
чақиради:

Ки, чин дуст аямас, бир-биридан моли ила жонин,  
Агарчи булсалар ҳам бир-бирининг қонига муҳтож.  
Дуст булгон дунёдин қул ювса бир-бири учун,  
Дунмайин бир-бирига қилса фидо жон бегараз (203.19).

Фақирий ёшларни узаро яқин самимий муносабатда  
булишга, дўстликка чақирар экан, биров билан дўст булмоқ  
учун, албатта, уни синовдан ўтказмоқ “имтиҳон этмак керак”  
деган ғояни илгари суриб шундай дейди:

Дусти жонинг булса ким, ҳуб имтиҳон этмоқ керак,  
Соддалигдин қилма аҳволингни ҳар инсона шарҳ (203.48).

Фақирӣй “Куринг” газалида ишонч билан олийҳиммат, вафодор, садоқатли деб уйлаган дустлари бахил ва бевафо, икки юзламачи, “шум фикр”, “таъмагир”, “гаразгуй”, “ҳасадгуй” булиб чиққанлигини таъкидлаб, шоир ёшларни дуст танлашда ҳушёрликка чақиради:

Дустлар, даҳр ичра баъзи ошноларни куринг,  
Баъзи юзгуй, шум фикр руйи сиёларни куринг.  
Курса кимдин фойда, таърифин айлар олдида,  
Бу таъмагир даққи-ю, бахти қароларни куринг.  
Курмаса нафъин ҳамиша, тахт этар бошдин - оёқ,  
Аямас устоз, атосин беҳаёларни куринг,  
Дуст булса ҳар кишига булмас, асло бегараз,  
Бу гаразгуй, турба-хуржунсиз гадоларни куринг (203.22).

Фақирӣйнинг оила ва турмуш ҳақидаги гоёларида эса инсоннинг инсонга булган меҳри энг улугъ фазилат булиб, кишига маънавий - руҳий қанот бағишловчи, соғлом ва ақлли болаларни тарбиялаб устирувчи восита сифатида талқин қилинади:

Ким оқил эрса бир ёр ила умрин уткарур доим,  
У нодондур жанонни ҳар лаби хонадонига муҳтож.  
На армондур кишининг бир вафолиг дилбарн булса,  
Ҳамиша булсалар, бир-бирининг фармониға муҳтож  
(203.212-213).

Айниқса, Фақирӣйнинг оилавий турмуш одоби меҳмондорчилик одоби турғисидаги фикр ва мулоҳазалари халқ мулкига айланиб кетганлиги шубҳасиз, Унинг наздида меҳмондустлик узбек халқига хос энг яхши фазилат, мардлик ва одамгарчиликнинг энг гузал белгисидир:

Келса меҳмон тунд вақтингда, очилгил гул каби,  
Хушсуханлик қилгил олдида онинг булбул каби.  
Сарф этиб бору йуқингни айла хизмат кул каби,  
Гар мусибат тушса ҳам рангинг совутма кул каби,  
Хоҳи фақирӯ, хоҳ гани, тутгил азизу аржуманд,  
Бирга ун ҳисса натижалар кӯрарсан чанд-чанд.  
Баъзилар бой келса хуб, қашшоқни қилмас писанд,  
Ҳам яна бир шартн бордур, келса меҳмони худо.  
Чог булмоққа келур, булгач маконида жудо,  
Шоду хуррам айлабон, кетгунча хизмат қил бажо (203.216)

Мутриб боланинг вояга етишида, камол топишида мактабда ургатиладиган билимлар ва касб-ҳунарнинг куч-қудратига алоҳида эътибор беради ва “Беҳунар, беилм одам”ларнинг “халқ ичра эътибор” топмаслигини уқтиради:

Беҳунар, беилм одамдин не суд,  
Билмас ул одоби, икрому муруд.  
Даҳро аро булгуси доим хору зор,  
Булмагай халқ ичра анда эътибор...  
Эй халойиқ, сол қулоқ оқил булиб,  
Қолмангиз бебахра чин гофил булиб.  
Берса мактабга кишилар ёшларин,  
Кургай ул соғу сарафроз ёшларни (255.301).

Чокар “Уқув” шеърисида болаларнинг ақлий тарбиясида мактабнинг мавқеи катта эканлигини таъкидлаб, инсон жисми жонсиз яшамагани сингари, инсон ҳам “илму урфонсиз” яшай олмайди дейди:

Жаҳонда яшай олмас ҳеч миллат илму урфонсиз,  
Анинг декким тура олмас ҳаётда жисм ила жонсиз.  
Беринг фарзандингиз мактабга Чокарнинг сузини тинглаб,  
Жаҳонда яшай олмас ҳеч миллат илму урфонсиз (255.302).

Девоний “Куринг” радифли газалида ёшлар камолоти ва жамият тараққиёти омили булган илм-маърифатни жаҳолат-парастларга қарама-қарши қўяди:

Маърифатсиз жаҳл ила мангу жадалларни куринг,  
Соғларни хоҳламасалар қуру, шолларни куринг...  
Истамай илму фунун дорусидин ҳаргил илож,  
Мубталои дарду ваҳшат қуп касалларни куринг (205.302).

Сафо Муғанний ёш авлодни маънавий камолотга эришиш ва узлигини англаш учун илм-маърифатни чуқур эгаллашга даъват этади:

Илмсизлар булар ночор,  
Уйгонган халқ кукка учар.  
Беақл уқувдан қочар,  
Уйқонинглар, уйгонинглар (205. 302).

Жадидчилик намояндаси Бобоохун Салимов (1874-1929) узининг “Мактаб” шеърисида Хоразм элини обод ва мунаввар

этгувчи янги усулдаги жадид мактабининг ижтимоий-маънавий аҳамиятини юксак даражада таърифлайди:

Хушдур не бало ҳавоии мактаб,  
Жон улса раво фидоии мактаб.  
Мактаб демаким мадори илмдур,  
То илм иладур баҳоии мактаб.  
Рашк утига уртанмиш Эрамни,  
Гулзори фароҳ фазоии мактаб.  
Анвоии илм маъданидур,  
Ҳар гушайи бир сафойи мактаб.  
Тан улгуси булбули баҳорда,  
Тифлони газал сароии мактаб.  
Ҳар кимда бор эрса жаҳл дарди,  
Даф айлагуси давоии мактаб.  
Гудаклар адибу олим улмас,  
То чекмагунча жафойи мактаб.  
Топмоқ тиласанг икки жаҳонни,  
Зинҳор бул, ошнаии мактаб...(238. 82).

Хоразм маърифатпарварлари умумпедагогик қарашларининг мазмун ва моҳияти ҳақида баён этилган юқоридаги фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида яшаган Феруз, Комил Хоразмий, Расул Мирзо, Суфи, Табибий, Баёний сингари маърифатпарварларнинг умумпедагогик қарашларида илм-маърифат инсоннинг комилликка эришиш воситаси сифатида кишиларни ҳар қандай ноҳуя хатги ҳаракатлардан қайтариб, яхши одоб-ахлоқ эгаси, яъни баркамол инсон қилиб тарбиялайди, деган гоялар устуворлик қилган ҳолда инсон ақл-идрокиннинг кучига ва билимлар тантана қилишига астойдил ишонганлар;

иккинчидан, Хоразм жадидларининг юқорида зикр этилган мутафаккирлардан фарқи шундан иборат эдики, маърифатчилик Аваз Утар угли, Фақирий, Мугриб, Девоний, Чокар, Сафо Муганний, Бобоохун Салимов, Мулла Абдулхайд Қори, Бекчан Раҳмонов ва бошқа жадидлар фаолиятининг асоси бўлиб, бу пайтда феодал-хонлик зулми ва сиёсати, чор ҳукуматининг мустамлакачилик “тарбияси” миллатни “фалокат” ва “ҳалокат”га, яъни абадий қарам ва тобеликка маҳкум этаётган булса, жадидчилик тарбияси миллатни ҳалокатдан илм-маърифат орқали “саодат”га олиб чиқишга,

унда миллий эрк ва мустақиллик миллий мафкурасини, узликни англашга, диний эътиқодни, шахс виждони, эрки ва маънавияти мустақиллиги, Ватаннинг иқтисодий ва маданий тараққиёти ҳимоячисини тарбиялашга қаратилган эди;

учинчидан, жадидлар маърифатчилиги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ислохотларнинг зарурлигини халқимизнинг миллий анъаналарига, бой таълим-тарбия меросига, умуминсоний қадриятларга, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб алломаларининг умуммаърифат аҳамиятига эга булган асарларига таянган ҳолда асослаб бердилар. Уларнинг умумпедагогик қарашларида ёш авлодни замонавий илм-фан, техника, маданият, маънавият асосларини пухта эгаллашга даъвати, ёшларни хорижда ўқитиш гоёлари ҳозирги таълим тизими билан ҳамоҳанг ва уйғунлашиб кетгандир.

## **2-§. Хоразм маърифатпарварлари дидактик қарашларининг асосий йўналишлари**

XIX аср охири - XX аср бошларида Хоразмда дидактика масалалари билан махсус шуғулланувчи олимлар ва мутафаккирлар булмаган. Лекин уша даврнинг маърифатпарварлари Феруз, Комил Хоразмий, Мирзо, Аваз Утар угли, Табибий, Суфи, Баёний, Фақирий, Мутриб, Девоний, Чоқар, Сафо Муганнийларнинг маърифий-тарбиявий қарашларида мактабдаги таълим-тарбиянинг моҳияти, ижтимоий роли, мақсад ва вазифалари, таълим ва тарбиянинг узвийлиги, таълимнинг тизимли булиши, ўқитиш усуллари, қизиқтириш, тушунтириш, кўрсатиш билан ишонч ҳосил қилиш, қизиқиш ва диққатни ўстириш, муаллим ва мударриснинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, уларга қўйиладиган талаблар тўғрисида у ёки бу шаклда ўз фикрларини билдирганлар. Бир сўз билан айтганда, дидактика масалалари уларнинг асарларига сингиб кетгандир.

Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг маърифатпарварлик фаолияти ва таълим-тарбия ҳақидаги қарашларига тўхталар эканмиз, унинг узига хос муаллимлик маҳорати ва ўқитиш усуллари ҳақида, уша даврдаги мактаб ва мадрасаларда таълим-тарбиянинг мазмуни, муаллим ва мударрисларга қўйиладиган талаблар ҳақида муайян маълумотга эга буламиз.

Феруз хон булиш ва давлат ишлари, халқ таълими ва она-Ватан тақдири ҳақида қайғуриш сингари ташвишлари бошидан ортиб ётишидан қатъий назар, мактаб ва мадрасалардаги таълим-тарбия мазмунига аҳамият беради. У талабаларнинг ўқишдан совишини тарбиячи-муаллимлар ва мударрисларнинг улар билан яхши муомалада, муносабатда булмаслигида қўради. Шунга қўра, у тарбиячи-муаллим ва мударрисдан олдин узини тарбиялашни, билимларни пухта эгаллашни ва педагогик маҳоратини ошириб боришни талаб этади. Унинг фикрича, талабаларда билимга қизиқиш ва интилишни ривожлантириш учун дарсларни мазмунли, таъсирчан ва қизиқarli утиш керак. Шундагина талабаларда ижодкорликни мустақил мутолаа қилиш ва эркин фикрлаш малака ва куникмасини шакллантириш мумкин.

Демак, Феруз тарбиячи-муаллимларни, мадраса мударрисларини талабаларни онгли ва саводли қилиб тарбиялашга даъват этади. Шунга қўра, Феруз мадрасаларга охунд ва мударрисларни тайинлашдан аввал номзодни чақириб танишарди ва имтиҳон қилиб булгач, “Очиқ дарс” утказишни сурарди. Ферузнинг мударрислар, олим ва фозиллар орасида бундай ошқора иш тутишининг аҳамияти шундаки, мадрасаларга мударрислик вазифасига тайинланаётган кишининг шахсияти, ақл-идроки, зукколиги, маънавий дунёси, фозилу донишмандлиги намоеън булади. Бу даврда Жива мадрасаларида Ферузнинг назарига тушган Муҳаммад Юсую Ҳожи - Доий, Худойберган Охунд, Ожиз Муҳаммад Шариф Охунд, Юсуфий, Оллоқули Охунд, Муҳаммад Ёқуб Охунд, Муҳаммад Юсуф Охунд, Муҳаммад Ризо Охунд каби мударрислар юксак педагогик маҳоратли устозлар тимсоли булиб, фаолият курсатдилар. (183.67).

Феруз ўз фарзандлари ва невараларининг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор бериб, жисмонан соғлом, ақл-заковатли, ахлоқ-одобли ва илмда баркамол инсон булиб етишувига ҳаракат қилди.

Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасулнинг “Феруз шоҳ ва шоир қисмати”асарида ёзилишича: “Феруз саройда ўз фарзандлари ва неваралари билан мазмунли сабоқлар олиб боришга ва улар билан турли хушчақчақ ўйинлар ўйнашга ҳам вақт топарди...” (183.68-69). Чунончи, Ферузнинг

мазмунли ва турли машқлар қилдириш билан шогирдларида кузатиш, теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисанинг белгиларини аниқлай олиш малакасини ўстиришга ҳамда бирор нарсани аниқ ва тўла тасвирлаб бера олиш малакасини ҳосил қилишга, болаларнинг диққати, хотираси ва мушоҳадасини таркиб топтиришга алоҳида аҳамият берганлиги унинг ўзига хос таълим услуби бўлганлигига яққол мисолдир. Шунингдек, Ферузнинг бошлангич мактаб ва мадрасаларда бериладиган билимларнинг мазмунини кенгайтириш ва таълим-тарбия мазмунини халққа яқинлаштириш, мактаб ва мадрасаларда эгалланган билимларни халқ турмуши ва эҳтиёжлари билан боғлаш, болаларни диний ва дунёвий билимларга ҳамда касб-ҳунар таълимига ургатиш, уларни турмушга тайёрлашга катта эътибор бериш туғрисидаги бой ва мазмунли дидактик таълимоти ҳеч шубҳасиз қимматлидир.

Феруз узининг ёш авлоднинг ҳамма жиҳатларининг бир-бирига уйғунлашиб камолга етиши туғрисидаги дидактик таълимотига таяниб ақлий таълимни ахлоқий тарбия билан боғлаб олиб бориш кераклигини курсатади ва мактабнинг тарбиячи-муаллими ҳамда мадрасанинг мударрисларидан тарбияловчи таълим олиб боришни талаб қилади. Шу сабабдан ҳам у педагоглик ва маърифатпарварлик фаолиятида ўз даври учун илғор умуминсоний характерда бўлган ўқитиш ва тарбиялаш тизимини жорий этди ва уни кенг миқёсда тарғиб қилди.

Феруз атрофидаги Комил Хоразмий, Худойберган Девонов, Сайид Исломуҳжалар ташаббуси билан 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда биринчи, “усули жадид” мактаби очилади. Унда Ҳусайн Қўшаев деган Туркиядан келган ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бера бошлади. Бу мактабда ўқувчиларнинг сони 55 та бўлиб, шундан 45 нафари оддий фуқароларнинг болалари эди.

Хива хонлигида хотин-қизлар таълими жуда катта муаммо бўлиб, халфалар, яъни отинойилар томонидан уйда ўқитиларди. Бу муаммо 1907 йилда Хива жадидларининг саъй-ҳаракатлари натижасида Урганчда қизлар мактабининг очилиши билан ҳал этилди. Бу мактабда Ҳусайн Қўшаевнинг турмуш уртоғи Комила Қўшаева қизларга билим бера бошлади. Урганчда қизлар мактаби очилишидан хурсанд бўлган Феруз бу мактабга

бориб таълим-тарбия мазмуни билан танишади ва муаллима Комила Қушаева билан Ҳусайн Қушаевнинг таълим услубиятини юксак баҳолаб, унга бош-оёқ сарупо кийгизади ҳамда хон хазинасидан мактабга моддий ёрдам бериб туришга қарор қилади (183.101-102). Моҳир ўқитувчи Ҳусайн Қушаев ҳам дарсларни қатъий тартибда дарс жадвали асосида ташкил этиб, ўқитишнинг янги илмийлик, онглилик, мазмунини тушунтириб ўқитиш, қизиқтириш, тафаккурини шакллантириш, курсатиш билан ишонч ҳосил қилиш, болага таъсир этиш ва уни тарбиялаш усулларини эскича схоластик таълим-тарбияга қарама-қарши қўяди.

Комил Хоразмий ва Муҳаммад Расул Мирзо мусиқа мактаби очиб, ўқувчиларга уша давр шоир санъаткорлари билиши зарур бўлган адабиёт қоидалари ва мақом куйларини, яъни “зеру бам”, яъни ингичка ва йўгон товушда куйлаш, мусиқа ритмига мос газаллар яратиш усулларини ургатган. Шунинг учун ҳам Комил Хоразмий ва Мирзонинг мусиқа таълими услубиятини ҳозирги давр мактаблар таълим-тарбия тизимида қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Суфининг маърифатпарварлик фаолиятида мактаб ва мадрасаларда ўқиш ва ўқитиш масалалари муҳим урин тутади. У “Дарс”радибли газалида мактаб мадрасалардаги жонли ва фаол, кургазмали ўқитиш гоёсини илгари суриб, ёшларни илмни онгли равишда эгаллашга, оқилона тартиб-интизомли бўлишга чақиради:

Тушуб чун илм йўлига дарс ўқирдин,  
Бошингга тиг келса қилма рам дарс (219.390).

Суфи “билим оламан десанг, такрор қил” деган халқ нақлини таълимнинг узгармас қонуни деб ҳисоблайди ва ҳар куни такрорлаш йўли билан ўқув материалларини талабалар онгида мустаҳкамлаш мумкинлигини алоҳида таъкидлайди:

Қуюб бу илм йўлида қадим дарс,  
Ўқугил саъй ила ҳар субҳидам дарс (219.368).

Демак, Суфи жонли ва фаол, кургазмали ўқитиш ҳамда такрорлаш усуллари тарафдори бўлиб, бусиз болаларда илм-фанга қизиқиш ва интилишни ривожлантириш мумкин эмаслигини ўқтиради. У таълим-тарбияда муаллимнинг талаб-

чанлигини, билим ва тарбия беришда қаттиққул булишини талаб этади:

Устоздурур далолат талмиз,  
Ҳал ҳамма мушкулот талмиз.  
Устоздурур сабоқ олурда,  
Ҳам раҳбару ҳимоят талмиз (221.390).

Суфи “Мударрис” радифли газалида мадрасалардаги дарс мазмуни ва мударрис ҳақида фикр юритар экан, мударрис тимсолида ёшлар уртасида илм-маърифат сочувчи ҳар томонлама билимдон, юксак педагогик маҳоратли талабаларга меҳрибон уқитувчи шахсини куради ва уни олқишлайди:

Туқуб уртага дурру гавҳари илм,  
Бериб сайқалу, калалдур мударрис.  
Талаба аҳлининг дарди дилига,  
Табиби ҳозики галдур мударрис (219.388).

Суфи мударриснинг ҳурматини қанчалик жойига қўйса, унинг педагогик фаолиятига талабни ҳам шунчалик оширади. Айниқса, у мадраса мударрисининг ахлоқий қиёфасига катта эътибор беради ва мударрис талабалар билан мунозара олиб бориш учун ўз устида ишлаб билимли, доно, фозил, камтар ва хушахлоқ булишини талаб этади:

Тариқи илмга талаб хайлин,  
Тутиб илкин мудалладур мударрис.  
Очиб толиблари бу илм бобин  
Маҳи матлабга муфассалдур мударрис.  
Туман минг муршиди жоҳилдин омий,  
Фазилат ичра фозилдур мударрис (219. 389)

Суфи мадрасада ўқиш ва ўқитишнинг ташкилий шакллари, мазмуни ва услублари тўғрисида фикр юритар экан, мадрасада талабаларни ўқитишда қизиқтириш, тушунтириш, мунозара, мусоҳаба усулларидан кенг фойдаланиш, биринчидан, мударриснинг юксак педагогик маҳоратини намоён қилса, иккинчидан, талабаларнинг билимларини онгли тушуниб, пухта узлаштиришларини таъминлайди. Шунинг учун ҳам Суфи мадраса мударрисини дарс жараёнида талабаларга кучли таъсир этувчи доно ва фозил киши сифатида таърифлайди:

Биногоҳ маънийи дарс улса мушкул,  
Би мушкулга муҳалладур мударрис.  
Талаба дарс уқурга тўзса маҳфил,  
Ҳамона шамъи муҳафалдур мударрис (299.389).

Табибий яхши таълим ва тарбия натижасида шахс етук инсон булиб етишади, деган гоъни илгари суради ва таълим билан тарбияни бир-бирига узвий боғлаб олиб бориш кераклигини алоҳида уқтириб утади:

Бу иков баъзига лекин бу замон бордур ниҳон,  
Шукрим аксаргадур изҳори илму маърифат.  
Илму нафсу маърифат жондур тани инсон аро,  
Елгиз улмас дирҳаму динор илму маърифат (255.282-283).

Куринадики, Табибий таълим билан тарбия жараёни шахснинг шаклланиши ва ривожидоги аҳамиятини дидактика қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда туғри баҳолайди ва ютдай қилиб таълим жараёнида машқлар йули билан болаларни фаоллаштириш ва диққатини ривожлантириш, қандай қилиб онгли хотирани тарбиялаш, такрорлаш орқали унутилган нарсаларни (билим)ларни қайта тиклаш ҳақида қимматли маслаҳатлар беради:

Илм бирла маърифат таълимини тарк этмагил,  
Ҳосил эт боринча жон такрор илму маърифат (255.283).

Айниқса, Табибийнинг “Етти равза” маърифий-дидактик достонида илгари сурган таълим-тарбияда изчил ва тизимли булиш, қизиқиш ва диққатни устириш туғрисидаги дидактик гоълари назарий-амалий жиҳатдан қимматга эгадир:

Табибий, мудом айла таҳсили илм,  
На таҳсил бил айла тақмили илм.  
Насиб улгуси токи иззат санга,  
Икки олам ичра саодат санга (255. 283).

Табибий узининг дидактик қарашларида муаллимнинг дарс жараёнида талабаларга меҳр-муҳаббатли ва талабчан булишини таълим-тарбия мезони, деб ҳисоблайди:

Чу устоддин этса қаттиг суҳан,  
Билур жоҳил учун дафъи ранжи миҳан.

Неча қилса устод қоҳаш анго,  
Булуру боиси илми бе интиҳо (255. 284)

Шунингдек, Табибий “Етти равза” асарида болаларга бериладиган таълим ва жазо усуллари жуда демократик ва инсонпарварлик руҳида бўлиши лозимлигини таъкидлаб, у уз дидактик фикрларини ибратли ҳикоятлар билан яқунлайди:

- “Бир олим - устод шаҳзодага таълим бериш жараёнида айтганини яхши бажармаганлиги учун унга жазо берган. Шаҳзода эса бу воқеани отасига етказибди. Подшоҳ эса ҳалиги устодни ҳузурига чақириб, “Менинг уғлимга берган бу азият (жазо)ингни бирор фуқаро фарзандига раво кўрмайсан, бунинг сабаби нима?! - деб сурайди. Устод жавоб қилади: “Бунинг сабаби шуки, андиша билан гапирмоқ ва мақбул ҳаракат қилмоқ лозимдур. Бу қоида барчага барабар, хусусан подшоҳларга алоқадордир. Чунки уларнинг қилган ишлари ва гапирган гаплари тилларда дoston бўлиб кетади, ammo авом халқнинг гапирганлари эса бундай аҳамиятга молик эмас. Шунинг учун шаҳзодаларнинг устозлари подшоҳ фарзандларининг ахлоқини тарбиялашда янада зиёдроқ саъй-ҳаракат кўрсатмоқлари вожибдур”, устоднинг жавоблари подшоҳга маъқул бўлди ва унга инъомлар бериб, саруфолар кийдириб узр сурайди. Натижада подшоҳнинг угли шаҳзода илмни, ақли адолатпарвар киши бўлиб етишади”(255. 284-285).

Аваз Утар углининг “Мақтаб” шеъри дидактиканинг энг яхши намунаси бўлиб, унда мактабнинг жамиятда тутган урни, уқитишнинг ташкилий шакллари, мазмуни ва услуби туғрисидаги фикрлар ёрқин ифодаланган:

Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб,  
Уқусун ёшларимиз кунглини шод этгуси мактаб.  
Дилу жон бирла эл мактаб очарга ижтиҳод этсин,  
Нединким, бизни гам-қайғудин озод этгуси мактаб.  
Қаю миллатга биздек гар насими, инқир етса,  
Анга, албатта, мустаҳкамлик ижод этгуси мактаб.  
Бу не навмидлиқдур?! Мактаб очсак, оқибат бизни,  
Аруси ком ила мақсудга домод этгуси мактаб (50.9).

Қуришиб турибдики, Аваз мактаб бола таълим-тарбиясида ҳал қилувчи урин тутишини эътиборга олган ҳолда, бу билим учоғида уқиш ва уқитишнинг йул-йуриқлари, узига

хос томонлари ҳақида фикр юритади. Мураббий шоир уз давридаги мактаб ва мадрасаларда дунёвий билимларни ўқитишни тавсия этади. Унинг фикрича, мактаб ва мадрасаларда табиий-илмий фанларни, хусусан, фалакиёт (астрономия) фанини ўқитиш талабаларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантиришда, табиат ва жамият қонунларини билишида, табиат ҳодисаларига ақл билан ёндашишида муҳим аҳамиятга эгадир:

Шоҳи анжумким тузиб мажмуъи кавкабга низом,  
Кўҳна рахший тезрафторига чун булди сувор:  
Муштарий бирла видо айлаб чу буржу хут аро,  
Айлади майдони Миррихи ҳамад сори гулзор.  
Соати навроз киргач, Ҳақ таоло сунъидин,  
Бир-бирига вазн аро тенг булдилар лайлу наҳор (256.286).

Аваз “Тил” шеърисида мактаб ва мадрасаларда замонавий она тилини ўргатиш, сўнг уларга “гайри тили”ни, яъни араб, форс, рус тилларини ўрганиш кераклигини алоҳида таъкидлайди:

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакка они гайрат этинг фойда кондур.  
Илму фан уйига юборинглар болангизни,  
Онда ўқугонлар бори яктойи замондур (49.19).

Фақирий “Янги мактаблар” асарида мактаб ва мадрасалардаги таълим-тарбия соҳасидаги қотиб қолган ақидаларга, қуруқ ёдлашга асосланган, дуқ-туписа билан ўқитиш услубини ислоҳ қилиш гоёсини илгари суради, янги усул-жадид мактабларидаги таълим-тарбия мазмунининг афзалликларини ва ўқини қисқа муддатли эканини далиллар асосида қўйидагича ифодалайди:

Билингким, тоза даврон жарчисидур янги мактаблар,  
Жаҳолат қасрини ҳам бузгусидур янги мактаблар.  
Агарчи мадрасалар фисқи бидъатга макон эрди,  
Бале илму ҳунарлар партавидур янги мактаблар.  
Ун-ун беш йил ўқубон ҳам ёзолмас эрди уз исмин,  
Ун ойда бас, саводхон этгусидир янги мактаблар (255.297).

Мутриб янги усул мактабларида болаларга бериладиган таълим-тарбия ишлари, ўқитиш услуби уз мазмуни ва

характерига кура бутунлай янги ҳамда илғор эканлигини, болаларни ўқитиш билан шуғулланадиган муаллимларнинг “илм аро якто”, саводхон, маданиятли кишилар эканлигини алоҳида таъкидлаб, ота-оналарга шундай хитоб қилади:

Илм аро якто муаллимлар келиб,  
Жаннатасо янги мактаблар очиб.  
Ешларни тарбият бирла мудом,  
Айлади ҳар бирини олий мақом...  
Эй халойик, булса фарзандинг агар,  
Бер муаллимга ани қилмай ҳазар(255.302).

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, Хоразм маърифатпарварларининг педагогик фаолияти ва дидактик қарашларига чуқур назар ташланса, шу нарса алоҳида кузга ташланадики, маърифатпарварлар мадраса ва эски мактаб таълим-тарбия услубининг энг илғор томонларини қабул этган ҳолда таълим тизимида ислоҳ қилиш, янги усул мактаблари, унинг аҳамияти, ўқитиш тизими янги маориф ва маданиятни ривожлантириш, дунёвий фанларни ўқитишнинг фойдаси, устоз ва талабанинг узаро муносабати, комил инсоннинг таълим-тарбияси тўғрисидаги ғояларини илғари сураб эканлар, таълим-тарбия жараёнида қуйидагиларга риоя этиш зарурлигини алоҳида таъкидлайдилар:

- ўқувчиларни зериктирмаслик;
- узвийлик, изчиллик;
- қургазмали воситалар орқали баён этиш;
- билимни онгли равишда урганиш;
- китоб ўқиш ва китоб билан ишлашга урганиш;
- таълимда энгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
- билим беришда болаларнинг майли, интилиши, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- талабалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш; берилаётган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олишига эътибор бериш;
- талабаларнинг хотираси, билимларини эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;
- фанларга қизиқтира олиш;

муаллимнинг ҳар бир сузи талабалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида булиши;

таълим жараёнида ўқитишнинг турли услуб ва шаклларидан фойдаланиш.

Ўз-ўзидан қуриниб турибдики, Хоразм маърифатпарварларининг дидактик таълимотида устод-муаллим қайси услублардан фойдаланмасин - у оғзаки, ёзма, суҳбат ёки мунозара тарзидами талабада чуқур билим ҳосил қилиш, онгли ва ақлий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга татбиқ эта олиш малака ва куникмасини таркиб топтириш сингари дидактик ғоялар уша давр таълим тизими учун муҳим аҳамият касб этибгина қолмасдан, ҳозирги давр ўзбек миллий дидактикаси учун ҳам ғоят қимматлидир.

## ХУЛОСА

Юқоридагилардан умумий хулоса қилиб айтганда, мустақилликка эришилганидан кейин қадимги Турон, жумладан, Хоразм умумжаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон эътироф этмоқда. Ҳақиқатан ҳам умумжаҳон маданиятининг юксак даражага кўтарилган барча босқичларини Хоразм маданияти ва маънавиятисиз тасаввур этиш амримаҳол. Тарихий манбалар ва археологик қазилмаларда топилган ёзув, илм-фан, санъат, маданият ва маънавият билан боғлиқ ёдгорликлар шундан далolat берадики, Хоразм маданияти ва маънавияти дунёга машҳур бўлган қадимий Юнонистон, Ҳиндистон, Хитой, Рим, Эрон, Миср цивилизацияси билан қарийб тенгқурдир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1997 йил Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантананда сузлаган нутқида: “Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир” (23.1.), - деган сузлари уринли эканлигини эслаб утишимизнинг узи кифоядир.

Кўҳна Хоразм дунёдаги энг қадимий жаҳон динларидан ҳисобланган зардуштийлик ва унинг “Авесто” китобининг яратилган маскани сифатида илмий манбаларда ҳаққоний узифодасини топган. “Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз”, - дейди Ислоҳ Каримов. Энг муътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждолларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айни замонда бу қадим улқада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди...” (25.5).

Равшанки, ана шундай маълумотларнинг узиёқ илмий ишнинг натижаси улароқ қўйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади:

- биринчидан, Тупроққалъа, Жонбасқалъа, Қуйқирилганқалъа, Бургутқалъа, Қирққизқалъа, Аёзқалъа, Норинжонқалъа, Филқалъа, Ғулдурсунқалъа, Катқалъадан археологик қазиломалар пайтида топилган Хоразм ёзуви, илм-фан, санъат, моддий ва маънавий маданият, инсон таълим-тарбиясига оид ёдгорликлардаги маълумотлар инсоният жамиятининг таркиб топиш тарихий жараёни, инсон тафаккурининг-энг қадимги даврлардан бошлаб босқичма-босқич ривожланиши ва шу билан бирга инсон ақлий ва ахлоқий жиҳатдан шакллана борганлиги туғрисида тула тасаввур ҳосил қилишимизга имкон беради;

- иккинчидан, “Авесто” ҳам Шарқ, ҳам Ғарб халқларининг маънавий мероси булиб, унда инсоннинг ҳар томонлама баркамол булиши учун зарур булган ҳаётий йул-йуриқлар уз ифодасини топган. Яқин-яқингача “Авесто”дан сунг исломгача булган таълим-тарбия жараёнида бир бушлиқ пайдо булиб, деярли мазкур давр таълим-тарбия тизими хусусиятлари ҳақида гап кетганда фақат Урхун-Энасой ёдгорликлари ҳақида фикр билдирилар эди, холос. Биз олиб борган мазкур тадқиқот ишимизда қадимий аجدодларимиз эрамининг бошларидан исломгача ҳам таълим-тарбия тизимига оид узига хос таълимотга эга эканлигини илмий жиҳатдан асослаб бердик;

- учинчидан, халқ педагогикаси инсон пайдо булгандан энг қадимги даврдан бошлаб мавжуддир. Халқ педагогикасининг кучли қудратга эгалиги ва халқчиллигини билган Шарқ шу жумладан, Хоразм мутафаккирлари, шоир ва олимлари уз фаолиятларида унга амал қилдилар. Айниқса, Хоразм мутафаккирларининг халқ урф-одатлари ва таълим-тарбия анъаналарини чуқур урганиб утмиш авлодлар донишмандлиги келгуси авлодлар учун кузгудир, деган хулосага келишлари диққатга сазовордир;

- туртинчидан, Хоразм мутафаккирлари маърифий-педагогик қарашларининг шаклланиши ва ривожланишига Ислом дини ва унинг муқаддас китоби Қуръони карим ҳал қилувчи таъсир курсатганлиги ҳали илмий жамоатчилик томонидан тула урганилмаганлигига эътиборни қаратиб таҳлил этдик;

- бешинчидан, бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк академиялардан булмиш-Маъмун академияси

Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта. У нафақат Мовароуннаҳрдаги, балки бутун мусулмон Шарқидаги маърифий-педагогик фикрлар ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Бу илмий мактабнинг ютуқларини урганиш ва у давр олимлари қолдирган асарларни аниқлаш, таржима қилиш ва ташвиқ қилиш шубҳасиз, республика аҳлини, хусусан ёшларимизни илмий анъаналаримиз руҳида уз утмиши, тарихига муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, дейишимиз асослидир;

- олтинчидан, таълим-тарбия борасида бирор гоё, мафкура доираси билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Утмишда шаклланиб, узоқ, жиддий тарих синовларидан ўтган, умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисмига айланган тасаввуф намояндалари Сулаймон Боқиргоний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузийларнинг инсон камолоти гоёларининг шаклланиши, унинг инсонни маънавий, руҳий комилликка эришуви босқичлари, руҳий покланиш усулларининг узига хос хусусиятлари муҳим манбалар асосида талқин этилиб, ҳозирги замон илмий-педагогик тафаккури истисмолига киритилиши ёш авлодни етук инсон қилиб тарбиялашда жуда ҳам қўл келади, деган хулоса чиқаришимизга имкон беради;

- сттинчидан, Шарқ Уйғониш илк даврида Хоразмда илм-фан уч йуналишда ривожланганини кўрамиз: биринчи йуналиш-нақли илм, яъни ривояти ҳадис, илми усули ҳадис, фикҳ ва усули фикҳ, илми камол, улуми лисонин (араб тили, сарфи ва нақли); иккинчи йуналиш -табиий фанлар (табобат, химия, физика, ботаника, зоология, геология) ва аниқ (математика, ҳандаса, фалакиёт); учинчи йуналиш-ижтимоий фалсафий (психология, мантиқ, педагогика, мусиқа, илоҳиёт, яъни тасаввуф) фанлари булиб, Хоразм мутафаккирлари узларининг маърифий-педагогик қарашларини диний ва дунёвий илмлар, мантиқий генесологик билимлар, ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлари таркибида ёки таълимий-ахлоқий асарларида ифодалайдилар. Шу уринда Аҳмад Фарғоний, Абу Бакр ар-Розий, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Носириддин Тусийларнинг асарларидаги маърифий-педагогик гоёлар Мусо ал-Хоразмий, Ибн Ироқ, Абу

Бакр ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий, Умар ал-Чағминий асарларидаги маърифий-педагогик қарашларнинг-мазмуни билан яқинлигини, ухшашлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Шунингдек, Уйғониш даври маърифий-педагогик қарашларнинг узига хос характерли етакчи хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ҳам курсатиш мумкин:

- дунёвий илмларга интилиш, дин ва диний билимларни жамият, инсонлар манфаати нуқтаи назаридан талқин этиш;

- турли халқларнинг илмий ютуқлари, маънавий-педагогик мероси, утмиш маданий қадриятлари (юнон, араб, эрон маданияти бойликлари)дан фойдаланиш;

- табиатни, мавжуд ҳаётни, мавжудотни урганишга қизиқишнинг кучайиши, унинг сирларини очишга ва ундан фойдаланишга интилишнинг ортиб бориши, шу муносабат билан табиатшунослик фанларининг ривожланиши;

- билишда ақлни мезон деб тушуниш, ақлий билиш, илмлар таснифи ва билиш назарияси, илмийлик ролининг ошиб бориши;

- инсонга муҳаббат, унинг ахлоқий ва ақлий хислатларини, қобилиятларини урганиш ва фазилатларини очиб беришга интилиш, мантиқ илмига катта эътибор бериш, комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрларни асослаб бериш;

- диний тасаввур, диний таълимотлар ривожда диний-ахлоқий мавзунинг устунлиги, инсон хулқи, манфаатларининг диний гояларда етакчи мавзуга айланиши, ички маънавий камолот, Аллоҳга субъектив ички мукаммаллашув, маънавий-руҳий кутарилиш, юксалиш ёрдамида эришув ва унинг сифатларига муяссар бўлишга қаратилган фаолият уша давр илгор маънавиятининг характерли хусусиятига айланиши;

- саккизинчидан, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср маънавиятимиз тарихида Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичида яшаган Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Абулғози Баҳодирхон сингари мутафаккирларнинг асарларидаги инсон, унинг ақл-заковати, ахлоқ-одоби, бошқаларга муносабати, илм-маърифатга эътибори, инсонийлик моҳияти масалалари ҳам уша давр маърифий-педагогик қарашларининг етакчи хусусиятларида кенг маънодаги ворисликни куриш мумкин;

- туққизинчидан, XVII-XIX асрларда яшаган Хоразм мутафаккирлари Муҳаммад Хоксор, Муҳаммадниёз Нишотий, Роқим, Мунис, Огаҳийларнинг ижодини синчиклаб урганиш шуни курсатадики, маърифий-педагогик қарашларида хусусийлик ва умумийлик, миллийлик ва умуминсонийлик ниҳоятда уйғун ҳолда намоён бўлади. Уларнинг инсон маънавияти, инсон руҳияти, ақлий камолоти равнақи учун асосий замин бўлиб хизмат қиладиган тенгсиз педагогик меросини тулалигича чуқур урганишимиз, узлаштиришимиз зарур бўлади;

- унинчидан, XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон улқаси, шу жумладан, Хоразмда пайдо бўлган жадидчилик маънавиятимиз тарихи майдонида чиққан маърифатпарварона ислоҳотчилик ҳаракатларидан бири эди. Жадидларнинг ижтимоий ислоҳотчилик ҳаракати чор ҳукумати маъмурлари зимдан юритган мустамлакачилик сиёсатига ва феодал-хонликдаги халқни азоб-уқубатлардан қутултириш ва маънавий маданиятини юксак даражага кўтаришга, қадимдан мавжуд бўлган ва чуқур шарқона маънавий таълим-тарбияга асосланган маҳаллий мактаб ва мадрасалардаги таълим-тарбия жараёнига Оврупонинг илғор илм-фан ва техника ютуқларини қушиб юбориш ва уйғунлаштиришга, Хоразмни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга қаратилган эди. Шу уринда бу маърифий ислоҳотлар миллий таълимнинг узига хос хусусиятини, яъни ўқитув ишларини шарқона қадрият бўлмиш диний таълим-тарбия, миллий-маънавий асосларни сақлаб қолган ҳолда амалга оширганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Негаки, жадид мактабларининг чоризм маъмурлари томонидан очилган рус-тузем мактабларидан устунлиги ва маҳаллий аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланиши аввало ана шу негизларга бориб тақалади.

XX аср бошларида Хоразмдаги маҳаллий халқ таълимида яна бир узига хос жиҳатни назардан қочирмаслигимиз керак. Аниқроғи, юқорида санаб ўтилган халқ таълимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ янгиликлар бир хил даражада жорий этилмаган. Бу даврда улқадаги янги усул мактаблари икки турга бўлинган. Биринчи турдагилари масжидлар қошида бўлиб, уларга товуш услубини қўллаш орқали янгилик киритилган. Иккинчи турдагилари рус бошланғич мактаб-

ларига яқин бўлиб, ўқитиш ва тушунтириш товуш услубига асосланганидан ташқари, уларда Оврупо мактабларидаги каби умумтаълим фанларининг асослари ҳам ўқитилган. Шунга кўра мактаблар ягона бошқарув марказига эга бўлмаганлиги сабабли ўқитиш турлича ўқув дастури ва турли дарсликларга таянилган ҳолда олиб борилган деган хулоса чиқаришимизга имкон беради;

- ун биринчидан, биз тадқиқот ишимизнинг натижаси асосида утмиш таълим-тарбия тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда баён этмоқчи булган тавсияларнинг барчаси узлуксиз таълимнинг асосий мезонлари сифатида зарур бўлиб, Ўзбекистан Республикасини жаҳон тараққиёти даражасига кутаришга хизмат қилувчи билимли, соғлом, маънавий баркамол инсонни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, деган умиддамиз. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳозирги давр таълим-тарбия тизими ва Миллий кадрлар тайёрлашнинг талабларига мос чуқур ва мустақкам билимга эга булган, тафаккур қобилияти ниҳоятда кучли, уткир зехни шахсни тарбиялаш учун таълим-тарбия жараёнида ҳар бир талабанинг ўзига хос қобилият ва истеъдодини намоён этувчи услуб ва усулларидан фойдаланишда таълимнинг тарихий тажрибаларига таяниш.

2. Барча талабаларни бир хил талаб асосида ўқитиш ва тарбиялашга чек қўйиб, таълим жараёнига узгаришлар киритиш (масалан, ўқув дастуридаги материалларни яхши узлаштирган талабаларни синфдан-синфга, курсдан-курсга муддатидан олдин кучириш ва ҳоказо).

3. Ҳозирги давр ўзбек миллий педагогикасида ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш мазмунига мутафаккирларнинг яратган таълимий-ахлоқий асарларидан кенг фойдаланган ҳолда узгартиришлар киритиш. Чунончи, билим олишга оид таълимий услуб ва усуллар шарқона одоб-ахлоқлиликнинг мезонлари, маънавий-жисмоний тарбия мазмунини алломаларнинг таълимий-ахлоқий асарларидан кенг фойдаланган ҳолда шарқона таълим-тарбия мезони асосида қайта ишлаб чиқиш.

4. Болалар боғчалари, мактабларнинг бошланғич синфларидан юқори синфларгача утказилаётган тарбиявий соатлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги “Одобнома”,

“Маънавият сабоқлари”, “Маънавият асослари”, “Педагогика”, “Педагогика тарихи” уқув дастурлари, уқув қўлланмаси ва дарсликларни қайта кўриб чиқиб, жаҳон таълим андозалари ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларимиз асосида уларни қайта нашр этиш.

## ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1992, 43 - бет.
2. И.А.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992, 78 - бет.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Ўзбекистон, 1992, 62 - бет.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Ўзбекистон, 1993, 259 - бет.
5. И.А.Каримов. Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг. "Ўзбекистон", 1993, 111 - бет.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон - бозор муносабатларига утишнинг узига хос йули. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993, 127- бет.
7. И.А.Каримов. Буюк мақсад йулидан оғишмайлик. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993, 18 - бет.
8. И.А.Каримов. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Тошкент, "Шарқ", нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1993, 99 - бет.
9. И.А.Каримов. Йўлимиз - мустақил давлатчилик ва тараққиёт йули. Тошкент, "Ўзбекистон", 1994, 37 - бет.
10. И.А.Каримов. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент, "Ўзбекистон", 1994, 29 - бет.
11. И.А.Каримов. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. Тошкент, "Ўзбекистон", 1994, 30 - бет.
12. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, "Ўзбекистон", 1994, 37 - бет.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. (Тузувчи ва нашр учун масъулар: филология фанлари доктори, профес-сор Н.Комилов, К.Бурҳонов), Тошкент, "Ўзбекистон", 1994, 155 - бет.
14. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент, "Ўзбекистон", 1995, 278 - бет.
15. И.А.Каримов. Туркистон умумий уйимиз. Тошкент, "Ўзбекистон", 1995, 45 - бет.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон", 1996, 364 - бет.
17. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон", 1996, 382 - бет.
18. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон", 1996, 368 - бет.
19. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йулидан. 4-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон", 1996, 351 - бет.
20. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон", 1997, 382 - бет.

63. С.А.Аҳмедов. Урта Осиёда математика. Тошкент, "Уқитувчи", 1977, 193 - бет.
64. Арабская средневековая культура и литература: сб. Статей зарубежных ученых. Москва, "Наука", 1978, 217-стр.
65. Александров А. Государство в пустыне (Древний Хорезм), журнал "Знание сила", 1949 № 8, 17,23-стр.
66. Алеулов У. Становление и развитие педагогической мысли в Каракалпакстане. "Билм", 1996, 134 - стр.
67. А.Абдурасулов. Узбек маърифатпарвар шоирлари илм-маърифат ҳақида. Тошкент, "Уқитувчи", 1972, 93-бет.
68. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Тошкент, "Мерос", 1992, 175 - бет.
69. Бартольд В.В. Хорезм. Сочинения. Т. 8, Москва, "Наука" 1965, 417 - стр.
70. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч.Т.3. Москва "Наука", 1965, 512 - стр.
71. А.Бобоханов. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан. Тошкент, "Уқитувчи", 1967, 119-стр.
72. Бойс Мэри. Зорастрийцы. Верования и обычаи. "Наука", Москва, 1987, 163-стр.
73. Беляев Е.А. Арабы, ислам и Арабский халифат в ранее средневековые. Москва, "Наука", 1960, 172 - стр.
74. Бернал Дж. Наука в истории общества (Пер. с англ), Москва, "Наука", 1956, 413 - стр.
75. Е. Березиков. Зардушт тугилган диёр. "Ёшлик", 1991 йил, 8-сони, 32, 43 - бетлар.
76. Бертельс Е.Е. История персидско - таджикской литературы. Москва, "Наука" 1960, 368-стр.
77. Ф. Бойназаров. Урта Осиёнинг антик даври, Тошкент, "Уқитувчи", 191, 481 - бет.
78. П.Г. Булгаков. Абу Райҳон Беруний. Тошкент, "Фан", 1973, 63-бет.
79. Буниятов З.М. Государство Хоразмшахов - Ануштегинидов 1097-1231. Москва, "Наука", 1986, 246-стр.
80. Бертельс Е.Э. Новые работы по изучению "Авесты", Ученые записки института востоковедения АН СССР. Т.3. Москва, 1963 179-стр.
81. Булгаков П.Г. Беруни и Хорезми. "Математика и астрономии в трудах ученых Средневекового Востока", Ташкент, "Фан", 1977, 193 - стр.
82. Билялов Г.М. Из истории культуры и просвещения в Хорезмской Народной Советской Республике. Ташкент, "Уқитувчи", 1966, 112 - стр.
83. Г.М. Билялов. Хоразмда халқ маорифи тараққийси. Тошкент, "Уқитувчи", 1969, 187 - бет.

84. Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы. Москва, "Наука", 1972, 412-стр.
85. Великие ученые Средней Азии и Казахстана (VIII-XIX вв.) Сб. Статей: Алма-ата, 1965, 297 - стр.
86. Великий ученый средневековья ал-Хорезми. Ташкент, "Фан", 1985, 123-стр.
87. Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. Москва, "Наука", 1968, 113 -стр.
88. Воробьев М.В. Из истории древнего Хорезма. "Советская археология", 1958, 1, 6, 11-стр.
89. Воробьева М.Г., Рожанская М.М., Веселовская И.Н. Древнехорезмский памятник IV в. до н.э. Койкирилганкала с точки зрения астрономии. Сб. "Историко-астрономические исследования", вып.Х. Москва, 1969, 183-стр.
90. Гафуров Б.Г. Таджики. Книга первая. Душанбе, "Ирфон", 1989, 493 - стр.
91. Гоибов Г.К. Исторической топонимике Хорасана. Маверанахра и Хорезма в У 11-Х вв. С.сб: Хорезм и Мухаммед ал-Хорезми и мировой истории и культуре. Душанбе, "Ирфон", 1983, 119- стр.
92. Гоибов Г. Мухаммад ибн Муса ал-Хорезми (жизнь и творчество), Душанбе, "Ирфон", 1983, 73 - стр.
93. Григорян С.Н. Великие мыслители Средней Азии. Москва, "Наука", 1958, 146-стр.
94. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент, "Фан", 1957, 437 - стр.
95. Гулямов Я.Г. Эпоха Абу Райхана Беруни. "Общественные науки Узбекистана", 1972, 2, 39, 42-стр.
96. Де Вин Девис. Хусайн Хорезми: Среднеазиатский суфий начала XV (Перевод с английского, США). Из истории суфизма: источники и социальная практика. Ташкент, "Фан", 1991, 63, 72-стр.
97. Джумабаев Ю. Из истории этической мысли в Средней Азии. Ташкент. "Фан", 1975, 239 - стр.
98. Депман И.Я. История арифметики. Москва, "Просвещение", 1965, 189 - стр.
99. Джавахарлал Неру. Открытие Индии. Москва, "Наука", 1955, 479-стр.
100. Джалилов Г.Д. Астрономические вопросы в книге Бируни. "Вопросы истории физико-математических наук". Москва, "Наука", 1963, 164 - стр.
101. И.Жумабаев. Зардуштийлик китоби. "Фан ва турмуш", 1990, 12 - сони, 19, 22- бетлар.
102. И.Жумабаев. Урта Осиё этикаси тарихи очерклари. Тошкент, "Узбекистан", 1980, 336 - бет.
103. Ҳ. Жабборова Хоразм алласи. "Халқ сузи", 1991 йил 5 июль, 3-бет.

104. Ғ Жаҳонғиров. Узбек болалар фольклори, Тошкент, "Уқитувчи", 1975, 123-бет.
105. Р. Жуманиёзов. Донг қозонган дoston. Гулистон. 1990 йил 8-сони, 19,21-бетлар.
106. М. Жуманиёзов. Маъмун академияси. Урганч. 1994, 53-бет.
107. И. Жабборов. Кухна харобалар сири. Ташкент. "Уқитувчи", 1968, 76-бет.
108. Жамол Камол. Шайх Нажмиддин Кубро. Рубоийлар. "Шарк юлдузи", 1988 йил 7-сони, 63,72-бетлар.
109. Н. Жумаев. "Саводи таълим" рисоласи. "Узбек тили ва адабиёти", 1978 йил 6-сони, 17,19-бетлар.
110. Ж. Жумабоева. Узбек совет шеърятининг шаклланиш хусусиятлари. Ташкент. "Фан", 1991, 143-бет.
111. Х. Жомбоқиев, С. Ҳасанов. Хоразм-кухна маданият учоғи. Ташкент. "Фан", 1983, 67-бет.
112. М. Зиёвуддинова. Илмларнинг калитлари. "Узбекистон адабиёти ва санъати" 1983 йил 18 август, 2-бет.
113. Замахшарий мақолатлари. "Тошкент оқшоми" Газетаси, 1984 йил, 27 февраль, 3-бет.
114. Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв. Москва, "Наука", 1961, 203 - стр.
115. Из истории точных наук на средневековом Ближнем и Среднем Востоке. Ташкент. "Фан", 1978, 317-стр.
116. А. Ирисов. Беруний ҳикматлари. Тошкент. "Фан", 1973, 113-бет.
117. А. Ирисов. "Авесто" китоби. "Санъат", 1991 йил 3 - сони 24,26-бетлар.
118. Г. Исмоилова. Хоразмнинг фозил фарзанди. "Туркистон", 1991 йил 23 август, 3-бет.
119. Измаилов А.Э. Народная педагогика: педагогическая воззрения народов Средней Азии и Казахстана. Москва, "Просвещение", 1991, 217 - стр.
120. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент. "Ёзувчи", 1991, 183-бет.
121. Ибрагимов Н. Ибн Батута и ее путешествия по Средней Азии. Москва, "Наука", 1990, 102-стр.
122. История Хорезма (с древнейших времен до наших дней). Ташкент. "Фан", 1976, 487-бет.
123. Ж. Йулдошев. Таълимимиз истиқлоли йулида. Тошкент. "Шарк" нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1996, 163-бет.
124. Х. Каримов. Тарбия илдизлари. "Уқитувчи Газетаси" 1990 йил 31 март, 2-бет.
125. Ш. Каримов. Узбекистон тарихи ва маданияти. Тошкент. "Уқитувчи", 1992, 243-бет.
126. Н. Комилов. Нажмиддин Кубро. Ташкент. "Мерос", 1995, 32-бет.

127. Кор-оглы. Узбекская литература. Москва, "Высшая школа", 1958, 579-стр.
128. Комил Аваз. "Гарчи эрурман толеим Феруз...". "Узбекистан санъати", 1994 йил 30 сентябрь, 3-бет.
129. Комил Девон. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1975, 223-бет.
130. Комил Девоний. Шеърлар. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1971, 79-бет.
131. Культура и искусства древнего Хорезма. Москва, "Восточная литература", 1981, 223-бет.
132. Ғ.Ғ.Каримов. Узбек адабиёти тарихи. Ташкент. "Уқитувчи", 1987, 316-бет.
133. Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана, Москва, "Наука", 1955, 511-стр.
134. Кой-Кирилганкала-памятник древнего Хорезма IV в.д.н.э. IV в.н.э. Москва, "Восточная литература", 1967, 89-стр.
135. Лившиц В.А. Хорезмский календарь и эры древнего Хорезма. История, культура, языка народов Востока. Москва. "Восточная литература", 1970, 113-стр.
136. Логико-Гнессеологические идеи мыслителей Средней Азии. Ташкент. "Фан", 1981, 142-стр.
137. Материалы по истории Туркмен и Туркмении. Москва-Ленинград, "Наука", 1941, 433-стр.
138. О.Мадрахимов. "Хоразм" сузининг маънолари. "Фан ва турмуш", 1974. 2- сони, 34,36-бетлар.
139. Маньлов Ю.П. Работы по Городише Пиль-кала в 1963 г., "Общественные науки Узбекистана", 1965, №3, 21,24-стр.
140. Н.М.Маллаев. Узбек адабиёти тарихи. Тошкент, "Уқитувчи" 1976, 660-бет.
141. Мэри Бойс. Зороастрийцы верования и обычая. Москва, "Восточная литература", 1988, 268-стр.
142. Маковальский А.О. Авеста, Баку, 1960, "Муаллим" 433-стр.
143. Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент. "Фан", 1957, 437-стр.
144. З. Миртурсунов. Узбек халқ педагогикаси. Ташкент. "Фан", 1973, 129-бет.
145. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар, Ташкент. "Фан", 1983, 633-бет.
146. Маънавият дарслари. Тошкент. "Уқитувчи", 1994, 376-бет.
147. Матвиевская Г.П. Арабские средневековые энциклопедии как источник по истории математики и астрономии Ближнего и Среднего Востока. Ташкент. "Фан", 1978, 213-стр.
148. Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды.(VIII-XVII вв.). Москва, "Восточная литература", 1993, 254-стр.

149. Матвиевская Г.П., Тиллашев Х. Абу Наср ибн Ирак и его обработка "Сферики" Менелая. "Математика и астрономия в трудах ученых средневекового Востока", Ташкент. "Фан", 1977, 148-стр.
150. Муминов Н.М. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент. "Фан", 1957, 213-стр.
151. Э.Мадраҳимов. Нажмиддин Кубро. "Хоразм ҳақиқати", 1991 йил 8 январь, 2-бет.
152. Мунис. Сайланма. Тошкент. Ф.Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1980, 341-бет.
153. О.Мусурмонова. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Ташкент. "Уқитувчи", 1995, 190-бет.
154. Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Ғазаллар. Ташкент. "Мерос", 1991, 67-бет.
155. Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Девон. Тошкент. Ф.Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1994, 158-бет.
156. А.Қ. Мунавваров. Оила педагогикаси. Тошкент. "Уқитувчи", 1994, 184-бет.
157. В. Мирзаев. Аваз Утар ижодида маърифатпарварлик ва дидактик гоёлар. "Совет мактаби", 1984 йил 8-сон, 40, 42-бетлар.
158. Миркарим Осим. Алжабрнинг тугилиши. Тошкент. "Уқитувчи", 1987, 32-бет.
159. К.Муниров. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. Ташкент. "Фан", 1960, 156-бет.
160. Б.Насриддинов. "Наврўз" мозийда. "Маърифат", 1992 йил 19 март, 2-бет.
161. Н.Норқулов. Беруний ва Хоразм. Ташкент. "Фан", 1979, 48-бет.
162. К.Нуржонов. Хоразм тарихидан лавҳалар. Урганч, 1992, 43-бет.
163. Нуриддинова З.Ф. Педагогические идеи Абу Райхана Беруни. Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент. 1971, 418-стр.
164. Огаҳий. Асарлар. I жилд, Тошкент. Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 423-бет.
165. Огаҳий. Асарлар. II жилд, Тошкент. Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 473-бет.
166. Огаҳий. Асарлар. III жилд, Тошкент. Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973, 556-бет.
167. Уллибиби. Отаева. Илдизингдан айра тутма. "Халқ сузи", 1991 йил, 29 август, 3-бет.
168. Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент. "Фан", 1977, 476-стр.
169. И.Остонакулов. Қиссасул анбиё. "Ёш куч", 1991 йил 3-сон, 23, 26-бетлар.
170. Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. Ташкент. "Мерос", 1992, 61-бет.

171. Педагогика тарихидан хрестоматия. Ташкент. "Уқитувчи", 1993, 464-бет.
172. Педагогика (А.Қ.Мунавваров умумий тахрири остида). Тошкент. "Уқитувчи", 1996, 199-бет.
173. Раппопорт Ю.А. и другие. Топраккала. Москва, "История и архелогия", 1984, 109-стр.
- 174.М. Расулов. Урта Осиё табиатшунослик фанлари тарихи. Ташкент. "Уқитувчи", 1993, 73-бет.
- 175.С. Рузимбоев. "Ошиқ" туркуми дostonларининг гоёвий-бадий хусусиятлари. Ташкент. 1987, 113-бет.
176. С.Рузимбоев. Хоразм дostonлари. Тошкент. "Фан", 1985, 187-бет.
177. Рузимбой Ҳасан. Шайх Нажмиддин Кубронинг руҳи. "Санъат", 1990 йил 12-сон, 29,31-бетлар.
178. Х.Расул. Гузаллик ва олийжаноблик қиссаси. "Мангу булоқлар". Тошкент, Ф.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 407-бет.
179. Роқим. Танланган асарлар. Тошкент, "Уздавнашр" Танланган асарлар. 1965, 174-бет.
180. А.Рустамов. Маҳмуд Замахшарий. Тошкент,"Фан" 1971, 33-бет.
181. Х.Расулов. Нишотий. "Ҳусн ва дил". Лирика. Ф.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1967, 313-бет.
182. Ж.Раҳимов. Улкани урганишни нимадан бошламоқ керак? Тошкент, "Уқитувчи", 1981, 129-бет.
183. Д.Раҳим, Ш.Матрасулов. Ферузшоҳ ва шоир қисмати. Тошкент, Ф.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 78-бет.
184. Сулаймон Боқирғоний китоби. Шеърлар ва дoston. Тошкент, "Мерос", 1991, 163-бет.
185. Салье М.Великий Хорезмский ученый Абу Райхан ал-Беруни (973-1048) "Звезда Востока", 1950, № 3, 40,44-стр.
186. Салье М.Мухаддмед ал-Хорезмий - великий узбекский ученый. Ташкент, "Фан", 1954, 101-стр.
187. Семёнов А.А. Беруни-видающийся ученый Средневековья. Ташкент, "Фан", 1950, 123-стр.
188. Сиддиқов Х. Роль ученых Древнего Хорезма в развитии точных наук. "Вестник каракалпакского филиала АН УзССР", Нукус, 1967, 2, 37,43-стр.
189. Сиражиддинов С.Х., Матвиевская Г.П. Абу Райхан Беруни и его математические труды. Москва, "Восточная литература", 1978, 93-стр.
190. Сиражиддинов С.Х., Матвиевская Г.П. Аль-Хорезми-выдающийся математик и астроном средневековья. Москва, "Наука", 1983, 78-стр.
191. С.П.Толстов. Қадимги Хоразм маданиятиги излаб. Тошкент, "Фан", 1966, 343-бет.

192. Э.Туракулов, С.Раҳимов, Абу Райҳон Буруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент, "Уқитувчи", 1992, 79-бет
193. Х.Х.Тиллашев. Общепедагогические идеи ученых-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока. Эпохи Средневековья. Ташкент, "Фан" 29, 89, 145-бет.
194. Х.Х.Тиллашев. Шарқ алломалари тарбия хусусида. "Совет мактаби", 1987 йил 6-сон, 12,14-бетлар.
195. Табибий. Танланган асарлар. Тошкент, Уздавнашр, 1968, 232-бет.
196. Тухтаметов Т.Г. Россия и Хива в конце XIX начале XX в. Москва, "Политическая литература", 1968, 198-стр.
197. Ж.Туленов., З.Фафуров. Фалсафа. Тошкент, "Уқитувчи", 1997, 383-бет
198. У.Уватов. Хоразмнинг олис юлдузлари. "Шарқ юлдузи", 1991 йил 2-сон, 53,62-бетлар.
199. У.Уватов. Раппиддин ал-ватвот мактублари. "Гулистон", 1991 йил 2-сон, 21,23-бет.
200. О.Усмонов. Нажмиддин Кубро. "Қишлоқ ҳақиқати", 1991 йил 10 апрель, 4-бет.
201. Р.Усмонов. "Саодатнома", Тошкент, "Уқитувчи", 1995, 359-бет.
202. Усмонов Т. Использование трудов Беруни на уроках физики. Ташкент, "Уқитувчи", 1989, 93-стр.
203. Фақирий. Шерлар, Тошкент, "Уздавнашр", 1972, 87-бет.
204. О.Файзуллаев. Муҳаммад ал-Хоразмий ва унинг илмий мероси. Тошкент, "Фан", 1983, 39-бет.
205. Фрейман А.А. Хорезмский язык. Москва-Ленинград, "Восточная литература", 1951, 112-стр.
206. Хоразм эргаклари. Тошкент, Уздавнашр, 1961, 353-бет.
207. Хайруллаев М.М., Баходиров Р.М. Абу Абдуллах ал-Хорезми. Москва, "Наука", 1988, 140-стр.
208. М.Хайруллаев. Урта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. Тошкент, 1994, 78-бет.
209. Х. Худойназаров. Абдулғози Баходирхон тарихчи ва адиб. Тошкент, "Уқитувчи", 1994, 120-бет.
210. Х.Худойназаров. "Шажараи турк" ва унинг урганилиши. Тошкент. "Уқитувчи", 1993, 127-бет.
211. Хоразм халқ қушиқлари. Тошкент, Уздавнашр, 1965, 316-бет.
212. Шермуҳаммад Мунис. Танланган асарлар. Тошкент. Уздавнашр, 1957, 403-бет.
213. М.Шербоев. Оилада болалар тарбиясида халқ традициялари. Тошкент, "Уқитувчи", 1969, 64-бет.
214. Шарипов А. Проблема логики в книге. "Ключ к науке". Абу Абдуллаха Муҳаммада Хорезми. "Логико-гнесологические идеи мыслителей Средней Азии". Тошкент, "Фан", 1981, 197-стр.

215. Шайх Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойлар, Тошкент, "Мерос", 1994, 59-бет.
216. Э. Юсупов. Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тариқати, "Халқ таълими", 1995 йил 1,2 сонлари, 12,15-бетлар.
217. Ўзбек адабиёти тарихи. 1 жилд, Тошкент, "Фан", 1978.
218. Ўзбек адабиёти тарихи. 2 жилд, Тошкент, "Фан", 1978.
219. Ўзбекистон педагогикаси антологияси. Тошкент, "Ўқитувчи", 1995, 464-бет.
220. Ўзбек педагогикаси тарихи (А.Зуннунов умумий таҳрири остида), Тошкент, "Ўқитувчи", 1997, 272-бет.
221. Урта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар (А.Зуннунов умумий таҳрири остида). Тошкент, "Ўқитувчи", 1996, 348-бет.
222. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Аловуддин Мансур). Тошкент, 1992, "Камалак", 544-бет.
223. Н.Қобулов. Хоразм адабий муҳити. 1 китоб, Урганч, 1992, 137-бет.
224. Т.Қиличев. Қуҳна қалғалар диёри. Тошкент, "Ўқитувчи", 1993, 79-бет.
225. Н.Комилов. Нажмиддин Кубро. Тошкент, "Мерос", 1995, 59-бет.
226. А.Қаюмов. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино. "Ўзбекистон", Тошкент. 1987, 153-бет.
227. Р.Қодиров., Р.Алимова. Аждодларимиз ҳикояси. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1992, 24 апрель, 4-бет.
228. Ф.Ғанихужаев. Табибий. Тошкент, "Фан", 1978, 79-бет.
229. Ғ.Ғафуров, Н.Ҳақимов, Б.Алиев. Маданият ва жамият. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993, 94-бет.
230. М.Ҳамидова. "Қулёзма баёзлар" адабий манба, Тошкент, "Фан", 1981, 123-бет.
231. Ҳадислар. Тошкент. "Камалак", 1991, 133-бет.
232. Х.Ҳомидов. Олис-яқин юлдузлар. Тошкент, "Ўқитувчи". 1990, 143-бет.
233. Х.Ҳомидов. Аждодлар сабоги ақл қаймоғи. Тошкент, "Чулпон". 1998, 109-бет.
234. Х.Ҳомидов. "Шоҳнома"нинг шуҳрати. Тошкент. 1991, 67-бет.
235. Ҳофиз Хоразмий. Тошкент. 1981, 303-бет.
236. Х.Ҳасанов. Урта осийлик географ ва сайёҳлар. Тошкент. "Фан", 176-бет.
237. Ҳикматлар гулдастаси. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983, 357-бет.
238. С.Ҳасанов. Илм ва ахлоқ. Тошкент. "Ўзбекистон", 1977, 23-бет.
239. С.Ҳасанов. Мунисликнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қараши. Тошкент. "Ўзбекистон". 1979, 24-бет.

240. С.Ҳасанов. Хоразм мутафаккирлари таълим-тарбия тугрисида. Тошкент. "Уқитувчи", 1985, 37-бет.
241. Хасанов С. Общественно-политические и просветельские идеи Аваз Отар-Оғлы. Ташкент. "Уқитувчи", 1985, 33-стр.
242. С.Ҳасанов. Хоразм мутафаккирларининг педагогик мероси. Тошкент. "Уқитувчи", 1991, 63-бет.
243. С.Ҳасанов. Хоразм мутафаккирларининг маърифий-ахлоқий қарашлари. "Совет мактаби". 1991 йил, 12 сони. 19,21-бетлар.
244. С.Ҳасанов.Паҳлавон Маҳмуд инсонпарварлик тугрисида. "Халқ таълими". 1992 йил, 4,5-сонлари, 31,33-бетлар.
245. С.Ҳасанов. Авестода ахлоқий-таълимий қарашлар. "Халқ таълими". 1992 йил, 6,7-сонлари, 19,21-бетлар.
246. С.Ҳасанов., Ф.Расулова. Аваз Утарнинг маърифий-тарбиявий қарашлари. Тошкент, "Уқитувчи", 1992, 34-бет.
247. С.Ҳасанов. Халқ оғзаки ижоди тарбия воситасидир. "Бошланғич таълим", 1993, 5,6-сонлар, 19,21-бетлар.
248. С.Ҳасанов. Туркистонда уқиш-уқитиш ишлари тарихидан. "Халқ таълими", 1993, 8,9-сонлар, 23,27-бетлар.
249. С.Ҳасанов. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. Тошкент, "Уқитувчи", 1993, 136-бет.
250. С.Ҳасанов., Жадид тарбияшунослиги асослари. Тошкент, "Уқитувчи", 1994, 123-бет.
251. С.Ҳасанов., Абу Бакр ал-Хоразмийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари. "Халқ таълими". 1994 йил, 3,4-сонлар, 33,35-бетлар.
252. С.Ҳасанов. Ҳунар-зар, ҳунарли-заргар. "Бошланғич таълим", 1995, 5,6-сонлари, 17,18-бетлар.
253. С.Ҳасанов. Замахшарийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари. "Халқ таълими", 1995 йил, 5-сонлар, 13,15-бетлар.
254. С.Ҳасанов., Огаҳий ва узбек миллий уйинлари. "Бошланғич таълим", 1995 йил, 9,10-сонлар, 23,24-бетлар.
255. С.Ҳасанов. Хоразм маърифати-олам кўзгуси. Тошкент. "Уқитувчи", 1996 йил, 304-бет.
256. С.Ҳасанов. Хоразм - қадимги маданият учоғи. "Гулистон", 1996 йил 6-сон, 36,41-бетлар.
257. К.Ҳошимов., С.Нишонова. С.Иномова., Р.Ҳасанов. Педагогика тарихи. Тошкент, "Уқитувчи", 1996, 440-бет.
258. С.Ҳасанов. Беруний бисоти. "Бошланғич таълим", 1997 йил. 1-сон, 34,35-бетлар.
259. О.Ҳасанбоева., Ж.Ҳасанбоев., Х.Ҳамидов. Педагогика тарихи. Тошкент."Уқитувчи", 1997, 248-бет.
260. С.Ҳасанов. Олис-яқин юлдузлар (Маъмун академияси тарихига бир назар). "Ҳаёт ва қонун", 1998 йил, 4-сон, 23,29-бетлар.
261. С.Ҳасанов. Суянч тоғи, ишонч боғи(Паҳлавон Маҳмуд фалсафаси). "Мулоқот", 1998 йил 2-сон, 31,34-бетлар.
262. С.Ҳасанов. "Авесто"- ҳуқуқ манбаи. "Қонун номи билан", 1998 йил 1,2-сонлар, 78,80-бетлар.

263. С.Ҳасанов. Оила ва никоҳ қонунчилигининг илк илдиэлари. “Қонун ҳимоясида”, 1998 йил, 5,6-сонлар, 33,36 -бетлар.

264. С.Ҳасанов. “Авесто”-ҳуқуқ манбаи. “Мулоқот”, 1999 йил 1-сон, 47,51-бетлар.

265. С.Ҳасанов. “Ота угил шундай булиши керак...” Ёхуд Мангуберди давлатида маъмурий бошқарув ва қонунчилик. “Қонун ҳимоясида”, 1999 йил 3-сон, 50,55-бетлар.

266. С.Ҳасанов. “Авесто”нинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти. “Қонун ҳимоясида”, 1999 йил 4-сон, 43,45-бетлар.

267. С.Ҳасанов. Огаҳийдай даҳолар қайтди... “Гулистон”, 1999 йил 3-сон, 54,55-бетлар.

268. С.Ҳасанов. Миллий озодлик қаҳрамони (Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан). “Гулистон”, 1999 йил 6-сон, 54,55-бетлар.

269. С.Ҳасанов. Огаҳийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. “Қонун ҳимоясида”, 1999 йил 7-сон, 39,42-бетлар.

270. С.Ҳасанов. “Алпомиш” дostonида аёл ахлоқ тимсоли. “Қонун ҳимоясида”, 1999 йил 9-сон, 39,42-бетлар.

271. С.Ҳасанов. Маънавий-ҳуқуқий мерос. “Ҳаёт ва қонун”, 1999 йил 77,84-бетлар.

272. С.Ҳасанов. “Илмимни зиёда қил!” Хоразмнинг фозил кишилариани ана шу гоё бирлаштирган ва жаҳонаро машҳур этган. “Қонун ҳимоясида”, 1999 йил 11,12-сонлари, 34,37-бетлар.

## МУНДАРИЖА

Кириш ..... 6

### **I БОБ. ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ ХОРАЗМДА МАЪРИФИЙ-ТАРБИЯВИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ**

- 1-§. Қадимги Хоразмда маърифий-тарбиявий фикрлар шакл-  
ланиши ва ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва  
маънавий- маърифий асослари .....12
- 2-§. Хоразмнинг энг қадимги ёзма ёдгорликларида таълим-тарбия  
масалалари .....21
- 3-§. Хоразм мутафаккирларининг таълим-тарбияга доир қараш-  
ларида халқ педагогикаси аъёналарининг акс этиши ..... 32

### **II БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЕДА УЙҒОНИШ ДАВРИ (IX-XII ВА XIII-XVI АСРЛАР)ДА ХОРАЗМ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МАЪРИФИЙ- ТАРБИЯВИЙ ҚАРАШЛАРИ**

- 1-§. Хоразм мутафаккирлари маърифий-тарбиявий қараш-  
ларининг шаклланиши ва ривожланишига ислом маъна-  
виятининг таъсири ..... 48
- 2-§. Хоразмда ташкил этилган Маъмун академияси олимлари  
маърифий-тарбиявий фикрларининг умумбашарий  
аҳамияти ..... 70
- 3-§. Тасаввуф намояндаларининг комил инсонни тарбиялаш  
туғрисидаги фикрлари ..... 84
- 4-§. Хоразм мутафаккирлари маърифий-тарбиявий қараш-  
ларининг етакчи хусусиятлари ..... 101

### **III БОБ. XVII- XIX АСРЛАРДА ХОРАЗМДА МАЪРИФИЙ- ТАРБИЯВИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ**

- 1-§. Хоразм мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбия  
масалаларига доир қарашлари ..... 139
- 2-§. Хоразм мутафаккирлари қарашларида маърифий-дидактик  
масалалар талқини ..... 151

3-§. Хоразм мутафаккирлари таълимотида инсон камолотида меҳнат тарбияси ва касб - ҳунар таълими қарашлари .....	160
--	-----

**IV БОБ. XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ ХОРАЗМ  
МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ УМУМПЕДАГОГИК  
ВА ДИДАКТИК ҚАРАШЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ**

1-§. Хоразм маърифатпарварлари умумпедагогик қарашларининг моҳияти .....	168
---	-----

2-§. Хоразм маърифатпарварлари дидактик қарашларининг асосий йуналишлари .....	192
---	-----

<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>202</b>
---------------------	------------

<b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>	<b>209</b>
---------------------------------------	------------

# СОЛИЖОН ҲАСАНОВ

## ХОРАЗМ МАЪНАВИЯТИ ДАРФАЛАРИ

*Илмий-оммабоп нашр*

Муҳаррир                    **Шарофат ИСКАНДАР қизи**  
Рассом                      **Зиёд АБДУРАСУЛОВ**  
Техник муҳаррир        **Марҳабо МИРИЛЁСОВА**

Босмахонага берилди 3.02.2001й. Босишга рухсат этилди 4.05.2001й.  
Қогоз бичими 84X108/32. Босма табағи 7,0. Нашр табағи 12,0.  
Адади 1000. Буюртма №262. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Адолат” нашриёти.  
Тошкент 700170. Муҳитдинов кучаси, 26-уй.

ООО “Matbaa tongi” босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Усмон Носир кучаси, 25-уй.